

ШОХРУХ-МИРЗО  
РАҲМОНОВ

*Ўрганишни ўрганиш*

# МУКАММАЛ ХОТИРА

ЁХУД МИЯНГИЗ  
ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ  
ҚАЙТА ҚАШФ  
КИЛИНГ

- Хотирани чархлаш
- Исмларни эслаб қолиш
- Нутқни эслаб қолиш
- Хотирамизнинг 7 хатоси
- Тезроқ ўқишни ўрганиш
- Интеллект, хотира, мусиқа
- Хотирамизни сусайтирувчи омиллар
- Ақл харитаси



Шохруҳ Мирзо  
Раҳмонов

---

МУКАММАЛ  
ХОТИРА  
ёхуд миянгиз  
қобилияларини  
қайта қашф қилинг

---



  
ЯНГИ АСР АВЛОДИ  
ТОШКЕНТ  
2014

**УЎК: 159.953.4**

**КБК: 88.3**

**P - 33**

**Раҳмонов, Шоҳруҳ Мирзо**

Муқаммал хотира / Ш.М.Раҳмонов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. – 284 б.

Тақдим этилаётган китоб инсон хотирасининг имкониятлари, сир-синоатлари ҳақида. Шунингдек, ушбу китобда сиз миянгиз қобилиятларини шакллантириш, хотирангизни ўткирлаштириш ва ўрганиш имкониятларингизнинг нималарга қодирлиги ҳақидаги маълумотлар билан танишасиз. Ҳар бир бобда келтирилган мавзулар юзасидан машқлар ва тавсиялар орқали ёдлаш қобилиятингизни муқаммаллаштирасиз.

Бунда сиздан талаб қилинадигани ўз устингизда ишлашингиз ва ҳаракат қилишингиздир.

Унутманг, сиз қобилиятли инсонсиз. Умид қиласизки, мазкур китоб сизнинг яширин қобилиятларингизни юзага чиқарада ҳамда ўзингизга бўлган ишончингизни мустаҳкамлайди.

**УЎК: 159.953.4**

**КБК: 88.3**

ISBN 978-9943-27-183-8

© «Муқаммал хотира». «Янги аср авлоди», 2014 йил.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши ўрнида .....	5
Кириш .....	7
Хотира – илм, хотира – санъат .....	8

### *БИРИНЧИ БЎЛИМ. НАЗАРИЯ: АСОСИЙ МЕЗОНЛАР*

<b>Биринчи боб.</b> Мия .....	13
<b>Иккинчи боб.</b> Хотира илми ва санъати .....	33
<b>Учинчи боб.</b> Хотиранинг асосий қонунлари .....	48
<b>Тўрттинчи боб.</b> Тақоролаш кучи .....	66
<b>Бешинчи боб.</b> Мантиқий тафаккур .....	75

### *ИККИНЧИ БЎЛИМ. АМАЛИЁТ: ҲАЁТГА ТАТБИҚ*

<b>Биринчи боб.</b> Машҳур Мнемоникалар .....	83
<b>Иккинчи боб.</b> Энг оддий система – Рақам-шакл системаси .....	90
<b>Учинчи боб.</b> Занжир системаси .....	93
<b>Тўртгинчи боб.</b> Хотира саройи .....	98
<b>Бешинчи боб.</b> Мажор системаси .....	107
<b>Олтинчи боб.</b> Телефон рақамлари ва турли номерларни эслаб қолинг .....	112
<b>Еттинчи боб.</b> Тарих ва саналар .....	118
<b>Саккизинчи боб.</b> Янги тилни ўрганиш – сўз бойлигини ошириш демак .....	129
<b>Тўққизинчи боб.</b> Исларни эслаб қолиш .....	143
<b>Ўнинчи боб.</b> Нутқни эслаб қолиш .....	152
<b>Ўн тўрттинчи боб.</b> Тақдимот (Презентация) қилиш санъати ..	162
<b>Ўн иккинчи боб.</b> Шеърият оламига саёҳат .....	168
<b>Ўн учинчи боб.</b> Йўналишни ол .....	180
<b>Ўн тўрттинчи.</b> Фикрлар патниси .....	186

<b>Үн бешинчи боб.</b> Хотирамизнинг 7 хатоси .....	189
<b>Үн олтинчи боб.</b> Бошқа соҳаларга аралашинг... ёки хоҳлаган ахборотни эслаб қолинг!	196
<b>УЧИНЧИ БҮЛЛМ. ХОТИРА АТРОФИДА СУҲБАТ</b>	
<b>Биринчи боб.</b> Ўрганишни ўрганиш .....	211
<b>Иккинчи боб.</b> Тезроқ ўқишни ўрганинг .....	229
<b>Учинчи боб.</b> Хотирамизни сусайтирувчи омиллар .....	239
<b>Тўртинчи боб.</b> Интеллект, Хотира, Мусиқа .....	257
<b>Бешинчи боб.</b> Анти-Қарилик .....	269
Хотима ўрнида .....	275
Илова .....	277
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	281

*Бу китобни ота-онамга багишлайман,  
уларга фарзандлик эҳтироми билан  
таъзим қиласман.*

## СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Бу китоб хотирани тадқиқ этиш бўйича 5 йилдан бери олиб бораётган изланишларим ва миямиздан фойдаланиш усуллари бўйича дунёқарашимни акс эттиради.

Аввало, мени доимо қўллаб-қувватлаб тургани учун ота-онамдан миннатдорман. Улар борки, менинг баҳтим бутун бўлади. Сингилларим Мадинахон ва Диёранинг хайриҳоҳлиги менга ҳар доим далда бўлди. Санжар ва Сардор акамлардан, Умида момом ва Райёнахон синглим, келинойим ҳамда оиламиз баҳтининг бир бўллаги, жажжи Заҳробегимдан ҳам миннатдорман. Энг яқин дўстларим Ўткирбек Абдуқодиров, Шоҳаббос Абдуазимов, Сарварбек Алижонов ва Аллаёр Мамбеткаримовларнинг руҳан қўллаб тургани ҳам менга ҳамиша мадад беради. Мактабдаги устозларим Зиёда опа, Баҳром ака, Марғуба опа, Одина опа, Фарида опа ва ҳар доим маслаҳатлари билан бизни қўллаб-қувватлаган Моҳидил опага ўзимнинг шогирд сифатида самимий миннатдорчилигимни билдираман. Андижондаги 36-ихтиослаштирилган мактаб-интернати директори Умида опага алоҳида ташаккур айтаман ва барча мактаб аҳлига меҳр билан таъзим қиласман. Уларнинг берган фундаментал билимлари ўлароқ мен шу китобни ёзиш даражасига етдим, деб ўйлайман.

Инглиз тилидан ўқув маркази раҳбари Геннадий Морозвога алоҳида миннатдорчилик билдираман. Ўқув марказидаги ўқитувчилар Яҳё Зияев, Феруза Сакибаева, Аъзамбек Нуралиев, Иқболжон Қосимовларга, шунингдек, бу соҳа-

даги тадқиқотларимга бош-қош бўлган Беҳзод Тошбоевлар номини алоҳида эҳтиром билан тилга олган бўлардим. Мен қувват назариясига ишонаман, сиз қанчалик муваффақиятли инсонларга яқин юрсангиз, уларнинг муваффақият қозониш қуввати сизга ҳам юқади. Юқорида таъкидлаган инсонлар айнан менинг қувват манбаим ҳам бўлган.

Олий ўқув юртидаги хайриҳоҳ ҳаммаслакларим, Умид Аскҳанов, Алишер Қосимов, Бобур Муродуллаев, Жаҳонгир Исоқов, Улубек Абдуқаюмов, 101-гуруҳдаги курсдошларим Алишер Ахмуратов, Ҳабибулло Саримсоқовларга ҳам ташаккур айтаман. Шогирдим Ҳусниддин Исмоилов ва журналистика бўйича ўналишлар берган Доно Каримоваларга ҳам, шунингдек, менга доимо илҳом бағишилаб, ўз тавсиялари билан ўртоқлашган кўплаб ўқувчиларим ва китобда исми қайд этилмаган, лекин фикрлаш тарзи билан менга бевосита ижобий таъсир қилиб, камолотга интилишимга сабаб бўлганлардан миннатдорман.

Барча синфдошларим ва дўстларимга фурсатдан фойдаланиб ташаккур айтаман. Абдураҳмон Юнусалиев, Бобур Абдураҳмонов, Дилшод Комилов, Бобур Мамасодиқовларга, ҳаётимнинг бир қисми бўлган яқинларим ҳамда қариндошларимга ҳам миннатдорчилик билдираман.

Сингапур Менежментни Ривожлантириш Институтининг менга кўмак берган барча ходимларига ҳам алоҳида ташаккур айтаман. Шундай қилиб, «Янги аср авлоди» нашриёт уйининг кўмаги или ушбу китоб сизга тақдим этилиш даражасига етди.

*МУАЛЛИФ*

## **КИРИШ**

Хотира – муваффақиятингиз ва ҳаётдан лаззат олишин-гизда калит бўлиши ёки аксинча, хатоларингиз учун сабаб бўлиши мумкин. Деярли ҳар бир одам хотирага тааллуқли мана шу икки ҳолатни бошдан кечиради. Дейл Карнегининг таъкидлашига кўра, ўртача инсон ўз миясининг ишлаш жараёнини билмагани учун хотирасидан нолийди.

Ҳаётда ҳамма ҳам кимданdir ёрдам сўрагиси, йўл-йўриқ олгиси келади, лекин, кўпинча шундай одамнинг ўзи йўқлигидан кишининг ҳафсаласи пир бўлиши ҳам рост. Шукурки, теграмда шундай мададкор инсонлар бор. Бу китоб ҳам уларнинг маслаҳати ва кўмакларининг самараси ўлароқ дунёга келди, десам муболага бўлмайди. Ўйлайманки, бу китобдан хотира ҳақидаги саволларингизнинг деярли барчасига жавоб топасиз. Бунда сизнинг ҳаётингизда муҳим ўрин тутиб, зарур пайтларда асқотувчи маълумотлар мужассамланган, ўқиётганингизда ўзингизга, хотирангизга нисбатан эътиборли бўлсангиз кифоя – вақт ундаги хазинани сизга бирмабир инъом эта боришига ишончим комил.

## **ХОТИРА – ИЛМ, ХОТИРА – САНЬАТ**

Ёшлигимдан доимо хотира, тез кўпайтириш ва инсон миясининг ҳадсиз имконларидан таажжубланиб келганман. Мия фаолиятига оид қандай маълумот бўлмасин, мароқ билан ўқийман. Наполеон, Искандар Зулқарнайн, Навоий бобомизнинг хотираларига ҳавас қиласадим. Форобий 70 та тилни билганини эшитганимда ҳайратдан иккиланиб ишон-қирамай қолганман. Буларнинг барчаси мурғак онгимда саволларни юзага келтиради: наҳотки, мен уларчалик хотира эгаси бўла олмасам? Улар бунга қандай эришган? Менчи, мен эриша оламанми? Табиатан берилувчи иқтидор кучлими ёки ҳаётий жараёнларда тобланган мияни вужудга келтирувчи тарбиями?

***Менинг муаммоларимга сиз ҳам дуч келасиз!***

Кўп ҳолатларда мен ўзим танишган инсоннинг исмини эсдан чиқариб қўярдим, ҳатто, баъзан бошқа исмни айтиб хижолат бўлганман. Шунингдек, телефон ёки машина рақамларига эътибор бермасдим, хотирамда сақлашга уринмасдим, негаки уларни эслаб қолиш мен учун қийин бўлиб, бу менда стрессни пайдо қиласади. Ёдлаган шерьнимни доскага чиққанимдан кейин унугиб қўярдим, аълочи ўқувчи бўлсан ҳам хотирамга тегишли муаммолар «бoshimdan oshib etganimni» ўзим билардим. Китоб ўқийман, қаҳрамонларининг исмлари ёдимда қолмайди ёки телефонимни қаерга қўйганимни эслолмайман. Хотирани мустаҳкамловчи дори ичдим, ўзимча у менга мўъжизали тарзда таъсири қиласидигандек бўларди. Шу туфайли маълумотларни миямга ўринашиб қолишини истардим, айниқса, абитетриентлик пайтимда бу истак анча-мунча кучли бўлгани рост.

Кейинчалик билсам, хотирасидан нолиган одам бир мен эмас эканман. Шундан сўнг бу муаммога ечим топишга киришгим келди. Шу истак бу борадаги тадқиқотларим учун асосий туртки бўлди. Тадқиқотда ҳам, оддий қизиқувчиларга хос ўрганишда ҳам, услуб ўзига хос ўринга эга бўлади – мен хотирани ўрганиш жараёнида ўзим учун қулай бўлган

йўналишни ишлаб чиқишига уриндим. Эътибор берганмисиз, ўқув даргоҳларида бизга берилган маълумотларни ёдлашимиз шартлигини айтишади, лекин уларни қай тариқа ёдлаш мумкинлигини айтишмайди – бу китоб сиз учун айни шу мақсадда тавсия қилинади, сизга маълумотни қандай қилиб ёдлашга кўмак беради.

## **ХОТИРАНГИЗ ҲАҚИДА САВОЛИНГИЗ БОРМИ? УНДА КИТОБ АЙНАН СИЗ УЧУН ТАҚДИМ ЭТИЛМОҚДА!**

Ўнинчи синфда ўқиб юрганимда танишларимдан бири – Беҳзод ака Тони Бузаннинг «Миянгиздан фойдаланинг» деб номланган китобини берди. Шу китоб хотира ҳақидаги билганларим – тасавурларимни остин-устун қилиб юборди. Мен хотирамизни нақадар кам ишлатишимииздан, негадир, уялдим... Орадан йиллар ўтди, мана, мен Бутунжаҳон Хотира Чемпионатида қатнашиб, 5 дақиқа ичида 200 та рақамни сув қилиб ичадиган даражага етдим, мнемоника техникаларини ўрганиб чиқдим (*мнемоника – хотирамизда маълумотларни эслаб қолишида ёрдам берадиган техникалар мажмуси*). Юқорида таъкидланган муаммоларни эса деярли енгдим.

Мактабдаги фан олимпиадаларига қатнашиб юрганимда кучли хотира соҳибларини кўриб-билиб лол қолганман, улар китобни ўша – ёзилганидек қилиб айтиб бера оларди. Шундай иқтидор соҳибларидан бири билан суҳбатлашдим – бу мен учун баҳт эди. Биласиз, одам доим ҳам баҳтга тўймай қолади. Сўнг телефон орқали гаплашиб, ундан хотира бўйича маслаҳатлар сўрамоқчи бўлганимда, у илтифот билан менинг илтимосимни рад қилди ва мен учун хотиранинг ўзи керак бўлмаслигини айтди. Эҳтимол, мен уни тушунмагандирман ёки шунчалик қийин деб билгани – бу билимлар билан бошим қотишини истамай, мени аягандир балки. Айнан шу муносабат менинг хотирага қизиқишимни янада аланталатди, бу менинг энг катта эҳтиёжимга айланди.

Кейинчалик, китоб дўконларини қараб чиқдим «Self-help books»ларни, шунингдек, 100 дан ортиқ электрон ва босма нашрларни кўздан кечирдим, интернетдаги 500 дан ортиқ

мақолаларни атрофлича ўрганиб чиқдим. Шунда бу соҳада ўзбек тилида ёзилган бирорта китоб йўқлигини, бунга эҳтиёж нақадар катталигини англадим – демак, биринчи қадам ташланиши керак! Шу тариқа инсон хотираси ҳақидаги китобни ёзиш журъатини ҳис қилдим.

Ёшлигимдан кўп савол беришга ўрганганман – нимага, нега ёки савол аломати билан тугайдиган бошқа қизиқишиларимнинг охири йўқ эди. Эндиликда, негадир, ўзимга савол беришни яхши кўраман: нега биз рақам, сўз ва гапларни эслаб қола олмаймиз, дейман. Бу саволга жавобни мен Жошуа Фоернинг бестселлери «Moonwalking with Einstein» китобидан топдим. Унга кўра, бизнинг хотирамиз замонавий дунёга мос келмайди. Эволюцион биологияга кўра, кўриш, юриш ва бошқа бизнинг деярли барча биологик қобилиятларимиз сингари хотирамиз ҳам табиий танланиш орқали умуман бошқача бўлган атроф-муҳитда ривожланган.

Буларнинг барчаси 1,8 миллион йиллар аввал ов қилиш, патриархат ва матриархат, ибтидоий жамоа тузумида ихтинослаша бошлаган. Кейинчалик ёзув пайдо бўлди ва рақамлар кашф этилди. Уларнинг барчаси миямиз учун янгилик ва ҳозирги ахборот асри эса шунчаки, миямиз билан чиқиша олмайди. Аждодларимиз рақамлардан фойдаланишмаган, телефон рақамлари бўлмаган ёки гапларни сўзма-сўз ёдлаб қолишга уринишмаган, ўқишига кириш учун тарих фанидан ўн битта китобни хронологик тартиб билан ёдлашларига тўғри келмаган. Уларда мақсад бошқа – овқат ахтариш ёки уйга йўлни топиш бўлган. Мақсад эса одамнинг қизиқишини акс эттиради, демакки, ҳаммаси бир foяга бориб тақалади: миямиз қизиқишиларимиз асосида – ранг-баранг, роҳатбахш жозибага эга нарсаларни тезроқ қабул қилиш асносида ривожлана боради.

## **Илмий-оммабоп ёки ноадабий китоб**

Ўртacha илмий мақолани етти киши ўқииди, деб фараз қилсак (бу саноқнинг ичига муаллифнинг яқинлари ҳам киради), оммавийлик нуқтаи назаридан жуда оз ахир бу. Омма

эса бундай манбага эътибор ҳам бермайди. Шунинг учун, менинг қизиқишим илмий адабиёт ва оммани боғлаш бўлди. Бу менинг амалий психологияга қизиқишим туфайли пайдо бўлди, албатта. Шу жиҳатдан китоб илмий-оммабоп йўналишда ёзилди ва ўзимга ёқсан бир қанча усувларнинг жамланмасидан таркиб топди.

Китоб уч бўлимдан иборат. Дастрраб назарий бўлим, кейин эса амалий аҳамиятга эга маълумотларни тартиб билан жойлаштиришга ҳаракат қилдим. Унинг асосий фоявий мақсади – ҳар бир инсон хотирасини мустаҳкамлай олишига, бунга ўзида ишонч топа олишига кўмаклашиш бўлиб, у ҳар бир одамга ўз хотираси мукаммал эканидан дарак беради. Китобга шундай тартиб берилганки, мундарижага қараб ўзингиз учун муҳим бўлган жойидан мутолаага киришингиз мумкин. Ҳар бир мавзу ва маълумот, ўз ўрнида, сиз учун муҳим аҳамиятга эгалигини унумаслигингизни эслатаман.

Айрим ўринларда, келтирилган тавсиялар китобхонга жудаям жўн, содда бўлиб кўриниши мумкинлигини олдиндан айтиб ўтишни истардим. Лекин бу ҳолат дастрлабки таассурот – шу каби содда йўл билан сизни хотирангиздаги ажойиботу гаройиботлар билан таништиришга киришаман. Умуман олганда, сиз хотирага оид техник кўникмаларни ўзлаштиришни истамассиз ҳам, лекин, унуманг, ишлатимай турган неки бор – ўз мавжудлигини йўқота боради. Аммо бу китобдаги тавсиялар билан бирга ҳаракатга киришсангиз хотирангизни ўн-ўн беш баравар мустаҳкамлай оласиз.

Китобнинг кўп бетдан иборатлигига ҳайрон қолманг, сиз уни вақtingизга қараб, бобма-боб ўқисангиз бўлади. Боблар шундай тузилганки, асосий қонунни тушунганингиздан кейин, шу қонулар бошқа бобларда такрорланади ва бу сизда китобни бир ўтиришда эмас, мавриди билан ўқиб бориш имконини беради. Китобдаги боблар нисбатан мураккаблашиб боради. Ундан ташқари, китобдаги машқларни бажариш оқибатида берилган маълумотларни ҳаётда синаб кўриш имкониятига эга бўласиз, ўқисангизу, аммо уни ҳаётда қўллаб кўрмасангиз, демак, бу китоб сизга фойда берма-

ган бўлади, ахир. Айрим бобларда эса қизиқарли маълумотларга оид далиллар бор, уларни «Қизиқ далил» деб номладим.

Одатда, яхши ёки ёмон хотира бўлмайди, шаклланган ёки шаклланмаган хотира бўлади. Мазкур китоб мутолаасидан кейин сиз шаклланган хотира соҳиби бўласиз. Унутманг, шунчаки ёдлашнинг ҳожати йўқ, ёдлаш – мақсад билан амалга оширилиши керак. Аниқ мақсад билан ёдлаш мақсадсиз ёдлашдан доимо устун туради. Таассуротингиз ижобий томонга ўзгартиришига умид қиласман ва китоб билан биргаликда сизни хотирангиз оламига уюштирилажак мароқли саёҳатга таклиф қиласман.

«Муқаммал Хотира» ҳеч қачон сизни ўз-ўзидан кучли хотира соҳиби қилиб қўймайди – китобдаги хотирани ишлатишга оид техник кўнікмаларни қунт билан ўзлаштирибигина сиз шу даражага кўтариласиз. Китобнинг асосий гояси – ҳар бир инсон хотирасини мустаҳкамлай олишига ва бунга ўзида ишонч топа олишига қаратилган. Биргаликда шуни уддалай олсақ, хотиранинг муқаммаллигини исботлашга киришган бўламиз.

Китобнинг «Муқаммал Хотира» деб номланиши ҳам сизни ҳеч қачон адашмайдиган, ҳар бир нарсани эслаб қолувчи хотира соҳиби қилиб қўймайди, албатта. Ундаги техникалар хотирангизни бир қадар муқаммаллаштиришга, муқаммаликка эришишига кўмак беради.

## **БИРИНЧИ БЎЛИМ**

### **НАЗАРИЯ: АСОСИЙ МЕЗОНЛАР**

#### **БИРИНЧИ БОБ. МИЯ**

*Миянгиз сиз ўйлагандан кўра  
анча кучлироқ.  
Генри Форд*


Агарда сиз мияни ўрганишни истамасангиз ва унинг иш жараёнидаги муҳим деталларни эътиборга лойиқ деб билмасангиз, кейинги бобларга ўтиб кетишингиз ҳам мумкин. Бирор жойи бузилиб қолган машинани кўз олдингизга келтиринг: уни тузатишингиз керак, лекин машинанинг қандай ишлашини, мотордаги деталлар қай тариқа ҳаракатга тушишини тушунмасдан туриб уни тузатолмайсиз. Шунинг учун, миянинг қай тариқа ишлашини билиб олсангиз, унинг яхши ишлашига оласиз.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, фикр қандай пайдо бўлади? Вонеаларни қандай қилиб эслаб қоласиз? Иқтидор ва қобилияtingиз асосида нима бор? Бу каби саволларнинг жавоби мијамида.

Ўтган асрнинг охирги йилларида мия соҳасида катта тадқиқотлар қилинди ва миямиз ҳақида 90 % маълумот қўлга киритилди, яъни ўтган 25 йилда биз 25 асрдан кўп маълумотга эга бўлдик. Демак, XX асрдан аввал инсоният миянинг тўлиқ ишлаш қобилиятидан бехабар бўлган. Буни оддийгина бир факт билан исботлаш мумкин: муаллимлар муаллими ҳисобланган Аристотел инсон фикрлаши ва туйғуларининг маркази қорин ёки ошқозон деб хулоса қилган экан. Келинг, миямизга саёҳат қиласиз.

**Биринчи бекат.** Мия инсоннинг ички коинотига ўхшайди. Сомон йўлидаги юлдузлардек миямиз ичидаги ҳам сиз тасаввур қила олмайдиган даражада кўп нейронлар жойлашган: ўртача 100 миллиард дона. Ҳар бир нейрон миямизнинг энг кичик қисми ҳисобланиб, айнан улар орқали сизнинг фикрларингиз электр токи шаклида сузиб юради. Ҳар битта нейрон шу даражада кичикки, уни оддий кўз билан кўриб бўлмайди. Инсон қўли билан ясалган компьютер ва микроскоп орқали нейронлар майда бўлиши билан бирга ўта мураккаб шаклга эгалигига гувоҳ бўлишингиз мумкин (1-расмга қаранг).

Ўша ўртача 100 миллиард нейронларнинг ҳар бирни бошқа бир нечта нейронлар билан алоқага киришади. Булар орасидаги боғланишларнинг умумий сони эса 10 нинг 800-даражасигача бўлиб, бундан инсон мияси тасаввур қилиши қийин бўлган рақамлар ҳосил бўлади. Лекин, шунга қарамай, буни тасаввурга яқин келтиришга уриниб кўриш мумкин: бир дараҳт ва бу дараҳтнинг шоҳлари бор, ҳар бир шоҳда эса шоҳчалар мавжуд, шоҳчаларда эса барглар бўлса-ю шу дараҳтлар бирор бир мамлакат ер майдонига ўтказилиб чиқилса, баргларнинг умумий майдони нейронларнинг ўзаро реакциясига teng бўлади.



**1-расм.** *Мия ҳужайралари – нейронларининг катталашибтирилган кўриниши.*

Бу нейронлар доимо бир-бири билан алоқага киришади ва ўша алоқалар бизга хотира сифатида намоён бўлади. Мабодо, алоқалар қайта ишлатилмаса, уларнинг боғлами сустлашиб, кейинчалик йўқ бўлиб кетади. Мисол учун, Мурод гитара чалиш дарсига бир неча йил қатнади ва кейин бутунлай уни ташлаб юборди. Нейронлардаги ўша боғла-нишлар ишлатилмагани учун сустлашади. Агар Мурод дарсни яна озгина тақрорласа, ўша алоқалар ўзини қайта ривожлантириш қобилиятига эга. Қанчалик қўп машқ қилинса, алоқалар шунчалик мустаҳкамлашади. Шунинг учун ҳам доимо тақрорлаб туришингиз лозим бўлади.

Кўшимча тарзда шуни ҳам айтиш жоизки, Веизман Институти илмий ходими Доктор Давид Самуэлз тадқиқоти натижасига кўра, миямида ҳар дақиқада 100 000 дан тортиб 1 миллионгача кимёвий реакциялар содир бўларкан. Яъни мия электро-кимёвий аъзо ҳисобланади. Бу дегани у кимёвий ҳамда электрик хусусиятларга эга. Электриклик мияда электр токи бор дегани эмас, балки мия ҳужайралари худди электр токи оқимлари сингари ёниб – ўчиб туриши туфайли содир бўлади. Лекин нейронлар ўзаро кимёвий боғланишга эга. Улар бир-бири билан кимёвий хабарлар орқали нейро трансмиттерлар билан алоқага чиқади. Бундай кимё хабарчиларнинг 50 дан ортиқ турлари бўлиб, айнан улар сизни фикрлашга, ҳис этишга ва эслаб қолишга ундайди. Масалан, допамин сизни сергак тутса, серотонин депрессияга тушмаслигингизни таъминлайди, аксетилхлонин асосан ўрганиш ва эслаб қолишда муҳим ўринни эгаллади. Нейро трансмиттерлар ўз навбатида **синапс** деб номланган таржимон орқали нейронлар билан ўзаро суҳбатлар олиб боради

Миянгиз 4 та қисмга бўлинади: *олд қисм, темпорал, париентал ва орқа мия*. Темпорал лобе бу эшитиш учун энг муҳим орган ҳисобланади ва 80 % одамлар миянинг шу қисми орқали тил ўрганишга мослашади. Қизиги шундаки, айнан шу қисм бошқа мавжудотларга нисбатан инсонларда 24 %га ортиқ экан. Инсониятнинг интеллектуал ривожланиши айнан шу органнинг ошишига боғлиқ. Узунчоқ мия эса бош

миянинг энг пастки қисми бўлиб, унинг қуи қисми орқа мияга, юқори қисми эса мия кўпригига туташган. Унинг узунлиги 3-3,5 см, массаси ўртача 7 г бўлади. Узунчоқ миянинг шикастланиши нафас олишнинг ва юрак ишининг тўхтаб қолишига сабаб бўлади.

Мия кўприги узунчоқ миянинг устки қисмida жойлашиб, юқори томондан ўрта мия, ён томондан мияча билан туташиб туради. Мия кўпригига, кўз соққаси ва юз мускулари ни ҳаракатлантирувчи нервларнинг марказлари жойлашган. Оралиқ мия ўрта миянинг юқори қисмida жойлашган бўлиб, бош мия катта яримшарлари билан қопланиб туради. Оралиқ миянинг таркибий қисмларига кўриш дўмбоқлари (*маламус*), дўмбоқости соҳа (*гипоталамус*) киради.

Гипокампус эса ўзингизга алоқадор, шахсий ва қисқа муддатли хабарларни узоқ муддатга ўтказиш билан шуғулланади. Агарда сиз бир нарсага кўп маротаба дучор бўлсангиз ва у жигингизга теска ҳам гипокампус уни сақлаб қолишига ҳаракат қиласди. Телевизордаги рекламаларни кўргансиз, рекламанинг пинхоний таъсири кучи бор, бу сиз қайта-қайта бир реклами кўраверсангиз, айниқса, кулгили ва ноодатий бўлса, сиз уни эсдан чиқариб юбора олмайсиз. Супермаркетга кирганингизда эса ўша реклама таъсирида маълум маҳсулотни беихтиёр харид қиласиз.

Ундан ташқари, миямизда *амигдала ва гипокампус* бор. Амигдала бодомсифат орган бўлиб, асосан, ҳиссиётларни гёёки рўйхатга олиш билан банд бўлади. Гипокампус эса фикрлашдаги эмоцияларни чиқариб беради. Уларнинг иккаласи хотирамиз учун ўта муҳим. Гипокампсунинг муҳимлигини ушбу далил билан исботлаш мумкин. Ҳ.М. – бу беморнинг исмини бош ҳарфларидан олинган бўлиб, нейрохирургияда у инсон энг машҳур бемор ҳисобланади. Ҳ.М. бемор аввал эпилепсиядан жабр кўради, кейинчалик эса докторлар ундан гипокампус ва амигдалани олиб ташлайди. Қарабисизки, бу беморнинг тутқанофи тутмай қўяди. Албатта, бу натижা муваффақият дегани эди. Аммо... ҳаёт экан: ҳаммаси биз ўйлаганчалик бўлавермайди. Операция ўзи билан бир қаторда ён-эффектларини юзага чиқарди: энди

Ҳ.Мда янгидан хотира вужудга келмади, у бундан буёғига фақат ҳозирги вақт билан яшай бошлади. Агар сиз у билан кўришиб дилдан суҳбат қилганингизда ҳам, бироздан кейин қайтадан учрашсангиз, сизни танимайди – худди эндиғина кўриб тургандек сизга пешвоз чиқади. Унинг хотираси учун энди ҳамма нарса янгилик. Хулоса шуки, инсон миясидаги амигдала ва гипокампус хотирани яратишда муҳим рол ўйнайди.

Бош мия катта яримшарларининг пўстлоқ қисми одам олий нерв фаолиятининг физиологик асоси ҳисобланади. Одамнинг фикрлаши, онги, ўзлаштириши, эслаб қолиши, бошқалар билан муюмала қилиши, маданияти, билим олиши, ҳунар ўрганиши, мураккаб ҳаракатларни бажариши мия пўстлоғининг фаолиятидир.

Миянинг ҳажми ақлий қобилиятнинг намоён бўлишига таъсир қилмайди, мабодо шундай бўлганида эди, боши катта болалар ақлли бўлган бўларди ёки аксинча. Шу хусусда яна бир далил: мияси энг оғир (2850 г) инсон ақлий нософлом бўлиб, у психиатрик клиникада яшарди.


Сиз коинотдаги энг мураккаб бўлган тананинг эгаси ҳисобланасиз. Миянгиз ҳар қандай компютердан кучлироқ ва компютердан фарқли ўлароқ у маълумотларни ҳис-туйғу, эҳтирослар билан сақлаб қолади, буни эса ҳеч бир компютер уddeлай олмайди. Энг сирли ва жуда ҳам нотўғри тушуниладиган аъзо ҳам мия. Аристотел мия ҳаттоқи қонни совуқ ушлаб туриш учун керакли аъзо деб ҳисоблаган. Гиппократ эса уни таржимон деб билган ва ҳамма фикрлар ўпка орқали бўлади деб ҳисоблаган.

**Иккинчи бекат.** Мия иккитами ёки битта? Инсонда бир эмас, иккита мия борлигининг маълум бўлиши ўтган асрнинг энг катта кашфиётларидан бири бўлди. Ушбу мияларнинг иккаласи ҳам ҳар хил вазифани бажаради. Ўтган асрнинг 60-80-йилларида инсон мияси анатомиясини ўрганиш бўйича Калифорния лабораторияларида олиб борилган тадқиқотлар натижаси бўлган бу кашфиёт Рожер Сперрининг тиббий йўналиш бўйича Нобел мукофотига сазовор бўлишига сабаб бўлди.

Сперри изланишлари натижаларига кўра, миянинг 2 яримшари ёки 2 та миянгиз Сорпус Соллосум деб номланган мураккаб нерв толалари орқали боғланган бўлиб, бу яримшарлар ҳар хил вазифани ўзаро келишиб, худди бўлиб олишгандек бажаради (2-расмга қаранг).

Кўп инсонларда миянинг чап томони, биз назарда тутаётган фанга оид вазифаларни бажаради – тил, мантиқ, рақамлар, анализ, кетма-кетлик, яъни чап яримшарнинг асосий мутахассислиги мантиқий фикрлаш. Ўнг томон эса ритм, мусиқа, тасвир, тасаввур, ўлчов каби ранг-барангликни ўзида намоён этади. Чап томон қонунийликни яхши кўрса, ўнг тараф мантиқ чегараларидан чиқиш, ҳур фикрлаш каби вазифаларни ўз ичига олади. 2-расм шу фарқланишни аниқ кўрсатиб беради.

Мия пўстлоғининг турли қисмларида ҳар хил вазифаларни бошқарувчи нерв марказлари жойлашган. Чунончи, пўстлоқнинг энса қисмida кўриш, чакка қисмida эшитиш, пешана қисмининг остики ичкари соҳасида ҳид билиш, тепа қисмидаги олдинги марказий пуштасида ҳаракат, орқа марказий пуштасида тана терисининг сезги марказлари жойлашган.



2-расм. Ўнг ва чап мия яримшарлари.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, агар сиз чапақай бўлсангиз, сизнинг ўнг мия яримшарингиз кучли ривожланган бўлади ва мабодо ўнақай бўлсангиз, компьютерингизнинг чап бўлинмаси ўнг қўлингизга жавобгар бўлади. Биласизми, нима учун? Жавоби оддий: мия асосини ташкил қилган нейронлар X кўринишида жойлашган бўлиб, айнан шунинг учун ҳам чап томон ўнг мияга қулоқ солади.

Кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, миямизнинг кучиз жойлари ривожланиши оқибатида, унда ажойиб уйғунлашув эфекти содир бўларкан, натижада умумий ҳолда миямизнинг ишлаш қобилияти ривожланар экан. Айнан шу ҳолат Эйнштейнда кузатилган, у тасаввурини ривожлантириш орқали бошқа соҳаларда мукаммалликка эришган. Эйнштейн ўқувчилик чоғларида математика фани имтиҳонидан ўтолмайди ва ўқитувчи унинг отасига «ўғлингиз ҳеч қачон математикани ўргана олмайди», дейди. Кейинчалик Эйнштейннинг айнан математика ва физикага қизиқиши унинг тасаввурний жиҳатдан фикрлаши туфайли ривожлангани ҳақида кўплаб ҳикоялар тўқилган. Шу ҳикоялардан бирига кўра, у хаёлида қуёш атрофида эркин суза бошлайди ва айланиб-айланиб яна қуёш олдида пайдо бўлади-да, ўзига савол беради: наҳотки коинотнинг чегараси бўлса? Шу-шу у математикага қизиқиб, даҳо даражасига чиқади. Ҳеч қачон ўзингизни бирор бир фан бўйича камситманг, сизга вақт керак бўлиши мумкиндири ва шундай пайтларда Эйнштейн билан бўлган воқеани ёдда тутинг, балки сиз навбатдаги Эйнштейндирсиз?

*1-масік. Китоб ўқиши ва янги нарсаларни ўрганиши мияга ижобий таъсир қилади. Миянинг аввал «ҳара-катга келмаган» қисмларини қандай ривожлантириши мумкин? Одатда, инсонларда бир қўл – ўнг ёки чап қўли устун бўлади. Фаол бўлмаган қўлингизни ишлатиш сиздаги нофаол мия соҳасини чархлайди.*

*Иккита қоғозни олиб, биринчисига одатий ўрганган қўлингиз билан ёзинг (кўпчилик учун бу ўнг қўл), иккичи қоғозга эса бошқа (чап) қўлингиз билан ёзинг. Чап қўл билан ёзашганнингизни ўнги билан ёзилганига ўхшатишига ҳаракат қилинг. Кейинчалик ҳам шун-*

*га одатланинг, қўлингизни алмаштириб ишлатишга ва ҳаётдаги турли машқларда чап қўлни ҳам кенгроқ ишлатишга урининг. Бундай машгулот миянгизнинг ўнг яримшарини янада фаоллаштириб, қийин вазиятларда ностандарт қарорларни қабул қилишида қўл келади.*

Ҳар бир инсон ўз қобилиятидан келиб чиқиб, миясини ривожлантириши мумкин, бунга, албатта, аввало, ўзи ишонса бас. Рассом ўзи яратётган санъат асарига мос ранглар уйғунлигини топганида, мусиқачи нотага қарамасдан маҳорат билан куй чала бошлаганида, ёзувчи ўз қаҳрамонларининг нима деяётганларини эшитаётганида ўнг яримшар ишлаётган бўлади. Ижод, завқу шавқ ва эҳтирослар ўнг яримшар билан боғлиқ.

Биз мантиқий фикрлаш юқори баҳоланувчи, чап яримшари яхши ривожланган кишилар муваффақиятга эришадиган жамиятда яшаемиз. Чап яримшар устун бўлган ва мактабда берилган вазифаларни қунт билан бажарадиган, арифметик амалларни муваффақиятли уddyалайдиган болалар юқори баҳо олишади. Ўнг яримшари устун – орзуларга берилувчан, фантазияларга бой, дарсни ўзлаштириш ўрнига турли ҳикоялар тўқийдиган болалар бўлса, ёмон ўқувчи деб ҳисобланади. Чунки унинг интилишлари жамият томонидан рағбатлантирилмайди. Мия ўнг яримшари мутахассислигининг юқорида келтирилган тавсифи одамларнинг фақат 95 % итагина тааллуқлидир. Чунки тахминан 10 %ни ташкил қиласиган чапакайларнинг мутахассислигини аниқлаш анча қийин.

Шунинг учун сиз миянгиз қобилияларикашф қилмаган бўлсангиз, ҳеч ҳам қобилият шубҳа билан қараманг.

### **ФАКТЛАР ТИЛГА КИРГАНДА**

\* Мия танамизнинг 2 % ҳажмини эгаллашига қарамасдан, 20 % энергиямиз айнан бизнинг биологик компютеримизнинг доимий ишлаб туриши учун сарфланар экан.

\* Миянгиз 20 % кислороднинг ҳаммасини истеъмол қиласди. Шунинг учун ҳам тез-тез тоза ҳаводан баҳра олиш миянинг фаол ишлашини таъминлайди.

\* Миямизнинг деярли 80 %и сувдан ташкил топган. Шунинг учун доимо сув ичиб туриш даркор, сув чин маънода оби ҳаёт дегани.

\* Инсон миясининг ўртача оғирлиги 1 килограмм. Гарчи миянинг оғирлиги тана аъзоларига нисбатан енгил бўлсада, у ўзида 100 миллиард нейронларни мужассам қиласди.

\* Жисмоний оғриқлар 70 %дан ортиқ ҳолларда психологияк сабаблар туфайли пайдо бўлади, бунда миямизнинг ўзини енга олиш қобилияти оғриқни бартараф қилишда муҳим роль ўйнайди. Инсон миясининг фикрлаш кучи ва иродаси туфайли саратонни ҳам енгганига далиллар бор.

\* Асаб тизимининг мияга берадиган сигналларининг тезлиги соатига 288 километргача боради. Қариган чоғда эса бу тезлик атиги 15 %га секинлашади, холос.

**Учинчи бекат.** Миямизнинг шохлашиш хусусияти. Миямиздаги нерв толалари худди илонлар галаси каби доимий ҳаракатда ва дарахт новдалари сингари турли томонларга шохлаб кетади. Деворга чирмасиб ўсуви ўсимлик-дараҳтга эътибор берганмисиз, у кўз илғамас даражада аста-секин, муттасил тарзда ўсишдан тўхтамайди. Миямиз нейронлари ҳам шу тариқа доимий ҳаракат ва ўсишда давом этаверади.

Нейрон – худди дарахт каби шохлаб кетувчи нерв толаларидир. Икки нейрон туташган жойда синапслар пайдо бўлади. Ўша жойда нейро тренсмиттерлар, яъни майда молекулалар орқали нейронлар бир-бири билан мулоқотга киришади. Миямизда эса аслида бундай нейрон ўрмонзорлари мавжуд. Инглиз тилида бу маҳсус **Wiring** деб аталади, ўзбек тилида уни миямиздаги нейронларнинг шохлашиш жараёни деб номладим. Бу жараённи дараҳтнинг шохлаб кетиши яхши изоҳлайди. Шохлашиш биз учун қанчалик муҳим? 1994 йили баскетбол қироли, айримлар томонидан XX асрнинг энг яхши спортчиси деб топилган Майкл Жордан баскетболдан кетиб, бейсбол билан шуғулланмоқчилигини маълум қиласди. Ҳайрон қолган одамлар уни бейсболда ҳам муваффақиятли юриш қиласди, деб ўйлашди. Йўқ, ундин бўлиб

чиқмади. У бейсбол спортчисининг энг паст натижаларидан ҳам ортда қолди. Нега шундай бўлди? Бу машҳур спортчининг ўз миясини бейсбол билан мослаштира олмаганидан эмасмикан?

Бу каби саволларга 2000 йилги Нобел мукофоти совриндори Эрик Кендел аниқ жавоб бера олган бўларди. У инсон янги информация қабул қилаётганида мияда қандай воқеалар содир бўлишини кузатиб, хулоса чиқарди, бу хулоса эса бутун мавжудотга тегишли бўлиб чиққани учун Нобел мукофотига сазовор бўлди. Фикрлаётганимизда миямизда узлуксиз физиологик ўзгаришлар содир бўлади, ҳозир – ўқиётганингизда ҳам миянгизда нейронлар илонлар каби фимирлаб, чирмашиб турган бўлади. Ушбу шохлашиш оқибатида миямиз доимо банд бўлиб, шу асосда ишлашга одатланади. Майл Жордан мисолида айтиш мумкинки, баскетболга ўрганган мия бейсболда шохлашишга озгина қўйналади.

**Яна бир мисол.** Одатда, кўникмаларимиз вақт ўтиб одатга айланади, одат эса ўша шохлашиш натижасида миямизда акс этади. Масалан, АҚШнинг 16-президенти Абраҳам Линкольн хотираси ўта кучли, бетакрор нотиқ бўлган. Лекин у овоз чиқариб тақрорламасдан туриб, ҳеч бир нарсани ёд ололмаган. Бунинг оддий, шу билан бирга қизиқ бир сабаби бор – у ёш пайтида китоб камлигидан битта китоб бутун синфга овоз чиқариб ўқиб бериб турилган. Натижада эшитиб ўрганишга кўниккан ўқувчилар мияси эшитиб ёдлашни ўзига қулай услуб қилиб олади.

Бир курсдошим доимо ёзиб ўрганишни маъқул кўярди, шундай қилмаса миясида ҳеч нарса қолмас экан. Шундай қилиб, миямиз нимага кўникиб мослашган бўлса, шундай қабул қиласи. Ана энди нима учун одатларнинг ўзгариши қийинлигини тушунса бўлади – негаки, одатлар шохлашиш туфайли илдиз отиб ултургани учун мия бошқа услугуга кўнгиси келмайди. Лекин бу дегани биз миядаги шохлашишни ўзgartира олмаймиз дегани эмас, унга таъсир ўтказиш мумкин, албатта. Шунинг учун нимагаки одатланмоқчи бўлсангиз, уни тақрорлайверинг – мустаҳкамланади. У қанчалик

мустаҳкам бўлгани сари машқлар тобора осонлаша боради, негаки миянгиз шохлашиши осонлашади. Кўз олдингизга келтиринг: икки тоғ ораси. Сиз биринчисидан иккинчи тоқقا ўтмоқчисиз. Дастрлаб биринчисига арқон тортасиз, биринчиси доим қийинроқ кечади (янгиликни одатга айлантириш осон эмас), биринчисидан кейин иккинчисига арқон ташлайсиз ва тоғларнинг биридан бошқасига ўтадиган бўласиз – бошида сизни қамраган ҳаяжон ҳам йўқолиб кетади. Ўрганиш айни шундай меъёлларга асосан кечади. Одатларни ўзлаштираётган мия дастлаб шохлайди, кейин секин-аста ўша шох қалинлашади, қалинлашгани сари унга мослашиш осонлашаверади.

## **ҚИЗИҚ ДАЛИЛ! МИЯМИЗ ҲАҚИДАГИ НОТЎГРИ ТУШУНЧАЛАР – МИСТИКАЛАР**

### **1. Биз миямизнинг 2 %ини ишлатамизми ёки 10 %ини?**

Сиз бунга ўхшаган гапларни, албатта, умрингиз давомида бир марта бўлса ҳам эшитгансиз: кимдир 1 %, яна кимдир 2 % ва яна аллаким миямизнинг 10 % ини ишлатишимиизни даъво қиласди. Бу нотўғри тушунча онгимизда шунчалик илдиз отишга улгурдики, биз ҳозир ўзимизни бу орқали овунтиришгача бормоқдамиз. Бироқ, бу факт ёлғон, биз миямизнинг барча қисмларидан унумли тарзда фойдаланамиз. Мен, одатда, шундай кайфиятдаги ўқувчиларга гапларини илмий исботи билан келтиришини талаб қиласман – «Менга айнан шундай деб кўрсатилган илмий ва ишончли манбани топиб беринглар!». Албатта, ўқувчилар бундай манбани топа олишмайди. Негаки, бу илмий исботланган факт эмас, фақатгина чўпчак, холос.

Кўпчилик тадқиқотчилар 1900 йилларда чиқсан манбаларни асос қилиб келтиради. У пайтда – миямиз ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмаганимизда, амери-

калик Уильям Жеймс бир китобида шундай изоҳ ёзган эди: «*Биз миямизнинг ишлатишимииз мумкин бўлган имкониятларидан жуда оз қисмини ишлатмоқдамиз*». Шу-шу бу гап оғиздан-оғизга ўтиб, бошқа афсоналар каби сайқаллашиб, жуда катта бир нотўғри тушунчанинг пайдо бўлишига олиб келди.

Мия замонавий технологиялар орқали расмга туширилганда маълум бўладики, оддийгина фаолиятда ҳам унинг деярли барча қисмлари ишлаб тургани кўринади (қўшиқ тинглаш ёки мақолани ўқиётганингизда ҳам). Миянгиздаги ишламайдиган 90 %ни ҳеч бир асбоб билан топишнинг иложи йўқ.

## **2. Баъзи инсонлар фотографик хотира соҳиблари бўлишади.**

Баъзан фотографик хотираси бор шахслар ҳақида мақолалар ўқиб қоламан, лекин ҳали бери бундай шахсни илмий адабиёт тўлиқ текшириб, бундай қобилиятли инсон борлигига амин бўлмади. Бунга иккита сабаб келтириш мумкин: ё олимлар шундай одамларни каашф этишни истамайди ёки фотографик хотирали шахслар олимлардан ва оммадан ўзини олиб қочади. Нима бўлсаям, мен фақатгина бир инсонда шундай қобилият борлигини биламан. У ҳақида Истисноий Хотира Соҳиби ҳақидағи ҳикоямизда айтаман (гарчи унинг айнан фотографик хотирасига шубҳа қилсанда). Қолган бошқа фактларни ҳали илм исботламагунча «сариқ матбуот» деб атаб тураман.

## **3. Шуғуллантирилган хотира ҳеч нимани унутмайди.**

Хотиранинг яхши ёки ёмони бўлмайди: у ёки шуғуллантирилган ёки шуғуллантирилмаган бўлади. Қанчалик истеъодли бўлманг, шуғулланмасангиз истеъодингиз сўнади. Шу жиҳатдан мен ўз хотирамни шуғуллантирилган десам, кўпчилик мендан худдики ҳамма ахборотни А дан тортиб НГ гача эслаб қолишини кутади. Бу нотўғри, мен ўзимга керакли ахборот-

ни, мақсадли ёдлаш орқали осон ва узоқроқ муддатга эслаб қоламан ва баъзан унутиш унумли ишлашимга олиб келади. Лекин қўлимдан келмайдиган ишни талаб қилиш эса менга ортиқча босим бўлади. Шуғуллантирилган хотира эгаси шунинг учун ҳамма нарсани эслаб қолиши шарт эмас, у ҳам одам!

#### **4. Биз барча нерв толаларимиз билан бирга туғилганимиз ва асабийлаша туриб, биз уларни бирма-бир ўлдиромиз.**

Олдинлари психологлар ва докторлар аҳли биз туғилганимизда ривожланган нерв толалари билан қоламиз, деб ўйлашган. Бу нарса XX аср олимларининг ишончини қозонган ҳам эди. Шунинг учун бўлса керак, асабийлашганда нерв толалари тўкилиши ҳақида гаплар кўпайиб, бу миямизга ёмон таъсир қиласи, деб айтилган. Аммо олимлар яна шуни ҳам аниқлашдики, 21 асрда миямиз нерв толаларини қайта ишлаб чиқиши ва янгиланиши мумкин: илмий тилда нейрогенезис ёш 20 дан ошган бўлса ҳам нейронлар қайта ривожланиши бор ҳолат. Лекин (кейинги бобларда ҳам таъкидланади бу) қаттиқ стресс мия ҳужайраларига шундай таъсир этиши мумкинки, ҳеч нарса билан нейронни қайта ўстира олмайсиз.

#### **5. 40 ёшдан ошдим, энди мен деярли ҳеч нарса ўргана олмайман.**

Ҳаммамиизда, «қариган чоғимиизда миямизнинг қобилиятлари ва айниқса, хотира сусайиши бу одатий ҳол», деган тушунча ўрнашиб қолган. Тўғри, қариган пайтда миямизнинг кўп вазифалари секинлашади ва инсон кўпроқ тажрибаларга қараб фикрлайдиган бўлади, лекин илмий тадқиқотлар кўрсатдики, қариган чоғда ҳам инсон ақлий заковати юқори бўлади ва янгиликларни ўрганиш мияни янада кучли қилиб, хотирани мустаҳкам қилиши мумкин. Бу ҳақида «Анти-қариллик» деб номланган бобимизда тўлиқ ўқишининг мумкин.

## **6. Жуда кўп ёд олиш мияни тўлдириб қўяди.**

Аксинча, қанчалик кўп нарсани билсангиз, янги маълумотни ўрганиш шунчалик осон кечади, негаки, сиз энди кўплаб ассоциациялар қилишингиз мумкин бўлади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, хотирангиз ҳажми деярли чексиз ва бу ҳеч қачон миянгизни ишлашдан тўхтатиб қўймайди. Ҳисоб-китобларга кўра, ердан ойгача бўлган масофани қоғоз билан тўлдириб чиқиб, бу қоғозларга ахборотларни жойлаштирангиз ҳам хотирани тўлдириб бўлмас экан. Шунинг учун бу борада хавотирланишга асос йўқ.

## **7. Фактни фантастикадан ажратиб олинг!**

Баъзи китоблар сизни «супер хотира соҳиби» бўлишингизга, уларнинг махфий техникаларини ўрганиб, бетакрор бўлиб кетишингиз мумкинлигини таъкидлайди. Мен эса бундай демайман, бунинг иложи ҳам йўқ – бу камчилик. Амалдаги хотирангиз 7 та рақамни эслаб қолади ва хотира ўзи учун керак бўлмаган хабарларни унутади, бу оддий психология, лекин шу психологик қобилиятни янада мукаммаллаштириш мумкин. Хотиранинг сирли жойи йўқ, олимлар хотира бўйича 100 йилдан ортиқ илмий ишлар билан шуғулланиб келмоқда ва бу ҳақда минглаб китоблар нашр этилган, шунчаки, сиз бу сирдан ҳалигача воқиф бўлмагансиз, холос. Факт билан ишлашни ўрганинг!

## **8. Ривожлантирилган хотиранинг сири нимада?**

Агар интернетдан хотира бўйича курсларни қидирсангиз, хотирангизни синалган методикалар билан, супер феномал хотира эгасига айлантирамиз деб жар солишганига гувоҳ бўласиз. Аслида эса ҳеч қандай сир йўқ, ҳаммаси ўз қўлингизда, ҳаракатларингизга боғлиқ. Бу – китобдаги мнемоник техникалар ҳамда миямизнинг ишлаш тамойилларига асосланган. Шуларни ўрганиш оқибатида ҳам сиз ривожлантирилган хотира соҳиби бўласиз ва фактни фантастикадан ажратса оласиз.

## **9. Мультитасклилилік, бир вақтнинг ўзидагы күп иш билан банд бўлишни эпласа бўлади.**

Биз бу ҳақда күп эшитганмиз ва ўқиганмиз. Кимлардир Наполеонни шундай қобилият соҳиби бўлганини таъкидлашади ёки Цезарни мисол тарзида келтиришади. Аслида-чи? Аслида бундай бўлиши мумкинми? Тадқиқотлар кўрсатдики, сиз бир вақтнинг ўзидаги кўплаб машфулотлар билан шуғуллансангиз – бу сизнинг ишчанлигингизни камайтиради, унумдорлик йўқолиб кетади ва бунинг натижаси ўлароқ сиз ҳеч бир ишингизда барака кўрмайсиз. Тасаввур қилинг-а, имтиҳонга тайёрланишингиз керак, интернетда ҳам «айланиб» юрибсиз, айни пайтда телевизорни ҳам кўраяпсиз. Миянгиз, шунчаки, аросатда қолаверади.

## **10. Мияси катта бўлган инсонларнинг ақлий ривожланиши кучли бўлади, деб кўп эшитганмиз, аммо ҳозирда тадқиқотлар ундан эмаслигини исботлаган.**

Даҳо деб таърифланган Альберт Эйнштейннинг мияси бошқа оддий инсонлар миясидан кичик бўлган. Агарда ўлчов муҳим бўлганида эди, кит ва бошқа ҳайвонлар биздан-да ақллироқ бўлармиди? Эйнштейннинг калласига келадиган бўлсак, унинг даҳолигига сабаб тарзида миясининг мураккаблиги айтилган ва эътиборлиси миясининг нутқ қисми унинг тасаввурий фикрловчи қисмидан анча кичкина ва соддароқлиги аниқланган.

**Тўртинчи бекат.** Болаликка қайтиш истаги. Кимнинг ҳам болаликка қайтиши келмайди? Менимча, ҳаммаям ҳаёти давомида ёш бола бўлиб қолишни бир марта бўлса-да орзу қилади. Беғубор онлар, ҳаёт муаммолари йўқлиги, самимият ва қалбидаги «оппоқ қофоз»га бирор томчи сиёҳ тушмагани, хуллас, ҳар кунни янгиликларга бой янги саргузаштадек қарши олишни ким ҳам хоҳламайди?! Бироқ, буни қарангки, болалар мияси айнан ўрганиш ва хотира ривожланишига доир соҳада етук бир манба бўла оларкан. Олимлар

*Ҳар бир бола ижодкор бўлиб туглади,  
ўсмирликка ўтиши  
жараёнида шу  
ижодкорликни  
сақлаб қолиш –  
асосий муаммо.*

Пикассо

«ёш бола» деган тушунча билан чақалоқлар миясининг ишлаш тамойиллари ўрганиш ва хотира учун қанчалик муҳимлигини таъкидлашмоқда. Шунга асосан, мен болаларнинг қобилияти хотирани ўрганишда катталарага жуда кўп билимлар бериши мумкинлигини исботлашга ҳаракат қиласман.

## Юксак ғояларга очиқ йўл

Болалар ҳеч қандай қонунларни билмайди, уларда на ахлоқий, на фуқаровий чегара бор. Ундан ташқари, янги ғоя яратилишидаги энг муҳим жиҳат ҳисобланган **мумкин эмас** деган сўзни болалар билишмайди. Нимагадир уринишиша, «бу эҳтимол содир бўлмас» деган фикрни четлаб ўтиб, машғулотларига бус-бутун қизиқиши билан шўнғишишади. Улар қандайдир чегара бўлишини ўйлашмайди, мени энг қизиқтиргани шуки, айрим дизайн институтлари ҳозирда дизайнлик курсларига болаларни жалб этишмоқда ва уларнинг айнан **«қолипдан ташқари»**да фикрлаш хусусиятидан фойдаланмоқда.

*Муваффақиятга  
эришганлар доимо  
қизиқувчан бўлиб  
қола оладилар.  
Роберт Киосаки*

Болаликнинг қизиқишилари битмас-туганмас. Муттасил ўрганиш усули ҳам шундай бўлиши лозим, даҳолар ҳам атроф-муҳитга нисбатан айнан шундай муносабатни сақлаб қолгани туфайли буюк кашфиётларга эришишган. Шунингдек, таажжубланиш катта инсонларда борган сари камайиб бора-веради. «Ўҳ-ҳў» ёки «Эврика» деган таърифга мос ҳолатлар камдан-кам бўлади. Болалар эса доимо шундай катта қизиқиш билан атрофидаги муҳитга нисбатан таъсиричан ҳолатда яшайди.

## Үрганиш ва ривожланиш

Бир зумгина тасаввур қилиб кўринг, янги туғилган чақалоқ дунёнинг ҳеч қайси тилига тушунмайди, юришни ва ҳатто, овқат ейиши ҳам билмайди. Бир-икки йил ичидаги гапира бошлайди, уч ёки тўрт ёшда югурга олади, беш-олти ёшида саволлар бериб бошингизни оғритади: инсон учун керак бўлган деярли барча қобилиятларни бирма-бир ўрганиб чиқади. Айнан болаликда инсон мияси ривожлана бошлайди, шаклланади ва сайқалланади. 2 ва 5 ёшгача бўлган пайтдан жуда кўплаб ахборотларни қабул қиласди. Қизиқишлари ва орзулари туғилади.

Хато қилиш улар учун оддий ҳолат, хато қилмасак ўргана оламизми, ўзи? Ўзидаги болаликнинг ҳиссиётларини сақлаб қолган Эйнштейн: «*Хато қилмасангиз ҳеч нарсани ўргана олмайсиз*», деганди. Лекин бутун дунёдаги таълим тизими хато қилган ўқувчини «2» баҳо билан жазолайди, аслида эса хато қилиш ўрганиш жараёнининг бир қисми сифатида қаралиши керак. Болалар буни инстикт ва интуиция билан сезиб ҳам ўрганади.

Савол бериш-чи? Албатта, саволга жавоб топиш мушкул. Гарвард Институтида олиб борилган тадқиқотларга кўра, энг юксак муваффақиятга эришган фавқулодда иқтидорли инсонларнинг ҳаммасига хос бўлган икки хислат мавжуд – улар муваффақиятга шубҳасиз ишонишган ва доимо саволлар беришган.

## Ижодий фикрлаш

Болалар қанчалар кенг ва аниқ ижодий тасаввурга эга бўлишини ўйлаб кўрганмисиз? Жаноб Кен Робинсоннинг тадқиқоти шуни кўрсатдики, болалар ижодий-креатив фикрлаш бўйича боғчадалигига 84 % ли натижа кўрсатибди, аммо мактабга бораётган 2-синф ўқувчисида бу кўрсаткич 10 % га тушиб қоларкан. Ахир, ёшлигимизда ҳаммамиз ажойиб рассом бўлганмиз, фақатгина таълим тизимида кирганимиздан кейин, ўқитувчиларнинг «ёрдами» ва танқиди билан бу хислатимизни йўқотиб улгурдикамиз.

Шунингдек, боланинг хотирасини кучли деб ҳам била-миз, уларга нимани ёдлатсангиз, шуни ҳазм қилиб юбори-шади. Тўғри, улар ниманидир мазмунига кўра эмас, узлук-сиз тақрорлашлари эвазига ёдлашади. Чақалоқнинг мияси маълум пайтда жуда тез ўзлаштира олади, айниқса, даст-лабки 10 йил ичida болалар мана шундай имконлар мако-нида улғайишади. Болаларча қайсарлик, инжиқлик ҳам улар-нинг бошлаган ишини охирига етказишга сабаб бўлади.

### **Имитация – тақлид санъати**

Ёш болалар доимо имитация, яъни тақлид қилиш орқали ўрганади. Бу инсон ўрганишининг энг асосий белгиси ҳисоб-ланади. Ахир ҳамма ҳам тақлиднинг у ёки бу кўриниши ор-қали илк дарсларни ўзлаштиради. Мен бу борада ўқувчила-римга Озодбек Назарбековни доимо мисол қилиб келтира-ман: дастлабки қўшиқларида унинг овози устози – Муҳрид-дин Ҳолиқовга ўхшаб кетарди, кейин эса у ўзининг овозини кашф этди, ўз овози билан танилди, албатта, бу ўз устида изланишлар натижаси. Биз ўзимиз ҳавас қилган ёки идеал деб билган одамларга тақлид қилишимиз мумкин, лекин ҳеч қачон асл бўла олмаймиз. Шунинг учун тақлидни ўрганиши-нинг илк асоси деб билганимиз, кейин эса ўзимизга хосли-гимизни яратиш учун интилганимиз маъқул.

Ҳозирда жуда кўп олимлар чақалоқ мияси айнан тил ўрганиш учун жуда мос мия эканини таъкидламоқда. Чақалоқ миясини тил ўрганиш борасида чинакам механизмга қиёс қилсак бўларкан.

Институтимизга бир миллионер инсон келиб, суҳбат уюштириди. У гап орасида ҳар бир одамнинг ичida митти болакай бўлиши кераклигини ва айнан шу митти болакай унга файрат ва иштиёқ бағишлиб туришини таъкидлади. Кейинчалик билдимки, ўша суҳбатда тилга олинган болакайнинг ҳаётдаги ўрни бекиёс экан – айнан у, мантиқан қаралса, бизга фаол энергия бағишлиб туради. Ўзингиз ёки бош-қалар сабаб бўлиб ичингиздаги шу болакайнинг йўқолиб қолишига йўл қўйманг. Болаларнинг ҳаракатлари бизга ўрга-

ниш ва хотирада сақлашнинг табиий усулларини кўрсатади: тақлид санъати, ижодий фикрлаш, чексиз яратувчан фаоллик.

Одатда, инсон улғайгани сари, энди катта бўляйман, деб болаликка хос хислатлардан йироқлашишга уринади. Бу нотўғри. Аслида болаларча феъл-авторни сақлаб қолган ҳолда, мавриди билан унга тегишли ўзгартиришлар киритиб туришимиз керак бўлади. Албатта, болалар кўп нарсани катталарга қараб ўрганади, бироқ катталарнинг болалардан ўрганиши мумкин бўлган жиҳатлар ҳам талайгина.

**Ва сўнгги бекат – XXI асрда мия – янги жабҳа.** Тони Буззанинг «Use your head» деб номланган китобида «миямиз ҳақидаги кўп маълумотни 20-асрнинг иккинчи ярмида қўлга киритдик ва 21-аср айнан миямизни янада чуқур ўрганиш асри бўлади», деган таъкидлар бор. Ҳозирда чет эллардаги аксарият ўқув даргоҳларида нейрон олимлари сафи ортиб, мияга алоқадор илмий йўналишлар, инсон миясига тааллуқли тадқиқотлар кўпаяётгани бунга яққол далилдир.

2013 йилнинг 12 феврал куни Барак Обама нутқида ўз маъмурияти 10-20 йиллик муддатда **инсон мияси** тадқиқотларини ўрганиш ҳамда мия иш фаолиятини тўлиқ ҳажмда - **харитага** тушириш бўйича лойиҳа ишлаб чиқаётганини тилга олди.

Миямизда 100 миллиарддан ортиқ нейронлар мавжуд, ҳар сонияда 1000 дан ошиқ кимёвий реакциялар содир бўлади. Бу лойиҳа биздаги «суперкомпьютерни» янада яхши тушуниш, инсон хотираси, идроки, сезиш, туйфулар ва энг муҳими, онгни англаб етишга олиб келса не ажаб. Айрим олимларнинг фикрича, бу лойиҳа мия билан алоқадор бўлган Алзгеймер ва Паркинсон касалликларини тўлиқроқ тушунишга имкон бериб, шунингдек, шизофрения ва аутизмга қарши муолажа-даволаш усуллари ишлаб чиқилишига сабаб бўлиши мумкин экан.

*Агар XX аср атом  
ҳамда молекуляр  
биология  
асри бўлган бўлса, 21  
аср шубҳасиз мия  
тадқиқоти асри  
бўлади.  
Интернетдаги  
маълумот*

Худди шундай лойиҳа АҚШ тарихида олдин ҳам бўлган. Ўшанда **Инсон Ген Лойиҳа** (Human Genome Project) номли тадқиқот 13 йил давомида инсондаги генларнинг тузилиши ва унга алоқадор барча маълумотларни йифиш билан шуфулланганди. Сўнг ушбу лойиҳанинг муваффақияти ўлароқ кўпгина дорилар ишлаб чиқилиб, янги кашфиётлар қилинган эди. Биргина факт: Human Genome Projectга 13 йил давомида 3,8 миллиард доллар сарфланиб, охири 2010 йилгача 800 миллиард долларлик фойда келтирган экан. Албатта, гап бу ерда фойда ва сарф-харажат хусусида эмас, гап инсон учун ҳалигача сўроқ бўлиб турган саволларга жавоб топиш, сирларни очиб, қанчадан-қанча инсонлар ҳаётига ёруғлик олиб кириш ҳақида.

Нанотехнологлар ва невропатологларнинг таъкидлашича, уларнинг изланишлари самарасини юзага чиқаришда замонавий технологиялар айни муддао бўлар экан. Калифорния Технологик Институтидаги мажлисда Гоогле, Майкрософт компаниялари ва бир қатор олимлар замонавий компьютерлар бу лойиҳага кўмак бера олади, деган қарорга келишди. Шунингдек, инсон мияси фаолиятини **харитага** - тушириш анчагина қийин бўлиши ҳам таъкидланди. Лойиҳага турли хил давлат ва нодавлат ташкилотлар, агентликлар ва бутун дунё бўйича олимлар жалб қилиниши керак. Нима бўлганда ҳам, биринчи қадамлар қўйилди. Бу борадаги қизиқишлирим устунлиги ва ўз миямни яхшироқ тушунишга бўлган табиий чанқоқ туфайли мазкур лойиҳа менинг эътиборимни тортди. Воқеалар ривожини кузатамиз: кейинги 10 йил давомида миямиз ҳақида янада қизиқарли билимларга эга бўламиз, деган умиддаман.

Технологик тараққиёт туфайли миямизни янада яққолроқ билиб бормоқдамиз. МРТ магнитли резонанс ва яна ФМРИ – функцияли магнитли резонанслар миямизнинг деярли барча вазифаларини сантиметрлаб кўриб чиқади. XXI аср чинакам маънода мия аспи бўлиши ва кашфиётларга бой бўлиши аниқ. Айнан шундай асрда биздаги кучли восита – миямиздан нечоғлик фойдалана олишимиз ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб бораверади: USe it or LOSE it деган

нақлни эслаб ўтамиз, яъни «миянгиздан фойдаланинг, акс ҳолда уни йўқотасиз».

## ҚИСҚАЧА МАЗМУН

✓ Миянгиз сиз ўйлагандан кўра кучли ва у ҳақидаги но тўғри тушунчаларни тўғрилаб олинг. Буни фақат унинг қандай ишлаши тамойилларини тушуниш орқали уддалайсиз.

✓ Иккита мия имконингизда – миянинг шохлашини хусусияти ва болаликдаги бетиним ўрганувчи мияга бўлган эътиборингиз уни қадрлашга ундиади.

✓ Ҳар доим келажакдан умид қиласиз: мия соҳасидаги тадқиқотлар танамизни янада яқинроқ тушунишга ва унга боғлиқ саволларга жавоб топишимиизга ёрдам беради.

## ИККИНЧИ БОБ. ХОТИРА ИЛМИ ВА САНЬЯТИ

### ХОТИРА НИМА?

Одатда, бу саволга кўпчилик оддийгина қилиб жавоб беради, аслида эса бу жудаям мураккаб бўлган ҳам биологик, ҳам кимёвий жараёндир. Мураккаб тилда тушунтирам, миянгиздаги нервлар бир-бири билан синапслар орқали электр токи ёрдамида суҳбатлашиб маълумотларни айни бир усулда сақлаб қолади. Келинг, имкон қадар содда тарзда хотиранинг турлари ва унинг ишлаш тамойиллари билан бирма-бир таништириб чиқсан.

Эслаб қолиш жараёнини З га бўлсак бўлади. Булар: **Сақлаш, Кодлаш, Қайта эслаш**. Бу учала жараённи бирга ишлашини тушунтириш учун, келинг, Файллар жавони мисолига мурожаат қиласиз. Ўзингизга керакли бўлган хабарни қофозга туширасиз – бу сақлаш жараёни, кейин эса бу қофозни жавондаги жойига қўясимиз – бу эса кодлаш жараёни. Ва учинчиси, ўша бўлимга бориб ўзингизга керак бўлган хабарни оласиз-да, хурсанд бўлиб кетасиз. Одатда, кўпчилик эслаб қолишга ҳаракат қиласи-ю лекин асосий муаммо – 3

босқичли жараённинг илк босқичидаёқ маълумот ёдда сақланиб қолмаган бўлади. Баъзида эса биз маълумотларни эслаб қолишда қайта эслашни қийин қилиб қўямиз. Шунинг учун, 1-2-қисмлар жуда ҳам муҳим ва у бизни учинчи қайта эслашни яхшилашга олиб келади.

Ундан ташқари хотира олинган маълумот қанча муддатда ушланиб қолишига кўра ҳам иккига бўлинади: бу дегани хотирамиз 2 хил омборхонага эга бўлиб, ҳар бирни ўз вазифаларига қараб турли иш бажаради: **қисқа муддатли ва узоқ муддатли хотира**.

Бир зумга эслаб қолиб, кейин эсдан чиқарадиган маълумотларни **қисқа муддатли хотира**да сақлаймиз, биз 7 та рақамгача бўлган маълумотни эслаб қоламиш ва у 15-25 секундга ушлаб турилади ва кейин отиб юборилади. Айнан ушбу хотира турини биз фаолиятдаги хотира ёки ишловчи хотира деб атаемиз. Фикрлашимиз асосида эса шу ишловчи, вазифаларни бажарувчи, ижро этувчи хотиралар ётади.

Қисқа муддатли хотиранинг асосий муаммоси, у жуда тез (2 секундгача) эсдан чиқиб қолади. Бунинг давоси – яхшилаб тақрорлаб олиш ёки баъзи манбаларнинг таъкидлашича эслаб қолмоқчи бўлинган маълумотга 7 секундгача эътибор қаратиб туришдир. Шунингдек, қисқа муддатли хотира безовта бўлишга жуда мойил, эътиборнинг озгина узилиши қисқа муддатли хотирага маълумот келмаслиги билан таомланади. Шунинг учун бўлса керак, қисқа муддатли хотирамиз бир вақтнинг ўзида иккита ишни бажара олмайди.

Гарвард университети профессори Жорж Миллернинг айтишига кўра, етти йилдан бўён уни етти рақами қўллаб-куvvatlagанини ҳис қилибди ва пировардида, ахборотни ҳазм қилиш қобилияти юзасидан тадқиқотларини  $7\pm2$  деб атабди. Шу ўринда сиз «мен 10-13 та рақамни эслаб қоламан» дейишингиз мумкин. Шундай дегувчи дўстларимга мен мўъжаз компютеримдаги бир ўйинни қўчириб бердим. Бу ўйин қисқа муддатли хотирани чархлайди, синовдан ўтказади. Натижа шу бўлдики, деярли барчаси 13-14 та рақамдан узоқча ўтиша олмади, нега 7 та эмас, айнан 14 талиги эса уларнинг ахборотни гуруҳларга ажратгани билан боғ-

лиқдир. 123456 ни 12 34 56 деб олсак, яхшироқ эслаб қоли-нади. Лекин инсон хотирасининг қисқа муддатдаги камчи-ликлари сезиларли. Айнан нима учун еттиалигини ҳеч ким билмайди, түғрироғи, тугал изоҳлай олмайди. Түғри, ҳаёти-мизда етти сонининг сирли ифодаларига кўп дуч келамиз. 7 та осмон, 7 жаннат, ҳаж амалларида 7 марта айланиш, бу сирли ва сеҳрли 7 рақамига боғлиқ аниқлик илмий нуқтаи назардан изоҳланмаган. Мнемотехника орқали ушбу қоидани йўққа чиқариш ҳеч гап эмас, нима бўлса ҳам биз одатда қисқа муддатда  $7\pm 2$  та рақамларни эслаб қоламиз.

Лекин қисқа муддатли хотирани биз «парчалаш» деб номланган усул – узун маълумотни бўлак-бўлакларга қўшиш билан узайтиришимиз мумкин. Масалан, 123432657048 сингари рақамларни 123-432-657-048 қилиб осонгина эслаб қолиш мумкин. Бунда қисқа муддатли хотира 7 та пулни олиши мумкин бўлган кармонга ўҳшатилади, агарда сизда 7 дона 1000 минг сўмлик бўлса, сизнинг кармонингиз ҳажми 7000, лекин 500 сўмлик бўлса, унда сизники 3500 сўм, 100 сўмликдан жами етти юз сўм бўлади, холос. Шу орқали рақамларни сиз 2 ёки 3 хоналикларга «парчалаб», уларни мантиқан жамлаб,  $7\pm 2$  қонунини бузишингиз мумкин.

Қайси касб соҳибларида қисқа муддатли хотира кучли бўлади? Маълум бўлишича, кўпдан буён официантлик қилувчи инсонларнинг ишловчи ёки қисқа муддатли хоти-раси бошқалардан кўра кучлироқ бўлар экан. Бу, албатта, ўтган бобда айтилган, маҳсуслашиш ва шохлашиш жараёни маҳсули ва натижасидир. Умуман, қисқа муддатли хотира бу узоқ муддатли хотирага кўприк ҳисобланади, ҳеч қачон сиз ёдлаб қолмоқчи бўлган хабар ўз-ўзидан узоқ муддатли хотирага туша олмайди. Эътибор таранглиги ҳам айнан ишловчи хотирага боғлиқ, бир сўз билан айтганда, қисқа муддатли хотира воситачилик вазифасини ҳам бажа-риб туради.

**Узоқ муддатли хотира.** Ушбу китобнинг асосий мақсад-ларидан бири ҳам қисқа муддатли хотирадаги маълумотларни узоқ муддатли хотирага ўтказишга кўмаклашишдан ибо-рат. Айтиш жоизки, узоқ муддатли хотирага сиз учун му-ҳим бўлган хабарлар жойлаштирилади ва жуда ҳам қизиқ

бир факт шуки, хотиralар бир-бирини эслатиб юбориши мумкин. Баъзида шундай бўлади: биз ниманики узоқ муддатга ёки қисқа вақтга эслаб қолишимизга қараб ҳам ёдлаймиз, агар бирор маълумотни узоқ муддат асқотади, деб ҳисобласак, миямиз буни муҳим деб билиб эслаб қолади. Биз кун мобайнида неча-неча маълумотни оламиз ва миямиз, одатда, ҳамма маълумотни эслаб қола олмайди, аввало, бу шарт ҳам эмас, миямиз маълумотларни хотирага муҳимлилк даражаларига кўра ажратган ҳолда ёдлайди.

Унутилган маълумотларни гипноз ёки электрлаш орқали қайта эслаб қолиш ҳам узоқ муддатли хотиранинг кучини кўрсатади. Биз, одатда, эслай олмаймиз ёки қандай қилиб қайта ёдга келтиришни билмаймиз. Баъзида унутилган факт сизга қўйқисдан ажабтовур тезлиқда, тезда келиб қолади – бунда сизга қандайдир бир калит ҳолат ёрдам беради. Ёки энг қизиқарли ва кулгили ҳолат миямизга электр токи стимуляцияси берилганда биз ёдимииздан кўтарилганларни эслай оламиз. Қуйида Доктор Пенфилд фаолияти мисолида буни кўриб чиқамиз. Доктор Пенфилд бир куни эпилепсия касаллигига чалинган бемори миясининг қайси қисми жароҳатланганини билиш учун миянинг турли қисмларига кичик электр токларини жўнатади. Тасаввур қилинг, худди қозоннинг қопқоғидек беморнинг мияси очилган ва доктор беморнинг миясига таъсир ўтказа бошлайди – кичик кучланышдаги токни юборади. Бемор оғриқ сезмайди, негаки, мияда оғриқни сезувчи нервлар йўқ. Шунда докторни ажаблантирганича, bemor ёшлигидаги турли хил воқеалар билан боғлиқ яққол ранг, ҳидлар билан боғлиқ ҳолатларини эслаетганини айтди. Бу докторнинг ҳужайраларга бирма-бир тегиб чиқаётганининг натижаси эди. Шундан кейин Пенфилд ажойиб таклиф билдириди: биз деярли барча маълумотларни хотирамизда сақлаб қоламиз, гап уларни қайта эслашимиз учун туртки беришда. Гувоҳи бўлганингиздек, узоқ муддатли хотира ўзига хос тарзда ишлатилмаган хотирапарни бир чеккада сақлаб қўяркан.

Узоқ муддатли хотира қисқа муддатлисидан бир қанча хусусиятларга кўра фарқ қиласди. Узоқ муддатли хотира чек-

сиз ва ташқи таъсирга мойил эмас. Одатда, эслашдаги кўп муаммолар айнан шу хотирада содир бўлади. Қисқа муддатли ва узоқ муддатли хотира вақти бўйича ҳам, маълумотларни сақлаб қолиш бўйича ҳам икки хил принципда ишлайди. Узоқ муддатли хотира чексиз гигабайтларга, қисқа муддатли эса жуда кичик жойга эга. Бу шунчалар кичкина эканки, озгина эътибор ва диққатингиз жамланиши бузилса, сиз ҳозир нима ўқиётганингизни унтиб қўясиз. Узоқ муддатли хотира эса унча-мунча таъсирларга берилмайди, ўзгарса ҳам фақатгина ўша информацияга етиб бориш йўли узоқлашиши мумкин.

Узоқ муддатли хотира нимани эслаб қолишга кўра 3 турга бўлинади (3-расм):



**3-расм. Узоқ муддатли хотиранинг учга бўлининиши.**

Бу графа шуни англаатадики, кимдир жараёнларни – эътироз намоён бўлиши ҳолатларини яхши эслаб қолади, масалан, овқат қилиш ёки нимадан кейин нима қилишни, яна баъзи инсонлар эпизодик – кичик-кичик ҳолатларни, ёшлигидаги қизиқ воқеаларни ҳам бехато эслай олиш қобилиятига эга. Семантик хотирага эса бизнинг узоқ муддатли хотирамиздаги фактлар ва билимлар тўпланади. Бу каби гуруҳларга ажратишдан нима наф, деган савол пайдо бўлиши мумкин сизда. Бундаги фойда ёки қулайлик шуки, сиз хотирангиз қайси соҳада устунлигини билиб, қайси соҳада мукаммаллашиб, ўзингиздаги иқтидорни ривожлантиришни белгилай оласиз.

## Ахборотни қабул қилиш

*Эшиштаман ва унұтаман, күрәмандың  
кейин әслаб қоламан – бажарсамгина  
тұла-тұқис тушунаман.*

Конфуций

Дейдиларки, борлықдаги маълумотларни қабул қилиши учун Яратған инсонга иккى хил сезги ато этибди. Бири күриш, иккінчіси эса әшитиш. Айнан шу иккى сезги органимиз орқали биз кўп маълумотларни ўзимиз учун қабул қилиб оламиз.

Ундан ташқари инсонларни ўрганиш ва ахборотни қабул қилиши бўйича ҳам хотирани З турга ажратсан бўлади. Албатта, булар әшитиш, кўриш ва ҳаракат-кинестетик хотиралар ҳисобланади. Инсонлар ўзи учун қайси усул қулай бўлса, шуни танлаши даркордир. Бу ўз навбатида миямизга кириб келаётган хабарнинг турига ҳам боғлиқ. Конфуцийнинг гапи бу файласуфнинг нақадар амалиётчи бўлганини кўрсатади. Ўзингизни қайси усулда яхши ҳис қилишингизни билиш учун турли усулларда ўзингизни синаб кўринг ва қайси бири сизга қулай бўлса, шунга мослашинг. Баъзида бир нечта усул сизга маъқул келиши мумкин. Қабул қилинадиган ахборотлар оқимини шу усул орқали иккиланмасдан қабул қилишни ўрганинг.

**Кўриш.** Эътибор бергандирсиз балки, баъзи инсонлар сурат ёки расмни кўриб, томоша қилишини мингта сўз әшитишдан афзал билади. Аслида эса сўз яққол тасаввурлар ҳосил қиласа яхшироқ эсда қолади. Бунда сўз тасаввурдаги манзаралар тимсолида хотираға жойлашади, масалан, дин сўзини әслаб қолмоқчисиз, кўз олдингизда масжид гавдаланади. Билиш керакки, кўриш Доктор Медина фикрича, барча сезги органлари орасида энг муҳими экан (айнан ахборот қабул қилиш бўйича). Балки шунинг учун ҳам одамлар китоб ўқищдан кўра телевизор кўришни афзал билишар, чунки китобдаги ҳар бир ҳарф бу алоҳида расм бўлиб, миямиз учун мушкуллик туғдиради.

**Эшитиш.** Аёллар эшитиш, эркаклар кўриш орқали информация қабул қиласди, деган оммавий дунёқарашиб. Бу қанчалик тўғрилигини атрофга назар солиб, ўзингиз кузатишингиз мумкин

**Кинестетик.** Шундай одамлар борки, уларнинг хотираси ҳаракат, фаолият, бирор бир машғулотни бажарганида яхши эслаб қолади. Улар учун амалиёт энг яхши усул. Ахир, велосипед миниш билан шеър ёдлаш ўртасида катта фарқ бор.

**Визуал ва сўз.** Визуал ўрганиш анчагина фойдали. Бир расм минг сўздан афзал, деган гап бежиз эмас, ахир. Доктор Ҳаус сериалини кўрган бўлсангиз, беморга диагностика қўйишида докторлар оқ доскадан кўп маротаба фойдаланишади. Доска нечоғлик аҳамиятли бунда? Аҳамияти шундаки, доска маълумотларни бир жойга жамлаб, уни кўрсатишида фойда беради. Мия орқали бирваракайига бунча ахботони тасаввур қила олишимиз мушкул бўлади.

Кўриш барча сезги аъзоларимиз орасида сultonни хисобланади. Визуал хотира деярли чексиз, деб таърифлашимиз мумкин. Тадқиқотлардан бирида иштирокчиларга 10 000 та расм берилган ва сўнг бошқа расмлар аралаштирилган расмларни бериб, уларни ажратиш топширилган. 99 % аниқликда расмлар тўғри ажратилди, ҳатто 3 ойдан сўнг ҳам шу натижа қайтарили – бу эслаб қолиш, таниш туфайли албатта.

Статистикага кўра, инсон 10 % ўқиганларини, 20 % эшитганларини, 30 % ўқиб эшитганларини, 50 % эшитиб кўрганларини, 70 % нима деб гапирганини ва 90 % нима бажараётганини эслаб қоларкан. Бу факт яна бир нарсани кўрсатади: одамлар китоб ўқишдан кўра кино кўришни яхши кўради. Сиз кўпроқ ўз фикрларингизни билдиришни ўрганинг.

Теваракдаги маълумотларни ҳиссиётларимиз орқали қабул қиласми. Бугуннинг илфор маркетологлари ўз компанияси маҳсулотлари савдосини ошириш мақсадида, инсоннинг ҳид билиш хотирасига таъсир ўтказишга уринишмоқда. Ёқимли ҳид, одатда, инсонни ҳаддан ташқари кўп пул сарфлашига ундаиди, эътибор берсангиз, чет элдаги маш-

ҳұр фирмалар ўз дўконларини шундай ҳидлар билан ифорлантиришади.

Ҳар бир инсон ўзининг ўрганиш усуллари ва кўникмаларига эга экани кўпчиликка маълум. Шунга кўра, ўзига мос усулнинг устунилигини унинг ўзи белгилайди. Олимларнинг таъкидларига кўра, ҳар бир одамда маълум усулларнинг мажмуи мужассам бўлиб, турлича усулларда турлича ўрганиш малакаларига кўникма ҳосил қиласди. Ҳар қандай ҳолатда, аввало, усулни тўғри танлассангиз, ўқиш-ўрганиш сиз учун ҳеч қачон «зерикарли» сўзига синоним бўлиб қолмайди.

Усулнинг нечоғлик аниқ белгиланиши, айниқса, таълим тизими учун муҳим. Агар синфда 30 та ўқувчи бўлса уларнинг ҳар бири турли хил ўрганиш қобилиятига эга ва ҳар хил усулларда ахборотни қабул қилишишади. Қизифи шундаки, дунёдаги таълим тизими, умуман олганда, илк яратилганидан бери сезиларли ўзгартгани йўқ экан. Ҳалигача биз сўзга боғлиқ ва мантиқий усуллар билан ўқиш-ўқитишида давом этмоқдамиз. Ўқишилар синфхона, китобга асосланган, қайтакайта тақрорлашга мукасидан кетган, ҳаддан ортиқ имтиҳонлар ўтказиш кабилар орасида қолиб кетмоқда. Кимки бу тизимга мослаша олмаса, у ўзини пастки даражада топади ва уларни мактаб аҳли «иккичи» деб билади. Ваҳоланки, уларнинг қайсиdir қобилияtlари аълочиларнидан қолишмайди. Ахир, «иккичи» дегани муваффақиятга эриша олмайди, дегани эмас-ку. Мактабдаги «иккичи»лар ҳаётда муваффақиятга кўпроқ эришганига кўп бора гувоҳ бўлганман.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, икки хил тарзда ёдлаш мүмкин: расмлар билан ва сўзлар билан. Тадқиқотлар кўрсатадики, иккала эслаб қолиш бир-биридан тубдан фарқланган ҳолда миямизнинг турли қисмларида сақланиб қолади. Расмли нарсалар кўпроқ аниқ манзаралар воситасида, сўзлар эса кўпроқ мавҳум ҳолат-тасаввурлар орқали эслаб қолишда унумли. Масалан «олма» ва «мева» сўзларини олсак, бу ерда олма аниқроқ ифода. «Мева» ва «ейиш» сўзларини олсак, «ейиш»дан кўра, «мева» аниқроқ чиқади. Хулоса шуки, ўзликни, хотирангизни ва миянгизни англант ва ўрганиш усулингизни онгли равишда танлаб, уни кашф этинг.

Кейинги бобларда сиз мнемоника техникалари ва хотирамиз ишлаш тамойилларининг амалиётига гувоҳ бўласиз ва айтишим керакки, деярли ҳамма техникалар асосан сунъий хотирамизни кучайтиради. Билмасангиз билиб қўйинг, юонон олимлари инсонда табиий ва сунъий хотира мавжуд, деб ҳисоблашган. Табийиси – ҳеч қандай ёрдамсиз эслаб қолиш қобилияtingиз, сунъийиси эса турли хил усуллардан фойдаланиб эслаб қолиш саналади.

### **ҚИЗИҚ ДАЛИЛ! АУТИЗМ ВА САВАНТ СИНДРОМИ ҲАҚИҚИЙ ЁМФИР ОДАМИ – КИМ ПИКДА.**

1988 йили Оскар мукофотини олган «Ёмғир одами» фильмни айнан Ким Пик ҳаёти асосида суратга олинганд. Ким Пик билан суҳбатлашган инсонлар таъкидлаши бўйича, у кутубхонадаги ҳамма китобларни муаллифдан тортиб, то қайси бетда қандай маълумотлар ўрин олганигача биларди, арзимаган спорт фактларини-ю ва барча автомобил йўлларининг номини ҳамда АҚШдаги барча почта индексларини рақамларни бехато эслаб қолганди. Ҳақиқий истисноий хотира соҳиби, ўтган қизиқ далилларда таъкидланган фотографик хотира эгаси деган инсон айнан шу эди!

У чинакам маънода энциклопедик одам ёки жонли энциклопедия, инсон википедия ёки миясида компьютер винти бор инсон. Олимларнинг таъкидлашича, айнан Ким Пик шундай фотографик хотира соҳиби эканлиги аниқланган, ваҳоланки, фотографик хотира мавжудлигининг ўзи баҳсларга сабаб бўлган. Биргина муаммо – Ким Пик ёшлигидан аутизм синдромига чалингани эди, яъни у оддий инсонлар каби фикрлай олмас ва ижтимоий алоқаларга кириша олмасди. Аутизм айнан шундай ақлий пасайишга нисбатан ишлатилади. Савант синдроми эса айнан аутизмга чалинганд инсонларда бўлиб, унда bemor миясининг бир

қисми ўта кўп ривожланиб, бошқа соҳаларда нўноқлик белгилари сезилади. Ким Пикни биз аутист савант деб атасимиз мумкин, унинг математик ҳисоб-китобларни бехато қилиши ва хотираси истисноий даражада бўлиши ҳамда йиллик календарларни ипидан игнасига ёдлаб олганлиги ҳаётининг бошқа соҳаларида камчиликка эга бўлишига олиб келган. Ким Пик 1951 йилда таваллуд топган бўлиб, унинг мияси бошқалардан кўра юқори савияда ишларди. Ундан ташқари, миясидаги чап ва ўнг яримшарларни боғлаб турувчи орган деярли мавжуд эмас эди, устига-устак Ким 4 ёшгача юришни эплолмаган.

Ҳаётда кўп қобилияtlардан маҳрум бўлса ҳам, унинг миясининг салоҳияти анча юқори: Ким 7600 дан зиёд китобларни қунт билан ўқиб ёдлаб юборган эди, ўзининг ёқтирган телевизион каналлари бор ва доимо унинг ноёб қобилиятини текширгани кўплаб қизиқувчи инсонлар келиб суҳбатлашишини хуш кўради. Ҳозирда шундай қобилият эгаси орамизда йўқ, мен ҳам ўзим хотира чемпионати қатнашчиси сифатида у билан кўришишга мусассар бўлолмадим. Фильмга келсак, ажойиб маҳорат билан ишланган ва Кимнинг ҳаётини бошқача ракурсда кўрсатиб, мутахассисларнинг эътирофига сазовор бўлди. Машҳур Дастин Ҳофман билан биргаликда Том Круз ака-ука ролини ижро этишади.

Гарчи Ким шундай касалликка учраган бўлса ҳам ундан илиқлик уфуриб туради, сиз унинг олдига савол билан борсангиз, у албатта, эринмасдан сизга саволингиз юзасидан тўлиқ маълумотларни беради, ҳаттоқи деталларигача. Ҳали бу соҳада кўплаб тадқиқотлар қилинади. Нега инсон истисноий хотира соҳиби бўлганида миянинг бошқа нуқталарида заифлик сезилади? Ҳали шунга ўхшаган саволларга жавоб топилиши керак бўлади. Яна бир қизиқ воқеа: яқинда ўқиган мақоламда айтилишича, Германиянинг номдор ком-

паниялари ҳозирда аутист савант одамларни йиғиб улардан ўзларининг манфаати йўлида фойдаланишмоқчи экан, яъни аутистларнинг ноёб қобилиятини каттароқ масштабда, юқорироқ фойда олиш учун ишлатилади.

## Унудиши – эслаб қолиш дегани

*Инсонларга худо томонидан унудиши  
қобилияти инъом қилинмагандан,  
улар яшай олмасди.  
Эвропид*

Ҳаммамиз унудиши деганда юзимизни буриштирамиз, унудишига доир кўплаб уятли ҳолатлар эсимизга келади. Лекин янги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, унудиши фойдали жараён. Айнан унуганимиз учун биз кўпроқ маълумотни эслаб қоламиз.

Илгари олимлар унудиши миямизнинг камчилиги деб билишган. Шундан бўлса керак, унудишига салбий муносабатда қараплан. Аммо эндиликда бунга хотирамизнинг бойлигидек қарапланмоқда. Бу бизга ўзимиз учун энг керакли бўлган маълумотни – келажакда ишлатиладиган хабарнигина эслаб қолиб – майда-чуйдаларини унудиби юбориш имконини беради. Унудиши камчилик эмас – миянинг биологик вазифаси. Демакки, унудишингиз табиий жараён – хотиржам бўлинг!

Аслида, қай тариқа унудамиш? Энг аввало, вақт ўтгани сайн унута борамиш – саволнинг энг биринчи жавоби бу. Вақт таъсирида унудишига қарши усул – оралиқли такрорлаш илмий жиҳатдан ишлаб чиқилган (бу ҳақда кейинги бобларда танишасиз). Шундай экан, «вақт ҳаммасини даволайди» деганда, доно халқимиз шуни назарда тутган бўлса не ажаб. Демак, унудишинг биринчи сабаби – вақтнинг ўтиши.

Яна савол туғилади: нима учун биз эсдан чиқарамиз? Аслида эсдан чиқариш муаммо эмас, миямиз табиатан энг му-

ҳим вазиятларни эслаб қолади – табиий тежамкор ҳодиса бу, шундай эмасми? Пировардида биз эсдан чиқариш, унумоқликни хотирани түғри ишлаши учун зарур функция қаторига киритамиз. Унумоқлик бизни ҳаётимиздаги икир-чикирлар, маъносиз ахборотларни «ортмоқлаб» юриш азобидан халос қиласи, улар туфайли хаёлни бузмасликни таъминлайди.

Психология дарғаларидан бўлган Зигмунд Фрейд ҳам унтишга оид ўз назариясини ўргага ташлаган. Ҳозирда мотивация билан унтиш деб ном олган ушбу назарияда ўзимизга керакли бўлмаган хотирани мажбурлаб чиқариб ташлашимиз ҳам мумкин. Ва бу албатта онгли ҳамда онгсиз амалга ошади. Тинч ва тўкис яшашимиз учун (онгсиз бўлса ҳам) бизни бехузур қиладиган ахборотларни миямиздан чиқариб ташлашимиз лозимлиги туфайли бу таъриф келиб чиққан. Баъзида ҳаётда шундай хотиралар бўладики, уларни эсдан чиқара олмайди киши. Кучли ҳис-ҳаяжон ва қўрқувга соловчи ҳодиса туфайли пост-травматик касалликлар келиб чиқиши эҳтимоли бор. Унтилмас салбий хотира бизни узоқ муддат безовта қиласи. Унтиш эса бу ерда энг яхши малҳам. Ахир, кўнгилсиз нарсаларни унумасдан ҳаётда баҳти яшаш мумкинми? Мотивация бўлса бўлди, унтилмас бўлиб туюлган хотиралар ҳам унтилар экан!

Ундан ташқари, кўп нарсани унумайдиган инсон депрессияга тушиши эҳтимоли ҳам бор, тадқиқотлар шуни кўрсатади. Бу нарсани мен шахсан «Доктор Ҳаус» сериалининг маълум сериясида бир беморни мукаммал хотираси юзасидан даволаш пайтида гувоҳ бўлганман. Беморнинг хотираси шу даражада кучли бўладики, ҳар бир кунга монанд воқеаларнинг аниқ далилларигача айтиб бера олади, аммо ижтимоий ҳаёти ҳавас қиларли бўлмайди. Ўша аёл ўзининг синглисини кечира олмайди, синглисини кўрса салбий хотиралар уни безовта қиласи. Ахир, муқаддас китобларда ҳам кечиримли бўлиш кераклиги айтилган, кечириш эса унтишдан бошланса не ажаб.

Шунингдек, жуда кўп маълумотни эслаб қолмаслик қайсиdir касаллик аломати бўлиши ҳам мумкин – шунинг учун

бундай ҳолатни ўзингизда сезсангиз шифокорга мурожаат қилганингиз яхшироқ. Бир нарса аниқ: биз ҳали унутиш ва эслаб қолиш ҳақида тўлиқ манзарани тасвирловчи суратга эга эмасмиз, миямизни ўрганувчи соҳа ҳали кўп ишлар қилиши даркор. Ҳар ҳолда, ҳар кунги эсдан чиқариш бу нормал ҳолат, салбий эмас. Айнан шу факт кейинги сафар эсдан чиқариб юбораётганингизда унутмаслигингиз керак бўлган хабар. Унутиш асли эслаб қолишга мадад беради-да!

«Менда шундай хотиралар борки, улар доимо безовта қилиб туради. Уларни қандай унутишим мумкин?» Ҳа, бу савол ҳар биримизда пайдо бўлади. Баъзида керак бўлмаган нарсани унутишга уриниш аксинча тескари натижалар билан бизга совфа билан қайтиши мумкин. Бу пайтларда классик бир психологик ўйинни эслаш мақсадга мувофиқ бўлади, агар қўлингиздан келса Оқ Айиқни тасаввур қиласликка ҳаракат қилинг-чи? Астойдил урининг! Эътибор бердингизми – сиз унутишга ҳаракат қилиш билан бир вақтда яна оқ айиққа эътибор қарататиётган бўласиз. Энг яхши йўл эътиборни умуман бошқа нарсага қаратиб қўя қолишдир, балки.

### **Хотира санъати тарихи**

Хотира илми ва санъати тарихи антик даврларга бориб тақалади. Ўша пайтларда ҳеч қандай телефон ёки компьютер, ҳаттоки ручка ва қофоз ҳам йўқ эди. Табиий равишида, бу хотиранинг ўрни ва аҳамиятини кучайтиради. Бахшилар ва ҳикоя айтuvчилар учун оғзаки хотира жуда муҳим ҳисобланади. Юнонлар ва римликлар орасида ушбу илм ва санъат хусусида кўпчилик хўб билишган ва ўша давр нотиклари ўзининг маърузаларини муваффақият билан айтиб беришган. Албатта, бунда уларнинг хотирага оид техник кўникмалари иш берган. Цицерон ўша даврнинг сиёсатдонлари, сенатор ва ҳуқуқшунослари ҳам шундай техник кўникмаларни ишга солишганини ўзининг «De Oratore» китобида ёзиб қолдирган. «Ўша пайтларда ораторликда ривожлантирилган хотиранинг ўрни беқиёс бўлган, айнан хотира ора-

торлик санъатини ҳозирги даврдаги шуҳратига олиб келган».

Сүкротдан аввал Симонидес мнемоника бўйича ўз кашфиётини амалга оширади, Платон билим хотираларимизда «яширин қурол» деб ҳисоблаган, Аристотел эса мнемоника техникалари ҳақида китоб ёзганлиги маълум, лекин китоб бизгача етиб келмаган. Шунга қарамай, Аристотел хотира ни фикрлашнинг энг олий жараёни деб ҳисоблаган. Бунда хотира техникалари фикрлашга ҳам ёрдам беради, дейилади. Айнан Юнонистон хотира илмининг ватани ҳисобланади.

Римликлар, ҳар доимгидек, юонолар фикрига қарам бўлғанлар, улар риторика техникаларини ўрганиш мақсадида хотира илмига бошқача назар билан қарашди. Цицерон ва Квинтилиан Ўрта асрларда айнан шу техникалар ҳақида ёзиб китоб чиқаради. Римлик файласуф ва риторика илми ўқитувчиси Сенека 2000 римликнинг исмини бехато айтиб берган экан. Бир неча аср ўтиб Авлиё Августин ўзининг бир дўсти жуда катта ҳажмдаги бўлған Вергил асарини тескари тарзда ёддан айтиб бера олгани билан мақтандаган. Ўрта асрлар ўртасида эса Авлиё Томас Аквинай ўзининг фавқулодда хотираси билан ҳаммани лол қолдирган, у кўп маълумотларни ёдлаб қолишда техникалар ишлатганинг гувоҳи бўламиз.

Франция қироли Франсис II ушбу техникаларни ишлатган ва Англиялик Генри III, Шекспир ҳам ўз навбатида хотира техникаларини қўллагани ҳақида далиллар бор. 18-аср файласуфлари хотира илмидан дарс беришган (Френсис Бэкон яқъол мисол бўла олади) ва баъзи олимлар, масалан, Лейбниц рақамларни эслаб қолишда хотира системаси билан шуғулланаётганда математиканинг калкулус деб номланган бўлимини кашф қилган экан. Кўряпсизки, бу илмда ҳеч қандай янгиликнинг ўзи йўқ. Барчasi олдиндан топилган нарсалар, фақатгина биз ушбу соҳани қайтадан жонлантиряпмиз, холос.

Италияликлар мнемоникада довруғ қозонишган. Мен билан суҳбатда бўлган бир италян хотира бўйича италияликларга ҳеч нарсани ўргатишнинг кераги йўқ эканини ифти-

хор билан гапирди, бу улар ҳаётининг бир қисми ҳисобланар экан. Жордано Брунонинг хотира бўйича ёзib қолдирган том-том китоблари ва техникаларини назарда тутди у. Жордано Бруно нафақат илоҳиётшунос ва астроном, балки ёрқин мнемонист одам ҳисобланган.

Гутенберг ўзининг китоб чиқаришга оид ихтиросини қашф қилишидан анча аввал, жуда кўплаб донғи чиққан файласуфлар хотирани инсон кўнглига бир ойна ва доноликни қабул қилишга восита деб билишган. Хотира илми китоб нашр қилина бошлагунича ўта долзарб бўлган, аммо бу қашфиётдан кейин «ташқи хотира» хотираси бўйича қийинчиликка дучор бўлаётганларга катта ёрдам берди. Антик даврда, Ўзбекистоннинг қадимий тарихига назар солсак ҳам, хотирага жуда катта эътибор берилган. Ахборот сақлашнинг энг яхши усули оғзаки ижод эди. Бунга яққол мисол баҳшиларнинг анъанавий достонларни ёдлаб олиш қобилиятлари бўлиши мумкин.

Демак, юқоридаги таъкидлардан кўринадики, хотирамиз кимлигимизни кўрсатиб берувчи асосий қуролимиз ҳисобланади. У орқали биз ўзимизни таниб, келажакка қадам босамиз. Хотирасиз келажак мавжуд эмаслиги ҳам айни шу сўзнинг исботи. Хотира қандай ишлаши ва миямиз тамойилларини тушуниб етиш бизни уни татбиқ қилишга янада ундаса, не ажаб. Унинг етишмаслиги эса ҳаётимизни остинустин қилиб юбориши ҳам мумкин ва фақатгина бу қуролни тўғри ишлатишни ўргансак, биз унинг занглаб қолишига қарши қандайдир иш бажарган бўламиз.

## ҚИСҚАЧА МАЗМУН

✓ **Хотирамиз сиз ўйлагандан кўра мураккаб жараён. Хотира қисқа ва узоқ муддатли бўлиб, иккаласи ҳам турли хил тамойиллар асосида фаолият кўрсатади.**

✓ **Турли инсонлар ахборотни ҳар хил қабул қиласди, усунингизни топа билишингиз хотирангизни мукаммаллаштиради.**

✓ Унудиши эслаб қолишнинг бир бўлаги, биз унудамиш ва янгисини эслаб қоламиш. Фақат унудиши эслаб қолиш билан ортиқча боғламанг.

✓ Хотира тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади, тахминан 2500 йил олдин антик даврда кашф қилиниб, тарих давомида кўплаб алломаларни қизиқтириб келган.

## УЧИНЧИ БОБ. ХОТИРАНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНЛАРИ

Юоннлар хотирага шунчалик боғланиб қолишганки, ҳатточи улар хотири маъбудаси – Мнемосинни ўйлаб топишган. Айнан шу маъбуданинг номидан хотира техникаларини ифодаловчи Мнемоника сўзи келиб чиққан. Мнемосин юонн худолари ичидаги алоҳида ажралиб турувчи, энг чиройлиларидан бири ҳамдир. Тарихчиларнинг айтишича, Зевс бошқа худолардан кўра кўпроқ у билан бирга бўлган. Зевс у билан 9 кечако ва 9 кундуз бирга бўлиши натижасида 9 муза пайдо бўлган. Музанинг ҳозир илҳом парилари деб биламиш. Демакки, илҳом париларининг илк асоси антик даврга бориб тақаларкан. 9 музанинг ҳаммаси алоҳида йўналишга эга бўлиб, улар – поэзия, проза, гимн, рақс, комедия, трагедия, мусиқа, тарих ва астрономияга бўлинган эди. Шу орқали, юоннлар учун, Хотира (Мнемосин)га энергиянинг(Зевс) қовушиши орқали ижодкорлик ва билим, илҳом ҳосил бўлади.

Ушбу бобда сиз уч нарсани ўрганасиз: МАТО, КЕМА ва хотиранинг қўшимча қоидалари. МАТО ва КЕМА нима экан деб ҳайрон бўлманг, ўқиши жараёнида уларнинг мағзини чақиб оласиз.

### Мато – асосий, фундаментал қонун!

Хотирамизнинг 4 та асосий хусусияти бор. Агар бу фундаментал қонунларнинг бош ҳарфларини олиб бирлаштирисак, МАТО сўзи келиб чиқади. Энди сиз буларни эслаб қолиши учун МАТО ёки газлама сўзларини эслаб қолсангиз, уларни осонроқ ёдда қолдирасиз. Тадқиқотлар кўрсатадики, рўйхат-

даги сўзларни ёдлашда шундай бош ҳарфлардан фойдаланиш ахборотни эслаб қолишни осонлаштиради.

**Макон**

**Ассоциация**

**Тасаввур**

**Оралиқли тақрорлаш**

**А. Макон** – илмий тадқиқотларга кўра, агарда киши ниманидир эслаётиб қайсиdir маконни ёдга олса, маълумотни эслаб қолиш осон бўларкан. Шунинг учун ушбу китобдаги мнемоник техникаларни кейинги бобларда ишлатадигизда сизга маконлар жуда асқотади. Негаки, машҳур **локи-макон** методларининг асосида ҳам айнан сизга таниш бўлган маконлардан фойдаланиб янги ахборотни ўша маконларга тасаввурний саёҳатга қўйиб чиқишидан иборат бўлади. Бу ҳақида кейинги бобларда яна тўхтalamиз. Билингки, сиз бирор бир қўшиқ эшитганингизда бу қўшиқни дастлаб қаерда эшитганингиз ёдинизга тушади – хотирамиз маконларга нечоғлик боғлиқлигини кўрсатади бу.

**Б. Ассоциация (боғлаш)** – бу хотиранинг иккинчи асосий хусусияти. Миямиз доимо бир нарсани бошқа нарса билан боғлаб олувчи машина-дир. Агар мен сизга Мұхаммад Али десам, сиз дарҳол уни бокс билан боғлиқ ҳолда англайсиз. Ижодкорлик ёки креативлик ҳам эски билимни янги билим билан боғлаш орқали содир бўлади. Қисқа қилиб айтсам, биронта маълумотни эслаб қолишингиз учун сиз уни тасаввурингизни ишлатиб ўзингизга маълум бўлган биронта маълумот билан ассоциация қила-сиз (боғлайсиз).

*Дунёдаги барча нарсалар бошқа нарсаларга боғлиқ Леонардо Да Винчи.*

Мавзуни қанчалик яхши тушунишингиз ҳам айнан сизнинг ўша мавзу бўйича қанча ассоциацияга эгалигингизга боғлиқ экан. Буни ўзингиз ҳам синаб кўришингиз мумкин, бир боб аввалги мавзуни олиб, у бўйича турли томонларга кетиб ассоциацияларни чиқаришга ҳаракат қилинг. Ким кўп ассоциация сўзларни чиқара олса, у мавзуни чуқурроқ ва яхшироқ тушунган ҳисобланади.

## **2-Машқ**

*Инсоннинг маълум мавзу бўйича салоҳиятини билишининг бир йўли ўша сўз бўйича кўти билан нечта ассоциация келтира олишига боғлиқ. Шунинг учун сиз ҳозир Муқаммал Хотира сўзига I дақиқа давомида нечта ассоциация сўзни келтира олишинизни ҳисобланг. Ассоциацияда миянгизга келган ҳар қандай сўзларни ёзиб қолишига ҳаракат қилинг. Натижсангизни эса дўстингизнинг натижаси билан солиштирсангиз, мавзу юзасидан ким кўпроқ билимга эга эканлиги аён бўлади.*

**С. Тасаввур** – Тони Бузанни гапи билан айтганда, миямизнинг тили ҳисобланади. Миямиз шу тилда фикрлайди, ишлайди. Агарда мен сизга **телефон** сўзини айтсан, миянгизга биринчи бўлиб қандайдир тасвир келади (тасаввур ва тасвир ҳам арабча сўз бўлиб «тсвр» илдиз сўзидан ҳам келиб чиққани шундан), бу тасвир ёки расм телефонингиз ё яқинда кўрган бошқа бир телефон бўлиши мумкин. Буни бошқача қилиб тушунтирам, компьютер маълумотларни сақлаб қолиш учун доимо иккилик саноқ системасига ўтказиб сақлаб олади. У ҳеч қандай аналог информация иккилик саноқ системасига ўтказмасдан сақлаб қололмайди. Айнан шундай таржима қилиш бизнинг миямизда тасаввур орқали ҳосил бўлади. Сизда тасаввур пайдо бўлмаса эслаб, ёдлаб қолиш мушкул бўлади.

**Тасаввур билимдан  
кўра яхшироқдир,  
негаки у чек-чегара  
бўлмайди.**

**Эйнштейн**

Расм билан ишлаш эслаб қолиш учун ўта фойдали ва расмни эслатадиган сўзлар икки баробар тез эсда қолади. Тасаввурга тортадиган ҳар бир расмлар бизга ўрганишни унумли ва қизиқарли қиласи, аксинча, нотасаввурий ахборот зерикарли ва томошабоп бўлмайди.

**Д. Хотирамизнинг яна бир хусусияти бор – бу такрорлари.** Такрорланган информация хотирада сақланиб қолади. Бу ҳаммага маълум бўлган услуб. Мактаб даврида шеър ёдлаш учун эрталаб туриб, шеърни 100 марталяб такрорлар эдим. Умуман олганда, ҳозирги кунда мактабларимиз ушбу услубни

шунчалик севиб қолганки, ҳамма ёдлашга эътибор беради, унинг таг маъноси баъзида эътибордан четда қолади. Оддий бир мисол. Инглиз тили алифбосини ўрганган ўқувчи шеър ва мусиқа қилиб ҳаммасини айтиб беради, лекин 10-ўриндаги ҳарфни айтиб бер, деб савол берилса ўйланиб қолади – гарчи буни такрорлаб-такрорлаб ўзини ёдлаган ҳисобласа-да. Хуллас, такрорлаш нима сабабдан миямиз фойдасига ишлашини билиш учун миянинг қандай тузилганини эслаш керак бўлади. Миямиз нейронлардан ташкил топган, ахборот ўша нейронлардаги синапслар орқали ҳаракат қиласди, агарда шу йўлаклардан ахборот ўтаверса, нейронлар шишиб катталашади ва бу эслаб қолишга олиб келади.

«Такрорлаш – ўқишинг онаси», деб бежиз айтилмаган. Такрорлаш асосан фундаментал билимларни эгаллашда ва тезда қайта эслашга керак бўлган хабарлар учун ўта фойдали. Мисол учун, карра жадвалини такрорлаб-такрорлаб фундаментал билимларни олганимиздан кейин бошқа кўпайтиришлар осон бўлади. Лекин кўп ўрганиш учун фақатгина такрорлаш етарли эмас, шунинг учун бошқа услублар билан ўйғунлаштириб ишлатилса, янада фойдали бўлади. Фақат такрорланган ахборот қуруқ ёдлаш ҳисобланади ва таълимда танқидий фикрлаш, ижодий ёндашиш, ностандарт қараш кабиларда муаммо пайдо қиласди. Таҳлил такрорлаш орқали амалга оширилмайди ва ўқувчиларга такрорлашни ўргатиш уларнинг энг асосий қобилияtlаридан маҳрум қилиши мумкин.

Кўп такрорлаш жуда фойдали ҳисобланади, бунда сиз маълумотни шунчалик кўп ўқишизки, қайта эслаб қолиш жуда тез бўлади. Кейин, такрорлаш фақат хотирани ривожлантирибгина қолмай, балки сизда маълумотни эслаб қолганингизга ишонч ҳам ҳосил қиласди. Баъзида орамиздаги билимли инсонларга қаратса, «китоб одам» ёки «тирик энциклопедия» деб таъриф берамиз, улар китобларни бетмабет эслаб қолган ва кучли хотираси ҳамда фактларни эслаб қолиши билан бизни ҳайратга солади. Улардаги шундай қобилияtnинг сири ҳам маълумотларни кўп такрорлаб туриши билан изоҳланади.

## **Иккиламчи қоидалар – кемага хуш келибсиз!**

Иккиламчи қоидаларни ҳам сиз КЕМА мнемоник сўзи, қисқартма сўзи орқали қийинчилексиз осонгина эслаб қолишингиз мумкин. КЕМА сўзини ёйиб чиқсан, хотирамизнинг қуидаги асосий иккиламчи қоидалари келиб чиқади:

**Концентрация**

**Эътибор**

**Мотивация**

**Антиқа ҳикоя**

Кўпчилик концентрацияни инсон миясининг эътибор бериш вазифаси билан адаштиради. Аслида, бу иккалasi бизнинг миямизнинг турли хил икки ақлий вазифасидир. Келинг, аввало, концентрацияни оширишни тушунтиришдан олдин эътибор бериш билан концентрация қилишнинг фарқини билиб олсак.

**А. Эътибор.** Кўп ўқитувчилар ўқувчилар дарсларга эътибор беришмайди, деб нолийди. Аслида, улар, ўқувчиларнинг диққати ўқитувчи ўргатаётган нарсада эмас, балки бошқа нарсада (эҳтимол, кино, сериал, ёки орзулари ҳақидадир) эканини айтмоқчи бўлишади. Эътибор бериш, ҳар бир тананинг вазифасидир ва уни ҳеч кимга ўргатишнинг кераги йўқ, у худди нафас олишимиздек бизда табиий ишлайди. Яна маълумки, эътибор бир нарсадан иккинчисига ўтuvчи қобилиятимиз ва биз, одатда, бирорта нарсага энг кўпи билан 7 ёки 10 дақиқа эътибор бера оламиз. Бу миямизнинг чегараси. Кейин эса эътибор ва қизиқиши тушиб кетиб, бошқа нарсалар ҳақида ўйлаб қоламиз. Яхши ўқитувчи, менинг ожиз фикримча, ўқувчиларнинг эътибори сусайганда шу эътиборни ўйин ёки бошқа қизиқарли усуllар орқали ўзига қайтариб оладиган ўқитувчидир.

Бирор нарсани эсдан чиқаришдан аввал уни эсга тушириш даркор. Кўпчилик эслаб қолмадим, деб нолиган нарса аслида хотирага туширилмаган бўлади. Аслида, эътибор биринчи ўринда туриши керак, агар сиз ҳамма принципларга амал қилган бўлсангизу лекин дастлаб эътибор бермаган бўлсангиз, ҳаммаси бир тийин бўлиб қолади. Одатда,

7 сониялик эътибор бериш қисқа муддатда турган хотирани узоқ муддатли хотирага силжитар экан.

**Б. Концентрация.** Концентрация айнан эътибор беришдан келип чиқған бўлиб, биз бирор нарсага узоқ муддат эътибор бериб турсак, демакки, унга концентрация қилаётган бўламиз. Шунингдек, концентрациянинг 2 асосий қонуни бор: биринчиси – инсоннинг иродасига боғлиқ ва у ўз-ўзидан пайдо бўлмайди; иккинчиси – қобилият, яъни уни ўрганса бўлади. Ижтимоий нуқтаи назардан олиб қарасак, концентрация – бутун диққатни бир нарсага жамлаш ҳисобланади.

Концентрацияни муттасил ривожлантириш мумкин. У худди инсон мускули сингари ишлайди, яъни қанчалик кўп машқ қилинса, у шунчалик кучли бўлаверади. Ҳозирда кўплаб машқлар чиқған бўлиб, ҳатто телефонларда концентрацияни оширадиган машқлар ва ўйинларнинг турли хиллари мавжуд.

Концентрацияни қандай ривожлантириш бўйича бераеттган қуйидаги маслаҳатларимиз, ўйлаймизки, сиз учун фойдадан холи эмас.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, медитация билан шуғулланиш инсон концентрациясини оширап экан. Медитация деганда ҳинду роҳибларининг оёқларини жуфтлаб ўтирган ҳолатида кўзларини юмиб қандайдир дуоларни айтиётгани кўз олдимизга келади. Аммо бунга чуқур киришиш шарт эмас, шунчаки нафас олиш ва чиқариш меъёрлари асосидаги медитация ҳам фикрларимиз ва концентрациямизга ижобий таъсир этади. Мен шахсан ўзимда бунинг фойдасини сезганман.

Жисмоний ҳолат ҳам муҳим. Гарри Каспаровнинг таъкидлашича, у ҳар бир шаҳмат мусобақаларидан аввал бир ой мобайнида эрталаб югуриб, машқлар қилган. Айнан шунинг учун ҳам мусобақалар давомида узоқ муддатга ўз концентрациясини сақлаб турар экан. Ўзингиз ўйлаб кўринг, сиз чарчаган, касалга чалингган бўлсангиз, қандай қилиб хаёлларингизни бир жойга жамлай оласиз? Шундай экан, эрталабки бадантарбия билан, шунингдек, спортнинг қайсиdir тури билан шуғулланишни канда қилманг.

Концентрация деганда бутун танадаги энергияларни бир жойга жамлаб, қилаётган ишимизга бутунлай шүнфиб ке-тишимиз тушунилади. Эсимда бор, Дейл Карнегининг китобида Теодор Рузвельтнинг ажойиб концентрация қилиш қобилияти тилга олинганди. Унга кўра, Рузвельт ёмфир ёғаётган пайтда дала ҳовлисидағи дараҳт тагида китоб ўқиб ўтиради. Китобни ўқиб тугатганидан сўнг ундан ёмфир ҳақида сўрашганда «Ёмфир ёғдими?» деб сўрайди. Шунчалик чуқур концентрация қилгани сабабли, у ёмфирга ҳам эътибор бермай, чалғимасдан китоб мутолаа қилган экан. Билиб қўйинг, концентрацияни доимо шуғулланиш оқибатида жиловласа бўлади, метин ирода, кучли хоҳиш ва озгина ҳаракат ўз мевасини беради. Уни ривожлантириш мумкинлигини англаш ҳам концентрациянгизни ошириш йўлидаги илк қадам бўлади.

Концентрацияни оширишга оид яна бир маслаҳат. Доимо ҳозирга эътибор беринг, хаёлларингиз ўтмиш ва келаҗак билан банд бўлмасин, нимани қилаётган бўлсангиз шунга эътибор беришни ўрганинг. Тони Бузаннинг концентрацияни ошириш бўйича маслаҳати эса қўйидагича: концентрациянинг кўп бузилишининг сабаби оддий – бу бизнинг миямизнинг хаёл суриши билан боғлиқ. Миямиз автоматик тарзда ҳар 30-40 дақиқада хаёлга берилишни «яхши кўради». Аслида эса бу оддий инсоннинг биологик эҳтиёжи. Ўша хаёл суришда миянгиз ўзи учун энг керакли нарсага эришади: танаффус. Озгина танаффусдан сўнг яна узоқ муддатга эътиборни жамласа бўлади. Доимо мия эҳтиёжига қараб иш тутиш лозим. Ана энди, келинг, концентрацияни йўқотган пайтингизга эътибор берайлик. Сиз кутубхонада китоб ўқияпсиз ва концентрациянгизни йўқотасиз, ёнингиздан ўтиб кетган инсонга эътибор берасиз, кейин яна китобга қайтасиз, кейин компьютер овозига чалғийсиз, ундан сўнг яна китобнинг бир-икки қаторини ўқийсиз, ташқаридағи дараҳт ва биноларга эътибор кетади, яна китоб, кейин энди хаёллар оғушига чўмасиз, кейин яна китобга эътибор берасиз. Агарда пайқаган бўлсангиз, сиз бутун жараён давомида 100 % **концентрация** қилмоқдасиз. Муаммо йўналишлар-

га боғлиқ бўлаяпти холос. Шунинг учун концентрация сизнинг айфир отингиз бўлиши мумкин, уни, албатта, жиловласа бўлади.

Кўп вазифани бажариш (мультитаскинг) – бир вақтнинг ўзида бир неча нарсаларга эътибор беришга ҳаракат қиласиз. Наполеон бир вақтнинг ўзида ҳам эшитган, ёзган, фикрлаган ва ҳаттоқи гапирган. Аммо замонавий илм-фан инсон миясининг бундай қобилиятига шубҳа билан қарамоқда. Яъни кимда ким бир вақтнинг ўзида ҳам «Одноклассники»да туриб, ҳам телевизор кўриб, ҳам дарс қиласман деса у барчаси бўйича унумсиз иш қилган бўлади. Шунинг учун агарда сизда ҳали шундай одат илдиз отиб юборган бўлса кеч эмас, диққатни бир жойга жамланг – шунда ишингизда унум бўлади. Машҳур бизнесмен Генри Уорд Бичер айтганидек «Мен ҳаётимдаги муваффақиятнинг энг муҳим сирини биласман – бу менинг ҳар доим нима қилаётган бўлсан айнан шунга тўлиқ эътибор беришимdir». Бир вақтнинг ўзида икки ёки уч ишни бараварига унум билан бажараман, деб овора бўлманг, бир ўқ билан икки-уч қўёндан ҳеч бири ни тутиб ололмаслигингиз бор ҳақиқат.

Танишларимнинг барчаси дарс қилаётганда мароқли ва қизиқарли бўлиши учун мусиқа эшитишни, бу уларга кўмак беришини айтишади. Кўпинча, телевизор қўйиб дарс қилинади. Унутманг, бу ҳолат дарс қилишингиздаги унум ва фойдага ҳам, хотирангизга ҳам катта салбий таъсир қиласди.

Кимда-ким ўзини мультитаскингда зўрман деб атаса, одатда, унинг ишловчи хотираси кучли бўлади ва бир қанча ишларга бирма-бир қараб чиқишга қобилияти етади. Баригири, бу заарли одат, иллат ва унумли дарс қилиш учун кўп вазифани бирваракайига бажаришдан воз кечиш даркор. Тадқиқотлар кўрсатишича, иш қилаётганингизда кимдир сизни безовта қилса, бу ишни тугатиш учун сиздан 50 фоиз кўпроқ вақт кетар экан. Фақатгина бу эмас, безовта бўлган инсон 50 фоиз кўпроқ хато қилиши мумкин. Энг яхши мисол сифатида, ҳайдовчининг телефонда гаплашиши. Олимлар телефон таъсирини ўргангунича, ҳеч ким ўша матоҳнинг ҳайдовчиларга қанчалик заарлигини тасаввур ҳам

қилмаган, бу худди ичиб олиб руль бошқариш билан баробар – озгина эътиборсизлик сизни ичиб олган одамнинг ўзини тутиши билан тенг қилиб қўйиши мумкин. Мультитаскинг баъзида фойда ҳам беради, аммо бу ҳам маълум маънода албатта – эътиборингиз ва хотирангиз нечта иш қилаётган бўлсангиз, шунча бўлинади ва ҳеч бирини мукаммал эслаб қола олмайсиз. Бир психолог бу ҳолатни телевизор кўриш билан таққослаган, сиз бир вақтнинг ўзида бир канални кўра оласиз ва агар бошқа каналларга эътиборингизни олсангиз, биринчи каналдаги воқеаларни эслаб қолмайсиз. Кўп вазифани бажараётганда ҳам айнан шундай маълумотларни йўқотиш содир бўлади. Қисқача қилиб айтсам, биз мультитаскинг қила олмаймиз, биз биологик нуқтати назарга кўра бунга қодир эмасмиз.

Узоқ вақт спорт билан шуғулланган ёки академик ҳаётга кўниколмаган ўқувчилар олдимга келади, улар билан шуғулланиш менга бироз мушкуллик туғдиради. Муаммо шундаки, улар спорт билан шуғулланиб ёки жароҳатлар олиб, шунингдек, академик ҳаётга қизиқмагани туфайли узоқ муддат концентрация қила олишмайди. Уларга секин-аста, озоддан концентрация қилишни ўргатиш лозим, акс ҳолда дарсдан зерикиб, кўнгли совиб қолиш эҳтимоли бор. Нима бўлгандаям, ҳар бир инсон концентрация қилишни эплай олади.

Баъзида ким биландир гаплашаётганингизда у сизга бир гапни айтади ва бу пайтда хаёлингиз ўзингизда бўлмайди, кейинчалик эса у ўша гапни сенга айтдим дейди – сиз эслай олмайсиз. Сиз хаёлингиз ва танангиз билан воқеа содир бўлаётган жойда бўлишни ўрганинг, кўпчиликка ўхшаб танаси бору хаёли бошқа жойда кўп бўлиш, яъни паришонхотирлик сизга кейинчалик ҳаётда кўп панд беради. Паришонхотирлик бўйича «Хотирамизнинг 7 хатоси» деган бобда ўқийсиз.

### ***3-Машқ***

*Бу машқни ҳар куни ухлашдан аввал бажаринг:  
100 рақамидан бошлаб то 1 гача миянгизнинг кўзида қора доскани тасаввур қилиб унда рақамни пай-*

до бўлаётганини тасаввур қилинг ва фикрларингизни чалгитувчи мулоҳаза келмагунича давом эттиринг. Бу машқни қилавериши, албатта, бу машгулотни осонлик билан эплай олишга олиб келади ва концентрация қилиши қобилиятигинизни ривожлантиради.

**С. Мотивация** – бу ички хоҳиш бўлиб, бу муваффақиятнинг калитларидан бири ҳисобланади. Мотивация эслаб қолишида катта аҳамиятга эга: бир дўстим бор эди, у ҳар доим мендан маслаҳат сўраб, нуқул хотирасидан нолирди. Дўстлари, танишларининг исмларини эсидан чиқариб қўяр эди. Лекин қизиги шундаки, у футбол фанати бўлиб, ўзининг айтишича, футболчиларнинг исмини у бир марта эшитишда эслаб қолади. Савол туғилади – нега энди у бошқаларни эсидан чиқарадио, футболчилар исмини унутмайди? Жавоби оддий, қизиқиш-хоҳиш мотивацияда. У футболга қизиқади, лекин атрофдаги одамнинг исмини эслаб қолишига эътибор бермайди.

Мотивация билан қизиқишининг ҳам фарқи бор. Қизиқиш сизнинг эътиборингизни тортиб, ажаблантирувчи нарса бўлса, мотивация сизни ўша нарсани уддалашингиз учун кепрак бўлувчи хоҳиш-истак, сабабdir. Баъзан географияни З баҳога битирган ўқувчилар давлат номлари ва пойтахтларини, улардаги шаҳарларни номма-ном айтиб беради. Улардан буларни қандай биласан, деб сўрасангиз, футбол туфайли, дейишса не ажаб. Дарҳақиқат, футбол ва суюкли жамоаси орқали ўша мамлакат географиясидан хабардор бўлади. Шунинг учун ҳам футболга раҳмат ҳам айтишимиз кепрак ва ота-оналар (ҳазиломуз) агарда сиз фарзандингиз географиядан ёмон ўқиганини сезсангиз асло хафа бўлманг, деймиз.

Кучли хоҳиш, аввало, ҳар бир ишнинг боши бўлиши керак, сиз бой

*Биз нимани тушунсак, уни эслаб қоламиз, биз факатгина нимага эътибор қаратсак ўша нарсани тушунамиз ва биз нимага қизиқсак, айнан ўшанга эътиборни қаратамиз.*

*Эдвард Болес*

бўлмоқчи бўласизми, спорт бўйича чемпионликдан тортиб кучли фан доктори бўлишгача, ҳамма-ҳаммасига бетиним истак, интилиш орқали эришилади. Худди шунингдек, эслаб қолишда ҳам сизда шундай хоҳиш пайдо бўлиши керак.

**Кучли хоҳии – барча мувваффақиятларнинг ибтиодоси, умид ёки тилак эмас, балки гайрат иш ёниб турувчи кучли хоҳии ҳамма нарсадан устун келади.**

Nаполеон Хилл

Кўпинча, йигитлар дарсларни эслаб қола олмаслигини, лекин қизларнинг исмлари ва телефон рақамларини бехато эслаб қолишини ўз тажрибамдан биламан. Буни изоҳлашнинг ҳожати бўлмаса керак. Баъзида мотивация ва қизиқиш бўлмай қолади, бундай ҳолатларда сиз ўзингизга ўзингиз бундан менга нима нафбор, деб савол беринг. Сунъий мотивацияни яратинг, охир-оқибат бу

сунъийлик ҳаётингиздаги табиийликка айланади. Мотивация ҳам ички, ҳам ташқи мотивацияга бўлинади. Масалан, сизга кимдир пул бераман, буни қил деса – ташқи томондан мотивацияга эга бўласиз. Сиз, ҳеч нарса керакмас, бу ўзим учун муҳим, деб ишласангиз – бундаги мотивация ички бўлади. Олимларнинг таъкидларига кўра, энг кучли мотивация бу ички мотивация ҳисобланади. Шунинг учун ўз мотивациянгизни топишингиз доим ҳам муҳим, бу – мотивация маълум пайтларда керак бўлади, дегани эмас, уни доимий тарзда, дейлик, бир ойда бир марта олдингизга мақсад тарзида қўйишингиз керак. Ўз-ўзини мотивация қилиш муваффақиятли инсонларнинг феъл-атворидаги муҳим хислатлардан бири бўлиб, баъзан ташқи мотивация ҳам самарали бўлади.

Кўпчилик математикадан кўп нарсани эслаб қолмаслигини айтади ёки формулаларни эсдан чиқараман дейди, аслида уларнинг бу фанга умуман қизиқиши йўқ. Негаки, ўша ўрганиш жараённида бу фандан на моддий ва на маънавий фойда олинади. Шундай пайтларда, ўқувчига қандай қилиб фандан фойда олишни кўрсатиш ҳам мотивацияни уйғотишига сабаб бўлади. Умуман олганда, ҳамма фанлар ҳам кимгадир қизиқарли, кимларгадир зерикарли. Мотивацияни оши-

ришнинг яна бир синалган йўли: сиз шу фан ёки соҳа ким учун қизиқарли бўлса улар билан гаплашиб кўринг, улар сиз қараётган нарсага бошқача нигоҳ билан қарашаётганини сезасиз, сиз ҳам шуни ўрганасиз. Яна бир усул: истагингизни эски мотивация ва қизиқишиларингизга боғлашингиз даркор, бундан менинг ўзим жуда кўп ҳолатларда фойдаланганман. Масалан, сиз ошпаз бўлсангиз ва математикани ўрганишнинг ошпазликка фойдасини сезсангиз ёки дурадгор бўлсангизу математика дурадгорликка амалий ёрдам беришини билсангиз, бу сизга мотивация беради.

Агарда мендан китобимдаги мазмунни битта сўз бирикмасига бирлаштириб бер, деб сўрашса, мен уни «Мақсадли ёдлаш» деб атаган бўлар эдим. Негаки, агарда сизда мақсад, аниқ ғоя ва муҳимлилик даражаси бўлмаса, маълумотни ёдлаш қийин кечади. Сизда кучли мақсад бўлса, кейинги бобда айтилган техникалар билан маълумотларни янада унумлироқ ёдлашга эга бўласиз. Мен ўзимнинг мисолимда айта оламан: мнемоника техникалари менга мақсадим қатъий бўлгани учун ҳар қандай ахборотни ёдлай олишимни ўргатди.

**Д. Антиқа ҳикоя – ҳикоядан ибрат.** Кимда-ким болалигида ҳикоя ёки эртак эшитмаган бўлса, афсуски, унинг болалик даври беҳуда ўтибди, деб айтган бўлардим. Ҳаётимиз ҳикоялардан иборат. Атрофдагилар билан мулоқотимизда, албатта, қайсиdir воқеа-ҳодиса ҳикоя қилиб берилади. Ҳамма ўз ҳикоясига эга, ҳикоялар инсониятга кишилик жамияти ривожланишидан бери ҳамроҳ. Авесто, Таврот, Библия ва Қуръони Каримда ибратли ҳикоялар берилган. Деярли барча ҳикояни яхши кўради, ҳар ҳолда қизиқарли ҳикояни ҳамма эътибор билан тинглайди. Дўстларингиз ва танишларингиз даврасида сиз бирор нарсани ҳикоя қилиб бerasiz ёки китоблардан олган таассуротларингизни айтасиз, жуда бўлмаганда маълум фильм ҳақида ҳикоя қиласиз. Бундан ташқари, ҳикояни дарс давомида ҳам қўллайсиз. Шунинг учун эслаб қолиш иқтидорингизни мустаҳкамлаш мақсадида ҳам ҳикоялардан фойдалансангиз бўлади.

Китобнинг кейинги, иккинчи бўлимидаги биз айнан ҳикоя усули орқали қандай қилиб сўзлар ва бошқа нарсаларни э-

лаб қолишининг амалий таъсирини кўрсатиб берамиз. Хуллас, асосийси шундаки, сиз эслаб қолишингиз учун албатта ҳикоялардан фойдаланаисиз. Бу техника оддий такрорлашдан кўра кўп вақт талаб қиласидигандек бўлади, аммо сарфланган ҳаракат ўз самарасини беради. Сизнинг ҳикоянгиз эслаб қолишингиз керак бўлган нарсаларни ўз ичига олиши даркор.

### Қўшимча қоидалар

Юқорида биз фундаментал ва иккиламчи хотирамиз қоидалари билан танишиб чиқдик. Буларни фақатгина эслаб қолиш учун эмас, ҳаётнинг бошқа соҳаларига ҳам жалб этиш мумкин бўлади. Шунингдек, бу қоидалар айнан миямиз ишлаш тамойилларига асосланган ва уларга амал қилиш орқали сиз хотира кучи билан янада яқинроқ танишасиз.

**A. Ранг.** Уни қанчалик кўп ишлатсангиз, ақлий тасвир шунчалик равшан ҳосил бўлади. Ранглар орқали хотирангизни 50 % га оширишингиз мумкин. Эътибор берганмисиз, ёш боланинг мияси шу принципда ишлайди, унга бир китобни ҳадя этсангиз, дарров унинг расмларини кўриб чиқишига ҳаракат қиласиди. Мабодо, рангиз бўлса, бу китоб зерикарли ҳисобланади. Айнан ёш болаларнинг табиий миясига фойда бўлган экан, ранглар эслаб қолишимизга ўзгача таъм ато этади.

**B. Ритм.** Ҳаётда ҳамма нарса ритмдир. Шеър ва мусиқа ритм туфайли эсда яхши қолади. Ҳаммамиз ҳам қандайдир шеърларни ёдлашга ҳаракат қиласимиз. Эътибор берганмисиз, бир қўшиқни эшишиб бўлганингиздан кейин ҳам унинг сўзлари миянгизда айланаверади. Бу нафақат миямиз қонуни, балки табиат қонуни ҳамдир. Чиройли ва эсда қолишига осон ритм туфайли нарсаларни янада яққол хотирлаймиз.

**В. Ҳаракат.** Эслаётганингизда буюмларни ҳаракатга келтиринг, ҳаракатдаги обьектлар ҳаракатсизлардан кўра яхшироқ эсда қолади. Қисқасини айтганда, сиз худди режис-

сёр сифатида навбатдаги фильмни суратга олаётгандек бўласиз.

Нарсаларнинг бир-бири билан тўқнашуви

Нарсаларнинг бир-бирига қўшилиши

Нарсаларни бир-бирининг устига қўйиш

Тагида жойлаштириш

Уларни ички томонига қўйиб қўйиш

Бир-бири билан алмаштириш

Уларни янги шароитга жойлаштириш

Бундай ҳаракатлар, айниқса, Антиқа ҳикояни тузиб чиқиша ишлатилиб, буни Юононлар илмий далилларсиз ҳам миямиз қай ҳолатда ишлашини сезишган. Умуман, эслаб қолиша ушбу қоидаларни уйғунаштиришингиз керак бўлади.

**Г. Тартиб ва кетма-кетликларсиз тасаввурнинг ўзи ҳеч нарса қилолмайди.** Маълумотни сақлаб ҳазм қилиб олиши учун миямизга қандайдир тартиб керак. Агар сиз компьютернинг папкаларига кирсангизу у ерда ҳамма нарса алфов-далғов бўлса, сиз ўзингизга зарур бўлган маълумотни топишга қийналасиз. Агар уларнинг барчаси ўз номидаги папкаларга тартиб билан жойлаштирилган бўлса, зарур нарсаларни осонгина топасиз. Хотира ҳам шу қонунга бўйсунади.

Ташкиллаштириш (организация) – бу тартибли жойлаштиришдир.

Тасаввур қилиб кўринг, луғатдан фойдаланмаган ҳолда инглиз тилидаги сўзларни топишингиз керак. Google компанияси очилишининг энг муҳим мақсадларидан бири бу бутун дунёдаги тўлиб-тошиб турган интернет ахборотларини чиройли ва тушунарли қилиб жойлаштириш бўлган. Шунингдек, бирор бир китобни олдингизу ўқимоқчисиз – ундаги ёзилганлар ҳар хил томонлардан ва олди-қочди гаплардан иборат бўлса, ёзувчининг асосий ғоясини тушунишингиз гумон.

Хотирамизда ҳам материаллар тартибли бўлгани учун уни қайта суғуриб чиқаришга қийналмаймиз. Ёки оддий бир иншо – кириш, асосий қисм ва хуносадан ташкил топмаган ёки ортиқча қўшимча хабарлар бетартиб баён

қилингган бўлса ҳам материални эслаб қолиш мушкуллик туғдиради. Ўзбекистондаги вилоятлар номларини эслашга ҳаракат қилиб кўринг: етти, саккизинчисига келганда қийналиб қоласиз, худди шу саноқни организация билан, масалан, алифбо тартибига мос ёки харитани кўз олдингизга келтириб бирма-бир чапдан ўнгга қараб юрсангиз, Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Наманган, Фарғона, Андижон тарзидаги тартиб билан санаб берасиз.

Ундан ташқари, маълумотларга маъноли тарзда ёндашиб ўрганилса ҳам хотира ривожланади ёки маълумотларни бир қанча гуруҳларга ажратиб чиқиб, бир мазмунли хабарларни бир гуруҳга жойласа ҳам анча фойдали бўлади. Баъзида ўрганувчилар ахборотни ўзи организация қилиб олиши мумкин. Организациянинг афзаллик томони шундаки, унда бир қанча қоидалар ўз мужассамини топади: бўлиб ташлаш, маънодорлик қонуни, олдингилар билан боғлаш...

**Д. Ҳажм.** Баъзан катта қамровдаги маълумотни яхши эслаб қоламиз. Айтайлик, машиналар билан гавжум бўлиб турган кўча тезда эътиборимизни тортади. Ҳажмнинг кўплиги одатийликдан ташқари бўлгани сабабли эътиборимизга тез тушади.

**Е. Қизиқарлилик.** Миямиз қизиқ бўлмаган нарсаларга эътибор бермайди ва буни хоҳламайди ҳам, шунчаки уларни ташлаб кетади. Одатда, маърузада ўтирганимизда лектор қизиқтира олмаса, тингловчилар зерикиб ўзлари учун қизиқ машғулот ўйлаб топишга киришади. Бу бизнинг биологик ва эволюцион кечиримимиз. Маърузаларнинг қизиқарли бўлмаслигига сабаб, кўпинча маърузачининг бир маромдаги кишини зериктирувчи оҳангда гапириб туришидир. Ваҳоланки, омма олдида гапираётган одамда мавзунинг пасту баландига кўра ҳиссиёт, туйгуларнинг жўшқинлиги на-моён бўлиб туриши керак. Марҳум қизиқчимиз Ҳожибой Тожибоевнинг ҳазилини шу ўринда ёдга оламиз: қўшиқчи она чақалоққа алла айтиб бераяпти, алла бир маромдаги оҳангда айтилади – шу оҳанг гўдакнинг уйқусини келтира-

ди. Лекин аксинча, алла ҳам авжига эга қўшиқлар каби жўшқинлик билан айтилса, чақалоқнинг бор уйқуси ҳам ўчиб кетади. Шундай экан, маълумот қизиқарли бўлмаса уни эслаб қолиш мушкул, фақат уни қизиқарли қилиш орқали эслаб қолишни осонлаштируса бўлади.

**Ё. Тизимли фикрлаш.** 58121519222629333640 рақамини эслаб қолишга ҳаракат қилиб кўринг-чи, агар сиз уни шунчаки тақороран ёдласангиз, у ҳолда сиз қийинчиликка дуч келасиз, лекин бу рақамларда қандайдир тизимни сезиб қолсангиз, сизда буни эслаб қолиш эҳтимоли янада ошади. Яъни бу ерда 5 рақамига 3 ни қўшасиз ва 8 чиқади, кейин 4 ни ва 12 ни, ундан кейин 3 ни яна 15 ва 4 ни 19 ва ҳоказо. Шундай тажрибаларда деярли 23 % кўпроқ инсон тизимли ёдлаш орқали рақамларни эслаб қолган. Нега шундай бўлади? Негаки миямиз доим тизимларни тушуниш ва қидириш билан банд бўлади.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг сизга бошқача туюлса-да, буни ўқий оласиз.

*Ҳзиор ўйқтаёғн ирсаалирамни туушна оилшигма кзиўм етмайди. Кимберж увинесримтешда қнилагн пазлнилашрга крўя сўёадги ҳрафланирнг қйаси траитдба ёилзгадинан қтьаи нзаар, иснон мииси уни ўйқи оилши қбоиляштига эга. Аосийсси эса брични ва оихгри ҳрафалиннг тгрюи трабитда эзкинидр. Қлонаграли аарлишиштб ташалагнадна ҳам сиз уни маумомисз ўйқийисз. Бинунг сббаи исонн мииси ҳар бир сўёни ҳрафа-алб эамс, блкаи буутн бир сўёшилгча ўййқди. Тизимли фикрлаш оқибатида!*

Бизнинг миямиз доимо мукаммалликка интилади. Масалан, ҳозир сизга бир, икки, уч десам миянгиз дарров тўрт деб менга қўшилади, зеро мия айнан шундай тўлдириб ишлашга мослашган. Мияга доимо тўлиқлилик ва аниқлилик керак, агарда биз ҳикояни тўлиқ номини эшитмай қолсак,

*Бирор бир шини  
катта қизиқиши  
билан, роҳатланаб  
қиларкансан вакт-  
нинг ўтганини ҳам  
сезмайсан – кўп  
ўрганишининг энг  
тўғри йўли мана шу.*

А. Эйнштейн

тезда уни билиб олишга қизиқамиз. Бу ҳам миямизнинг қобилияти ҳисобланади.

**Ж. Амалиёт.** Рубик-кубикда ҳам 6 секундда ўйлаб кўриб 1,2,3,4,5,6 дегунича тартиб бериш ёки Симон Рейнҳард 52 та картани доналарини 21.19 сонияда эслаб қолиши... Буларнинг сири нимада деб кўп бошингизни қотирманг, ҳам маси амалиётда, ўзим шахсан таниш бўлган Симоннинг айтишича, мусобақадан аввал 3 ой мобайнида ўз услубида 3 соатлаб 7-8 мартадан ортиқроқ шуфулланган. Бу ўз самарасини берди.

**3. АБСУРД.** Ноодатийлик, ноостандарт фикрлаш – маънисизлик, яъни бошқача сўзлар доимо эсимизда яхши қолади, оддийлик ҳеч қачон эсда қолмайди. Бир нарсани унумаслик керак: тасаввурда ҳосил бўлган тасвиirlарни мантиқий ёки оддий қилиб қўйманг, улар албатта эсдан чиқиб кетади! Олдин ҳам таъкидлаганимдек, ноодатийлик жуда тез миямизга ёпишиб қолади. Кулгу ва ҳазил ҳам ноодатийликнинг бир қисми саналади.

**И. Маънодорлик ва Мантиқ майдони.** Маълумотларни эслаб қолишда уларнинг мантифи ва мағзини чақиб эслаб қолишдан кўра фойдали усул йўқ. Нимага дейсизми? Чунки сиз математик формула қандай келиб чиққанини илдизи билан занжирма-занжир келтириб чиқара олсангиз, у формуласи ёдлаб қолишнинг асло кераги йўқ, керак бўлганда яна ўша қайта занжирлар орқали маълумотларни бир-бирига улаб чиқиш мумкин бўлади.

**Й. Муҳимлилик даражаси.** Мен ўз мисолимда шуни сездимки, бирор маълумотни ўта муҳим деб унга бор эътиборимни қаратсам – ҳеч қандай хотира техникаларисиз эслаб қола оламан. Муҳим бўлмаган ахборотларни ёки миям муҳим деб ҳисобламаганларни эслаб қолмасликка ўрганиб қолибман. Кейинчалик билсам, бу кўпчиликда илдиз отган одат экан. Шу аснода мен қандайдир ахборотни эслаб қолмоқчи бўлсам, уни муҳим даражага – ҳал қилувчи аҳамиятга кўтаришга ҳаракат қиласиган бўлдим. Ахир, яшаш учун курашда ҳал қилувчи ҳаётий вазиятларга асосий эътибор қартилиши табиий.

Миянгиз бир бутун тизим сифатида худди компьютер каби маълумотларни кодлаштиради, яъни эсланган нарсалар миянинг турли жойларида сақланади. Баъзи жойларда рақамлар, баъзи жойларда шакл ва сўзлар сақланади. Масалан, сиз 1969 Волфсьаген деган сўзни эслаб қолмоқчи бўлсангиз, рақам миямизнинг ўнг томонида ва сўз эса чап томонида сақланади. Оддийгина хотира кўп миқдордаги йўлларни ўзида мужассам қиласди.

Кейинги бобларда сиз ушбу методикаларни қандай татбиқ қилиш борасида маълумотга эга бўласиз. Ушбу бобда келтирилган фундаментал, иккиламчи ва қўшимча қонунларга китоб давомида яна мурожаат қилинади, негаки бу қонунларни нафақат ўқиб, балки уқиб ҳам олиш керак.

### ҚИСҚАЧА МАЗМУН

✓ МАТО мнемоник сўзи – макон, ассоциация, тасаввур ҳамда оралиқли тақрорлаш.

✓ Иккиламчи қонунни ҳам КЕМА сўзи орқали эслаб қолинг: Концентрация, Эътибор, Мотивация ва Антиқа ҳикоя.

✓ Қўшимча қоидалар юқоридаги қоидаларни тўлдиради, булар: ритм, ранг, ҳаракат ва тартиб, ҳажм, қизиқарлилик, тизимли фикрлаш, амалиёт, абсурд ноодатийлик, маънодорлик, кузатувчанлик, муҳимлилик.

## ТҮРТИНЧИ БОБ. ТАКРОРЛАШ КУЧИ

### УНУТИШ ЁЙИ

1850 йил, немис психологи Герман Эббинҳаус биринчилардан бўлиб инсон хотирасини лабораторияга олиб киради. Шунингдек, у таълим тизимидағи энг мунозараги фактни кашф қилгани билан бутун дунёга машҳур бўлди.

Одам, одатда, ўргангандарининг 90 %ини 30 кун мобайнида унудади. Жуда катта ҳажмдаги унудиш эса дарс тугаши биланоқ содир бўлади.

Кўриниб турибдики, сиз ҳозиргина ўқиган китобдан билб олган маълумотларни ўқиб бўлишингиз билан унудиб юборишга тушасиз. Дарвоқе, бу ҳодиса деярли барча инсонларга тааллуқли, албатта, агар сиз савант ёки фавқулодда хотира соҳиби бўлсангиз бошқа гап. Эббинҳаус ўз тадқиқотларини илмий журналда эълон қилиб, хотирамизнинг «Унудиш ёйи»ни математик ҳисоблаб чиқади ва қуйидаги графага эга бўлди (4-расм).

Эббинҳаус қанчалик кўп тест қилиб кўрмасин, натижалар доимо деярли бир хил чиқаверган. Ўрганишнинг биринчи



4-расм. Эббинҳауснинг унудиши ёйи.

соатидан сўнг, маълумотларнинг 50 %дан кўпи эсидан чиқиб кетибди. Биринчи кундан кейин эса яна 10 % қаёкларга дир фойиб бўлган, худди миямиз ўша маълумотни керакмас ахлат деб билиб ташлаб юборгандек. 1 ойдан сўнг кейинги 14 % фойиб бўлибди. Шундан сўнг қолган хотирадаги маълумотлар қайсиdir миқдорда барқарор ҳолатга кела бошлабди – улар узоқ муддатли хотирада сақлана бошланибди, унтиш тезлиги ҳам меъёрга туша бошлабди.

Кўриниб турибдики, ҳар қандай маълумот ўрганилгандан кейин қанчалик кўп вақт ўтса, у маълумотни хотира мизда эслаб қолиш ҳам сусайиб бораверади. Бунда сиз ҳеч қандай такрорлаш қилмасангиз, албатта, охири 31-кунда деярли ахборотнинг 90 % қисмини унутасиз. Ҳеч қачон имтиҳондан олдин кўпгина маълумотни ёдлаб қолишга, бир кун аввал тақдимотингиз нутқини такрорлаб чиқишга ҳаракат қилманг: бу фойда бермайди. Инглиз тилида буни *Cramming* – яъни барча маълумотларни имтиҳондан аввал ўрганиб «тиқишириш» дейилади. Бу ҳаракат катта миқдордаги маълумотларни эртаси кунига унтиб юборишга олиб келади (аниқроғи, 50 % ортиқ). Бундай унтишнинг олдини олмоқлик учун оралиқли такрорлаш орқали маълумотларни хотирада сақлаб қолиш осонлашади.

## Оралиқли такрорлаш

Бу қоидага кўра, сиз маълумотни маълум бир оралиқлар давомида бир неча марта такрорлаш натижасида узоқ муддатда сақлаб қоласиз. Имтиҳонларга эса 1 – 2 ой аввал астаса маълумотларни такрорлаш орқали тайёргарлик кўриб бориш анча унумлироқ бўлади.

Эббинҳаус бу орқали кўп ўрганишнинг фойдасини айтган. Ўта кўп такрорлаш ёки ўрганиш деганда кам-кам такрорлаб кўп-кўп маротаба ахборот олишни назарда тутмоқдаман. Бу дегани асло ёдланиши керак бўлган бир китобни 1 ёки 2 соатлаб такрорлаш керак дегани эмас. Негаки миямизга озгина дам бериб туриш лозим. Ярим соатлик ўқишдан сўнг 5 дақиқа дам олиб, яна 5 дақиқа ўтганларни так-

рорлаб, кейин янги мавзуга ўтилса, маълумотни сақлаб қолиш мумкин. Бу усул 2 соат такрорлагандан кўра унумлироқ бўлади. Нега танаффус бериш керак, деган саволга, олимлар турлича жавоб беришди. Миянгиз дам олаётган пайтда сиз маълумотни онгизсиз равишда такрорлар экансиз ва маълумот эсланиб қолган нейронлар қалинлашади ва сўнг сиз маълумотни яна қайтиб такрорласангиз у мусатҳкамлашади.


Мени жуда қизиқтиргани – оралиқли такрорлаш аллақачон бошқа соҳаларга татбиқ қиласанаётгани бўлди. Мисол учун, номдор Гарвард Тиббиёт Мактаби профессори Прис Керфут тиббиёт талабаларини айнан шу усул орқали кўп маълумотларни эслаб қолишга мажбур қилган. Биламизки, тиббиётда кўп маълумотларни қабул қилиш, дорилар ва қасалликларнинг номларини жуда қисқа фурсатда ёдлаш керак бўлади. Хуллас, профессор талабаларнинг эсдан чиқариб қўйишидан тоқати тоқ бўлиб, имтиҳонлардан аввал фақат имтиҳон учун ёдлаб, кейин эсидан чиқариб қўйган талабаларни мукофотламоқчи ҳам бўлди. Керфут ўз фанига оид савол-жавобларни ишлаб чиққан ва ҳар ҳафта да талабаларнинг почтасига фактларни жўнатган. Ҳар ҳафта янги мавзуни эски мавзу билан аралаштириб сўраб турган. Йил охирида эса почта орқали хатларни олган талабалар олмаганларига қараганда сезиларли даражада юқори кўрсаткични намоён қилишган.

Дунёга донғи кетганлардан яна бири Жон Ҳопкінс Тиббиёт Институтида флешкард методикаридан фойдаланади. Бунда яна такрорлаш асосий ўринни эгаллаб, турли хил чўнтакбоп қофозларга қасалликнинг номи ёзилса, қофоз орқасига унинг нима ва қанақа қасаллигига таъриф берилади: Галлюцинация олдига ёзилса, орқасига миямизнинг нореал товуш ва тасвирларни кўриш билан нотўғри ишлаши қайд этилган. Юқорида айтилган Анки ва Мнемосин дастурлари ҳам айнан оралиқли такрорлашни флешкарталарга амал қилган тарзда бир қадар унумли кечишига кўмак беради. Баъзида ўзим ҳам ушбу усуслдан фойдаланаман, яқинда магистратура тестига тайёрланаётган пайтимда инглиз тили-

даги жуда қийин бўлган сўзларни қисқа муддат ичидаги ёдлашимиға тўғри келди. Мен ёдлашда турли усуулларни хуш кўрувчи инсон сифатида, телефонимга флашкард деган программани ўрнатдим ва 1000 талик сўзларни айнан оралиқли такрорлаш орқали унумли ёдладим ва холисона айтаман – бу фойда берди.

Қуйидаги графада (5-расм) унтиш ёйини қандай қилиб доғда қолдириш бўйича такрорлаш режими кўрсатилган. У билан тўғри бўлиши керак эмас, лекин шу тариқа оралиқлар ташлаб такрорлаш хотирамизга яхши фойда беради. Сиз маълумот олганингиздан кейин озгина дам олиб, 10 дақиқадан кейин бир сидра такрорлаб олинг, шунда маълумотни 1 кунгача яхши эслаб қоласиз. Эртаси куни ҳам бир марта такрорласангиз энди маълумот хотирангизда 1 ҳафтагача ўрнашиб туради. Бир ҳафтадан кейин яна бир такрорласангиз, энди бир ҳафта эмас, 1 ойгача маълумотни эслаб қолишга эришишингиз мумкин. Бу хотирангиздан маълумот шундоққина ўчиб кетаётганда уни эслаб қолишда катта натижа беришига асос бўлади. Такрорлаш маълумотни ҳеч қандай техникарсиз, мнемоникани аралаштиргмаган ҳолда **мукаммал хотира**га ўтишига осонгина эришишга олиб келади.

Бугунги кунда бутун дунё таълим тизимида бир мунозарали ҳолат мавжуд. Одатда ўқувчилар 5-синфда ўтилган ах-



**5-расм. Оралиқни тақрорлаш.**

боротни 6-синф бўлганидан кейин деярли барчасини унубиб юборади, тақрорламагани учун-да, албатта. Балки ёзги таътилда унтар, лекин ўтган йилги мавзу тақрорланмас экан, ҳар бир ўқувчи ахборотни борган сари эсидан чиқариб юбораверади. Бу сиз учун ҳам эволюцион кечирим бўлса ажаб эмас.

Тақрорлашни унутманг! Тақрорлашлар орқали биз ҳар қандай маълумотни эслаб қоламиз. Шунда ҳам кўр-кўронга тақрорлаш керак эмас, илмий асосланган оралиқли тақрорлаш усулидан фойдаланиш даркор ва ҳеч қачон имтиҳондан бир кун аввал тайёрланаман деган фикр билан муроса қилинг. «Унутиш ёйи»ни енгиш учун ора-орада ўқилган маълумотларни бир сидра тақрорлаб туринг

Хотирамиз вақт ўтиб унудилиши ҳақида кўплаб назариялар мавжуд. Уларга кўра, хотирамиз доимо керак бўлмаган ахборотлардан тозаланиб туради, вақт хотирага таъсир этиш кучига эга. Бу назариянинг асоси жуда содда – хотирамиздагилар йўқолиб кетишга мойил. Ҳар доим маълумотни тақрорлаш уни эслаб қолишни мустаҳкамлайди. Мақсад эса битта тақрорлашни осон ва фойдали қилиб режалаштириш лозим. Бу миямизни чакалакзорга ўхшатиш билан баробар, чакалакзорда сиз бир йўлдан юраверсангиз йўлак ҳосил бўлади. Кейинчалик йўлак янада ойдинлашиб, унда юриш янада осонлашади. Аммо бу йўлақдан юрмай қўйсангиз, йўлакни ўт-ўлан қоплаб йўл йўқолади.

Халқимизда «юз мартада ёд бўлади, минг мартада муҳр» деган нақл бор. Бу айни ҳақиқат. Чунки мия маълумотни муҳрлаши учун вақтинчалик унга ортиқча маълумотни юкламаслик даркор. Тин олиш пайтида мия маълумотларни онгсиз равишда қайта тақрорлайди. Қайта-қайта, ўринсиз тақрорлар бу жараённинг бузилишига сабаб бўлади. Ўринсиз қайтаравериш натижасида мияда ҳеч қандай муҳрланиш юзага келмайди. Менимча, ухлашдан аввал ва уйқудан туриб тақрорлаш жуда фойдали бўлади, негаки сиз ухлаётганингизда ҳужайраларингиз онгсиз равишда маълумотни тақрорлайди.

## **Құруқ тақрорлаш ёки құруқ қайта-қайта тақрорлаш**

Маълумотни шунчаки тақрорласанғиз, унга мантиқий тафаккур билан ёндашмасанғиз ёки ҳеч қандай ассоциацияни ишлатмасанғиз – 30 күн ўтиб у албатта хотирангиздан ўчиб кетади. Лекин сиз агарда тақрорлашда құшымча қонунларни ишлатсанғиз, маълумот хотирангиздан 30 кундан кейин ҳам қолади. Яъни құруқ тақрорлаш билан ёдланған ахборот катта узоқ муддатда ёдда қолади деб адашманг.

Бу хусусда ҳам олтин қоида бор, шуни эсдан чиқармаслик керак: ҳар қандай информациини тақрорлаб турмасанғиз, у эсдан чиқиб кетади. Бунга шубҳа қылмасаям бўлади. Масалан, сиз инглиз тилини жуда яхши биласиз, сўз бойлигингиз катта. Лекин ҳаёт тақозосига кўра бир-икки ёки уч йил ўрганишни тўхтатдингиз дейлик, натижада сиз жуда катта нарсани эсдан чиқарган бўласиз, даражангиз юқоридан бошланғич даражага тушиб қолиши ҳеч нарса эмас. Бу ҳолат кўп кузатилган. Миямизнинг бундай ишлашига сабаб биз ахборотни бир марта тақрорласақ, бошида уни эслаб қолиш жуда қийин бўлади, лекин кейин осонлашади. Буни метафора билан бойитса бўлади. Агарда сиз икки дара ўртасида бўлсанғиз, бир томондан иккинчи томонга ўтмоқчи бўлсанғиз бошида ип ўтқазасиз, қийналасиз, лекин иккинчи мартада осонлашади. Қанчалик кўп ўтсанғиз шунча осонлашаверади, айнан шу ҳолат нейронлар ўртасидаги боғлаишни ифодалайди. Лекин сиз бу йўлак бўйича юра олмасанғиз, у йўқолиб кетиши мумкин.

Тақрорламасликнинг яна бир ёмон тарафи: анчадан кейин эслаб кўришга уринсанғиз ҳам истаганингизни эслай олмайсиз, чунки ассоциация йўқ. Аммо шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, тақрорлаш, одатда, асосий билимни ёдлашда қўл келади: кўпайтириш жадвалини биз, одатда, тақрорлаш орқали ёдлаймиз ва бу кейинчалик кўп хонали сонлар устида амалларда кўп ёрдам беради.

Инглизларда шундай нақл бор: «**Амалиёт мукаммаллик-ка бошлийди**». Амалиёт мукаммалликка элтмайди, деб фа-


раз қылсак ҳам, барибир у хотирага ёрдам беради, юксалиш кўзга ташланади. Маълумотни кўп тақрорлайвериши – оверлеарнинг – ҳаддан зиёд кўп ўқиш материални хотирамизда сақланишига олиб келади. Буни актёрлар жуда яхши билишади, ўзига берилган образ сўзларига оид матнни тақрорлайвериб сув қилиб ичиб юборишади. Бир танишимнинг таниши бор эди, уни «китоб одам» дейишарди, у китобни бетма-бет ёдлаб айтиб берарди. Мен унга қизиқиб бир неча марта интервью олганман. Интервьюларимнинг деярли барчасида бир нарсани тан олган – у туну кун китобни тақрорлайверган, бу ҳолат оверлеарнингга олиб келиб, мияда жуда ҳам мустаҳкам сақланиб қолган.

Тақрорлашнинг яна бир фойдаси бу сизни тақрорлашда уста қилиб қўяди. Ўзбекистон истеъодлар диёри. Бир куни шундай истеъоддод соҳиби билан суҳбатлашишга муваффақ бўлдим. У мендан олган китобни бир марта кўздан кечириб, икки-уч бетини ёддан, сўзма-сўз айтиб бера бошлади. Мен ҳайратга тушдим, бунга қандай эришгани билан қизиқдим. У ўшлигида кўп шеър ёд олган экан, оқибатда китобни ўқиганда сўзларни ёдлаш осон кечар экан. Мана тақрорлашнинг хақиқий кучи! Лекин мен, барибир, шунчаки қуруқ тақрорлагандан доимо маъносини англаб, асосий фояни тушуниб, оралиқли тақрорлашни афзал кўраман.

### Унтиш ёйини енгиш

Тони Бузан яқинда айнан шу ёй ҳақида янги китоб чиқариб, Эббинҳаус ишлаб чиққан ёйга бошқача таъриф берди. Китоб «Дунёдаги энг муҳим графа» деб номланиб, хотирамизнинг ўрганиш ҳолатидаги ишлаш тамойилларини ҳисобга олган. Унга кўра, унтиш ёйини 7 та асосий қоида асосида енгиб, маълумотларни узоқроқ муддатда эслаб қоласиз (6-расм).

Ўрганиш психологияси бўйича қаралганда, бирор нарсани ўрганаётган бўлсангиз, унда бир неча нарсалар миянгизга ва хотирангизга ёпишиб олади, айнан юқоридаги графага асосан.



**6-расм. Унутши ёйини енгиси.**

1. Биринчилар, ўрганиш жараёнидаги энг биринчи маълумотлар биринчи ёдда қолади ва эсга келади (Биринчилар биринчидан).

2. Охиргилар ҳам биринчидан. Ўрганиш жараёнидаги энг охирги нарсалар эсда қолиши осон, негаки уни яқинда ўргансанзиз.

3. Сиз олдин биладиган нарсангизга боғланган ва ассоциация қилинган нарсалар. Бу таъсир ёй тушса ҳам, сиз олдин билган нарсаларни янгиси билан боғлашингиз билан яхшиланаверади.

4. Фон Рестофф эффицити. Нимагаки урғи берилган ва бошқаларидан ажralиб турган бўлса – улар эсда қолади. Шунинг учун материални ўқаётганда уни бошқалардан ажralиб турадиган томонларини ўқисангиз – унтиш ёйини доғда қолдирасиз.

5. Қизиқиш таъсири – қизиқиш бу уйқудаги аждарҳога ўхшайди, агар у уйғониб қолса, худдик миянгизда катта туйнук очилиб барча ахборот, хотира, фикрлаш, ижодий фикрлаш кабиларнинг ҳаммаси бирваракайига келаверади. Қайсики нарса қизиқишинингизга яқин бўлса, ўша нарсага кам эътибор бераверинг, барибири эсда қолади.

6. Беш ҳиссиётимизга яқын бўлган хабарлар, бизда қандайдир ҳиссиёт уйғотган ахборот эсда қолиши ёки миямизга муҳр босгандек эсда қолиши мумкин.

7. Маъноли қисмлар ёки мантиқий жиҳатдан маънодор бўлган жойлари эсда қолади. Эббинҳаус унудишимиз муқаррарлигини минг марта таъкидлаган бўлса ҳам, ахборотнинг маъноли қисми яхши эсда қолади, охири барибир ёйни енгасиз.

Лекин бу еттига қисмдан қайсиdir бирига тўғри келмаган қисмлар, одатда, унудиши ёйи бўйича ҳаракат қилади ва вақт ўтган сари унудилади. Вақт шу даражада кучлики, бу 7 та қонуниятли ахборот эсда қолса-да, алоҳида тақрорланмаса, унудиши ёйи уларга ҳам таъсир қилади, бу худди касаллик мисоли тақрорланмаган ахборотни еб ташлайди.

Оралиқли тақрорлаш ҳамда Тони Бузан тақлиф қилган 7 та тамойилни ишлатиш Эббинҳаус топган унудиши ёйини енгисхга олиб келади. Ундан ташқари, кейинги боблардаги техникаларни бевосита ишлатиш ҳамда шунчаки тақрорлашлар орқали хотирангизни янада мукаммаллаштира оласиз.

## ҚИСҚАЧА МАЗМУН

✓ Тақрорламасак жуда кўп ахборотлар хотирамиздан йўқолиб кетади.

✓ Маълумотни тақролашнинг энг муҳим вақти: маълумотга дуч келгандан сўнг 2 кун ўтиб, кейин эса уни узоқроқ муддатларда, албатта, хотирамизда сақланиб қолгунича тақрорлаймиз.

✓ Оралиқли тақрорлаш учун жуда фойдали бўлган Анки ва Мнемосин компьютер дастурлари тақрорлаши янада унумли қилади.

✓ Тони Бузаннынг 7 тавсиясига қулоқ тутиш унудиши ёйини енгисхга ёрдам беради.

## БЕШИНЧИ БОБ. МАНТИҚИЙ ТАФАККУР

Ўтган бобларда хотирамизнинг кўплаб қонунлари билан танишдик ва шулардан энг муҳимларидан бири бу мантиқий эслаб қолиш эканлигини қайта таъкидламоқчимиз. Бундай эслаб қолиш илмий тилда **элаборатив хотира** деб аталса-да, мен унга **мантиқий тафаккур** деб таъриф бердим. Бунда сиз эслаб қолмоқчи бўлган ахборотни мантиқий келиб чиқишини эслаб қолиб, унга қўшимча маънолар билан кираётган ахборотга таъсир қилинади. Ёки қисқача айтганда, бу – **тафаккур ва зеҳн**. Мантиқий эслаб қолиш – айтишим мумкинки, мен математика фанида формулаларни ёдлаб қолиш учун бу формула қандай келиб чиқсанлигини эслаб қоламан ва мабодо формулани эсдан чиқариб қўйсам, дарров келтириб чиқара оламан.

Ундан ташқари, қисқа муддатли хотирани кучайтириш йўлларидан бири бу хабарни биринчи келишида у ҳақида ўйлаш ва фақат хабарлар келиш оқимиға эътиборни қаратиши ҳисобланади. Шахсий изоҳлар ҳам жуда яхши эсда қолади, истаймизми-йўқми, сўзга алоқадор қисм, ҳиссий ва интеллектуал тарзда маълумотга ёндашишни ва ёзиш хотира-да ёрқин рангдаги эскизни чизиб кетади.

Бунга эришиш учун сиз маълумотни ўзингиз биладиган хабарга боғлаб чиқасиз. Бунинг энг осон йўлларидан бири ўша хабар бўйича саволлар бериб, эслаб қолишга тиришишингиз мумкин: Сиз учратган одам юзининг ажralиб турувчи қандай хусусиятлари бор? У қайси танишингизни эслатяпти? Уларнинг ўхашлик ва фарқлари қандай?

Худди шундай мантиқий қилиб ёдлашни сиз кутмаган касб соҳибларидан кутиш мумкин: профессионал актёрлар. 1990 йилларда Ҳелгаса Тони Найс ажойиб кашфиёт қилди, аниқланишича, профессионал актёрлар шунчаки тақрорлаб ёдлашмас экан. Аксинча, улар ҳар бир қаторга саволлар бериб, ҳар бир сўзни характернинг одатларию мақсадларига мослаштириб тақрорлар экан. Театрга алоқадор ва мантиқий тафаккурга яқин тизим ҳақида шеър ёдлаш бўлимида билиб олишингиз мумкин.

Муваффақиятга эришган устозимиз ўзининг мавзу ўзлашириши ва эслаб қолишга оид сир-асрорлари билан ўртоқлашди. Унинг айтишича, бирорта савол ёки тушунча чиқса, аввал у нарса ҳақида ўз фикрини бериб кўрар экан, ўзи нимани тушунишини анализ қиларкан, кейин у тушунча нималигини текшириб кўраркан. Четдан қаралса, бу жуда содда жараёнга ўхшайди, аммо бу усульнинг бир фойдаси бор. Сиз мавзу бўйича мантиқий фикрлаб, мавзуни янада мустаҳкамлаган бўласиз, шунинг учун ҳам у тушунчани эслаб қолиш сиз учун осон бўлади.

Мавзу юзасидан кимнингдир фикрини сўраб, унинг тажрибаси билан ўртоқлашиш ҳам мавзуни эслаб қолишни янада оширади. Негаки, биз одатда, бироннинг фикрига жуда қизиқамиз ва қизиқарли факт эсда қолиши осон кечади. Бошқанинг фикри мавзу юзасидан кўпроқ маълумот билан бизни қуроллантиради ва кимда кўп ахборот бўлса, у шу мавзу юзасидан кучли хотирага эга бўлади. Айниқса, экспертнинг фикрларини сўраш мавзуни ҳар томонлама билишимизга кўмак беради.

Бундай мантиқий ва тафаккурни ишлатиб эслаб қолиш, оддий мактаб ўқувчисининг такрорлашидан фарқ қиласди. Таълим тизимида ҳозирда қайта-қайта қуруқ такрорлаш устунлик қилмоқда, яъни биз маъносини тушунмай ёдлаймиз. Биз анча вақт ўқувчи қанча кўп нарсани ёдлаган бўлса, шунча яхши билади, деган фикрда юрдик, бироқ бундай фикрлаш орқали болаларнинг танқидий, ижодий фикрлашини чеклаб қўйдик, уларни руҳан синдириб қўяёздик. Биз, кўпинча, нотўғри фикрлаймиз: улар мантиқий фикрлаши керак, деб уларнинг ҳиссий қарашларига ҳам этибор бермаймиз. Тўғри, мантиқий фикрлаш яхши, лекин инсон туйғу, ҳис ва мантиқнинг уйғунлиги эканлигини унутмаслигимиз керак. Қуруқ ёдлаш қути ичидаги ҳамма нарсани кўришингизга ўхшайди, ташқаридаги оламни кўриш учун қутидагидек фикрлашдан воз кечиш керак.

## **ҚИЗИҚ ДАЛИЛ ТАФАККУР ЗАКОВАТДА!**

Мана 10 йилдан ошдики, «Заковат» ўйини Ўзбекистонда маълум ва машҳур. «Заковат»га келган илк кунларимда иштирокчиларнинг билимидан, ақлий салоҳиятидан, кучли хотираси, сана ва фактларни аниқ эслаб қолишларидан жуда ҳайрон бўлганман. Бунга сабаб нимада? Оддийгина мантиқ! Улар кўпинча саволларни мантиқан эслаб қолишга уринади. Ундан ташқари, мантиқ устида мантиқан фикрлайди ва бу фикрлаш ўша фактни янада яхши эслаб қолишга олиб келади. Қанча кўп фактни ўрганишса, шунча кўп фактни ёдлай оладиган бўлади киши.

Шу мақсадда энг яхши билимдонлар қаторига кирувчи Мурод Ҳамроевдан маслаҳатлар олишим мени «Заковат»га янада яқинлаштириди. У менга бир вебсайтни берди ва ушбу веб-сайт орқали «Заковат»нинг асоси бўлган «Что? Где? Когда?» ўйинини кузатиб боришини тавсия қилди. [«db.chgk.info»](http://db.chgk.info) веб-сайти миллионлаб саволлар жамланмаси эканлиги ва у менга уч томонлама фойда беришини тушунтириди: 1) бу савол мантигини ушлаш ва турли саволларга қандай ёндашибини ўргатади; 2) мантиқ билан бир қаторда фактни эслаб қолиш осон кечади; 3) баъзида худди шунга ўхшаш саволлар «ЗАКОВАТ» ёки шундай «БРЕЙН КЛУБ» каби ўйинларда учраб қолиши мумкин. Ўша сайтга кирдим, анча мантиқий ва қизиқарли саволларни учратдим.

Яна бир нарсани сездимки, саволлар жавобдан кўра яхшироқ эсда қоларкан, кейинчалик ўқишимиз номидан жамоа бўлиб шуғулланишни бошладик. Заковатга тайёрланганимизда, ҳафтасига 2 маротаба [db.chgk.info](http://db.chgk.info) сайтидан биз саволлар тайёрлаб келардик ҳамда ўйинни сунъий тарзда ташкил қиласадик. Ўйин давомида бир нарсага амин бўлдимки, кўпчилик заковатчилар

такрорлашни жуда яхши кўтар, шу билан бирга мантиқий такрорлашга уринади. Яъни турли томондан ёпишишга ҳаракат қиласи ва йилларни ҳадеб такрорлаверганидан кейин эсида қолади. Шунингдек, улар жуда кўп китобни ўқишлигини сездим.

Уларнинг кўп маълумотни эслаб қолишида Матвей эффиқти жуда катта роль ўйнайди. (Матвей эффиқти бу «Инжил»да ёзилган бир оят бўлиб, унга кўра кўп нарсага эришган бўлса, у шунча кўп билаверади). Ким кўп маълумотни билса у янада кўп маълумотни ола билади. Заковатчилар ҳам айнан доимий тарзда кўп маълумотни ёдлаб қолганлари туфайли ҳам кеъинги маълумотларни эслашда муаммога учрамайди. Шунинг учун ҳам, кимда-ким заковат ёки шунга ўхшаган кўрсатувда қатнашмоқчи бўлса, албатта, доим кўп маълумотларни ёдлаб бориши лозим. Кенг қамровли инсон хоҳлаган мавзу бўйича чуқур билимга эга бўлиб ихтинослаша олади. Леонардо Да винчи ўзининг кундалик дафтарларида ёзган экан: Дунёда ҳамма нарса бир-бирига боғлиқdir. Заковатчилар ҳамма нарса ҳақида кўп маълумот тўплаши боғланишларни янада аниқ кўришга олиб келади, шунинг учун ҳам кўп маълумот эслаб қолишга сабаб бўлади.

Тасаввур жуда ҳам муҳим ҳисобланади. Ўйин малақасига эга бўлиш эса ундан-да муҳим, одатда, муваффақиятга эришиш учун 5-6 йиллик тинимсиз меҳнат талаб қилинади. Ҳар куни фактларни ёдлаш ва мантиқий саволлар билан мияни чархлаб туриш лозим. Жамоадаги ҳар бир қатнашчи ўзининг соҳасини кучли билиши ўша соҳа бўйича хотирасини янада кучайтиради ва саволга жавоб қидирилаётганда турли хил жавобларни эшитиш саволни янада эслаб қолишга сабаб бўлади. Албатта, ҳаётда ҳамма «Заковат»даги каби ҳамма нарсани билувчи шахс бўлгиси келмайди, лекин уларнинг фикрлашидан ўзингизга керакли хулоса ясада олишиниз мумкин.

**Маънодорлик қонуни.** Агарда маълумот маъноли бўлмаса, уни эслаб қолишда муаммога дуч келасиз, аксинча, унинг маъносини қанчалик билсангиз, уни ўрганиш ва эслаб қолиш шунчалик осон бўлади. Яхши тартиб берилган ҳикоялар тартибсизларидан кўра яхши эса қолади. Негаки тартибли ҳикояда мантиқ бўлади.

Бир тадқиқотда одамларга 3 хил гуруҳдаги сўзлар берилиб, иштирокчиларнинг хотираси текширилди: 200 та ҳеч нарса англатмайдиган бўғинлар, 200 та оддий сўзлар ва 200 шеърий сўзлар берилди. Натижада, ҳеч нарса англатмайдиган сўзлар бир ярим соатни олди, 200 та оддий сўзлар ярим соатни ва шеърий сўзлар эса 10 дақиқани олган. Ундан ташқари: мавзу билан танишлиқ, ритм ва қандайдир паттернлар ҳам маълумотни бизга маънодорлик қилиб бериши мумкин. Бунда шеърий сўзлар – қофияланиб келадиган сўзлар маъно жиҳатдан эсланиши мумкин

Мавзунинг танишлиги хотирага озгина бўлса ҳам ёрдам беради. Мавзу юзасидан қанча кўп билсангиз, у ҳақида янги хабарларни шунча осон ўрганасиз. Шунинг учун мен доим бирорта мавзу юзасидан ўқимоқчи бўлсам, у ҳақида кўпроқ маълумот тўплаб, кейин уни маҳсус эслаб қолишга ҳаракат қиласман, бу менга янги ахборотни олдин ўрганиб чиқсанларим билан солиштириб ўрганишда қўл келади. Уч ёшли бола юонон тилини ўрганган ва саккизга кирганда уни осонроқ ўрганган, чунки юонон тили унга осон ва таниш туюлган. «Заковат»даги кўплаб қатнашичилар турли мавзудан озгинадан билимга эга бўлганлиги учун ҳам кейинги ахборотлар танишдек туолиб, мантиқий боғлаб ёдлаб қолиш осонлашади.

Бизга тақдим этиладиган маълумотлар, кўп ҳолатда, бирбирига боғлиқ бўлмайди, эслаб қолмаслик ҳам айнан шундан келиб чиқади. Мантиқ бўлмагандан кейин биз уни такрорлаб-такрорлаб мантиқсиз ёдлашга ҳаракат қиласмиз. Бироқ мен яхши ўқийдиган – академик мияга эга бўлган одамлардан шуни сезганманки, улар ўша мантиқсиз маълумотни тўғри боғлай олишган. Масалан, дадам кўп ўқигани сабабли маслаҳат сўраб борганимда, у киши менга хотиранинг

ажойиб бир техникасини ўргатди. Конституцияни ёдлашнинг осон йўлларидан бири – рақамлардан мантиқ топиб моддани эслаб қолиш керак, деди дадам. 11-модда бу ҳокимиятларнинг бўлиниши ва 11 рақами ҳам тасвирида иккита бир рақамининг бўлиниши қилиб олсанг эсингда қолиб кетади, деди. Шу-шу битта мантиқни ушлаганим мени бу маълумотни эслаб қолишга ёрдам берди.

Ёки яна бир мисол. Мен биржা билан шуғулланганимда 2 хил савдогарлар борлигига эътибор берганман: улар айиқлар ва буқалар деб номланади. Айиқ нархни туширади, буқа эса кўтаради. Одатда, шуни чалфитиб қўярдим, лекин бир кун мантиқан ўйлаб топдим: айиқ урушса қўлини тепадан пастга қараб уради, буқалар эса шохини пастдан тепага қараб сузади. Шу тариқа уларни осонгина фарқлайман. «Мисс» ёки «миссиз»ни ҳам шундай эслаб қолганман, миссис узун бўлганлиги учун ҳам уни ёши катта турмушга чиққан аёл деб билиб олганман, мисс эса ундан эмаслигидан фарқлаб олганман. Асосан бир-бирига ўхшаш сўзлардан доимо фарқни топиб уларнинг ягона томонини топсангиз, бу миянгизда ўрнашиб қолади. Маълумотни қандай қабул қилиш ҳам уни кейинчалик эслаб чиқаришда асосий сабаблардан бири бўлади.

Бу йўл осон бўлгани учун ҳам уни эслаш ҳамда эслаб қолиш осон кечади. Мантиқий эслаб қолиш кейинги бобларимизда келадиган Занжир системаси ҳамда миямизнинг турли асосий тамойилларини биргалиқда ишлатади: ассоциация, тасаввур, маънодорлик, тартиб, ўзаро алоқа. Айнан шунинг учун доимо ёдланаётган маълумотни ёдлашдан аввал нимага бунақа ва қаердан келиб чиққан, деган саволга жавоб топилса, маълумот яхши эслаб қолинади. Доимо ўрганилаётган нарсани ўтган маълумотга мантиқий боғлайди ва келажакка ҳам боғлаш учун мавзу қолдиради. Зукко ўқувчи мавзу бўйича доимо мисолларда ишлайди, мисолларни ҳаётдан топиш уларни мантиқан эслаб қолишга олиб келади. Мисолларда гап кўп, мен кўпинча шахсан ўзимга алоқадор бўлган мисоллар орқали кўп мавзуни айнан ўзимга боғлаганим учун унинг мантигини эслаб қоламан. Кучли

ўқитувчи худди шуни тушунгани учун ҳам қандай мавзу бўлса уни ўқувчиларнинг ҳаётидан ёки ҳамманинг ҳаётидан олиб тушунтиради, негаки унда янги мавзу ва ўқувчиларнинг янги мавзу юзасидан боғлиқлик пайдо бўлади, мантиқий куч ишлатилиди.

### ҚИСҚАЧА МАЗМУН

✓ Мантиқий эслаб қолиш мнемоникадан кўра оммабоп бўлиб, бунда олдиндан маълум бўлган техникаларни ўрганиш шарт эмас, шунчаки ёдланиши керак бўлган маълумотлар мантиғини билиб, эслаш яхши натижа беради.

✓ Ўрганиладиган мавзу бўйича қанчалик кўп маълумот берсангиз, уни эслаб қолиш ҳам шунчалик осон бўлади. Ўз фикрларингиз ва қараашларингизни ёдланадиган ахборотга қориштириш, «Заковат»дагидек, тафаккурга эга бўлиш ҳамда саволлар бериш, мавзуни мантиқий жиҳатдан эслаб қолишга олиб келади.

## **ИККИНЧИ БЎЛИМ**

### **АМАЛИЁТ: – ҲАЁТГА ТАТБИҚ**

#### **БИРИНЧИ БОБ. МАШҲУР МНЕМОНИКАЛАР**

Мнемоника сўзи юнонларнинг Хотира худоси номи «Мнемосин» сўзидан олинган. Олдинги бобда таъкидлаганимдек, у ўзидан 9 та музга қолдириб, том маънода билимларнинг ҳомийсига айланган. Мнемоника ёдлаб қолиш учун ишлатилувчи восита ҳисобланади. Кўпчилик ўзбек тилида уни мнемотехника ёки мнемоника деб атайди. Мнемоника турли хил техникалар мажмуи бўлиб ёдланиши қийин бўлган маълумотни осон эслаб қолиш усуулариридир. Мисол учун РОИ.Г.БИВ исмини билсангиз, сиз камалак ранглари қандай кетма-кетлиқда келишини билишингиз мумкин. Бу биргина мисол холос, келинг, у ҳақда кенгроқ тўхтalamиз.

Мнемониканинг асосий фояси – мураккаб бўлган маълумотнинг миямиизда осонгина ёдланиш йўлини топишга асосланган. Миямиз эволюцион тарзда расм, ранг, структура, овозларни, турли ҳиссиёт ва тилларни эслаб қолишга мослашган. Кўпчилик мнемоникани хотирага ёрдам берувчи техника сифатида билади. Лекин унга китобларда жуда тор равишда маъноси бўлмаган организация қилинмаган ахборотни маъно бериб организация қилиб ёдлаш, деб айтилади. Шунингдек, ўқилаётган материалга қўшимча маъно қўйишга мнемоника дейилади. Оқибатда, ёдланаётган маълумот маъноли ва мантиқий тус олади.

## Биринчи ҳарфлар

Илк бобларимизда хотирининг асосий қонунлари бўйича сизларга тушунтирган қонунларимиз КЕМА ва МАТО сўзлари ҳам айнан мнемоника усуллари сирасига киради. Адашмасам, қонунларни хозир бехато айта оласиз.

РОЕ.Г.БИВ – бу камалак рангларини эслаб қолишда ас-қотади, камалак етти рангдан иборатлигини ҳаммамиз биламиз, лекин рангларни санаб беришга қийналамиз. Ред – қизил, Оранге – оловранг, Еллов – сариқ, Грин – яшил, Блуе – кўк, Индиго – бинафша ранг ва Виолет – бинафшаранг.

Бир куни «Заковат» ўйнида шундай савол берилди: Америкадаги талабаларга география фанидан **гомес** сўзини ёдлатишаркан экан. Нима учун шундай қилинади? Бу Гурон, Онтарио, Мичиган, Эри, Супериор кўлларининг қисқартма атамаси. Агар сизга уларнинг номи айтиб беринг дейилса, сиз янгишиб қолишингиз мумкин, лекин – **гомес** орқали энди сиз унинг номларини бемалол қийналмасдан ёдингизга келтира оласиз.

Ёки бўлмаса 9 та сайёра номини кетма-кетликда айтиб бера оласизми? Бунда ҳам мнемоника ёрдамга келади – Русчада шундай таъриф бор: Моя Все Знающая Мама Юним Сердсем Небо Показал. Эътибор бердингиз албатта, сўзларнинг бош ҳарфлари сайёralарнинг бош ҳарфларини ўзида мужассам қилган: Меркурий, Венера, Земля, яъни Ер, Марс, Юпитер, Сатурн, Нептун, Плутон.

Француз тилини ўрганаётганимда **бўлмоқ** сўзи билан ўтган замонда тусланувчи бир қанча феълларни бир аёлнинг исми орқали эслаб қолгандим: МРС. ВАНДЕРТАМП (Монтер, Рестер, Сортир, Венир, Аллер, Нантре, Дессендре, Энтрер, Рентрер, Томбер, Арривер, Моурир, Партир).

Баъзан ҳаммамиз ҳам қисқартма сўзлардан фойдаланамиз. (БМТ – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти). Бу бизнинг эслаб қолишимизга ёрдам беради. Одатда, 3 тадан ортиқ бўлган рўйхатдаги хабарлар кетма-кетлигини эслаб қололмаймиз. Кўпинча, тақдимот тарзида сўзлаймиз, инсон хотираси имкониятларини яхши тушунган Стив Жобс ҳар доим

тақдимот қылса ҳар бир слайдига 3 тадан ортиқ нарса ҳақида гапирмайды.

Савол туғилади: бундай қилишдан қандай наф бор? Хотирамиз 3 дан ортиқча рүйхатдаги сўзларни кетма-кет сақлашда қийналгани учун биринчи ҳарфлар билан ёдлаб олиш айнан қайта элаш жараёнини осонлаштиради. Уларнинг фойдалилигига яна бир сабаб сиз ёдлаётган маълумотга маъно беради, маълумотни қисқартириб, бўлакларга бўлиб чиқади – бу эса сизнинг элашингизга ишора бўлади. Айниқса, имтиҳонга тайёрланаётганнингизда бош ҳарфлар билан рүйхатни эслаб қолсангиз, бу жуда асқотади. Баъзида имтиҳонга тайёрланаётган пайтимда кетма-кет келадиган маълумотларни эслаб қолишида ўзим шахсий мнемоникаларимни тузаман. Мисол: пулнинг вазифаларини 3 га бўленишини яхши эслаб қолганман. Иқтисодиёт фанини ўқиган инсонлар биладики, пулнинг вазифалари: 1. Қиймат ўлчови; 2. Бойлик тўплаш, Жамғариш воситаси; 3. Тўлов, муомала воситаси; ТҚЖ сўзлари орқали ҚАТЕЖ ёки катежни эслаб қолиб, пулнинг 3 қонунини осонроқ ва узоқроқ муддатда элашим мумкин.

## Ритм

30 day has September,  
April, June and November,

Шу ритмик шеърни ёд олиш, сизга қайси ойларда 31 кун йўқлигига ишора қилиб ўша ойларни эслаб қолишга ёрдам беради. Қайси ой 30 ёки 31 кунлигини билиш ҳам мнемоникага киритилади. Негаки, бу услуб ойларни ажратиб эслаб қолишга фойда беради, айниқса кексалар бу услубдан кўп фойдаланганини кўрганман. Ёки бўлмаса, «р» ҳарфи йўқ ойларда балиқ ейиш мумкинлиги ҳам шунга киради. Эътибор беринг, мен асосан чет тилидаги мнемоник сўзларни келтирдим, негаки ўзбек тилида бундай сўзларни топа олмадим ва бу соҳа қайсиdir маънода янгилик ҳамдир.

Ҳалигача ёдимда: кичик синфларда ўқиётган пайтимда рус тилидаги келишикларнинг ўрнини ёдлашда қийналар эдим.

Шунда ўқитувчим менга бир гапни эслаб қолишиңи айтди: Иван Родил Девчонку, Велел Тащить Пелёнку. Бу гап билан мен бемалол келишикларнинг ўрнини эслаб қолдим (Именительный, Родительный, Дательный, Винительный, Творительный, Предложный). Агар яхши ўрганилса бундай мнемоникаларни ҳаётимизнинг кўплаб ҳолатларига қўллашимиз мумкин.

Араб тилини ўрганаётган ўқувчилар «Ал-явму тансах» ибораси орқали феъл ва отларга қўшиладиган олд қўшимчаларни осонгина эслаб қолишлари мумкин. Бунда ҳар битта иборадаги ҳарф алоҳида араб тилига қўшиладиган олд қўшимча ҳисобланади.

Ҳаётимизда бундай мнемоник усуллар кўплаб учрайдик, улар эслаб қолишиңи осонлаштиради. Она тилида бурун ундошларини эслаб қолища бир танишим ажойиб мнемоника усулидан фойдаланибди, бурун ундошлари м, н, нг, л, р ва улардан сўз тушиб олинган – мининглар. Шу-шу сўзларни осонгина эслаб қоладиган бўлибди.

Айниқса, тиббиёт учун жуда кўплаб мнемоник сўзларни топиш мумкин. Тиббиётда ёдлаш лозим бўлган маълумотлар шунчалик кўпки, уларни техникасиз ёдлаб қолища қийналамиз. Аммо хориж тажрибаси кўрсатадики, талабалар жуда кўп маълумотларга мнемоник гаплар ёки ритм тушиб ёдлашади. Масалан, Энг машҳур мнемоник гап бу – On Old Olympus' Towering Top, A Finn And German Vaulted And Hopped, яъни у миямиз суягидан чиқаётган нерв толалари номларининг бош ҳарфидан иборат. Буни қўйидагича изоҳлаймиз: Olfactory, Optic, Oculomotor, Trochlear, Trigeminal, Abducens, Facial, Auditory, Glossopharyngeal, Vagus, Accessory/Spinal, Hypoglossal.)

Буни қарангки, баъзи тиббиёт институтлари маҳсус развишда шундай тиббиёт номланишларига мнемоника сўзларини топишда мусобақалар уюштирас экан. 1980 йили Дуйк Университети айнан юқорида берилган мнемоник гандаги эшлиши нерви номи ўзгартирилгандан кейин мусобақа ўтказиб, янги мнемоника топишган экан.

## Бошқа усуллари

Замонавий тадқиқот лабораториялари шуни күрсатяптиki, кимки қандайдыр мнемоник техниканы ишлатса, ишлатмагандан кўра анча яхши натижа кўрсатар экан. Калит сўз усули тил ўрганишда ишлатиладиган энг муҳим усул ҳисобланади, бу ҳақда биз тил ўрганиш бобида батафсил тўхталамиз.

Россия ёки Грузиянинг харитадаги шакли қандайлигини эслолмаслигингиз мумкин, лекин Италиянинг харитадаги кўринишини эслаб қоласиз, негаки сиз уни ўзингиз олдиндан билган инфомациянгиз – этикка ассоциация қиласиз.

Ёки Фудзияма тоғининг баландлигини сиз жуда осонлик билан эслаб қолишингиз мумкин – 12 365 фут, яъни 12 ой ва 365 кун.

Мнемоникалар билан боғлиқ муаммо шундаки, улар жуда чегараланган, лекин ушбу китобдаги техникаларни ишлатиш билан сиз ўз дунёқарашингизни ўзгартирishiнгиз мумкин. Умуман олганда, ҳамма мнемоникалар ҳамма пайтда ишлатилавермайди. Чунки ҳар кимнинг ўз ўрганиш усули бор. Бир куни тиббиёт талабаси қандай қилиб кўзнинг ички структурасини икир-чикиригача ёдлаб қолиш усулини сўради. Тўғриси, мен биринчидан, кўзга қизиқмайман, иккинчидан, у ўта мураккаб ёдланадиган нарсаларни айтди. Мен буларни қай тариқа ёдлаб олиш хусусида маслаҳат беришга тараффудланиб қолдим. Кўз томирлари 7 га бўлинниб, ундан кейин яна ва яна бўлинади. Менимча, бундай қийин нарсаларга мнемотехника ишлатиш вақтни кеткизади, уларни шунчаки тақрорлаш даркор. Лекин бу дегани мнемоник техникалар фойдасиз дегани эмас, аксинча, бу усуллар этиборингизни жамлайди ва эслаб қолишни янада мароқли қилишга унрайди.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз: нима учун ойларга мос равишда ҳайвонлар номи берилган? Қадимда қабила оқсоқоллари кексалик сабаб кимнинг қачон туғилганини эсдан чиқариб қўйишган. Шунда улар ҳар бир йилга ҳайвонлар орқали тасвир бериб, кимнинг қайси ҳайвон исми остидаги йилда

туғилганига ва ким кимдан катталигига аниқлик кирилганлар. Буларни ҳам мнемоникага киритиш мүмкін, негаки у умумий қолда эслаб қолишиңға ёрдам бераяпты.

Мнемоника техникалари билан ёд олиш такрорлашлар сонини камайтиса ҳам, эслаб қолишиң ва қайта эслаш қобиляйтингиз ошади. Агарда сиз мнемоника техникаларини бошқа стратегиялар билан ишлатсангиз, бу техниканинг унуми янада ошади. Да尔斯арингизни доимо бўлиб-бўлиб қилишиңга ҳаракат қилинг, SQ3R ни ўрганиб кўринг. Мнемоника орқали ўргандим дегани, такрорлаш йўқ дегани ҳам эмас. Шуни унутмангки, мнемоника техникалари ёрдамчи ва қўшимча ўрганиш усулларидир, асло асосий эмас.

Мнемоникага 60-70 йиллардан кейин илмий нуқтаи на-зардан эътибор қаратилди, авваллари буни ёлғончилар ўйини деб билишган ва шундан буён тадқиқотлар кўпаяверди. Олимлар унинг афзалликларини тан олиши ҳамда унинг камчиликларини ҳам аниқлашди. Шундай таъкидлардан бири Ўзбекистон Республикаси Энциклопедиясида мнемомика сўзига берилган таъриф: «Мнемоника бу сунъий ассоциациялар ҳосил қилиш йўли билан эсда олиб қолишиң осонлаштирувчи ва хотира ҳажмини кенгайтирувчи усуллар тизими». Хотира самарадорлигини туб маънода оширмаслиги ҳамда мнемотехникларни цирк ҳамда эстрада томошаларида турли нарсаларни эслаб қолиш учун ишлатилишини ҳам ҳисобга олиш керак. Олдинлари циркчилар икки кишилик гуруҳда бири кўзи ёпиқ ҳолатда туриб, иккинчиси турли саволлар бериб ўзларича фосус-мокус қилишиңга уринишган, аммо бу ҳаммаси олдиндан режалаштирилган бўлиб, кўзи юмилган шахс мнемоник техникалар орқали эслаб қолган бўлади. Шунинг учун кўпчилик олимлар мнемоникага салбий қараганлар. Аммо ҳозирда мнемоника фойдалари аниқ ва яқъол тан олинмоқда, психологияк китобларда у ҳақида тўлиқ маълумотлар берилмоқда. Интернетда ҳам айнан мнемоника техникаларига асосланган луғатлар пайдо бўлиши одамлар ундан фойда олишини яхшилади.

Кейинги бобларда ҳам мнемоника техникалари ва унга алоқадор усуллар билан танишасиз ва билиб қўйингки, мнемоника деб мантиқсиз нарсага мантиқ ато этиш, жонсиз рақамларга жон ато этиш, ҳаракатсиз эсда қолмайдиган ахборотни ҳаракатга келтириш, ёдланадиган ахборотни миямизнинг эсида қоладиган қилиб ёдлашга айтилади. Ё сиз миянгизни бошқарасиз ёки миянгиз сизни бошқаради.

P.S.: эътиборли ва эҳтиёт бўлинг, баъзи инсонлар мнемоникани сеҳрли таёқча деб тасаввур қилишади ва уни инсон заковати билан алоқадор ҳамма соҳада ишлатишни ҳоҳлайди ва бундан натижা чиқмаса, мнемоникани айблайди. Аслида-чи, фикрлаш ва тушуниш мантиқий тўхтам ҳамда анализ қилиш учун мнемоникани ишлатиб бўлмайди, уни ўзининг амалиётга қўллайдиган соҳалар бор – булар ҳақида мазкур китобда ёзилган. Унинг энг асосий вазифаси хотирамизга кўмаклашишдан иборат, холос.

## ҚИСҚАЧА МАЗМУН

✓ **Мнемоника деб маълумотни турли хил усулларда ёдлашда осонлик ва унум бахш этувчи техникаларга айтилади.**

✓ **Мнемоника техникалари турли хил бўлиб, уларга биринчи ҳарфлардан тузилган қисқартма сўзлар, ритмик шеър тушиб олиш ёки антиқа гаплар билан рўйхатли маълумотни эслаб қолиши, калит сўзлар ҳамда мантиқий ассоциациялар қилиб олиш кабилар мисол бўлади.**


✓ **Мнемониканинг кўпроқ ривожланган усуллари – Макон усули, Мажор системаси ва калит сўз техникаларига кейинги бобларда батафсил тўхталамиз.**

**ИККИНЧИ БОБ.  
ЭНГ ОДДИЙ СИСТЕМА –  
РА҆КАМ-ШАКЛ СИСТЕМАСИ**

*Хотира барча нарсаларнинг хазинаси  
ва қўриқчиси ҳисобланади.  
Цицерон*

Рақам-шакл системаси бу энг содда мнемоник тизимлардан бири бўлиб, унинг мантифи шундаки, сиз кетма-кет келиши керак бўлган сўзларни 1 дан 10 гача бўлган рақамлар билан боғлаб чиқасиз ва ажабтовур тасаввур орқали хотирангизга михлаб қўясиз. Бунда ҳар бир рақамнинг шаклига монанд тасвир ўйлаб топиш талаб қилинади сиздан. Гўё бу сизнинг миянгиздаги жавон бўлиб, бу жавонга бирма-бир ўзингизга керакли ахборотни жойлайсиз ва керак бўлганда уни олиб, ўрнига бошқасини қўясиз.

**Рақам-шакл пег системаси**



**7-расм. Рақам-шакл  
системаси.**

Масалан, 1 рақамига шафам (қўйида рақам-шакллар тасвирини қўришингиз мумкин), 2 рақамига оққуш, 3 рақамига эса юрак, 4 рақами шаклан яхтани эслатади, 5 эса илмоққа, 6 голф таёқчаси ва 7 болта, 8 қорбобо, 9 шарлар ва 10 рақами вилка ва тарелкадан иборат (7-расм).

Энди айтайлик, сиз 10 та сўзни эслаб қолмоқчи бўлсангиз, буларнинг ҳаммасига боғлаб чиқасиз. Масалан, биринчи сўз телефон бўлса, шамда телефон ёниб кул бўлади, 2-сўз машина бўлса, машина оққушни уриб кетади, 3-

сўз ва ҳоказо. Бунда эътибор берингки, сиз рақам-шакл билан ёдланадиган сўз ўртасида ассоциацияни, кейин ажабтовор ва файриоддий тасаввурни ишлатмоқдасиз, одий тасаввур эсдан чиқиб кетади, шунинг учун бунда ноодатий тасаввур қилиш талаб этилади. Шунингдек, озгина такрорлаш ҳамда маконни рақам шаклга қараб танласангиз, сиз деярли МАТО сўзидағи барча хотира техникаларини ишлатган бўласиз.

Айтайлик, сиз етти хазина асосини ўрни билан ёдда сақламоқчисиз. Булар: сигир, асалари, ипак қурти, обжувоз (ёфмой ишлаб чиқариш), тегирмон ва ўрмон (дурадгорлик), товуқ. Энди буларни рақам-шакл тизимимизга қўйиб эслаб кўришга уринамиз. Ундан аввал, рақам-шакл тизимини пухта қилиб олиш муҳим хисобланади. Агар такрорлаб олган бўлсангиз, бошладик!

Шамни сигир билан боғлар экансиз, сигирнинг или шам оловида ёниб кетганини тасаввур қилиш мумкин. Иккинчиси, оқ қуш юриб кетаётган пайтда асалари чақиб олиши мумкин, қанча ёрқин рангларда тасаввур қилинса, шунча фойда. Учинчиси, ипак қурти инида юрак пайдо бўлиб, уни тановул қилганидан кейин ипак қурти қизил рангта кириб кетади. Тўртинчиси, кеманинг ичидаги ёфмой ишлаб чиқарувчи обжувоз қурилиб, кеманинг ҳамма ёғини ёф қилиб юборади. Бешинчиси, илмоқ билан деҳқон тегирмонга киради-да, қўли ишламаганлигидан илмоқли қўллари билан ун қопларини очаман деб хато қиласди. Бунда тасаввур эркинлигига озгина йўл очиб бериш керак. Олтинчиси, дурадгор гольф клюшкаси билан дараҳт кесаман деб ўрмонга кириб кетади, лекин бунинг уддасидан чиқа олмайди. Еттинчиси, болта билан тоvuқни чопиш учун уни қувлайсиз, лекин буни уddaлай олмайсиз. Ана бўлди. Энди 7 та хазина рўйхатига қарамасдан, 7 та рақам-шаклни эсланг, бир бу – шам, уни нима билан боғланган эдингиз? Иккинчиси – оқ қуш ва ҳоказо. Ҳаммасини тўғри қилган бўлсангиз, етти хазинани бехато айта оласиз. Шундай қилиб, ушбу усулнинг озгина рўйхати бор, уларни кетма-кетликларни эслаб қолишда татбиқ қиласангиз бўлади.

Машҳур психолог Дейл Карнеги ҳам айнан шу системадан фойдаланган. У худди пег системага ўхшаган усулни

қўллаган экан: хотира ҳақида гап кетганда Карнеги 4 та асосий нарса ҳақида гапирап ва шунга мос тасвирларни рақамларга боғлаб чиқар экан: Рузвельт, Эдисон, Линкольн, Марк Твен. Ва ҳар бир шахснинг хотираси ҳақида алоҳида ҳикоя қилишга одатланган экан.

Мени эса улар ичидан Марк Твенning ҳолати қизиқтириди. Марк Твен ишлатган услугуб қайсиdir маънода айнан шу система ва мнемотехника усулларига ўхшаб кетади. Биламизки, Марк Твен ажойиб ёзувчи, илмий эрудит ва ҳазилкаш, оратор инсон бўлган. Дейл Карнеги ўз китобида Марк Твен ҳақида шундай ёзади: «30 йиллар олдин мен эртанги нутқни тайёрлаш учун барча сўзларни сўзма-сўз ёдлашга ҳаракат қиласадим. Конспект қилиб олиб доим ўзим билан олиб юрганман. Уни худди маъруза режасига ўхшаб 11 га бўлганман. Мен уларнинг кетма-кетлигини эслаб қола олмагач, доим қофозни ёнимда олиб юрадим, лекин қофозда ҳаммаси бир-бирига ўхашаш эди, уларни ёдлаб қолиш қийин. Бир кун мен ўша қофозимни йўқотиб қўйдим. Сиз мени қанчалик хавотир босганини тасаввур қила олмайсиз. Шундан кейин мен ўзимга қўшимча режа қилишга ўтдим. Энди мен асосий режадаги ҳар битта сўзнинг бош ҳарфини ёзib олиб уни кафтигма ёзib чиқишига ҳаракат қиласдим. Аммо қўлимга қарашга ҳаракат қилишим тингловчилар ўртасида нутқимдан кўра анча кўп таассурот қолдиради. Улар мендан кафтигма нима бўлганини сўрайверишади. Ана шундан кейин менинг калламга расмлар тўғрисидаги фикр келиб қолди. Мен гапиришим керак бўлган нутқ конспектининг энг асосий фикрларини 6 та расмга бирлаштиридим, расмлар чиройли чиқмаган бўлса ҳам улар хотирамда муҳрланганди ва мен бош ҳарфлар билан ёзилган конспектни ҳам умуман ташлаб юбордим. Энг қизифи, ўша нутқимни, расм тайёрлаганимни ҳали-ҳануз ёдимда сақлайман ва шу билан хотира бўйича қийинчиликларим ўз ниҳоясига етди».

Эътибор беринг, Марк Твен ҳам Тасаввур, Ассоциация ва Тасвирнинг муҳимлигини тушунган. Унинг ўз нутқларида айнан рақам-шаклга ўхшаган методикадан фойдаланга-

ни ва нутқ режаларининг ўрнини эслаб қолгани, ушбу системанинг ҳаётимизга жорий қиласа бўлишини кўрсатади.

## ҚИСҚАЧА МАЗМУН

✓ Бу система энг осон мнемоник техника ҳисобланиб, одатда, 10 та кетма-кет маълумотни эслаб қолишида фойда беради. Унда сиз ҳар бир рақамга шаклига мос келувчи расм ўйлаб топиб, МАТО ва КЕМА техникаларини татбиқ қиласан ҳолда, 10 та рўйхатни осонгина эслаб қоласиз.

✓ Машҳур Марк Твен ҳам ушбу услубдан фойдаланган-лигини ҳисобга олсак, буни ҳаётимизнинг қўплаб жабҳала-рига татбиқ қиласа бўлади. Фақат билиб қўйинг, тасаввур қилганда антиқа ҳикоя қилишингиз керак, шундагина та-саввур эсда қоларли бўлади


## УЧИНЧИ БОБ. ЗАНЖИР СИСТЕМАСИ

Бу тизимни чет эллик мнемонистлар Линк номи билан билади. Линк бу инглизча сўз бўлиб, «боғлиқлик» ва «боғ-лам» деган маънони беради. Баъзи инсонлар бу тизимга «занжир» системаси ёки «алоқа тизими» деб ном беришган. Бу боғлиқлик икки қисмдан иборат:

1. Ҳар бир сўз учун тасаввурий расм тузиб чиқинг.
2. Нечта сўз бўлса, уларга шунчак миқдордаги расмни боғ-лаб тасаввурий антиқа ҳикоя тузиб чиқинг. Бу орқали сиз биринчи ва иккинчи нарсаларга тасаввурий ассоциация қиласиз.

Баъзida кетма-кет сўзларни шундай қилиб боғлаш мум-кин, лекин бунда сиз биринчини иккинчига боғлайсиз, ун-дан кейин иккинчини учинчисига ва ҳоказо. Занжир каби боғланаверади. Аммо ўзим бундай ўрганишдан кўра локи-макон усулини ишлатишни осон деб билганиман, бу ҳақда кейинги бобда тўхтalamан. Шунинг учун менимча, Занжир тизимини нимага татбиқ қилиш кераклигига тўхтalamан. Жуфтлаб ўрганиш учун мен бу тизимни осон ва татбиқ этишга қулай деб билдим.

### **LINK - алоқа методи**



**8-расм. Link – алоқа методи.**

Бу тизим энг содда тизим ҳисобланадыки, ұатто уни ти-  
зим дейишиңға ҳам тил бормайды, лекин шу оддийлиги билан  
күп нарасада амал қиласады. Линк системаси сизга барча мур-  
раккаб системалар учун нарвон ролини бажарыб беради, у  
пойдевор бўлиб, қийин системаларни осонлик билан ўзлаш-  
тиришингизда катта аҳамият касб этади. Уни биз қандай-  
дир рўйхат билан ҳаётда татбиқ этишимиз мумкин. Уни  
ишлатишда сиз олдинги саҳифадаги асосий қоидаларни  
қўллашингиз керак бўлади (8-расм).

Ушбу мисолларда миянгизнинг иккала ярим шарини  
ишлатасиз ва машқлар билан динамик тарзда шуғуллана-  
сиз. Тасаввур қилинг, сизга ушбу маҳсулотларни сотиб оли-  
шингиз кераклиги айтилди.

Кумуш қошиқ

Кока-кола

Бананлар

Шампун

Тухум

Помидор

Бодринг

Шоколад

Бунда биринчи кумуш қошиқда Кока-колани ичамиз. Бу  
тасаввур кулгили бўлиши мумкин, лекин айнан шу кулгили  
эканлиги эсда қолади-да. Давом этамиз, энди «Coca-cola»ни

кейинги ахборот билан боғлаймиз, бананларга «Coca-cola» қуюлиб кетиб банан қорайиб қолади, кейин уни шампун билан ювишга уринасиз. Бу ҳам таъсир қымаганидан кейин тухум билан шампунни аралаштириб, қорасини кетказишга ҳаракат қиласиз. Кейин яна тухум олиш учун бозорга бораётганингизда йўл бўйида ҳамма ёқ қип-қизил помидор билан бурканган бўлиб чиқади. Худдики помидор билан бодринг салат қилгандек исроф қилингандиги сезилади. Бундай тўполондан ўтиб, тухум олгани борсак, сотувчи адашиб қўлингизга бодрингли шоколадни ушлатиб қўяди. Ана энди бу алоқаларни бир бошидан боғлаймиз. Агарда қайсирид нуқтада хатоликка йўл қўйсак ёки эслай олмасак, озгина такрорлаш зиён қилмайди.

Иложи борича иккала расмни бирга ҳаракат қилаётганига эътибор беришингиз керак, кўзингизни юмиб чалғимасликка ҳаракат қилинг. Кўпинча, мен тренинглар ўтказганимда одамлар эслай олмайди, кетма-кет сўзларни айтиётганимда улар бошини эсидан чиқариб, келаётган янги сўзни унтишиади. Бундай пайтда келган жойдан давом эта-веринг, хотирангизга озгина муддат ишонинг, айнан сўзларни қайта эслай олинг. Ушбу китобнинг асосий мақсадларидан бири ҳам хотирангизга ишонч билдириш. Бунда ҳар бир калит расмлар изоҳ беради.

Бир танишим хотираға тегишли бир сирни ўргатганди. Мен машиналарнинг номерларини эслаб қола олмас эдим. Шунда у: «Шоҳруҳ, сен эслаб қолмоқчи бўлган рақамларни ўзингга таниш бўлган рақамлар билан бирлаштири ва уларни тасаввурингда жисплаштири, мисол учун 92 рақами сенинг туғилган йилинг бўлса, ўша машинанинг эгаси билан сен қучоқлашиб қўришиб қўй», деганди. Ўшанда бунга унчалик эътибор бермагандим. Лекин хотира бўйича анча китоб варақлаганимдан сўнг ўша услугуб нақадар самарали ишлашига ўзим амин бўлдим

Амалиёт, амалиёт, амалиёт. Келинг, бу методиканинг яна бир ҳаётий фойдасини кўрсатиб берсам: ҳамма мактабларда география фанидан ўқувчиларга давлат ва уларнинг пойтахтлари ёдлатилади. Аълочи талабага бундай методика

керак эмас, дейишингиз мумкин, лекин яхши ўқимайдиган, қизиқиши суст талабага-чи? Улар учун бу техника айни муддао бўлади. Иложи борича мисолларимизда ёдлаш қийин бўлган давлатларни оламиз, ахир ҳаммамиз ҳам Париж Франциянинг, Рим Италиянинг ёки Туниснинг пойтахти Тунислигини яхши биламиз.

Демак, биринчى давлат Бутан бўлсин, унинг пойтахти Тхимпу. Ҳар бир сўзга ассоциация бўладиган калит сўзларни топамиз, Бутанга бута, яъни ўсимлик, Тхимпуга эса менга Тухумбу дегани келди. Энди икки сўзни қайсиdir маконда бир-бирига боғлаймиз. Бутага тухумлар тушиб қолганини тасаввур қиласиз. Кейин сиз у ердан ўтиб кетаётиб Тухумбу деб ҳайрон қоласиз.

Яна бир мисол. Камар оролларини пойтахти Морони бўлиб, Камар оролларига хоҳласангиз Камар (русча) пашша ёки Чевролет Камаро машинасини тасаввур қилишингиз мумкин. Морони сўзига эса АҚШдаги Морон дини вакиллари ёки Морожний (русча музқаймоқ) танлаш мумкин. Ассоциация ҳар бир инсонни ўзига боғлиқ, шунда ҳар бир инсонда у ҳар хил бўлади ва Морони сўзига Морожний танлаганимизга ҳайрон қолманг, одатда, бир-икки такрорлашлар орқали Морони сўзи сизнинг хотирангизда узоқ муддатларда сақланиб қолиниши мумкин. Мен Камаро машинасини «марожни»дан деб тасаввур қиласман-да уни ёзда жазирама кунда кўчада юрганини кўриб, эриб кетганига гувоҳ бўламан

Ана, усулни-ку тушунтиридим, лекин энг асосийси бу – амалиёт. Сиз ҳам қуидаги давлатлар ва пойтахтлари билан озгина шуғулланишингиз мумкин. Энг муҳими, бу методикалар устида озгина шуғуллансангиз, «уста» бўлиб қоласиз.

Боливия – Ла Пас

Белиз – Белмопан

Албания – Тирана

Фиджи – Сува

Марокко – Работ

Нигер – Ниамей

Того – Ломе

Таъкидлаш жоизки, пойтахтларни ёдлаганда хотиранинг кейинги принципи – оз-оз тақрорлаб юриш юқори натижаларни беради. Тақрорлашни унутманг ва ёдлаш учун тақрорланг. Қисқаси, ушбу методика сиз ёдлашга қийналаётган давлатларни янада яхшироқ ёдлашга ва хотирангизга аниқлик олиб келишга ёрдам беради. Бу методиканинг ишлаш тамойилларини тушуниш буни ҳаётимизнинг бошқа кўплаб соҳаларига татбиқ қилишга олиб келади.

Бунда сизга берилган сўзлардан антиқа ҳикоя тузуб чиқасиз ва сўзларни эслаб қоласиз. Бу икки тизим (рақам-шакл ва занжир тизими) ишлашининг асосий сабабини кўриб чиқамиз: 20 та сўз ўқувчиларга берилган ва улар атиги 5-6 та сўзни эслаб қолган, лекин бу икки тизим ўргатилганидан кейин ўқувчилар 20 та сўзни бир икки хатоликлар билан эслаб қолишган. Бу тизим айнан эслаб қолгандан кейин ёки 1-2 кунгача эсда қолади, аммо бир ҳафтадан кейин эсдан чиқаркан, асосийси, бу қисқа муддатни озгина чўйса бўлади – бир ҳафтадан кейин эсда қолиши учун яна тақрорлаш кучига суянишимиз керак. Кечиктирилган эслаб қолиш ҳам, айниқса, ёш болалар учун анча фойдали деб топилди.

Линк системаси шундай системаки, жуда содда ва уни деярли барча соҳаларга татбиқ қиласа бўлади. Худди шундай географиядан ёдланиши керак бўлган нарсаларни бемалол ёдлаш мумкин бўлади. Кўп маълумотни ёзиб олишдан қўрқманг, уларнинг асосий вазифаси бу ёрдамчилик қилиш, ахборот миямизга жойлашганидан кейин сиз хоҳлаганча эслаб қолишингиз мумкин бўлади.

## ҚИСҚАЧА МАЗМУН

✓ **Бу тизим энг содда тизимлардан бири бўлиб, бунда сиз ёдлаб қолинадиган маълумотларни бир-бирига занжир сифатида боғлаб чиқасиз, албатта, антиқа ҳикояни унутмаган ҳолда.**

✓ **Географик фактларни ёки умуман, фактларни ёдлаб қолишида маълумотларни бир-бирига боғлаб эслаб қолиш муҳим. Айниқса, давлат ва унинг пойтахтларини ёдлашда бу тизим жуда ҳам фойдали.**

## ТҮРТИНЧИ БОБ. ХОТИРА САРОЙИ

Тирик қолғанлардан хабар йүқ әди.

Милоддан аввалги 5-аср. Ўша машъум банкет залига оила аъзолари йигилган – ўзларининг суюкли ва қадрли инсонларини қандайдир белгиси орқали ҳам таниб олиши мақсадида – узуклар, сандаллар ва нимаики уларга аниқ тасдиқловчи белгини қидириб жсанозасига тайёргарлик қилишмоқчи бўлганди.

Сал аввалроқ, юонон шоури сеослик Симонидес ажойиб инсон бўлмиш Скопас шарафига гимн ижро этган эди. Симонидес ўтириши билан, қандайдир элчи уни елкасидан туртиб чақириди. Икки отлиқ киши уни ташқарида кутиб турганини ва жуда зарур хабарни айтмоқчи эканлигини айтишиди. У ўрнидан турди ва эшикдан ташқарига чиқди. У остоинани кесиб ўтиши биланоқ, банкет залигининг томи ҳайратланарли даражасада чанг ва тўзон билан қулаб тушибди.

У энди қулаган бино ва кўмилиб қолган жасадлар олдида турар эди. Озгина олдин шодлик наволари билан тўлиб турган ҳаво энди жимлик ва губорга кўмилди. Күтқарув жамоаси жон-жсаҳди билан вайронани ковлаб тирик жонни топишга киришиб кетди. Топилган мурдалар таниб бўлмас даражага келиб қолибди. Битта фожса орқасидан иккинчиси.

Симонидес ўз ҳисларига берилди-да, миясида вақтни ақл бовар қилмас даражасада орқага қайтарди. Хароба тошлари устунларга айланди ва ўйқолган лавҳалар жонланди. У кўзини юмди-да, ҳар бир банкет шитирокчисини ўз жойида ўтирганини ва фожсиагача бўлган ҳолат, кейин фожсиа юз бераётганини кўз олдига келтирди. У Скопасни давра тўрида кулаётганини, шоур дўсти нон билан гўшиш еяётганини, бир жентльменнинг гапираётганини кўрди. У ойна томонга қаради ва элчиларнинг яқинлашаётганини кўрди, улар муҳим хабар айтиши керакдек эди.

Симонидес кўзини очди. У қариндошлиарининг қўлидан ушлади-да, вайронанинг олдига олиб бориб, уларнинг суюклilари ўтирган ва ҳозирда ётган жойини аниқ топиб бера олди.

Ўша лаҳзада, афсоналарга кўра, Хотира санъати туғилди.

2500 йиллик аńана бўлган антик метод – Хотира саройини Симонидес ўша банкет залида қўйқисдан кашф қилган эди: Хотира саройи техникаси, бошқача айтганда, саёҳат методикаси, локи методи. Бобни хотира саройи деб номлашимга сабаб ҳам бор, бу – олдинлари макон усули билан ёдловчи инсонлар макон сифатида катта саройларни олишиб, ўша маконларга керакли маълумотларни жойлаштиришгани билан боғлиқ. Аслида бу методиканинг номи **локи**, лотин тилидан келиб чиққан бўлиб, ўзбек тилига **макон** деб таржима қилинади. Биз ҳам ушбу энг асосий услугуни МАКОН услуги деб атай бошлаймиз. Макон методикаси кеинчалик сизга айтадиган Пег ва Фонетик, Мажор тизимларидан ҳам кўхна усулдир. Қолганларига эндигина бўлса 400 йил бўлди, макон методикасига эса 2500 йил бўлган.

Унда 2 та асосий фоя бор:

1. Сиз эслаб қолишингиз учун керак бўлган тартибда, ўзингизга маълум маконларни танлаб чиқинг, уларни ҳам масини яхшилаб ўрганинг, уни яхши эслаб қолишингиз керак, ўрни-ўрни билан.

2. Эслаб қолишингиз учун керакли далилларни ўша маконлар билан боғланг.

Шубҳа қиласяпизми? Бир ҳаракат қилиб кўринг, ҳаракат қилмай туриб, қўлингиздан келиш-келмаслигини ҳам билмайсиз. Масалан, келинг, макон сифатида ўз уйингизни олайлик, негаки уй сизга таниш бўлган энг осон маконлар жамламаси. Уйингизнинг хоналари мисолида макон тузиб чиқинг: ошхона, меҳмонхона, даҳлиз, ҳовли, маҳалладаги иншоот ёки бино, уйингиздан ўқиш, ишга борадиган йўлдаги жойлар. Муҳими, улар кетма-кет келсин ва ҳар бирининг орасидаги масофани бир хил қилишга ҳаракат қилинг.

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.
- 5.
- 6.
- 7.
- 8.
- 9.
- 10.



**9-расм. Хотира саройи.**

Агар 10 та таниш маконни тузиб чиққан бўлсангиз, унда сиз ёдлашга тайёрсиз, хоҳласангиз 9-расмдагидек макон танлашингиз ёки алоҳида хоналарни танлашингиз бўлади. Ҳаммаси фантазиянгизга боғлиқ. Дейлик, сиз яна бозорга кетмоқдасиз, бозордан бир қанча маҳсулотларни олиб келишингиз керак. Маҳсулотлар қуйидагича:

- картошка
- сабзи
- помидор
- карам
- диск
- Кока-Кола
- олма
- ўрик
- газета
- ёғ

Демак, бошладик. Билингки, сиз қуйидаги тасаввурдан бошқача ҳикоя тузишингиз мумкин. Биринчи, уйингиз бу – МАКОН. Ошхонадан бошлаймиз. Ошхонага кирасиз ва не

күз билан күрасизки, у ерда **картошка** ўсиб чиқибди (озгина қутидан чиқиб фикрлаш зиён қилмайды). Кartoшка ўсиб чиққани ғалати бўлгани учун ҳам ёдда қолади. Кейин меҳмонхонага кирсангиз, у ерда дастурхон устида **сабзилардан** гул ясалганини кўриб ҳайрон қоласиз. Ҳикояни давом эттирамиз, ҳовлига чиқсангиз ҳамма жойга **помидор** қип-қизил бўлиб ёйилиб ётибди, ҳойнаҳой, шумтака болалар ўйин ўйнашган. Озгина юриб, томорқада баҳайбат **карам** ўсиб чиққанидан ажабланасиз ва тортиб-суфуриб кўришга уринасиз, лекин ҳеч ҳам иложи бўлмайди. Кейин эса дарвозага борасиз, осмондан ёфаётган **дисклар** ёмфирига дучор бўласиз. Бирма-бир кўриб чиқсангиз, бу уйдагилар учун олишингиз керак бўлган сериалнинг диски экан. Лекин йўлингиздаги дарвозани кўриб, яна бир бор ҳайрон қоласиз, чунки дарвоза **Кока-Колани** рангидек қоп-қора бўлиб қолган. Ундан сўнг Қора дарвозангиздан ташқарига чиқишга урининганингизда, биласизки, **олма** ва **ўрик** дараҳтлари бирлашмасидан ҳосил қилинган антиквар дараҳт дарвозадан чиқишингизга халақит беради. Во ажабо, деб амаллаб чиқасиз ва кейинчалик сут сотадиган хотин энди сутни ўрнига ёғ сотгани келганини кўрасиз ва «Кеп қолинглар, ёғлар бор» деяётганини эшишиб олдига борсангиз, ҳамма ёғ идишлари газеталар билан ўралиб чиққанини кўриб, ёғ олмаслигинизни айтасиз.

### Ақлий саёҳат

**Ақлий такрорлаш** – маконларингиз тузилганидан кейин доимо уни ақлий такрорлаб туриш даркор, йўқса, бу худди қумга сингандек бўлиб қолади. Юқорида бажарилган машқ билан ақлий саёҳат уюштиринг. Анча ноодатий ҳикоя, бироқ айнан шу ноодатийлик эсимизда яхши муҳрланади. Тасаввур бўрттириш ва жоиз бўлса «ғалати» ҳолатларга тушиб қолишга асосланади, чунки биз, одатда, оддий нарсаларни ва оддийликни яхши эслаб қолмаймиз. Ана энди эслаб кўришга ҳаракат қилинг, тадқиқотлар кўрсатдики, агар эслаб қолиша ўзимизга таниш маконни ишлатсак, ахборотни узоқ

муддатли хотирага ўтказишга ёрдам беради. Кўзингизни юминг-да, ҳозирда тасаввур қилинган ҳодисаларни бирмабир эслаб кўришга ҳаракат қилинг, маконлар: ошхона, меҳмонхона, ҳовли, томорқа, дарвоза олди, дарвоза, дарвозадан чиқавериш, сут сотувчи хотин ва яна шу хотин. Ҳаммасини эслаб қолгандирсиз?!

Алберта Ўниверситетида олдинлари Суқрот ва Симонидеслар фойдаланган макон усули нечоғлик фойдали эканини текшириш мақсадида тадқиқот қилинибди. Аввалига бунга шубҳа билан қараган инсонлар ўша пайтдаги эски, антик техникаларнинг ҳозирда замонавий тус олиб оммалашаётганини синаб кўрмоқчи бўлишди. Қатнашчиларни 3 гуруҳга ажратдилар. Биринчи гуруҳ ҳеч қандай техникаларсиз, иккинчи гуруҳ эса таниш маконлардан фойдаланиб эслаб қолишига ҳаракат қилишди. Учинчи гуруҳ эса компьютер томонидан берилган тасаввурний маконлардан фойдаланишга уриниб кўрди. Натижада, иккинчи ва ҳаттоқи учинчи гуруҳдаги ўқувчилар ҳам яхшироқ натижажа кўрсатган.

Маконлар ҳақида илгари фақат ҳақиқий ҳаётдаги бўлиши керак, дейилган, аммо эндиликда, фантазия маконлари ҳам фойда бериши исботланди. 150 та қатнашчиларни тест қилиб кўргандан кейин хотира техникасини ишлатмаганлар энг паст натижани кўрсатди ва таниш ҳамда нотаниш маконни ишлатганларда деярли ҳеч қандай ўзгариш юзага келмади. Тасаввурний маконлар гуруҳини қайтариб олишга 5 дақиқа берилиб, у билан танишиб олингандан кейин, бу услуб худди таниш маконни ишлатганингиздаги каби натижани қайтаради. Тасаввур кучли деб атаймизу унинг қанчалик кучлилигини кам тушунамиз. Шундай экан, тасаввурний маконни ишлатиш ўз фойдасини беради.

Сан-Франсискода ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кимнидир мускуллари жароҳатланган бўлса, у ўша жойни тасаввур қилиш орқали яна ва яна қайта тиклаш қобилиятига эга бўлар экан. Демак, тасаввурний макон ҳам хотираримизга ёрдам беришда асқотади. Мен ўзим танийдиган Хотира спорти вакилларидан бир нечтаси тасаввурний маконни бир неча йилдан бери ишлатиб бу орқали чемпион-

ликка ҳам кўтарилишган. Масалан – Ёҳаннес Меллу. Ўзи ногирон бўлса ҳам, кўп ҳолатларда юриб кўрган жойлари ни маконга айлантира олмайди ва фантазия макони у учун энг керакли маконга айланади. Ва айнан шунинг ҳисобидан у ҳозирда дунёниг энг кучли хотира соҳиби ҳисобланади. Сиз оддий таниш маконларни туза олмасангиз, тасавурий макон яратишингиз мумкин бўлади: бошланишига 50 та маконни танлаб олиш кўп жабҳада ёрдам беради.

Суқрот ҳам бошқа мнемонистларга ўхшаб ўз нутқларини эслаб қолища, ўз уйидан фойдаланиб, ўзига керак бўлган факт ёки сўзни таниш буюмлар билан бирлаштириб ёдлаб қоларди. Эслаб қолиш вақти келганда омма олдида, Суқрот шунчаки уйини ва таниш буюмни эсга олар ва бу дарров эсланиши керак бўлган сўзни қайта чиқарib берарди.

Мусобақада (Бутунжаҳон Хотира Чемпионатида) қатнашувчиларнинг ҳаммаси айнан шу услубдан фойдаланишади. Таниш маконда кўпгина сўзлар қаторини ва узундан узун раҳамларни элашади. Уни тасавурий макон сифатида олишиб, яъни киши миясида янги макон яратиб, унга мослашиб олиб яна хотирада шуни ишлата олишини синашга ҳаракат қилинади. Мана, мисол учун шахсан меннинг 1000 дан ортиқ маконларим бор, буларни тушиб чиқишида эса соатлаб айланиб чиқиши керак бўлган. Бу ўқиши жойимдан, то она маконим Андижонгача чўзилгандир. Бундай олиб қарасак, бу озгина кулгили ва ёш болаларча, айниқса, реалист инсонлар бу ҳолатни кўриб мени ботаник деб ҳам аташлари мумкин, лекин pragmatik нуқтаи назардан келиб чиқиб айтаманки, бу методика барқарор ишлайди.

Китобидаги техникаларнинг фойдасини тушунтириш учун бир ўхшатиш берсам. Алишер Навоий номидаги Республика қутубхонасига борсангиз, китоб топиш осон – манбалар бўлимларга ажратилганилиги китобни топишда қулайликни пайдо қиласди. Энди тасаввур қилинг, ҳамма китоблар бир жойда бўлиб, улар таҳланмаган бўлса, керакли маълумотни топишингиз учун кунлаб вақтингиз кетади. Шунинг учун ҳам хотира саройи, товуш тизими ва мажор система-

лари қабул қылған ахборотни каталогларга түфри ажратиб чиқишига мұлжалланган.

## **ҚИЗИҚ ДАЛИЛ! МНЕМОНИСТНИНГ АҚЛИ: ХОТИРА САРОЙИННИНГ ТАТБИҚИ**


Одатда, ҳаммамиз журналистларни кундалик дафттар ва ручка билан күриб ўрганиб қолғанмиз. XX асрда шундай бир журналист ҳақида бутун бир китоб ёзіб қолдирилғанки, унинг ҳеч қачон қофоз ва ручка ишлат-маганлиги ҳаммани қизықтиради. Бу инсоннинг исми С.В.Шерешевский бўлиб, талаффуз қилиш қийинлиги учун эринчоқ фарбликлар уни шунчаки «С» ҳарфи билан чақиришган. Бу журналист ўзининг 5 йил аввалги нутқларини, нималар билан машғул бўлганини деярли бехато эслаб қолар ва ҳеч қачон адашиб кетмас эди. У ҳақида рус психологи ва нейрологи Александр Лурия «Мнемонистнинг ақли: катта хотира ҳақида кичкинагина китоб»ида таърифлаб ўтган. Китобда жаноб «С» га бир қанча тестлар берилган ва хотирасининг чегараси текширилган – 30 йил. Уларнинг учрашувига эса кулгили бир воқеа сабаб бўлган. Жаноб «С» Лурияга мажлисларда қатнашгандა ҳеч қандай дафтарни ишлат-маслигини айтган. Қизық жиҳати шундаки, Шерешевский ўзининг эслаб қолиш жараёнини айтар экан, айнан Локи методикасига ўхшаган услубни қўллашини таъкидлаган. Маълумотларни ўзига таниш бўлган йўлларга қўйиб чиқар ва шулар оқибатида нутқларни сўзма-сўз эслаб қоларди. Йиллар давомида Лурия «С» га мураккаб математик формулаларни, чет тилидаги шеърларни ва турли тестларни берив, синааб кўрган. У ҳамма тестларни доғда қолдирған ва маълумотларни узоқ муддатгача эслаб қола олган.

Бир кам дунё экан. Унинг шундай қобилияти, албатта, бир акс томонга ҳам эга эди. У жуда кучли си-

нестезия касаллигига учраган. Синестезия касаллиги – 5 та сезги аъзомизни бир-бири билан аралашиб кетиши натижасида келиб чиқадиган ноодатий ҳолат. Масалан, агар у мусиқа эшитаётган бўлса, рангни кўриб қолади, бирорта буюмга тегинса таъмни ҳис қилади, кимнидир кўрса ҳид билиш қобилияти жун-бишга келади. Балки айнан шу касаллиги унда унтилмас, ноодатий хотираларни яратишда ёрдам бергандир. Масалан, у 3 рақамини кўрса хафа бўлган инсонни кўргандек бўлган, 7 ни кўрса соқолли кишини кўргандек бўлган. Бунда у худди кейинги бобда таърифланадиган Мажор системасидек, ҳеч қандай олдиндан тайёрланган системани ишлатмас эди. Жаноб «С» жуда фаол тасаввур соҳиби бўлган. Шундай мукаммал хотираға эга бўлган бўлса ҳам, бу мукаммалликкниг номукаммал томони бўлган. У одатда, одамларнинг юзларини умуман эслаб қола олмас эди, ақлий салоҳияти ўртача, ўқишида ҳам муаммоларга дуч келарди. Одатда, кўп ҳолатларда ўзи унутмоқчи бўлган хотираларни унтуломасди.

Хуллас, менинг бу воқеликдан топган мантифим: мукаммал хотираси унга фойда берганми ёки йўқлиги муҳим эмас, муҳими, у хотира саройи орқали мукаммал хотираға эришганидир.

Агарда биз бир маконни қайта ва қайта ишлатсак, унда олдин эслаб қолган маълумотлар айнан миямизга қайта келиб қолмайдими? Жавоб эса – ҳа, келиши мумкин! Агарда сиз уни ҳаддан зиёд такрорлаган ва ўта муҳим ахборот бўлса – лекин унчалик муҳим бўлмаса, одатда, 2 кун ичida маконнингиз тозаланади ва унга янги макон қўйишингиз мумкин, бу худди жавонга ўхшайди: кийимларингизни қўясиш, ёқмаса олиб ташлаб, яна янги кийимларни солиб қўясиш. Бу гапларим яна савол туғдириши мумкин, ахир макондан 2 кун ичida деярли йўқ бўлса – унда бу техникаларнинг нима фой-



**10-расм. *Loki* методи.**

даси бор? Яна тақрорлайман: бу техникалар қисқа муддатли хотирани узайтириб бериш имконини беради, холос.

Хуллас, Локи ёки макон методикаси бўйича сиз ўзингизга керакли ва таниш бўлган 10-20 та макон, жойни белгилаб олиб, у ерга ёнда сақланиши керак бўлган сўзларни ноодатий усулда ҳикоялар билан боғлаб чиқасиз. Биламан, бу нақадар кулгили ва нақадар ёш болаларча – аммо энг муҳими натижа, сиз бу усул орқали мен каби 5 дақиқада 200 та рақамни, 5 дақиқада 40 дан ортиқ янги сўзларни ҳеч қандай қалам, қўл телефон ва ёрдамчиларсиз миянгиз ёрдамида эслаб қолишингиз мумкин. Бу усул бошқа хотира, мнемотехникларнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади ва кейинги бобларда айнан керак бўлади.

### ҚИСҚАЧА МАЗМУН

✓ **Локи усули мнемоника тарихидаги энг тарихий усул бўлиб, уни англаш бошқа мнемоник ёки хотирани ривожлантириш усулларига бевосита боғлиқ.**

✓ **Бунда сиз ўзингизга маълум бўлган маконларда бир қанча бекат, яъни жойларни белгилаб оласиз, масалан, уйингиздан ўқиш ва ишингизгача бўлган маконлар. Шундан сўнг, шу маконда ёдламоқчи бўлган маълумотларни қўйиб антиқа ҳикоя ва МАТОни ишлатишингиз керак бўлади.**

✓ **Ақлий саёҳат деб сиз маълумотларни маконга қўйиб чиққанингиздан кейин миянгиз қўзи билан, қўзингиз юмилган ҳолда маконда саёҳат қилишга айтилади. Бу макондаги тасаввурни яхшилаш, оралиқли тақрорлаш орқали маълумотни эслаб қолишини оширади.**

## БЕШИНЧИ БОБ. МАЖОР СИСТЕМАСИ

Мен 5 дақиқада 100 тадан ошиқ рақамларни ўрни-ўрни билан қандай қилиб ёдлаб қола оламан? Бу сиз ўйлаганингиздан кўра анча осонроқ. Оддийгина, мос техникани қўллаш билан, сиз хотирангиз кучини радикал тарзда ўзгартириб юборишингиз мумкин.

Негадир, ҳаётдаги жуда қўплаб маълумотлар миямиз тушунмайдиган тилда бўлади. Мисол учун, қандайдир символларми, рақамлар ёки кодлар. Ўша маълумотни сақлаб қолиш учун эса инсон тушунмайдиган рақамларни тушунарли отларга ва уларга мос равищда расмларга ўтказамиз (эсингизда бўлса, миямиз расмларда фикрлайди). Мажор системаси ҳам мос равищда шу аснода ишлайди.

Фоя щундан иборатки, сиз ҳар бир рақамни ўзингиз тушунадиган қандайдир сўзга таржима қиласиз. Масалан, 33 менинг тизимимда **мамонт** бўлади ва таржима қилинаётганда ўзига яраша кодлаш тизими бўлиш керак, деб ўйлайман. Бу нарсани тушунтиришим учун бир ҳолатни эслатай. Компьютер ўзига керакли бўлган хабарни сақлаб қолиш учун худди шундай кодлаштиради ахир, у овозимизни тушунмайди, у рақамли тилга мурожаат этади. Ҳар бир овоз ёки ранг маҳсус иккилик саноқ системасига боғлиқ бўлган кодга эга бўлади ва маълумотни эсида сақлаб қолиш учун у, албатта, таржима қиласиди. Демак, миямиз ҳам қайсиdir маънода шундай кодлаши ёки таржима қилиши керак.

Мажор тизими Йоҳан Вилкенман томонидан 1648 йилда кашф қилинган бўлиб, шунчаки кодлар тизими бўлган рақамларни фонетик товушларга ўтказишга асосланган. Бу товушлар кейин сўзга айланади, сўзлар эса миямиз тушундиган расмларга ўтади. Бу кодлашдан асосий мақсад эса рақамларни ўзимизга таниш бўлган қандайдир нарсалар билан боғлаб олиш ва сўнг 00 дан 99 гача бўлган рақамларга ўз ассоциациямизни берамиз.\*

---

\* Ушбу жадвал Ҳусниддин Исмоилов томонидан ишлаб чиқилган.

<b>Рақам</b>	<b>Товуш</b>	<b>Қандай қилиб эслаб қолиши, Мнемоник услуб – осонроқ</b>
0	Z,S	Бу 0 рақамини Зеро сўзидан келиб чиққан ва 3 нинг жарангисиз шериги С олинган.
1	T,D	Бунда асосий мантиқ Д ҳамда Т ҳарфининг 1 та устундан иборатлиги.
2	N	Бунда эса Н нинг 2 устундан иборатлиги.
3	M	3 устундан иборат.
4	R	Инглизча 4 рақамининг охирги ҳарфидан (Фоур).
5	L	Рим рақам системасида 50 айнан L ҳарфи билан белгиланади.
6	B,	В нинг кичик ҳарфлар билан ёзганда 6 рақамига ўхшаб қолади.
7	K	К ҳарфига яхшилаб эътибор билан қаралса, унда иккита 7 рақамини бирлаштирилганини сезиш мумкин.
8	F,V	F ҳарфини ёзма шакли қисман бўлса ҳам 8 рақамини эслатиб туради.
9	g	G ҳарфининг ҳам ёзма шакли 9 рақамига яқин ҳисобланади

Калит сўзлар қўйидагича принципда тузилган: 33 бу иккита 3 дегани бўлиб, иккита 3 мажорга таржима қилсак, мм хосил қиласди. Энди ММ дан сўз яратилади, менда мамонт сўзи келади. Шу сўзни тузганда иложи борича, тасаввур қилишга осон ва аниқ, мавҳум бўлмаган сўзлардан тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мажордан чиққан барча калит сўзлар, калит расмларни эслатиб тасаввур қилишни осонлаштириши лозим. Одатда, кўпчилик ўз тизимини тузиб чиқа олмайди, бунга сабаб уларни етарли даражада мотивацияга эга эмаслиги, шунингдек, балки фойда кўрмаслик, балки дангасаликдир. Шунинг учун сизга ўзбекча илк Мажор системасидан фойдаланишни тавсия қиласман – бу жуда содда ва равон-текис (айнан дангасаларга мослашган).

00. Зазу	26. Ниқоб	52. Луна	78. Кофе
01. Сода	27. Нике	53. Лампа	79. Канго
02. Зиндон	28. Нефт	54. Ласер	(сақиҷ)
03. Сомса	29. Най	55. Алла	80. ФАЙЗ
04. Зорро	30. Муз	56. Ликоп	ҲОЛДИНГ
05. Сел	31. Мат	57. Лайлак	81. Фоот
06. Зебра	32. Маймун	58. Лифт	82. Фен
07. Замок	33. Мамонт	59. Лангар	83. ФМ
08. Сейф	34. Мўри	60. Бизнес	84. Фартук
09. Сега	35. Мол	61. Бедана	85. Фол
10. Дастхат	36. Мактаб	62. Банан	86. ФБР
11. Дараҳт	37. Масбоок	63. Бомба	87. Факел
12. Дон	38. Мафия	64. Барби	88. Фаввора
13. Дамба	39. Мерган	65. Бола	89. Фотограф
14. Дор	40. Роза	66. Бобо	90. Гилос
15. Дазмол	41. Рота	67. Бокс	91. Йогурт
16. Дўппи	42. Рональдо	68. Буфер	92. Елкан
17. Доктор	43. Расм	69. Бегона ўт	93. Гилам
18. Дельфин	44. Аппа	70. Кўза	94. Гитара
19. Дог	45. Рул	71. Кеда	95. Гала
20. Найза	46. Рубоб	72. Кана	концерт
21. Нота	47. Рокет	73. Камера	96. Гибралар
22. Нон	48. Рафаэлло	74. Кран	97. Гайка
23. Немо	49. Регби	75. Кал	98. Жирафа
24. Нарвон	50. Луза	76. Кабоб	99. Google
25. Нола	51. Лата	77. Кубик	

Ҳар бир рақам қайсиdir бир ундош товушларга тегиштирилади. Негаки, калит сўз яратилаётганда ундош сўзлардан сўз яратиш осон кечади ва унли сўзлар орасига солиши эса ундан-да осон кечади. Сўз тузиб бўлганидан кейин ўша сўзга монанд тасаввuriй ҳолат тузиш ҳам муҳим. Ҳар бир рақамга қандайдир ҳаракатни бирлаштириб қўйсангиз у эсда қолиши мумкин, негаки, энг аввало миямиз бу ҳаракатлар орқали фикрлайди. Диққат, сиз ёқмаган калит сўзни топсангиз ёки яхшироқ калит сўз ўйлаб топган бўлсангиз, bemalol юқоридаги жадвалга

ўзгартириш киритаверасиз. Ўзингиз тузган ассоциация яхшироқ эсда қолади.

Бу тизим, бир қараңда, ишлатишга қийин ва кўп вақтни олиши мумкиндеқ, лекин бир марта ишлаб чиқилганидан кейин ва 1 кун ёки 2 кундан сўнг, рақамлар билан машқ қилганингиздан кейин, Мажор системаси ўз-ўзидан тез келадиган ҳолатта келади, ана энди сиз бу рақамларни эслаб қолишида **локи** тизимидан фойдалансангиз кифоя.

#### **4-машқ**

*Мажор системангизни тузиб чиққанингиздан кейин уни ҳаётга татбиқ этмоқчи бўлсангиз, бунинг осон йўли – юрган йўлингизда рақамларни кўриб уларни 2 хонали сонларга ажратиб мажор системангиз кодини эслашга урининг. Бунда асосан машина номерлари ёки кўчада кўринган барча рақамлардан 2 хонали сонларга ажратиб машқ қилинади.*

Агарда жараённи янада тезлаштирмоқчи бўлсангиз, қоғозни олиб турли рақамларни ёзиб, унда машқ қилингиз ёки дўстингиздан рақамлар тузиб беришини сўрашингиз, телефонингиздаги контактларнинг рақамлари орқали шугулланингиз мумкин. Бу тизимни яхши ўзлаштириши сизни Бутунжаҳон Хотира Чемпионатида қатнашишга ёки Ўзбекистон Хотира Чемпионатида қатнашишга олиб келиши мумкин.

Лу Чао деган бир хитойлик ПИ рақамини 67,890 та рақамини 24 соату ва 4 дақиқада айтиб берди, ўзи аслида 100 мингтасини ёдлаб қолмоқчи бўлганди. Тўғрисини айтсам, у ҳам бизнинг техникадан фойдаланди, бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Лекин бу воқеа бизга бир нарсадан дарс беради: agar кимдир хоҳласа, у албатта катта ҳажмдаги ахборотни эслаб қола олади. Бу ПИ рақамида нима борлигини билмадиму ундан кейин Акира Ҳарагучи исмли Япон инженери дунё рекордини янгилаб Гиннеснинг Рекордлар китобига кириб, 100 000 сонини эслаб беришга муваффақ бўлди. Тўғриси, рақамларни эслашдан ҳеч қандай наф йўқ.

У сизга на бойлик ва на маънавий билим беради, биттаю битта «фойда»си шу – ПИ ни айтиб берадиган бўласиз, холос. Энг муҳими эса буни ақдан ва юракдан сезиш, зотан сиз хотирангизни ҳеч нарсага қарамасдан ривожлантира оласиз.

Ҳарагучининг фикрича, ПИ рақами бу коинотнинг дини ва унда қандайдир сирлар яширинган эмиш. Буни ёд олиш унга ҳақиқатни англашга ёрдам берибди. Наилож, омадини берсин. Бизга аслида ҳаётда 10 тадан ортиқ рақамларни эслаб қолишдан ортиқ система керак эмас, қолган барчасини компьютер ёки телефонингиз бажариши мумкин.

Аслини олганда, Мажор системаси бу шунчаки, ҳар бир рақамга хотирамиз учун керак бўлган ассоциацияларни келтириб чиқаришга қулай. Агарда сизда ҳамма рақам учун ассоциация бор бўлса, мажор системасининг зарурати қолмайди. Аммо ҳар бир рақамга доимо бир хил ассоциация қилиш мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, Мажор системаси рақамларни эслаб қолишда айнан қўл келади. Сиз ўзингиз мажор системангизни тузиб чиққанингиздан кейин рақамларни такрорлаб, кодлаш жараёнини тезлаштиришга урининг, билиб қўйинг – бошида секин бўлади, шуғулланаверсангиз, бу жараён осонлашиб, тезлашади. Сўнг рақамларни тезроқ эслашга ўтасиз ва бу техникани бошқа соҳага татбиқ қила оласиз.

## ҚИСҚАЧА МАЗМУН

✓ Бу система рақамларни ёдлаб қолишда ишлатиладиган усул ҳисобланади. Унда сиз ҳар бир рақамни маҳсус кодлар орқали ундош сўзларга ажратиб чиқасиз (масалан, 1 д, 2 н, чунки иккита устуни бор ва ҳоказо), сўнг икки хоналик тизимда 100 та сонга шу кодлаштирилган система орқали сўзларни ишлаб чиқасиз.

✓ 100 та рақамни бир ёки икки кун ичида пухта такрорлашлар билан мукаммаллаштиришингиз ва учинчи қундан сиз мажор системаси орқали рақамларни эслаб қолишга муваффақ бўлишингиз мумкин. Билиб қўйинг, бошида рақам-

ларни калит сўзларга алмаштириш секин бўлади, лекин машқулар оқибатида бу жараён тезлашади.

✓ Сўнг сиз узун рақамларни ҳам Локи ёки Макон усули билан Мажор орқали эслаб қола оласиз. Бунда 33 рақами Мамонт бўладиган бўлса, уни биринчи маконга, рақамни эса кейинги маконга қўйишингиз мумкин.

**ОЛТИНЧИ БОБ.  
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ ВА ТУРЛИ  
РАҚАМЛАРНИ ЭСЛАБ ҚОЛИНГ**

*Ақдли инсон кўп билган эмас, балки  
билганини тўғри, осон ва унумли  
тарзда ишлатган инсонdir.  
Шоҳруҳ Мирзо Раҳмонов*

Рақамлар, рақамлар, рақамлар... Ким уларни яхши кўради? Дастлаб ҳамма улардан математика сабабли қочади, ке-йинчалик уларни эслаб қолиш анча муаммо бўлгани учун ёмон кўриб қолади. Мен ҳам рақамларни эслаб қолишни ёмон кўраман, одам психологияси қизиқ-да, одатда, инсон нима туфайли ўзини ёмон ҳис қилса, ўшани ёмон кўраркан. Мен телефон рақамлари, машина номерларини, туғилган кунларни эслаб қола олмас эдим, шунинг учун уларни ёмон кўрардим.

Буюк немис математиги ва файласуфи Готфильд Лейбниц ёдлаш қийин рақамларни эслаб қолиш методикасини ўзи учун кашф қилган ва барча рақамларни ўзи тушунадиган ҳарфларга ўтказиб сўзлар орқали ёдлашни мўлжаллаган. 4960 рақамини эслаб қолишида у Чадо ШалиТ ни эслаб қолишга ҳаракат қилган. Шунингдек, мажор системасини ишлатувчи кўплаб муштарийлар айнан шу техникани ишлатиб кўп ҳолатларда фойдасини сезганини айтишган.

Одатда, мен телефонимдаги ҳар бир алоқа абонентини ҳарф билан исмини ёзиб қўйишини яхши кўраман, кўпчилик мен хотира бўйича мусобақада қатнашганим учун рақамларнинг ўзинигина ёзган деб ўйлади, лекин менимча, бу нотўғри. Рақамда ёзиш бир мунча қийинчиликни туғдира-

ди, уни қидириш секин ва жуда зарур пайтда, шошилинч ёки кучли ҳаяжонда хотирага келмай қолиши мумкин, шунинг учун ҳам деярли барча рақамларни исми билан сақлаб қўйганингиз маъқул. Миямизнинг ишлаш принципи шундай – инсоният асрлар давомида ҳеч қандай рақамларни эслаб қолишга эҳтиёж сезмаган, биз одамларнинг исми ва уйини билар эдик ва хатлар орқали гаплашар эдик, лекин ЯНГИ ДУНЁ ҚОНУНИДа рақамлар бизга ёрдамлашади, шунингдек, ишимизни қийинлаштиради ҳам, биз бунга бутун инсоният нуқтаи назари билан қарашимиз керак, яъни уни мослашишимиз лозим.

Телефон рақамларини эслашда мажор системасидан фойдаланаман. Рақамга эса маконни ўша рақамни илк бор кўрган жойимга ёки 50 талик маконнинг биттасига жойлайман. Масалан, +99893 545 17 28. Бу номерни, психологик нуқтаи назардан, эслаб қолиш анча мушкул. Мен эса мажор системасидан 17 ни доктор ва 28 ни нефть деб оламан, доктор биринчи келиши учун, доктор ўзининг оқ кийимида нефтни қазиб олаётганидан ва 93 ни «Юселл» эканлигидан келтириб чиқариб олиш мумкин. 545 га келсак, мажор системам икки хоналикка мослашганини ҳисобга олсан, фақат 45 рақамини ёдлашга уринаман, 5 эса такрорланишлар оқибатида эсда қолиб кетади. Бундай ёдлаш бир қарашда узоқ вағтини олаётганга ўхшайди, аммо машқ қилаверсангиз, тезлик ва аниқликка эга бўласиз. Телефон қилганингизда икки-уч марта такрор рақамни тераверишингиз, оралиқли такрорлашлар оқибатида, кейинчалик автоматик равишда телефон рақами эсга кела бошлайди. Системанинг афзаллиги ilk марта келган рақамни секин қабул қилиб, аста-аста уни тезроқ қайта эслашга олиб келади.

Бир куни машинада кетаётганимда Карго фирмасининг номерини кўриб қолдим, ўша кунлари бу менга керакли бўлиб турганди, ёнимда ручка йўқ, телефонимнинг қуввати ўчган, устига-устак мажлисга шошиб кетаётган пайтимда, номерни кўриб, ёдлаб қолишимга тўғри келди. +99871 233 58 26 номерини кўрдим-да, асосийси охирги тўртта рақами эсласам номерни сақлаб қолишим мумкин эканлигини ту-

шундим, 58 ни лифт, 26 ни ниқобга мажордан ўтказдим. Ва дарровда Карго юкларни лифтда ўғирлаётган ниқобли инсонни тасаввур қылдим. 33 ва 71 код бўлганлиги ва 1 2 3 кетма-кет келганлигини онгли равишда фикрладим. Натижада эртаси куни номерни эслаб қолдим. Шу-шу мажор системаси менга доимо рақамлардаги камчилигимни устунликка айлантириб бермоқда.

Сиз бундай усулда ёдлашда ўзингиз учун фойдали қисмни топишингиз мумкин. Мисол учун, юртимиздаги бухгалтерия системасида талабалар, одатда, узундан-узун рақамларни ва уларга мос келувчи ҳисоб-китобларни ёдлашга ҳаракат қиласди. Бир дўстим мажор системасини қўллаб бухгалтерия ҳисоб рақамларини ёдлашга уринганди, тажриба муваффақиятли ўтди, ҳисобларни осонроқ ва унумли эслаб қолди. Хуроса шуки, мажор системасини ҳаётимиздаги кўплаб соҳаларга татбиқ қилиш мумкин. Бунга фақат хоҳиш ва ирода бўлса, бас.

### **Техникасиз техника – сунъий табиийлик**

Кўпчилик одамлар беихтиёр усулда рақамларни эслаб қолишади. Буни олдин ҳам таъкидлагандим: биз қўпи билан етти плюс иккита рақам ёки фактни эслаб қоламиз. Телефон рақамлари 7 хонали бўлгани учун эслаб қолиш муаммо эмас, аммо рақам ундан-да қўп бўлса-чи, мисол учун 20 хонали. Бу ҳолда, энди айёрик қиламиз, 20 хонали сонни 7 та 3 хонали ёки икки хонали сонларга бўлиб чиқамиз («парчалаш» усули), қарабисизки, биз барибир 7 та ахборотни ҳазм қилаётган бўламиз. Қарангки, бу ҳам систематик эслаб қолишга осон ва уни ўзимиз учун қулай тарзда мантиқий гуруҳласак, ишимиз янада осонлашади. Айнан шу орқали ҳам, баъзи инсонлар ҳеч қандай Мажор ёки мнемоник техникасиз 60 та рақамни эслаб қолишга муваффақ бўлишган.

Шундай дўстларим борки, улар сонларни табиий равишда яхши эслаб қолади. Менинг техникаларим механик тарзда, уларники табиий ишлайди. Ўткирбек шундай дўстларимдан бири. У телефонига қарамасдан керакли рақамларни хотир-

лашига кўп марта гувоҳ бўлганман. Рақамларни бир-бирига боғлаш ва ассоциациялар қилишини оддий инсонлар ҳеч қандай техникасиз ҳам амалга ошириши мумкин. Яна шундай инсонлардан бири Афзал Рафиқов ҳам ўз тажрибаси билан ўртоқлашди. 30 йил аввалги рақамни ҳали ҳам эслаб қолгани унинг туфма қобилиятидан дарак: «Обид Юнусовнинг телефон рақами 41-41-48 эди», деди у киши. Афзал ака бунда 41 ни уруш бошланиши ва 48 ни туғилган йили билан боғлаган. Ёки 42-33-18 – бунда бошидаги иккита рақам бу телефон тармоқ корхонаси номери ва бундан шаҳар бўйича қаердалигини эслаб қолса бўларди ва ўртада 33 борлигини билиб, 18 такрорлашлар орқали келарди. Афзал Рафиқов машина номерларини ҳам, уй номерлари ва шунга ўхшаганларни яхши эслаб қолганлигини таъкидлади.

Одатда, эътибор бермаганимиз туфайли биз рақамларни эсдан чиқариб қўямиз, берганимизда ҳам бу эътибор етарли бўлмайди. Китобнинг дастлабки бобларида таъкидланганидек, эътибор ва концентрация хотиранинг асосий қоидаси бўлиб, 8 секундгача эътибор бериб, рақамлар ўртасида боғлиқликлар ва ассоциациялар ҳосил қила олсангиз, уни эслаб қолишингиз мумкин бўлади. Масалан, бир куни 2460132 рақамини эслаб қолишда мен унга яхши эътибор бердим, бошидаги 3 та рақам 2 жуфт сонига, яна 2 ва яна 2 рақамларини қўшиш орқали ҳосил қилинганлиги эътиборимни тортиди (эътибор торганингига яхши эътибор беринг). Сўнг охирги рақамларда 0 1 2 3 дек тизим қилдим, фақаттина 3 билан 2 рақами ўрни алмашганини мантиқан эслаб қолдим ва керакли инсоннинг рақамини ассоциация қилиб эслаб қолдим. Бу усул олдинги бобларда айтилган мантиқий тафаккур орқали эслашга мисол бўлади.

Доимо ўзимга ўзим савол берардим: нега мен телефон рақамларини эслаб қолмайман ёки умуман эслаб қолгим келмайди? Бу худди одатга айланиб характеримнинг бир қисми бўлиб қолганди, рақамлар айтилса уни ёзиб оламан, лекин эслаб қолмасдим. Эйнштейн айтганидек, ҳеч қачон кейинчалик қараб олишингиз мумкин бўлган хабарни эслаб қолманг, деган тушунчага ишонардим. Лекин мнемоника тренингла-

рини ўтказганимдан кейин саволлар туғила бошлади, нима-га мен ҳалиям табиий равища телефон рақамларини эслаб қолмаяпман? Ўзимни таҳлил қилиб ва фикрларимни ва фикрлаш жараёнимни онгли равища кўриб чиқиб, шу хулосага келдим: мен учун телефон рақами муҳим эмас экан, менга ундағи инсоннинг ўзи, нима қилгани ва ҳаётий биографияси қизигу лекин рақамларга алоқадор ахборотлари қизиқ эмас экан. Шунда шу одатимни ўзгартиришга ҳаракат қилдим. Бунинг учун Антони Роббинсга катта раҳмат, унинг қандай қилиб ўзгариш бўйича маслаҳатлари мени рақамларга бўлган муносабатимни ўзгартирди.

Унга кўра, ҳаёtingизда ўзгариш ҳосил қилиш учун сиз фикрларингиз ва қарашларингизни ўзгартиришингиз, улар ўзгарганидан кейин характерингиз шунга эргашишини билиш мумкин. Умуман олганда, ҳаётдаги ишончларингизни учга бўлиш мумкин: фикрлар, қарашлар ва кучли дорма. Бунда фикр энг тез ўзгарувчан бўлиб, одатда, асослар етарли бўлса, фикрни ўзгартириш мумкин. Масалан, етарли асослар келтирилса, бу китобнинг сизга фойдали эканига ишонтириш мумкин ёки тескариси. Қарашни ўзгартириш озгина мушкул, чунки у бир қанча асосларнинг йифиндисидан иборат бўлиб, айниқса, бизнинг чуқур ҳиссиётларимиз билан боғлиқ бўлади, одатда, кучли қарашга эга бўлган инсон янги ахборотни қабул қила олмайди, масалан, мен рақамларни ёдлаб қолиш керак эмас, нима қиласман ёдлаб, деганимдек. Кучли дормани деярли ўзгартириб бўлмайди, буни футболдаги фанатлардан билиш мумкин: сиз уларнинг футбол клубини хоҳлаганча ёмонлашингиз мумкин, аммо уларнинг йиллар давомида ҳиссиёт билан тўпланган дормаларини ўзгартира олмайсиз.

Демак, рақамларга бўлган муносабатимни ўзгартириш учун мен турли фикрлар ва асослар билан қарашларимни дорма даражасига олиб чиқишим керак. Ва мен сабабларни топдим: уларни ёдлашим кераклигини 5 та қўшимча фойдасини ўйладим, асосларни янада кучайтириш учун телефон рақамларни эслаб қоладиган инсонлар билан кўплаб гаплашдим ва уларга берәётган фойдасини тушунишга ҳаракат қилдим.

Охири айнан шуни догма даражасига чиқариш учун қандай-дир ҳиссиётни ёки оғриқни шу рақамларни эслаб қолмаслик билан тасаввур қилдим. Бир куни жуда керак бўлган рақамни эслаб қолмаганим учун телефоним ўчиб қолиб, кўчада икки соатлаб кутиб қийналганимни эсладим ва тасаввур қилдим.

Ўзгаришнинг асосий ишини қилдим: асосларни ўзгартирдим, энди фикрларимда ҳақиқий ўзгариш қилиш учун мен ўйлаганларимни ҳаётга татбиқ қила бошладим. Бошида қийин кечди, лекин ўзимни мажбуrlайвериб ва асосларим ҳамда қарашларимни тўғрилайвериб, мен янги одатни ўзимда ривожлантиридим: рақамларни ўзим учун муҳим билиб, уларни эслаб қолишга табиий тарзда ҳаракат қила бошладим. Бунда албатта, китобдаги техникалар ёрдам берди, агар сизда ҳам рақамларга нисбатан шундай менсимаслик пайдо бўлса, мен қўллаган йўл билан рақамларга бўлган ҳурматингизни ошира оласиз.

Яна савол туғилади: тартиб сонни-ку эслаб қолса бўлади, миқдорни қандай эслаб қолиш мумкин? Айниқса, бозорга борсангиз миқдорий қийматлар билан кўпроқ ишлашга тўғри келади. Мен шу мақсадда бозордаги нарсаларни жуда яхши эслаб қоладиган инсонлар билан суҳбат қилиб билдимки, улар асосан, таққослаш усулидан фойдаланишаркан. Таққослаш бу – инсоннинг ажойиб хислати бўлиб, у туфайли миямиз фикрлайди, мантиқан тафаккур қилади. Ва бунга қўшимча тарзда мажорни ишлатишингиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Олдинги бобда Мажор системаси ҳақида сизга тасаввур бердим, айнан шу тизим орқали мен шахсан ўзим 5 дақиқада 200 та рақамни эслаб қоламан. Лекин ҳаётда шундай инсонларни кўрдим, уларнинг табиий хотираси кучлилиги сабаб mnemonicika билан шуғулланувчилар билан беллашиб кўргилари келади. Уларнинг фикрича, mnemonicika техникаларисиз ҳам кўпгина рақамларни эслаб қолиш мумкин. Шунда мен бир-бир улар билан мусобақалашишга киришаман. Ростдан ҳам, улар 5 дақиқада 40 тадан ортиқ рақамни эслаб қолади, мен эса ўйнаб-кулиб 80 дан ортиқни эслаб қоламан. Кейин уларга 15 дақиқа ўтгач, эслаб қолинган рақамни қайта элашни таклиф қиламан. Мен ўзимнинг ишларим билан

чалғыйман, табиий хотирасини ишлатган инсонни зимдан кузатиб тураманки, улар ўша 15 дақиқа давомида миясида тақрорлаб ўтирганини күраман. Шунда айтаман, демак, мнемоника табиий хотирадан кўра устунроқ экан, негаки энди мен ортиқча қайғурмасдан, рақамларни хотира мукаммал тарзда эслаб қолганига ишонаман. Ҳатто бир ҳафтадан кейин ҳам ўша рақамларни камроқ тақрорлаб аниқроқ дараҗада эслаб қоламан. Бу фойдали иш коэффициентини тўғридан-тўғри ошириш билан баробардир.

Хуллас, ушбу боб сизни рақамларга бўлган муносабатингизни ўзгартиради, рақамларга душман сифатида қараш керак эмас, унга очиқлик билан боқиб, уни дўст деб билиш даркор, шунда рақамлар сирларини бирма-бир очиб, ҳаётингизни фаровон қиласди.

## ҚИСҚАЧА МАЗМУН

✓ Мажор системаси ва локи методикасини ишлатиб телефон рақамларини ҳам эслаб қола оласиз. Нафақат телефон рақамлари, балки бошқа рақамлар ҳам энди миянгиз тушунадиган тилда хотирангизда сақланиб қолади.

✓ Техникасиз ҳам техника ёрдамида рақамларни эслаб қолишингиз мумкин, бунда мантиқий ёдлаш ва ассоциация қилиши орқали рақамларни осон эслаб қолинг.

✓ Тизимни тўғри тушуниш орқали уни бошқа соҳалардаги рақамларга ёки рақами бор бўлган маълумотларни эслаб қолишга татбиқ қиласа бўлади.

## ЕТТИНЧИ БОБ. ТАРИХ ВА САНАЛАР

Вақт бу – нима? У бизнинг миямиздаги борлиқни ўлчаш асбобими? Сиз вақтни қандай идрок этасиз? Одатда, вақт йил, ойлар кабилар билан ўлчанади – аслида булар мавҳум нарсалар бўлиб, уларни эслаб қолишида миямизга ёрдам керак. Яъни мавҳум тушунчаларни аниқ ва лўнда фикрларга айлантириш лозим.

Саналарни эслаб қолишининг энг осон йўли – ўша куни яна нима бўлганига эътибор бериш керак. Масалан, 1616 Шекспир ва Мигел де Сервантес вафот этди, боғлаб олишга ҳаракат қилинг. Йиллар ўртасидаги боғлиқликларни билиш ҳам тарихдаги маълум вақтни эслаб қолишга ёрдам беради.

Одатда, 3 тагача бўлган нарсаларни биз осонгина эслаб қоламиз. Лекин савол туғилади: масалан, 17 август бўлса-ю бу 1 августдан қанчадан кейин келиши бўйича, яъни 17 бўлса, 17 рақамини қандай эслаб қоламиз? Айнан шу ерда сизга **мажор** системаси ёрдамга келиши мумкин, акс ҳолда қийнабил қоласиз.

Ўзим тарихдан кўп ўқимаган бўлсам-да, мен учун тарихдаги фикр ва ривожланишлар муҳим ҳисобланади, буюк инсонларнинг ишларига кўпроқ эътибор бериб ўқишни маъқул кўраман. Лекин бир куни бир дўстим тарихдан тайёрла-наётганини айтиб, мнемоник техникаларни қандай қилиб тарихдаги рақамларга татбиқ қиласа бўлади, деб савол берди. Тўғриси, мен мусобақадаги тарихий саналарни эслаб қолишга ўрганганлигимни ва улар одатда, ўйлаб топилган тарихий рақамлар бўлиб, тарихий саналарни эслаб қолишимга эҳтиёж сезмаганимни айтдим. Аммо ўртоғимнинг саволидан сўнг, мен бир техникани тарихга татбиқ қилишга уриндим. Мисол учун, 8 та салиб юришлари бор ва уларнинг саналарини қандай эслаб қолиш ҳақида.

**1-Салиб юриши 1096 – 1099**

**2-Салиб юриши 1147 – 1149**

**3-Салиб юриши 1189 – 1192**

**4-Салиб юриши 1202 – 1204**

**5-Салиб юриши 1217 – 1221**

**6-Салиб юриши 1228 – 1229**

**7-Салиб юриши 1248 – 1254**

**8-Салиб юриши 1269 – 1270**

Бу рақамларни эслашда улар нафақат кетма-кетлик бўлиши керак, балки оралиқ муддатни ҳам эслаб қолиш муҳим ҳисобланади. Буни амалга ошириш учун бизга 8 та макон керак бўлади. Макон ҳар доимгидек хотирамизнинг асосий хусусияти ҳисобланади. Макон ўзингизга маълум ва кетма-

кетлигини ҳеч қачон эсингиздан чиқармайдыган бўлгани маъқул. Агар топган маконингиз эслаб қолмоқчи бўлган саналарга тўғри келса, бу янада аъло бўлар эди, урушга мос албатта. Ва рақамларни эслаб қолишида, албатта, **мажор** системасидан фойдаланамиз. Шахсан мен Андижондан Тошкентга кетишдаги Қамчиқ довонини танладим. Бошланиши Намангандаги «Навес»дан бошланиб, 8 та энг эсда қоларли маконни танладим.

**1-Салиб юриши 1096 – 1099.** Биринчи маконга келиб, бу ерга 96 рақамига мос келувчи расмни қўямиз. Мажор системасида бу глобус бўлиб, 1-Навесдаги маконда Глобус айланаб турганини ва ҳайдовчилар айланадиган глобус бўйлаб қамчиқ довонига тушаётганини айтаман. Энди унга монанд 99 ни эслайман ва у 99 (Гоогле) деб биламан, шунда иккита глобус оргали Навесдан кираверишга GOOGLE сўзи ёзилиб, ундаги иккита О ҳарфини Глобус билан алмаштираман.

**2-Салиб юриши 1147 – 1149.** 2-маконни танлаб бўлганимдан кейин, пост аскарлари турадиган жой 1147 рақамини иккита икки хонали тизимга ўтказаман, унда 11-47 бўлиб, 11 мен учун дараҳт бўлса, 47 **ракета** ҳисобланади. Шундан менда дараҳт ўсиб чиқиб, кейин дараҳт тепасида чиқиб ракета отилади. Энди бу ерда яна қўшимча маълумотни ҳам қўйиб ташласангиз бўлади, 11 бизга унчалик керак эмас, 49 эса Регби тарзида тасаввур қиласманки, Ракета учеби кетишни бошлаганда ўйинчи Регби коптоги билан ракетани уриб ерга туширади. Тасаввурингиз қанча ноодатий бўлса шунчалик яхши.

**3-Салиб юриши 1189 – 1192.** 3-маконда 11 – 89 рақамини эслашга уринамиз, 11 яна дараҳт бўлиб, 89 бу фотограф расми, тасаввур қиласмизки, фотограф ажойибу гаройиб ўсган дараҳтни расмга олиш билан банд. 1192 даги 92 эса Гулдон, бунда дараҳтнинг тагида гулдонлар қўйилган бўлиб, бу балким рамзий урушдан қайтгандаги аскарлар руҳига бағишлиган бўлиши эслаб қолишида ахборотни ўзингизга яқинроқ қилишга олиб келади.

**4-Салиб юриши 1202 – 1204.** 4-маконда энди 1204 даги 12 бу дон ва 02 зиндан бўлиб, янгича қурилган зинданда дон

маҳсулотларинини сақланаётгани ҳаммани ҳайратга солади. Унинг орқасидан Зорро (1204 даги 04) келиб зинданни очиб, ундаги донларни ҳамма одамларга тарқатта бошлади.

**5-Салиб юриши 1217 – 1221.** 5-маконда эса 1217 яна дон муаммоси ва 17 доктор бўлиб, достор Зорро тарқатган донни аҳоли саломатлигига қанчалик зарарини ўргангани келади. Эътибор беринг, олдинги ҳикояни қўшиб давом эттириш эслаб қолишга фақат ва фақат ёрдам беради. Улаб кетиши сизнинг боғланишларингизни янада мустаҳкам қиласди. Шундай пайтда доктор текшираётганида ҳамма жойда куй янграб қолади ва дондан касал бўлганлар даволаниб, докторнинг ёрдамига муҳтож бўлишмайди.

**6-Салиб юриши 1228 – 1229.** 1228 да 28 нефть бўлиб, энди дон экилган экинзордан нефтлар чиқиб кетади ва нефть кони пайдо бўлади. 29 даги найчи инсон эса бу ҳақида бутун дунёга жар солади. Иложи бўлса, бир сидра такрорланса, илк бор хотирага туширилгани янада мустаҳкамланади. Лекин тест ечиш ва турли сўроқ – саволлардан кейин бу эслаб қолиш янада яхшиланади.

**7-Салиб юриши 1248 – 1254.** 7-маконда 48 (рафаэлло) шо-коладлари сотилаётганини кўрасиз, одатда, қурт сотишар эди, энди ҳамма Рафаэлло сотишга ўтиб кетибди. Унинг устига Рафаэлло Дони униб чиқиб, ундаги меваларнинг ҳаммаси Рафаэлло бўлиб қолибди. Шундан сўнг сиз уларнинг ҳақиқиями ёки йўқлигини билишда лазердан (54 рақамини Мажордаги калит сўзи) фойдаланиб кўрасиз.

**8-Салиб юриши 1269 – 1270.** Охирги маконда Буфу (69) энди овқатнинг ҳаммасини дондан оладиган бўлди ва бир йилга Кўзгуда (70) ўзини кўриб ва дон еяётганини кўради ҳамда Салиб урушининг оқибатларини кўрганидан сўнг, кўрқиб қочиб кетади.

Бундай тасаввур яна жуда секин ва кўп вақтимни олади, дейишингиз мумкин. Лекин бундай эслаб қолишда илк эслаш секин бўлганидан кейин, кейинчалик ҳаётда ишларатверсангиз, ёдланган маълумотингиз хотирангизда автоматик ишлашга олиб келади. Сўнг сиз тасаввур қилган Антиқа ҳикоялар ҳам керак бўлмай қолади.

Яна билиб қўйингки, бу тасаввурый маконларда қилингандан ҳикояга яна қўшимча маълумотларни боғласангиз бўлади. Масалан, қизиқарли фактлардан бири бу, аслида, Салиб урушлари мусулмонларга қарши Ирусламни эгаллашга қаратилган бўлса-да, 4-солиб юришида христианлар христианларга қарши чиқади ва улар Константинополни эгаллашади. Айнан шуни 4-маконингизга қўйиб, ушбу қўшимча ахборотни ҳам биргаликда эслаб қолишингиз мумкин. Бунда мен Зорро донни ҳаммага тарқатганидан кейин христианлардан ташкил топган аҳоли бир-бири билан дон учун уришиб кетади, оқибатда бир-бирига қарши чиқиб, фуқаролик низоларини келтириб чиқаради. Бундай қўшимча ахборотни чексиз равишда қўшиб боришингиз сизга фақат ёрдам беради.

Қўшимчасига айтган бўлардимки, улар орасида мантиқий тафаккур қилиш ҳам эсда қолишни оширади. Мисол учун, асосан йиллар 3 асрда, уларни шу аср бўйлаб ажратиб чиқилса кифоя. Кейин эса 2 та бир йиллик уруш, 2 та 2 йиллик уруш бор экан, шунингдек, энг узуни қайсилигини билиш ҳам эсда яхши қолишига олиб келади. 7-солиб юришини тушуниш эса ўша йилни янада хотира да узоқ муддат сақланиб қолишига олиб келади.

Хотира Чемпионатида қатнашганимизда бизга тарихий саналар берилади. Аслида, у тарихий саналарни ўзлари тўқиб чиқади, негаки қатнашчиларнинг ҳаммасига тенг ҳуқуқлиликни таъминлаш керак. Шунинг учун кўпчилик айтадики, хотира чемпионати товусга ўхшайди: ўта жозибадор ва ҳайратли, аммо фойдасиз. Мусобақадагилар жуда кўп рақам ва саналар эслаб қолинади, лекин ҳаётда уларнинг кераги йўқ. Бироқ бир куни айнан шу китобдаги техникаларни ўзининг ўқувчиларига ўргатаётган ўқитувчи ҳақида мақолани ўқиб қолдим ва у мени жуда ҳам ҳайратга солди.

### **Ўнинчи Талант соҳиби**

Реймон Метю – Америкалик тарих ўқитувчиси бўлиб, ўзини Тони Бузаннинг шогирди деб билади. Жанубий Бронксда жойлашган Самуэл Гампер Мактабида ўқувчиларга та-

рих фанидан сабоқ беради. У инсон ҳар доим АҚШ Хотира Очиқ Чемпионатига учун бир қанча талабаларни жүнатади ва жүннатган талабалари 10-талант соҳиби деб айтилади. 10 – талант соҳиби деб аталишига сабаб (Ду Бойснинг атамаси), Африкалик-Америкалик ўқувчилар орасида ҳар 10 та талабадан ўнинчи талаба таълимда ва ҳаётда муваффақиятга эга бўла олади, камбағалликдан чиқиб ривожлана олади. Реймон ишлаётган жойда эса 90 % ўқувчилар на ўқиши, на математикани билади ва 5 тадан 4 таси ўртачадан пастроқ даражадаги оила вакиллари. Хуллас, Метю хотира илми ва санъати техникаларини маҳаллий ўқувчиларга ўргатиб, уларга бу техникалар қийин шароитдан чиқиб кетиш учун чипта вазифасини бажаришини таъкидлайди. Таълим бериш режасига хотира техникаларини қўшиш ўқувчиларнинг эслаб қолиш ҳамда ахборотни қабул қилишида ижобий таъсир қўрсатганини Метю эътироф этади. Дарвоқе, у икки карра АҚШнинг энг яхши ўқитувчиси унвонига эришган ва ўқувчиларининг деярли 95 %и стандарт тестларни муваффақиятли топшириб, институт ва университет талабалари бўлади.

Тарих ўқувчилари АҚШнинг барча тарихий саналарини ва тушунчаларини, ҳаттоқи, буюк инсонларнинг гаплари, яъни иқтибосларида хотира техникалари бўлган – мнемоникалардан фойдаланишини айтди. Бу айнан хотира техникаларининг ҳаётда қандай унумли ишлатилаётганига яна бир мисол. Улардан энг кучлилари охири Хотира Чемпионати қатнашчиларига айланади. Метюнинг қарашларига кўра, таълим тизимининг асосида ахборотни хоҳлаган пайтингизда эслаб, уни таҳлил қилиш ётади. Аммо кучли ўрганиш ва таҳлил қилишда, маълумотларни эслаб қолмасдан ҳеч бир натижага эришмайсиз. Шу ҳисобда, мнемоника техникалари талабаларнинг исмлар, саналар ва жойларни тезда эслаб қолишига ёрдам беради.

У, шунингдек, дарсларидаги ҳар бир ўқувчидан ўқиб чиққан китобининг Ақл Харитасини тузиб чиқиши талаб қиласиди. Ўқувчиларнинг ҳар бири ўзига хос тарзда китоб мавзусини ўзлари тушунадиган фикрларга боғлаб расм шаклдаги

ақл хариталарини чизади. Бу Тони Бузан айтганидек, хотирамизда мавзу янада узоқроқ эсланиб қолишига олиб кела-ди. Ақл Харитаси бүйича тұлықроқ маълумотлар билан «Ўрганишни ўрганиш» бобида танишишингиз мумкин.

Таълим вазиридан мақтөв әшитган Метю XXI аср ўқувчиларини 30 секундлик одамларға үхшатиб, ҳар 30 секундлик муддатда уларнинг эътибори ушланиб қолинмаса, улар ажралиб қолишини ўқтиради. Ундан ташқари, миямизнинг бу тамойилини англаған Метю фақат бир усулнинг эмас, но-анъянавий усулда ўқитиш методикаларининг тарғиботчиси ҳам ҳисобланади. Тарих дарсхонасига кирсангиз, нақ музейнинг ўзига киргандек бўласиз ва мультимедиа воситалари-нинг таълим тизимиға муваффақиятли татбиқ қилгани боис у «энг яхши ўқитувчи» унвонига сазовор бўлган. Таълим тизими фақат ёдлашни эмас, балки муҳим ақлий фикрлашни ичи-га олишини ҳам у ҳисобга олган ва ўқувчилардан танқидий ҳамда ижобий фикрлашлар орқали, тақдимот ва турли саҳна кўринишларга жалб қилувчи ҳаракатлар билан фанни ўқтиришга эътибор қаратади. Ўқувчиларни эса ёнидаги ўқувчи билан мусобақалашишга эмас, балки дунёдаги энг кучли ўқувчилар билан раҳобатга тайёрлашга ҳаракат қиласи.


Натижалар ёмон эмас, қизиққан инсон мнемоникани ўзи-нинг қизиқишидаги фанларга ва ҳаётига татбиқ қилиши мумкин. Мнемоника фойдали бўлса, нега ўқитувчилар ун-дан фойдаланишмайди? Бунга ўқитувчилар бу ҳақида бил-маганлари ёки уни тўғри татбиқ қила олмаётгани қисман сабаб бўлиши мумкин. Аммо келтирилган мисолдагидек, тўғри фойдаланилса, у кучли қуролга айланади.

### **Тасодифий маконни ишлатиш ва саналарда қўллаш**

Бир куни бир дўстим, шунчаки, менинг хотирамни синаб кўриш учун АҚШ тарихидаги барча президентларни нав-батига кўра санаб беришимни сўради. Менга 44 та президент киритилган рўйхати ва суратлари туширилган расмни берди. Буни қаердан олди деб ҳайрон бўлманг, интернетдан

бир зумда топибди ва мен уни олиб қўлларим билан ўзимча белгиларни бирлаштириб ёдлашга тушдим. Шунда тезда ёдланиши керак бўлган ахборотни кўздан кечириб чиқдим.


У берган расм тахминан мана бундай кўринишда эди, бу жадвалда президентларнинг рўйхати берилган.




Жорж Вашингтон  
1789–1797



John Adams  
1797–1801



Thomas Jefferson  
1801–1809



James Madison  
1809–1817



James Monroe  
1817–1825



John Quincy Adams  
1825–1829

### 11-расм. АҚШ Президентлари.

Билиб қўйингки, ёдланаётган маълумотга қараб техника танланади, исталган техникани ҳамма ёдлашга татбиқ қиласа бўлмайди ва мен ҳам худди шуни ўйлаб, маълумотни таҳлил қилиб бир тизимни топдим. Кенгроқ майдонга эга бўлган майдонни танладим, Андижондаги Конституция майдони – бу **Локи макон** методикаси татбиқи ва бу ёдланадиган маълумотда президентларнинг кетма-кетлиги муҳим бўлгани

учун Мажор системаси менга ўша тезликни беради, деб ху-  
лоса қилдим. Макон методидан эса тасодифий маконни иш-  
латишни маъқул кўрдим.

Яъни биринчи президентни ассоциация қилганда унинг  
исми Вашингтон бўлгани ва генераллигини ҳисобга олдим-  
да, байроқ ушлаб туриб, Мажор системасининг 1 рақами  
 билан Конституция майдонини тасодифий жойда ассоциа-  
ция қилдим. Шунда ЗАЗУ (01 мажорда) тўтиси генералнинг  
қўлига учиб келади.

Иккинчиси Жон Адамсда – Адам сўзи орқали Одам Ато-  
ни тасаввур қилдим, у инсониятнинг отаси ҳисобланганини  
мантиқ қилдим ёки олма еяётган Адамни сувдан олмани олиб  
юваётганини тасаввур қилдим, яна тасодифий маконда.

Хуллас, шу тахлит 20 дақиқа ёки ярим соат ичиди маъ-  
лумотни кўриб чиқиб олдим ва охири дўстимни ўзимнинг  
мукаммал хотирам билан ажаблантиридим. Кейинчалик,  
бир ойдан сўнг у атайлаб мендан яна шуни сўради, очиги  
бу ахборот ҳаётимда керак бўлмаганлиги учун ҳаммаси-  
ни ёдламагандим. Шунда, менга бир дақиқа вақт бер, де-  
дим. Шу вақтда ўша ахборотни яна бир бор такрорлаб  
олдим, Конституция майдонидаги барча тасаввурлар яна  
қайта жонланди ва мен яна бир бор дўстимни ҳайратга  
солдим.

АҚШ президентларининг ўрнини ва кетма-кетлигини  
яхшироқ эслаб қолиш, кейин эса уларга хос йилларини қўйиб  
чиқиши ҳам талаб қиласди, бунда сиз ўша тасаввурларин-  
гизга йилларнинг бошланишини қўйиб чиқишингиз мумкин  
ёки маънодорлик қонуни билан 4 йиллик ва 8 йилликлар  
бўйича тахминий чиқариб олишни ўйлаб топишингиз мум-  
кин. Муҳими, шунга ўхшаган тизимни бошقا рўйхатларни  
ёдлашга ҳам татбиқ қиласа бўлади, масалан, Рим император-  
лари рўйхатини. Сиз фақат чуқур ихлос билан маълумотни  
ёдлаб қололсангиз бўлди.

## Туғилған күнларни үнүтманг

Мен кўпчилик танишларимнинг туғилған күнларини яхши эслаб қолмайман, лекин ўзимга керакли бўлганларни доимо эсимда қолади. Бу ҳолатни ҳам миямда ҳаётий тарзда ривожлантиргим келди. Албатта, баъзи одамларда бу қобилият табиатан, туғма бўлади, менда ундан эмас, демак, доимгидек сунъий ривожлантиришимга тўғри келади. Ойижоним доимо бирорвларнинг туғилған күнларини жуда яхши эслаб қолади, кейинчалик билсан, умуман, аёллар эркаклар муҳим деб билмаган саналарга алоҳида эътибор қаратишаркан.

Бу хусусдаги саволимга жавоб излаб илмий адабиётларга мурожаат қилдим. Билсан, саволимга жавобни машҳур бестселлер китоб айтиб бўлган экан: аёллар Венера сайёрасидан, эркаклар эса Марсдан, уларнинг фикрлаши ҳам шунга монанд икки хил. Муаммо бу ерда менимча, муҳимлилик даражасида, аёллар айнан ўша күнларни муҳим деб билади. Эркаклар эса ундан-да муҳимроқ саналарни эслаб қолади, мисол учун Жаҳон чемпионати финали ёки Чемпионлар Лигаси финалини муҳим деб билади (гарчи туғилған күнлар бундан муҳим бўлса ҳам). Мен бу стереотипларнинг ҳаммаси тўғри демайман, албатта, яхши эслаб қолмайдиган аёллар ҳам бор ва жуда зийрак эркаклар ҳам бор, лекин умумий жиҳатдан шуни сабаб деб биламан. Аёллар ҳис-туйфуга берилувчан бўлса, эркаклар мантиқа ишониб иш тутишади. Хуллас, сиз ҳам шундай ажойиб тарзда эслаб қолмоқчи бўлсангиз, унда аввал ўзгаришга аҳд қилинг ва фикрлашинингизни ўзгартиринг. Саналарнинг муҳимлилик даражасига алоҳида этибор қаратинг.

Энди қандай эслаб қолиш бўйича тавсиямга эътиборингизни тортаман. Масалан, мен шундай иш тутаман: туғилған кун баҳор ёки ёз, қишдами фарқи йўқ, ойларга мос расмларни ўйлаб чиқаман ва рақамлар билан мажор системасидан фойдаланаман ҳамда ўша инсонни ассоциация қилиб чиқаман. Ундан ташқари, ҳар бир ойга хос бўлган мучаллардан фойдаланаман.

Январ           Төф эчкиси  
Феврал        Қовға. Бу ерда 21 январдан то февралгача эканлигини ҳисобга олиб, уни январга мансуб деб оламан ва бошқаларида ҳам шу ҳолат такрорланади:

Март	Балиқ
Апрел	Қўй
Май	Бузоқ
Июн	Эгизаклар
Июл	Қисқичбақа
Август	Арслон
Сентябр	Паризод
Октябр	Тарози
Ноябр	Чаён
Декабр	Ўқотар

Буларни эслаб қолиш учун мнемоник техника бўлмиш маънодорлик ила элашга ҳаракат қилиб гаплар тузиб чиқаман. Төф эчкиси энг катта ва биринчи келади, балиқ март ойидан бошланади, чунки унда Р ҳарфи З да келмоқда, Қўй апрелда майда майса ейишни хоҳлайди, лекин май ойида Бузоқча аввалдан эгаллаб олган, июн ва июл булас эгизакларники, фақат энг иссиқ ойни энг заҳарли Қисқичбақадан олиб қўйиш керак, Август номига монанд Арслонларники, ўртада ва иккаласи ҳам А дан бошланган, Сентябрда Паризод ёмғирлар ила сув олиб киради, Октябр ҳосилни тарозига қўйиб ўлчаш учун, Чаён эса ноябрда совуққа кираётганимизни эслатиб, ҳаммани чақадиган ва ўқотар – буни охирги келганини ўйласангиз, эслаб қолиш осонлашади.

Энди эса шунга мос, туғилган кунни эслаб қолишга ҳаракат қилганимда, масалан, 17 август бўладиган бўлса, Арслонни миниб олган ўша инсонни тасаввур қиласман-да, 17 (мажор системасида доктор) бўлиб таваллуд кун соҳиби бўлган арслон чарчаб қолади-да, доктор келиб уни кўриб қўймоқчи бўлади.

Худди шу усулда бошқаларнини ҳам эслаб қолишга ҳаракат қиласман. Тарих ва саналарни эслаб қолиш бизни янада мукаммал хотирага эришишимизга яқинлаштиради.

## ҚИСҚАЧА МАЗМУН

✓ Тарих ва саналарни ёдлаб қолиш ҳаммада ҳар хил муаммо туғдиради, аммо мажор ва макон тизими мослаштирилгани орқали, ҳатто, тарихдаги саналарни ёдлаб қолишида китобдаги техникаларни ишлатиш мумкин. АКШдаги тарих ўқитувчисининг мнемоника орқали ўқувчиларига тарихни ўргатаётгани эса бу гапимни яна бир исботи.

✓ Тасодифий маконлар орқали ҳам президентларнинг рўйхати ҳамда тарихга оид турли хил маълумотларни эслаб қолиш мумкин. Бунда сиз мажор рақам системасини рўйхатдаги маълумот билан тасодифий маконга қўйиб кетасиз. Оқибатда, қайта эсланаётгандаги рақам орқали рўйхатдаги ўринни тезда эслаб қоласиз.

✓ Кунлик саналарни эслаб қолиш муаммо туғдирса, унга қарши тизимни ўзингиз ҳам ишлаб чиқишингиз мумкин. Асосий мақсад эса ёдлаш қўйин ва тушунарсиз бўлган саналарни ўзимиз ҳамда миямиз тушунадиган тизимга ўтказиш.

## САККИЗИНЧИ БОБ. ЯНГИ ТИЛНИ ЎРГАНИШ – СЎЗ БОЙЛИГИНИ ОШИРИШ ДЕМАК

*Хотира техникаларининг амалий ёрдам берадиган энг муҳим соҳаси, менимча, сўзларни ёдлаб қолиш саналади.*  
*Шоҳруҳ Мирзо Раҳмонов*

Бу бобда айнан тилни ўрганиш, унда мнемоника техникаларнинг татбиқи ҳақида тўхталаман. Айтишим жоизки, тилни ўрганиш ва сўз бойлигини ошириш икки хил мақсад бўлиб, аммо уларни уйғунлаштиrmай туриб тил ўргана олмаймиз.

Тил ўрганишнинг энг қулай усули – ўша тилда гаплашашётганларнинг ичida ўрганишдир. Бунда мажбурий ҳолат ҳам сизни тил ўрганишга ундейди. Ўзим тилни чет эл муҳитида ўрганмаган бўлсан ҳам, биламанки, чет элда юрган ва ўрганган инсонларда ўз тилига нисбатан ишонч юқори бўлади.

Ва, күпинча, тил ўрганилаётганды аниқ мақсад қўйилса, уни ўрганиш янада осонлашади, масалан, менга фақат инглиз тилида сўзлашув муҳим ёки фақат ўқиши билсам бўлди, каби...


Ёшлигимда бир ўқитувчи ал-Фаробий 70 та тилни билган деса, ўқитувчи билан тортишиб кетган эканман, лекин ҳозир ўзим бир қанча тилни ўрганганимдан кейин, тил ўрганиш осонлашганини сездим – ўқитувчимнинг гапи ҳақиқатга яқин эканлигини билдим. Тилимиз тил ўрганишга жуда тез мослашувчалигини ҳам айтишим керак. Балки бундай бўлишига сабаб, бизнинг тариҳда бир қанча қийин тилларни ўрганишимизга тўғри келганимизданdir.

Одатда, янги тилни ўрганаётган инсон учун сўзларнинг товуши дастлаб «бла-бла бла-бла» бўлиб туюлади ва албатта, ҳеч умуман тушунмайди, бу худди ўзга сайёралик олдингизга келиб гапириши, сиз эса уни тушунмаганингизга ўхшайди. Инглиз тилини ўрганмоқчи бўлган баъзи талабалар билан суҳбатлашганимда улар мендан маслаҳат сўрайди ва шунда озгина ёлғон ҳам аралаштиришади – илгари билардим, такрорламай қўйдим-да ўзим, дейишади. «Илгари деганингиз?» деб сўрайман ҳайрат билан. Улар абитауренглик даврларини айтишади. Беихтиёр кулиб қўяман. Ахир 36 талик тестни ечиш ва тилни билиш – бу икки хил дунё. Майли, грамматикани 100 % га, икир-чикирлари билан ўрганинг, ҳаётдан бир миллиондан бир келадиган истисноларни ёдлаб юборинг, лекин, шу ҳолатда бўла туриб, ўша тилда гапира олмасангиз ва эшитганингизни тушунмасангиз тилни билдим, деб уни ҳис қилдим, деб гапиришингизга эрта. Бунга бир мисол келтирсам. Собиқ Иттифоқда Бонк муаллифлигидаги икки томлик грамматикага ўта муккасидан кетган 2-3 йиллик дастур ишлаб чиқилиб амалиётга татбиқ этилади, одамлар Бонкни ўргангани билан ҳеч вақоға тушунмайди. Шунинг учун ўзини 36 талик тест ечишни етарли деб ўйлаб, **тилни** биламан деб даъво қилманг, негаки билмаслигингиз рост.

Ҳозирги дунёда, айниқса, глобаллашув жараёнида тилларни тезда ва унумли ўрганишга бўлган талаб ортиб кет-

ди, жумладан, хитой тилига бўлган эҳтиёж ҳам. Хитой иқти-  
содий жиҳатдан қанчалик тез ривожланса, унинг тилига эъти-  
бор ҳам шунча ошди. Ўзим шарқ тилларини ўрганмаганим  
учун аниқ маслаҳат бера олмайман, маслаҳатим умумий бўли-  
ши мумкин: иложи бўлса яхши ўрганган инсонлардан кўпроқ  
маслаҳат олиш ва ички хоҳиш юқори бўлиши керак, вақт ва  
маблағ ҳам талаб қиласди, интернет орқали ҳам ўрганинг. Энг  
муҳими амалиёт албатта, шунингдек, «chineeasy.org» веб-сай-  
ти айнан мнемоникага ўхшаган фақат расмли техникаларни  
ишлиатувчи, хитой тилини осон ўргатиб визуал хотирада сақ-  
ланиб қолишга ҳаракат қилувчи гуруҳга – шунга аъзо бўлсан-  
гиз фойдадан холи бўлмайди. Шунингдек, «memrise.com»га  
аъзо бўлинг, у илмий исботланган техникалар билан сўзлар-  
ни ёдлашга мослашган сайт ҳисобланади. Бу веб-сайт ора-  
лиқли такрорлашга оид дунёнинг деярли барча тилларининг  
лугатларини ўз ичига олган.

Иероглифлар борасида фақат chineeasy веб-сайтини тав-  
сия қиласман. Унда ишлаш принципи қуидагича, деярли  
барча иероглифларга мос равишда расмлар чизиб чиқилади  
(12-расм).



**12-расм. Хитой иероглифлари.**

Бунда қора чизиқлар иероглифни билдирса, қолганлари  
шунга ассоциация қилиб олинган расм ҳисобланади, мақ-  
сад – қуруқ ёдлашга маъно бағишилаб, биз билмайдиган маъ-  
лумотни олдинги биладиган малъумотга боғлаш ва хотира-

мизни шу орқали мукаммаллаштириш. Қолганларини эса ўша веб-сайт орқали тўлиқ ўрганиш мумкин бўлади.

Аслида, тил ўрганишда энг муҳим нарса бу сўз бойлиги, грамматикани ўрганишингиз мумкин, лекин чуқур ўрганиш катта натижа бермаслиги мумкин. Грамматикада ҳам энг асосий қонунларни ўрганганингиздан кейин фақат улар билан гаплашиб, амалиётда шуғулланиш даркор. Мен янги тил ўрганивчиларга Дмитрий Петровнинг видеоларини томоша қилишини тавсия қиласдим. Унинг видео ва методикалари айнан миямиз ишлаш принциплари билан ҳамоҳанг тарзда ишлайди. Унинг айрим ўринларидан олинган иқтибосларни келтираман.

**«Доимийлик ҳажмдан кўра муҳимроқ, сўзларни яkkама-якка эмас, балки сўз бирикмаларида ёдлаши керак»**

**«Автомотизм «га» «ча» олиб борилиши керак. Болалигинизда велосипед минишни ёки кейинчалик машина бошқарини қандай қилиб ўргангансиз? Бошида ҳамма нарсани назорат қилиб турасиз, кейин секин-аста автоматик тарзга тушасиз. Гапиришида ҳам айнан шундай қилиши керак. Павловнинг гояси ҳам айнан шунга қаратилган: биз бир нарсани қилаверсак кейинчалик у шартли рефлексга айланади ва биз бемалол ишилашимиз мумкин бўлади.»**

Гаплашганимизда 15 % сўзлардан фойдаланамиз, қолганлари эса мимика, қўйл ва тана ҳаракатларига, яъни танамиз тилига боғлиқ.

**Принцип – тайёр фразаларни ишилатиши керак.**

**«Эркинлик тўғриликдан муҳимроқ. 500 та сўз ва сиз гапириба бошлигизиз»**

**Ана энди умумий маслаҳатларни тўхтатиб, хусусий мисолларда сўзларни ёдлашга оид техникаларга тўхталамиз.**

**Калит сўз усули ёки фонетикага эътибор!**

**Шогирд: айтмолмайсизми, машгулот қийин эмасмикан?**

**Устоз (бироз ўйланаб турриб): сен ҳаракатчан ўқувчи бўлсанг – йўқ, қийин эмас, агар дангаса толиби илм бўлсанг, ҳа, қийин.**

Асосий техника бу ерда Калит сўз техникиаси ёки талаффуз услуби ёки баъзилар уни ўрин алмаштириш усули деб

атайди. Айтайлик, сиз қайсиdir сўзни ўйладингиз, мисол учун, «анта» (арабчадан «у» эркаклар учун дегани), энди сиз унинг қандай талаффуз қилинишига этибор берасиз ва қайсиdir ассоциация билан келтириб чиқарасиз, сўнг шу асосида тасаввур ўйлаб топиб, таниш маконга жойлаштирасиз. Ва тузилган ассоциацияга доир гап тузиб қўяман. Ритмик гап тузиш бу ерда менинг шахсий қўшимчам бўлиб, гап тузилганда хотирангизда сақланиш ва уни фаол суҳбатда фойдаланиш даражаси ортади.

Яхшиси, назария билан мен сизни чалфитмасдан, аниқ мисоллар билан тушунтириб берсам. Арабча **анта** сўзини оладиган бўлсак, сўзининг эшитилишига эътибор беринг: анта, анта, анта. Бу сўз сизга қандай ассоциациялар келтирмоқда. Кимгадир у антена ва яна кимгадир у фанта билан боғланади. Шахсан ўзим **фанта** сўзини анта сўзига калит сўз деб олганман, кейин анта сўзини маъноси У (ўғил бола) дегани ҳисобланади. Кейинги босқич бу **фанта** сўзи ҳамда У (ўғил болага) сўзларини тасаввур орқали боғлаш. Тасаввур қилингки, сиз фантани бир дўстингизга бераётганингизда қўйқисдан **фанта** отилиб кетади-ю дўстингизнинг кийими шалаббо бўлади. Антага Фантани бердим, деб ритмик гап тузиб оламан! Эътибор беринг, янги сўз ва калит сўзлар иштирок этган ритмик гап ёд олишни тезлатади. Сиз қанчалик кулгили ва ноодатий ўйласангиз, у миянгизда шунчалик қўп эсда қолади. Бу орқали мен ушбу сўзни ҳеч қандай қатъий такрорлашларсиз З йилдан бери эслаб қолганман. Бу сўзни мустаҳкам эслаб қолиш учун уни оз-оз такрорлаб, сўзлашув нутқида ишлатиш ҳам жуда фойдали бўлади.

Ҳозир эса бу методикани янада яхши тушунишингиз учун 10 та мисолни 10 та маконингизда келтириб, бу сўзларни ҳозирнинг ўзида сизнинг миянгизга қуйиб қўйсам. Билиб қўйинг, «Матрица» фильмига ўхшаб ҳамма нарсани бир вақтнинг ўзида миянгизга жойлаб қўйишнинг иложи йўқ, ҳозирча! Уриниб кўрсангиз, ҳаммаси эсда қолади. Қўйидаги сўзларда дастлаб янги сўз берилиб, кейин сўзнинг маъноси, ундан сўнг ўша сўзга калит сўз, антиқа тасаввур ҳамда ритмик гаплар келтирилган.



1. Tisch (немис) + Стул [Тиш] + Тиш. Сиз Стулни тишингиз билан ғажишга ҳаракат қиласиз. Наилож, қорин оч, ахир. Гап: Tisch тишингиз билан тишлиб қўйдингиз.

2. Uhr (немис)+ Соат [Ур] + Ур. Мажлисга кеч қолишингизга соатингиз сабабчи бўлгани учун уни уриб синдирасиз. Гап: Uhrни уриб кетасиз.

3. Анта (араб) + У [Анта] + Фанта. Буни олдинги сўзларда бериб ўтдим. Гап: Антага фанта бергандингиз, Антанинг устига тўкилиб кетди.

4. Gallina (ислан) + Товуқ [Галина] + Галина бланка. Товуқ пишираётган пайтингизда, овқаттага «Галина бланка» солсангиз овқатингиз шўр бўлиб қолади ва сиз ҳаммадан дакки эшиласиз. Гап: Галина бланкани шўргага соласиз.

5. Mensa (лотин) + Юмалоқ стол [Менса] + Мен энсамни қотирдим. Овқатлангани юмалоқ стол атрофида ўтирганингизда ҳеч ким овқатингизни емаганини кўриб энсангиз қотади. Гап: Менса атрофида менинг энсам қотди.

6. Omnis (латин) + Ҳамма [Омнис] + Омин. Ҳамма овқатланиб бўлгач, омин деб турилади. Гап: омнис, одамлар омин қилиб столдан турди.

7. Grin (инглиз) + кулмоқ [Грин] + Green ни «яшил» сўзи-га ассоциация қиласиз. Кўп кулган одам қўкариб ёки қизариб эмас, балки яшил рангга кириб кетади. Гап: Одам Grindan Green рангига кириб кетди.

**8. Venir** (француз) + Келмоқ [Венир]+Вена. Сизнинг вена қон томириңгиздан Венир қилиб қон келади.

**9. Rigorous** (инглиз) + Қаттиққұл [Ригороус] + Тигер. Ригороус тигер ташқарига чиқишиңгизга түсқынлик қиласы.

**10. Fiasco** (италиян) + Мұваффақиятсизлик [Фиаско] + Маско. Баллға борганиңгизда маска тақиб оласыз-у аммо сизге маска ҳеч қандай ёрдам бермай бутунлай фиаскога учрайсиз. Гап: маско фиаскога сабабчи.

Қаны энди тепадаги рүйхатта қараманг-да, сўзларни эслаб кўринг!

Фиаско - ?      Анта - ?

Тиш - ?      Авоир - ?

Ур -?      Омнис - ?

Ригороус - ?      Менса - ?

Венир - ?      Галлина - ?

Қалай, қўлингиздан келармикан? Бу ерда атайлаб турли тилдаги сўзларни бердим. Мақсад – ҳар бир тилдаги сўзларни мнемоник техника орқали ёдлаб қолиш мумкинлигини кўрсатиб бериш. Лекин билиш керакки, ҳар бир тил ўз синтаксиси ва сўз бойлигига эга, уларнинг ҳар бирига ўзгача ёндашиш керак, шундай бўлса ҳам умумий тамоийл бир хил ишлайди. Билингки, ушбу усулни ишлатиб ва такрорлаш билан аралаштириш оқибатида, кўпроқ унда машқ қилганиңгиз сайн ривожланаверасиз.

Баъзан, ўзбекча сўзларда ҳам қийналасан киши. Бир дўстим ёдлай олмаётган сўзини қуидагича тушунтириб берди. **Силовсин** сўзини З ойдан бери ёдлай олмасангиз, унда тасаввур қилинг, олдингизда қоғоз турибди ва унга сиз силовсин сўзини ёзаяпсиз ва ёзётганда ҳар бир ҳарфга алоҳида эътибор бериб, сўзлар олтин ҳарфланаётганини кўринг, ёзуб бўлгач, узоқдан кузатинг ёзувингизни. Шунда ҳам эсингизда сақланиб қолмаса, энди калит сўз техникасига қайтамиз. Сил овсин сўзини иккига бўлганимизда сил ва овсин сўзини боғлашимиз ёки силоверсин, силайверсин сўзига боғлаш мумкин ва озгина такрорлагандан кейин силовсин ва силайверсин ўртасидаги фарқни билганиңгиздан кейин эслаб қолиш яхшиланади.

Энди, савол туғилади: ёдлаш қанча вақт эсингизда сақлашишига кафолат бўлади? Тажрибаларимда бу муддат – бир ҳафта. Ундај кейин, оралиқли тақрорлаш бобида айтганимиздек, хотирангиздаги ушбу маълумот секинлик билан унтила бошлайди. Шунинг учун доимо тақрорлаб туриш жуда ҳам муҳим ва сиз икки-уч марталаб тақрорлаганингиздан сўнг янги сўз сизнинг бир бўлгагингиз бўлиб, анча муддатга-ча хотирангиздан чиқмайди. Ахир тақрорланмаган маълумотларнинг 90 %ини 30 кун ичида йўқотамиз.

Албатта, баъзида турли тиллардаги сўзларни ёдлашга тўғри келарди, шунда менинг маконларим адашиб кетмаслиги учун ҳар бир тил учун ўз ҳудудини белгилаб чиқардим, масалан, Тошкентдаги маконлардан асосан француз тилидаги сўзларни ёдлашда фойдалансам, Андижондаги маконларимдан кўпроқ инглиз тилидаги сўзларни ёдлашда фойдаланаман.

Кўпчилик тилга ва сўз ёдлашга пассив қарашади. Ўтилган сўзларни соатлаб тақрорлайверади ва улар тил ўрганишнинг фаол жараён эканини унутади. Шунинг учун ҳар қандай сўзни ёдлаганингиздан сўнг уни ўзингиз фаол ҳолатда тақрорлашга ҳаракат қилинг. Қайта ишлаб чиқариш – агар сиз сўзни ёдласангизу уни шунчаки тақрорлайверсангиз, бу сўз сизнинг сўзлашув бойлигингизга айланмайди, шунинг учун энг яхши усул бу ўша сўз билан ўзингиз гап тузишингиз, ўз ҳаракатингиздаги мисолларда қўллашингиз шу сўзни эслаб қолишингизга сабаб бўлади.

Ундан ташқари, кўпчилик сўзларни ёдлаган пайтда алоҳида ёдлашга ҳаракат қиласди. Като Ломб, 16 та тилда бемалол гаплашадиган олимнинг айтишига кўра, сўзларни контекстда, янги сўзларни бошқа сўзлар билан бирга ёдлаш фойдали. Масалан, ёдланган сўз хотирада сақланишда муҳим роль ўйнайдиган ҳолат бу – ўша сўзни б маротаба матнда ёки контекстда кўриш бўлиб, бу катта фойда беради. Мен эса ҳар бир сўзни ёдлаганимда ҳаётдан мисоллар келтириб чиқаришни яхши кўраман. Мисол, philanthropist (филантроп) – кўп пулини ҳадя қилувчи инсонга Билл Гейтсни тасаввур қилиб, у ҳақда гап тузиб кетаман. Бу ерда ҳам тасаввур ва ҳам ассоциация ишламоқда. Сўзларни контекстда ёдлаш жуда

ҳам муҳим ҳисобланади, бир манбада сўз ёдланиши учун янги сўзни камида б та контексда кўриш керак экан.

Кўпгина китоблар турлича методикаларни тақозо қилади ва умуман олганда, сиз уларнинг ҳаммасини ўзингизга ишлата олмайсиз. Сиздан талаб қилингандарса эса ўзингизга маъқулини танлаб, уни ривожлантиришдир. Шундай услублардан бири – ёдлайдиган сўзларингизни ёзидеворнинг доимо кўз тушиб турадиган жойига илиб қўйиш фойдали. Мен шундай қилишга ҳаракат қиласдим.

Усул хақида гапирар эканман, одатда, ўрганувчиларни З гуруҳга ажратсак бўлади, уларнинг учаласи ҳам турли усльбуда ёдлайди:

**Elementary – энди ўрганишни бошлиғанлар.**

**Intermediate – ўрта даражада билувчилар.**

**Advanced – инглиз тилидан юқори даражада фойдалана оловчилар.**

Буларнинг сўз бойликлари ҳам, сўзни ёдлаш усуслари ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Шунинг учун сиз қайси гуруҳга мослигингизни билиб, кейин ишга киришганингиз маъқул. Юқори босқич – Advanced 7000 дан ортиқ сўзни эслаб қолади. Эндинга сўз ўрганаётганларга маслаҳатим: сўзларни такрорлаб ва гапларда хатоларга йўл қўйиб-қўйиб ўрганасиз, юқори даражадагилар, асосан, китобни кўпроқ контекстда ўқиса мақсадга мувофиқ, ўрта даражадаги тил ўрганувчи инсонларга маслаҳатим, мнемоника техникаларини сўз ёдлашга татбиқ қилиб кўпроқ контекстда янги сўзларни ўзлаштиришга ҳаракат қилишса яхши натижа беради. Албатта, ўз устингизда мунтазам ишлашингиз керак.

### **Янада мураккаброқ сўзларни ёдда сақлаш**

Сўзларни З та гуруҳга ажратиш мумкин, негаки ҳар битта сўзга бир хил стратегияни қўллаш керак эмас: **Танишроқ** сўзлар – буларга одатда, сизга тезда ассоциация чақирадиган сўзларни киритиш мумкин, масалан, push ва pull. Сал **нотаниш ва умуман нотаниш** сўзлар деганда биринчи ўқишдаёқ ассоциация келмайдиган сўзлар тушунилади.

Одатда танишроқ ва сал нотаниш бўлган сўзлар сизга яхши тасаввур ва ассоциация қолдиради. Умуман, нотаниш ва қийин бўлган сўзларни мен одатда ўқилишини қайта такрорлаб ва уни икки-уч гуруҳга бўлиб ёдлашни хуш кўраман. Бир марта у билан гап тузганимдан кейин қолганларини яна тузиб чиқаман. Масалаң, инглиз тилидаги *connoisseur* (каннүссир) сўзини 3 га бўлиб оламиз: Кан – нўс – сир сўзининг маъноси эксперт дегани бўлиб, энди 3 та алоҳида сўзга ассоциация бор, Кан – Оливер Канни тасаввур қиласман ёки «Канн» Кино фестивалидаги киноактёри, нос сўзини русча бурундан оламан, сир (сыр) бу – пишлоқ бўлса, Кан фестивалида бурни оғриётган актёр ўзининг эксперт эканлигини кўрсатиш учун барча пишлоқлардан таътиб кўриб, унинг қаерда тайёрланганини айтиб берди. Ва айнан шунга гап тузинг: Каннўсир Канда носи билан сирни таътиб кўриб, экспертигини – каноссирилигини кўрсатди. Шу таҳлит иккича марта такрорлаб контекстда сўзни кўрганимдан кейин, бу сўз ўз-ўзидан кела бошлайди ва ёдлаб бўлганингизда эса Кан ва сирларни қайта эслашга ҳожат қолмайди.

### Тўғри луғат дафтари тутиш санъати

**Луғат дафтари** – ҳар бир инсон тутиши даркор бўлган ашёдир. Уни тўғри тутиш ё тилни яхши ўрганишингизга, ёки тилдан безиб кетишингизга олиб келади. Кўпчиликни биламан, луғат дафтари зерикарли, беэътибор, пала-партиш бўлади. Бундай тартибсизлик сўзларни эслаб қолишига таъсир кўрсатиши ҳақида тасаввур ҳам қилмайди.

Луғат тутгандаги энг катта хато – бу бир хил ручка ишлатишдир. Тасаввур қилинг, луғатдаги ҳамма сўзлар кўй билан ёзилган, бир-биридан ажратиб бўлмайди, манзара нақадар зерикарли. Айнан шундан кейин бола ўқишидан зерикади. Ўқувчининг ижодкорлик, креативлик хусусияти нолга тушади. Нега айнан кўй ручка? Бу саволга жавоб собиқ иттифоқ таълим тизимидағи ўқитиш методикасига бориб тақалади, унда биламизки, ўқитувчи – асосий билим беरувчи, ўқувчи тингловчи-ўрганинувчи – ўрганиш бир томони-

лама бўлган. Ўқитувчи дафтарларни текширганда яна ўзига осон бўлиши учун қизил ручкадан фойдаланган, демакки, ўз-ўзидан қизил – ўқитувчининг ручкаси, кўк – ўқувчининг ручкаси бўлиб қолган. Бу нарса бизнинг миямизга ўрнашган. Оқибатда, ҳалиги ўқитувчилар ўқувчиларга қизил ручкалардан фойдаланишни тақиқлаб, боланинг асл потенциалини беихтиёр сўндиради. Энди танганинг бошқа тарафига қарасак, тадқиқотлар кўрсатдики, бир хиллик – монотонлик ва моноранглик миямиз учун жудаям зерикарли, оқибатда миямиз зериккан нарсага эътибор қаратмайди. Ранг-баранглик миямизда ухлаётган аждарҳони уйғотиб юборади ва эсда қолишни янада оширади. Менинг 4 хил ручкам ва битта қаламим бўларди: қизил, кўк, қора, яшил ва қора қалам. Буларни аралаштириб ҳавас қилса арзигулик луғатлар тутгандман.

Луғатни ҳеч қачон бир йилга мўлжаллаш керакмас, ундан бутун ўрганиш жараёни давомида фойдаланиш даркор. Ҳар йили янги луғат ишлатиш бу худди ҳар сафар компьютер флешкасидаги ортиқча ахборотни ўчириб, янгиси билан таъминлашдек гап.

Тадқиқотлар кўрсатадики, агар сиз сўзларнинг олдига расм қўйиб ёдласангиз, шу сўзни эслаб қолиш эҳтимоли ошар экан. Демак, ҳар доим расм чизиш керак, мен кўплаб ўқувчиларимга расм чизишни ўргатар эдим, энг муҳими чиройли чизиш эмас, балки янги сўзга мослаб чизиш. Бунда уялмаслик керак. Ахир қачонгача уялиб фойдали ишлардан ўзингизни тийиб юрасиз.

Луғатда фақат сўзларни эмас, уларнинг синоним ва антонимларини ёзиб бориш ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Қанчалик кўп ассоциация бўлса, шунчалик яхши эсда қолади. Агар иложи бўлса ўғил болалар чўнтакбоп луғатга эга бўлсау уни доимо такрорлаб юрса ва қизларга эса сумкасига мос луғат дафтари айни мос келар экан – бу мен эшитган маслаҳат, унда жон бор. Эсимда, мен ҳам абитуриент бўлганимда, инглиз тилидан IELTS (айлтс) тестига қаттиқ тайёрланаётган пайтларимда ҳар куни сўз ёдлашга ҳаракат қиласдим. Транспортда доимо такрорлаб юришга ҳаракат қиласдим.

дим. Бу бошқаларга кулгили бўлиши мумкин, лекин ҳаракатлар ўз мевасини беради.

Доимо инглизча-ўзбекча, инглизча-инглизча луфатга эга бўлинг, Thesaurus деб номланган синоним ва антонимлар луфати – иш қуролларингиз. Луфат китобларидан кўра ҳозирда электрон луфатларни ишлатиш, менимча, қулай ҳамда кам вақт сарфига эга.

## **Қўшимча усуллар ёки нима учун сўзларни ёдлаш шунчалик муҳим?**

*Бошлигингиз сиздан кўра кўпроқ сўзларни билади, шунинг учун ҳам у – бошилик.*

Маълум бўлишича, шахснинг бир соҳадаги муваффақияти билан унинг бисотидаги сўз бойлиги ўртасида жуда яққол боғлиқлик бор экан. Буни мен футбол шарҳловчиларини таққослаш орқали ҳам кузатдим. Рус шарҳловчилари ўткир танқиди ва атамаларни ажойиб ишлатиши билан машҳур, уларни тинглаб ўзим ҳам янги сўзларни кашф қиласман. Қизиқиш билан хориж шарҳловчиларини ҳам тинглаб кўрдим: машҳур бокс шарҳловчиси ўз устида ишлаш мақсадида катта инглиз Оксфорд луфатини ўрганиб чиққанини ва оқибатида муваффақиятига эришганини билдим. Лекин бундай хуносада хато фикр юритиш ҳам мумкин. Негаки, биламизки рус ва инглиз тилининг сўз бойлиги жаҳондаги кўпгина тиллардан кўра бой. Кичик тажрибамдан маълум бўлишича, ўзимизда Мирзаҳаким Тўхтамирзаев шарҳлари кўпчиликка манзур экан. Бунинг сабаби билан қизиқдим ва билдим, у киши Миллий университет филология факултетида домла экан. Балки, бу оддий бир тасодифдир, балки бу ерда фақатгина сўз бойлигига эмас, муаммога ёндашиш ёки ҳиссиётларни йўналтира олишига ҳам эътибор бериш керакдир, нима бўлса ҳам бу жиҳат ўзини кўрсатди. Сизнинг сўз бойлигингиз ҳаётий муваффақиятингиз калити!

Баъзида ўзим гувоҳи бўламан: ўқувчилар қўшиқ тингланда сўзларни яхшироқ эслаб қолади, бу жуда оддий ҳол, бу усулни ўз фойдангизга ишлатишингиз даркор. Турк ти-

лини ўрганаётганимда қўшиқларини тинглаб юришни хуш кўрардим ва бу сўзни контекстда кўришга олиб келарди.

Сўз ёдлашда ўзимнинг шахсий рекордим бир кунда 200 та француз сўзини ёдлаш бўлган, лекин бир нарса аниқ – сўзни ёдлаш билан уни контекстда ишлатиш, умуман, бошқа-бошқа нарса. Бундай сўз ёдлаш ижодий фикрлашни оширади ва синоним сўзларнинг турли фарқларини англаш орқали, шунингдек, бир сўз борасида қанча кўп факт билсангиз, уни қанча кўп матнда кўрсангиз, у эсда қолаверади.

Этимологияни ўрганиш билан сўзниң қаердан келиб чиққани ҳақида маълумотга эга бўлиш орқали сиз бир қанча хотира қоидаларини амалга оширасиз, маънодорлик ва сўз бўйича кўпроқ ассоциацияга эга бўласиз. Мисол учун, **рубикон** сўзини ўрганганимда шундай этимологияга дуч келдим: Рубикон, деб асосан қилиниши керак бўлмаган нарсларга ишлатилади ва бу тарихда Цезар Рубикон дарёсини кесиб ўтганидан кейин ортга йўл қолмагани билан боғлиқ, мен бу тарихий воқеани ўқиб чиқиб, бу сўзни жуда яхши эслаб қолдим.

Шерик топиб у билан янги сўзларни ишлатиш бўйича мусобақа ўйнаб, ҳар бир гапда битта янги сўз ишлатишни амалда синаб кўришингиз мумкин. Ундан ташқари, кимdir янги сўзни сизга тушунтириб гап тузиб берса, ўша сўзни эслаб қолиш эҳтимоли катталашади, демак, янги сўзни яхши биладиган инсондан сўрасангиз, албатта бу ёрдам беради.

Сўз илдизларини ва олд қўшимчаларни ўрганиш ҳам жуда катта фойда берар экан. Бир манбада ўқигандим, инглиз тилидаги 14 та префиксни билишнинг ўзи сизга 14 000 дан ортиқ сўзни маъносини тушунишга олиб келаркан. Мен ўша 14 та сўзларни сизга келтирсам – префикс, суффикс ва илдиз сўзлар. Тилнинг тарихини ўргансангиз ҳам тил ҳақида тушунчангиз пайдо бўлади.

Хотирада эслаб қолиш билан ўрганиш ўртасида анча катта фарқ бор, аммо улар иккаласи ўзаро боғлиқ. Сиз ўн минглаб сўзни ёдлаб юборган бўлишнинг мумкин, аммо уларни ишлатишга келганда караҳт бўлиб қоласиз. Энг яхши йўли

китоблар ва матнлар ўқиши орқали сўз бойликни ошириш бўлиб қолаверади.

Сўз билмасликни тан олиш ва уни ўрганишга бўлган қизишишни сўндиримаслик лозим. Ҳатто жуда тажрибали ўқитувчилар ҳам пайти келганда қайсиdir инглизча сўзни билмай қолади ва хатони тан олиб, улар ҳам тирик луғат эмасликларини эслатиб, сўзни луғатдан кўриб тушунтириб бериши мумкин. Эслатма! Унутмангки, ўрганиш ҳамда ёдлаш икки хил жараён ва мнемоника маъносиз бўлган маълумотни маъноли тарзда ёдлашга ёрдам берувчи техника. Ундан тўғри фойдаланган ҳолда, сиз маълумотни яхши ўрганасиз.

### ҚИСҚАЧА МАЗМУН

✓ Тил ўрганиш бу шунчаки хоҳишдан кўра юқорироқ ва бунда кучли мотивация ва вақт ҳамда куч талаб этилади. Турли осон ўрганиш усулларини билиш ҳамда ўқитувчини тўғри танлаб доимий шуғулланиш, атрофингизда чет тили бўйича муҳитни яратиш тил ўрганишини албатта ривожлантиради.

✓ Тил ўрганишнинг энг мураккаб қисми бу – сўз ёдлаш. Шунинг учун қалит сўз техникаси сўз ёдлашингиз учун қулийлик туғидиради. Бунда янги сўзни ёдлашда, дастлаб шу сўзга ассоциация ясайсиз, кейин қилган ассоциациянгиз билан сўзнинг маъносини боғлаб қайсиdir маконда антиқа тасаввурни тузасиз. Шу тариқа гап тузасиз.

✓ Сўз ёдлашда биргина эмас, турли усулларни қўллаш мақсадга мувофиқ, ҳам тақрорлаб, ҳам флешкард усули, ҳам қалит сўзлар ва ёдланаётган сўзнинг қанчалик қийинлик даражаси ва ёдловчи инсоннинг ёдлаш қобилиятига қараб тўғри стратегия танлаш лозим.

✓ Тўғри луғат тутиш ё кўп сўз ёдлашга олиб келади ёки тилга бўлган қизиқишингизни сўндиради. Шунинг учун ҳам луғат дафтарни ва умуман тил ўрганишини жозибали, қизиқарли қилиш керак.

## ТҮҚҚИЗИНЧИ БОБ. ИСМЛАРНИ ӘСЛАБ ҚОЛИШ

*Инсонларнинг ҳақиқий бойлиги – уларнинг хотираси. Бошқа ҳеч нарсасиз инсон бой ҳам эмас, бошқа ҳеч нарсасиз камбагал ҳам бўлмайди.*

Александр Смит

Нега биз доим бир муаммога дуч келамиз: кўрамиз-да, лекин исмини эслай олмаймиз, юзи иссиқ кўриняпти, деб қўямиз ёки вазиятдан чиқиб кетиш учун яхшимисиз, деймиз, у одам ҳам хижолат тортмайди – негаки у ҳам сизнинг исмингизни эслай олмайди. Бу оддий ҳолат. Мен хотира бўйича курс олиб борганимда ушбу воқеани айтиб, ким шундай ҳолатга тушган, десам деярли ҳамма қўлини кўтарар эди.

Кишилик жамиятининг дастлабки босқичларида исмларни эслаб қолиш унчалик муаммо бўлмаган, негаки у пайтларда ижтимоий доира жуда тор бўлган. Лекин ҳозирда технология ривожи ва турли хил боғлиқликлар, саёҳатлар туфайли жуда кўпчиликнинг исмини эслаб қолиш муаммо бўлиб қолди. Бу ҳолатнинг бир ўхшаши бор: қишлоқда деярли ҳамма бир-бирини танийди ва исми билан чақиради, лекин шаҳарда исм эслаб қолиш жуда муаммо.

Баъзиде эса бу муаммо айнан жуда яқин кўрган инсонларимиз орасида ҳам учраб туради, миямизнинг бу номукаммалигини билиб, тўғриси, ачинаман. Баъзан кўришиб, гаплашганимиздан кейингина қайсиdir одамнинг исмини эслаймиз. Баъзан танишган инсонни бироз вақт ўтиб Мансур деб чақирсан, менинг исмим Абдулазиз, Мансур мендан кейингиси эди, дейди. Исмни бошқа исм билан адаштириш жуда ноқулай вазиятга қўяди одамни. Келинг, муаммо нимада эканлигини англайлек! Эйнштейн айтганидек, муаммони тушуниш 50 % ечимдир. Бу ерда муаммо: янги танишингиз сизга ўз исмини айтганда сиз унинг исмига эътибор бермайсиз, балки бошқа хаёлда бўларсиз (ким билади, ахир инсонга 1 дақиқада 100 хил фикр келади-ку), хуллас, сиз исмга эътибор бермайсиз, бошқача қилиб айтганда, бу пайтда миянгиз бошқа иш билан машғул бўлади, у бир вақтнинг ўзида биттадан ортиқ ишни бажара олмайди (Қаранг: муль-

титаскинг, олдинги бобларда). Оқибатда, биз инсонни қанчалик кийинганига эътибор бериб, унинг исмини унутамиз.

Ечим эса оддий, кўришганингизда исмига ҳам эътибор беринг, керак бўлса 1-2 марта ичингизда такрорлаб олинг ёки яна ҳам мустаҳкамлаш учун исмини айтиб «Абдулазиз, танишганимдан хурсандман», деб қўйинг ёки уялмасдан, исмингизни қайтариб юборинг, дейиш ҳам мумкин, зеро исмини эслаб қолмаслиқдан кўра уни қайта сўраган афзалроқ.

Энг асосий муаммо эса шундаки, биз кўрган нарсаларимизни ва мулоқотда бўлганларимизни эслаб қоламиз. Турган гапки, кимнидир кўрганимизда унинг юзини кўрамиз – исмини кўрмаймиз. Кейинги гал учратганимизда ҳам исмини эмас, юзини кўрамиз – халқимиздаги, «юзи иссиқ», деган ибора шундан пайдо бўлгандир балки. Олимлар инсоннинг инсон юзларига бўлган хотирасини текшириб кўрмоқчи бўлишибди, тажрибада қатнашган инсонларга 100 та юз расмини кўрсатилибди, ҳар бир расмга бир сониядан тўхталиб, сўнг уларнинг ўрнига бошقا 100 та инсоннинг расмини қўйишибди. Натижани тахмин қилиб кўринг, хотираси қандайлигидан қатъи назар деярли барча инсон 99 % аниқликда 100 та ортиқча расмни аниқлаб беришибди. Бундан биз нимани ўрганишимиз мумкин: хотирамиз расмларни яхши эслаб қолади ва шунинг учун доимо ўрганишда расми ёки визуал ўрганишга этибор бериш даркор, бу бизнинг инсон исмларини эсдан чиқаришдаги муаммони қисман изоҳлаб беради.

## **ҚИЗИҚ ДАЛИЛ! БАКЕР ВА БАКЕР ПАРАДОКСИ ЁХУД ДЕҲҚОНҚУЛ ВА ДЕҲҚОН ВОҚЕАСИ**

Шу ўринда исмларни эслаб қолиш хусусидаги психологиянинг атамасини эслаб ўтиш жоиз: Baker/baker парадокси. Бу ерда Baker – бу одамнинг исми, катта ҳарф билан, baker – инглизчада «нонвой» дегани, кичик харфлар билан. Гап шундаки, сиз исмни эсдан чи-

қарип қўйишингиз мумкин, лекин ассоциацияли қабул қилганингиз сабабли унинг касби эсингизда қолади. Парадокс шундай: тадқиқотчи иккита инсонга бир хил юзли айнан бир инсоннинг расмини кўрсатади, албатта қатнашчилар бундан бехабар ва алоҳида хоналарда. Ва биттасига айтадики, унинг исми Baker, иккичисига эса расмдаги шахснинг каби нонвой–baker. икки кундан кейин уларга ўша расмларни кўрсатилади ва натижа шу бўлар эканки, кимга касби baker деб айтилган бўлса, у Baker исм деб айтилган инсондан кўра исмни эслаб қолишга мойилроқ бўлар экан.

Ёки Дехқонқул деган исмдан кўра унинг дехқонлиги яхши эсда қолади. Бу касб сизнинг ҳужайраларингизда онгсиз равишда бир қанча фикрларни келтириб чиқаради. Уни дехқон деб атаганингизда миянгизда дехқон қиласидиган ишлар, касб машаққатлари, ҳосил, ер билан боғлиқ фикрлар пайдо бўлади. Дехқонқул исми миянгизга фақат исмни келтириб чиқаради, кейинчалик у хотирамиздан учиб кетиб, тилимизнинг учida туради (бунда миямиз ахборотнинг ярмигача етаётган бўлади). Хуллас, Дехқонқул катта ҳарф билан ёзилган исмни сиз, кичкина ҳарфлар билан битилган дехқон сўзига ўтказишни ўрганинг. Бу худди қуруқ маълумотга атрофлича маъно бахш этиш билан баробар. Бир сўз билан айтганда, бу қизиқ далилдан хуласа шуки, исм эслаб қолинаётганда сиз Дехқонқул исмини дехқонга айлантириб, эслаб қолсангиз хотирангиз янада мукаммалашади.

## Техникага тайёргарлик

Аввало, эътибор беринг: сиз кимнингдир исмини эслаб қолмоқчисиз – унга эътибор беришга урининг. Бор эътиборингизни ўша инсонга қаратинг. Одатда, айнан шундай қилаётганда кўпчилик исмларни эсдан чиқариб юборади, улар нима деб гапириш ҳақида бош қотиришади. Баъзида биз умуман эътибор бермаймиз: исмларни эслаб қолиш керак

эмас, деб ўйлаймиз ва бу фикрлаш бора-бора одатга айланып улгуради, одатлар эса Павлов кашф қылганидек, рефлекс ёрдамида ҳаётимизни бошқаради. Аммо сиз бу одатта қарши кураш очиб, уни енгишингиз мумкин. Исмларга эътибор беришни ва уларни муҳим деб билишни ўрганинг.

Ассоциация қилинг, у хотирамиз принципи ҳисоблашади ахир! Ёки биз ўзимиз билан адаш бўлган инсонларни ёки қандайдир яқин бўлган инсонларнинг исмими эслаб қоламиз, бунда оддийгина ассоциация ҳосил бўляпти.

Такрорланг, ишлатинг, қайта фойдаланинг ва фойдаланишини давом эттираверинг. Исмни қанча кўп ишлатсангиз, у миянгизга ўрнашаверади, кўрган заҳотингиз уни исми билан чақиринг. Мен амалиётчи сифатида айтишим мумкин: агарда сизнинг миянгизга бундан фойда бўлса, машғулотингизнинг зарари йўқ.

### **Асл техника**

Техника деярли барча ўрганилган нарсаларни ҳаётга татбиқ қилишдан бошланади. Кимнидир кўриб, унинг алоҳида жиҳатларига эътибор қаратинг. Айнан ўша нарса кейинчалик исмни эслашга ёрдам беради – кейин эса исмига ассоциация билан тасаввур бериб юзидағи белгига боғлаймиз.

Мисол учун, бир кун Икром исмли одам билан танишиб қолдим ва юзидағи ажralиб турадиган белги – қулоғидаги холга кўзимга тушди. Шунда мен қулоғидаги холни Икром сўзига Икра сўзини боғладим-да, қулоғидаги холига икра тўкилиб кетиб, қулоғида яна битта хол пайдо бўлди. Бу тасаввуримни унинг ўзига ҳеч қачон айтмайман, албаттта.

Ёки яна бир кун Анвар исмли инсонни учратдим, ажralиб турадиган жиҳати тепа сочи сийраклиги ва мен унинг исмидан Анбар чиқариб олдим-да, тасаввуримда бошида анбарни кўтариб юрганига гувоҳ бўлдим. Шу-шу исмни доим такрорлаб юриб ҳалигача эслаб қолдим. Кўришим билан

соци ёдимга тушади ва шундан бошида кўтараётган анбар хаёлга келиб менга исмни эслатади.

Баъзан турли исмларни бирваракайига элашимизга тўғри келади. Шундай пайтларда тезлик энг муҳим қурол ҳисобланади. Исмларни элаш ўйини, энг зўр гуруҳни таништириш ўйини. Олдинлари ушбу ўйинни эсласам қўрқув босарди, лекин ҳозир бу қўрқув йўқолиб кетди. Агарда ўйинни Дехқонқул-дехқон каби шаклда осонлаштиришни истасангиз, унда исмни айтиётган инсонга хоббиси ва унинг ўша машғулот билан бандлигини айтсангиз, эслаб қолиш осонлашади.

Исларни эслаб қолишида яна бир катта муаммо: бир хил исмли инсонларнинг исмини қандай эслаб қолиш муаммоси. Масалан, Муниса, Мубина, Мухлиса ва Муслима исмларини қандай элаш мумкин? Агар ёшингиз катта бўлса, бу сизга янада мураккаблик қиласди. Бунга ҳам қўл келувчи бир техника бор, бу усул – улар ўртасидаги аниқ фарқларни ажратиб олиш. Энди биз калит сўздан фойдаланаётганимизни ҳисобга олсак, тасаввуримиздаги калит сўзлар орқали уларнинг аниқ фарқларини кўриб чиқишимиз даркор. Масалан, Муслима исми мусулмон аёли сифатида рўмол сўзи билан ассоциация қилсангиз, Муниса исмини хоҳласангиз Муниса Ризаева ёки мунистина мусиқага, нотага боғлашингиз ёки шунчаки мусиқа асбоби най, Мухлиса эса футболнинг ашаддий мухлис фанаткаси эканлиги, Мубина сўзини Глубина ёки Дубинка каби русча сўзларни ишлатсангиз, бу ўхшаш исмлар учун аниқ фарқли бўлган тасаввурий калит сўзлар бўлади: рўмол, футбол фанати, мусиқа асбоби ва дубинка сўзлари орқали бир марта қилган ассоциациянгиз кейинчалик исмни эслаб қолиш да асқотади.



1. Фарҳод  
Абдураҳмонов



2. Питер  
Якобсон



3. Максим Павлов



4. Мустақил  
Расулов



5. Мубина  
Рашидова



6. Фарангиз  
Йўлдошева



7. Шарафиддин  
Алиев



8. Людмила  
Исакова



9. Томас  
Канн



10. Жозефина  
Баллак



11. Ким Ли

**13-расм. Исларни эслаб қолиши тести.**

## ТЕСТ (13-расмга қаранг)

Қуйидаги тестда иложи борича юқорида тақидалған усулни ишлатинг: юзидаги ажралыб турадиган белгини то-пинг плюс Ислам Фамилиясыға ассоциация ахтаринг ва энди ассоциацияни юздаги белгига боғлаб тасаввурый антиқа ҳикояча түзіб чиқинг. Кейін, озгина тақрорлаш зиён қилмайди! Сезган бұлсангиз, биз яна матодаги асосий қонундарни ишлатмоқдамиз.

Ана энди уларнинг исмларини ёзиб чиқинг.



## **Бошқаларнинг тажрибаси**

Хотира ва инсон исмлари ҳақида гапирганда биринчилардан бўлиб Сенека ёдга тушади, негаки у 2000 дан ортиқ римликнинг исм мини ёддан айтиб бериб, ҳаммани ҳайратда қолдирган.

Хоҳласангиз, Наполеон Бонапарт ишлатган техникадан фойдаланишингиз мумкин. Маълумки, Наполеон қўл остидаги инсонларнинг исмларини деярли тўлиқ билган. Бунга сабаб – у ўзининг мияси учун ишлайдиган техникани топа олган. Наполеон янги инсонни учратса, унинг исм мини қофозга ёзиб олар экан, одамнинг юзини кўриб олиб, исмга қараб уни бир муддат ўрганиб чиқади, албатта, мақсадига кўра. Кейин ўша қофозни ташлаб юбораркан. Нима учун ташлаб юборилгани сўралганда, у: мен исмни эшигтсан кўрмайман, лекин ёзганимда уни кўриб тасаввур пайдо бўлади, деб айтади. Сиз ҳам шундай қилишингиз мумкин, албатта, Наполеон сингари қофозни ташлаб юбормаслигингиз мумкин, негаки айрим танишларим исмларни кундаликларига ёзиб боришлари яхши натижни берипни таъкидлашган.

Мнемонистлар исмлар борасида доимо ҳаммани ларзага солиб келган. Доминик Обрайн 150 та меҳмоннинг исмларини эслаб қолган. Рон Вайт эса ўзининг бизнес семинарларида ҳамманинг исм мини эслаб қолиб, уларни ўриниларидан турфазар ва исм мини тўғри айтганларни ўтиргизиб, нотўғриларни то тўғри айтгунича турғизиб қўяди, албатта, кўпинча бунгача бормас ва у ҳар доим деярли ҳаммасининг исм мини тўлиқ айта оларди. Яна бир ажойиб ҳодиса, Рон Уайт 2013 йили Америкада шов-шув бўлган воқеага қўл уради, у Афғонистонда вафот этган барча-барча солдатларнинг исм мини эслаб чиқиб, хотира лавҳаси саҳнларига икки-уч соатда ёзиб чиқади, бу ҳолат бутун дунёни ларзага солди.

Шунингдек, инсонлар билан танишганда энг муҳими – илк таассурот, бу ўчиб кетмайди.

Инсоннинг юзи, умуман олганда, бир расм кабидир.

1. Кимгадир ўхшар экансиз?
2. Ўлай агар шу инсонни биринчи марта кўриб турибман.

Нималарга эътибор беришимиз керак экан? Бурун, Кўз, Юз, Бош ва... баъзида соч – илгари соч инсонни эслаб қолиш учун энг асосий турткى эди, энди бўлса соч турмаклари турли-туман бўлиб кетган замонда асосий аҳамиятга эга бўлмай қолди.

Мабодо, сизга кимларнидир таниширишса шошилманг, секин нафас олинг, бирма-бир кузатиб чиқишга ҳаракат қилинг. Қанчалик кўп инсонлар билан мулоқотда бўлиш шунчалик кўп исмларни эслаб қолишга олиб келади.

Билиб қўйинг, мукаммал хотираға эришиш учун озгина тер тўкишингизга тўғри келади, бу техникалар эслаш жараёнини қизиқарли қиласди.

Дикқат! Эҳтиёт бўлинг, Чехов муаммоси сизни таъқиб этади: Чеховнинг «Йилқибоп фамилия» ҳикоясида тиши оғриган генерал ўзининг хизматкори билан биргаликда докторга хат ёзмоқчи бўлишади, аммо унинг фамилиясини хизматкор эслай олмайди, тилини учида йилқибоп фамилия турраверади. Кейин ҳамма шу фамилияни тахмин қилишга уринади, негаки хизматкори унинг фамилияси йилқига оидлигини эслаб қолгани аниқ. Тахминлари Жеребцов, Лошадинин, Кобилкин, Конявский, Тройкин ва ҳоказо. Оқибатда бу фамилия энди керак бўлмай қолганида эсга тушади – Овсов эди бу. Сиз ҳам исмларни шундай эслайман, деб хатоликка йўл қўйманг: етарли даражада такрорлаб, тиниқ ассоциация ҳосил қилинг.

## ҚИСҚАЧА МАЗМУН

✓ Биз, одатда, одамларнинг исмини эмас, юзини кўрамиз – шунинг учун исмларни унутамиз. Юз иссиқ кўрингани учун исмга эътибор бермаймиз. Ташқи кўринишгагина эмас, исмга ҳам этиборли бўлинг!

✓ Бакер ҳамда кичик ҳарфли бакер парадокси кўрсатадики, биз одамнинг исмидан кўра, у ҳақидаги фактлар ҳамда касб-корини яхши эслаб қоламиз. Мнемоник техниканинг асоси ҳам шунда, яъни катта ҳарфдаги Бакер исмини кичкина ҳарфдаги бакерга ўтказиб осон эслаб қолишида.

✓ Исполнитель испытывал олдин инсон юзидаги алоҳида белгиларга эътибор беринг. Исполнитель использовал бир сўзга айлантиринг. Ва шу ассоциацияни инсоннинг белгиси билан тасаввур қилинган ҳолда эслаб қолинг.

✓ Исполнитель доимо ишлатиш, шунингдек, исполнитель использовал қолишга оид бошқаларнинг усулларидан фойдаланиш сизни мукаммал хотира сари бошлайди.

### ЎНИНЧИ БОБ. НУТҚНИ ЭСЛАБ ҚОЛИШ

*БЕМОР: Доктор, менга сизнинг ёрдамингиз керак, хотира бўйича муаммоим бор. Ҳар доим кимгадир гапирсан, шундоққина гапирганимдан кейин нима деганимни эсдан чиқариб қўяман.*

*ПСИХИАТР: Хўш, қанчадан буён бу муаммо сизни қийнайди?*

*БЕМОР: Қайси муаммо?*

\* \* \*

*ХОТИН: Вой-дод, дазмолни ўчиришини эсдан чиқарибман.*

*ЭР: Э-э-э, хавотир олма, уй ёниб кетмайди, мен ҳаммомдаги сув жўмрагини беркитишни унудибман.*

\* \* \*

*Қариётганингизнинг 3 белгиси бор: биринчиси хотирангизни йўқота бошлайсиз...ва нима эди... қолган 2 таси нимайди, ... эслолмайман.*

Тасаввур қилинг, сиз милоддан аввалги V асрдасиз. Сизда на телефон, на компьютер ва на тақдимот учун кўмак бўлувчи мослама бор. Қоғозни-ку айтмаса ҳам бўлади, қофоз фақат пули кўпларда бўлган ва ундан фойдаланиб нутқ сўзлаш ҳурматсизлик деб қаралган. Бундай пайтда сизга нима ёрдам берар эди? Албатта миянгиз, аниқроғи хотирангиз! Ўша даврларда ҳар бир оратор, политолог, сенатор ёки прокурор риторика илмидан хабардор бўлишган. Риторика бу

омма олдида нутқ сўзлаш ҳисобланади. Олдинлари одамлар бу техникани шундай яхши билишган эканки, нотиқларнинг отаси ҳисобланмиш Цицерон бу ҳақда китобга ёзишдан уялган экан. Лекин мана йиллар ўтиб, одамлар ушбу санъат меваларини унтишди. Замоннинг зайди билан эса бу соҳа яна жонлана бошлади. Ҳозирда иш жойида муваффақият қозонмоқчи бўлган ҳар бир ишни яхши нутқ қилиши, тақдимотни унумли олиб бориши, бошқа инсонларга сўз орқали таъсир қилиш кабиларга эга бўлиши талааб этилади. Шунинг учун ҳам ушбу бобни хотирага, операторларнинг энг муҳим қуролига бағишлаймиз.

Нутқ сўзлашдаги ҳолатлар: сиз одамлар олдига чиқмоқдасиз, гапирмоқчисизу лекин юрагингиз урмаётгандек, асабийлашиб, ташқарига чиқишини мўлжаллайсиз, қизариб кетасиз... Эҳтимол бу каби ҳолатлар сизга ҳам танишдир? Сиз эътиборингизни ўзингиздан бошқа нарсага қаратишингиз керак, шундагина муаммо эсдан чиқишига имкон бўлади. Нега секин нафас олиш фойдали, чунки шунда миянгиз секин нафас олишни бошлайди – нафас олиш тўғридан-тўғри юракка боғланган. Симпатетик нерв тизимидан парасимпатикка ўтасиз ва бундай ўтиш сизга хотиржамлик беради, нутқ қилишда хаяжонланмаслик муҳим хусусият.

Келинг, нутқни эслаб қолишдан аввал, қандай қилиб нутқ сўзлаш муҳимлиги ҳақида гаплашсак. Нутқингизни эслаб қолган бўлишингиз мумкин, лекин буни қай тариқа қилишини билмасангиз, бу ҳеч қандай фойда бермайди.

Омма олдида гапириш қўрқувини енгишнинг осон йўлларидан бири – сиз нима қилишингизни эмас, нима демоқчилигинизни эслаб қолишингиздир. Сўзма-сўз ёдлашдан қочиб, асосан, энг муҳим фикрларни ва концепцияларни эслаб қолинг. Агарда сиз омма олдидаги қўрқув ҳиссини енгмоқчи бўлсангиз, келинг, Уинстон Черчиллдан бир дарс олайлик. Черчилл Британия Бош Министри бўлишидан анча аввал ўзининг омма нутқи муаммоларини енгишга ҳаракат қилган ва унда ҳар бир гапларини ёзib олиб, ёдда сақлашга ҳаракат қилган. Аммо бир кун келиб Британия Парламенти олдида турган Черчилнинг хотираси тормозланади. У

қоғозини ва ёрдамчи нарсаларни қидирди. Афсуски, ҳеч бир нарса ёки инсон ёрдамга кела олмади. Шу куни Черчилл ҳамма ваъзхонлар матнни унутганида қиласиган ишни қилди, охириг гапини такрорлашни бошлади. Яна такрорлади. Энди тингловчилар ранглари ўзгарди. Ҳамма Черчиллни кузата бошлади, Черчиллнинг юзи қип-қизил атиргул тусига кирди. Миясига буйруқ берди, аммо мияси ва хотираси ҳозир қандай қилиб бу уятли ҳолатдан чиқиб кетиш ҳақида бош қотираётганида, Черчилл маълумотларни хотирасида тиклашга уринди. Тасаввур қилганингиздек, мўъжиза содир бўлмади ва у жуда уятли ҳолатга тушди, камситилиш эди бу унинг учун ва мағлубиятни туйганича индамай жойига бориб ўтириди. Ўша «дарсадан» бошлаб умрининг охиригача – 1965 йилгача Черчилл юзлаб нутқларни амалга ошириди ва уларни кўпи ҳозиргача эсланди.

Даставвал, нутқингизнинг умумий кўринишини билиб олинг ва ўша режага боғланинг. Оддийгина режа – кириш, асосий қисм ва хulosадан иборат бўлиши керак. Ҳар битта бўлим бўйича ўз сарлавҳангизга эга бўлинг.

Нутқларни сўзма-сўз ёдлаб қолмасликнинг энг катта фойдаси бу – нутқингиз эслаб қолиниши осонлашади. Гапирганингизда юрагингиздан чиқариб гапирасиз, хотирангиздан эмас ва буни аудитория эътиборга олади. Дейл Карнеги айтганидек, сиз ҳаётироқ, унумлироқ ва ҳақиқий инсонларга хосроқ бўлиб туюласиз. Фактларга қарасак, агар нутқингизни сўзма-сўз ёдлаб, айтиб берсангиз, роботга ўхшаб қоласиз ва аудиторияни зериктирасиз. Мавзуга яхши тайёрланганингизни эслаш сизни тинчлантиради ва аудитория билан вақт бўйича анча-мунча муросага кела оласиз.

## Рим Хонаси методикаси

*Энг яхши нутқли инсон ёдланган нутқни ҳам ҳар сафар табиий равишда, худди биринчи мартадек қилиб гапирадиган инсондир.*

Айрим операторлар нутқининг асосий фояларини нутқ сўзлайдиган хонага жойлаштиришган. Масалан, Цезар қайсирид жойда нутқ сўзлайдиган бўлса, аввал ўша жойни ку-

затиб чиққан ва бу жойдан ўзининг Макон ёки Локи методикаси учун бекатлар қидирган, бекатларни эслаб қолишга ҳаракат қилған. Бундай қилишнинг яна бир фойдали томони шундаки, унда сиз бўладиган маконни кўриб ҳаяжондан фориф бўлишингиз мумкин. Цезар масалан, Форумга боради ва ўзига жой топганидан кейин (ажралиб турадиган жойлар албатта), шу орқали у ҳар бир бекатига ўз нутқининг қисмларини жойлаштириб чиққан ва нутқ сўзлаётганда эса улар бирма-бир чиқиб келаверган. Нутқидаги асосий фояларни калит сўзларга жо қиласди ва ўша Рим хонасига мантиқий кетма-кетликда жойлаб чиқади. Рим хонаси услубининг яна бир афзаллиги – нутқ қилаётганингизда хонани, яъни маконни кўриб турасиз ва бирин-кетин у сизга калит сўзларни эслатиб туради.

## Цицерон Методикаси

Аслида Цицерон методикаси ёки рим хонаси методикасими барибир, уларнинг асосий мақсади сизга мавзуни эслатиб қўймоқлиkdir. Цицерон ўз нутқларини ўзининг уйига жойлаштириб чиқиб эслаб қоларди, худди макон усули сингари. Нутқ қилишдан аввал, уйда қайси тартиб бўйича юриб чиқиши лозим? Цицерон тайёргарликни ҳар бир товуш ва сўзни кўриб чиқищдан бошлишни лозим топган. Асосий технология шунчалик рангдор, ғалати, ажабтоворки, бунда тасвирни ўйлаш кераклиги эсдан чиқиб қолмаслиги керак. Айнан шунинг учун ҳам хотира соҳасида ижодкорликка кўпроқ эътибор берилади. Битта қонун буларнинг ҳаммасини бузиши мумкин, у ҳам бўлса – зерикарли тасвир.

Юнон-Рим даврларида риторика 5 та асосий тамойиллардан ташкил топиши даркор эди.

**Биринчиси**, кашифий – бунда далил (аргумент) топиш ва ўзининг асосий фикрларини англаш муҳим эди.

**Иккинчиси**, режалаштириш – бунда кириш, асосий қисм, кейин хulosаланиб фактлар ҳамда урғу бериладиган жойлар англашилган.

**Учинчисида**, усул ва керакли сўзлар энг юксак таъсир қилиш даражасигача танланган.


**Тўртингчиси**, бу хотира, нутқни эслаб қолиш.

**Бешинчиси**, амалга ошириш бўлиб, бунда, асосан, қандай қилиб нутқ сўзлаш, овоз, оҳанг ва қўл хатти-ҳаракатлари ҳисобга олинган.

Тўртингчи тамойил барча нутқ эгаларининг энг асосий қуроли эди. Буюк оратор бўлиш билан ўртача бўлиш орасидаги фарқ бу нутқни хотирадан айтиб беришда эди. Юнонликлар учун хотира шунчаки эслаб қолишдан кўра юқорироқ нарса эди. Цицерон ҳатто хотирага барча кашф қилинган нарсаларнинг хазинаси деб таъриф берган, негаки айнан хотирамизда биз барча ахборотлар манбаини ва foяларимизни сақлаймиз. Бундан ташқари, унинг фикрича, хотира туфайли гапларни тўғри шакллантирамиз ва оқибатда тингловчилар ҳам аниқ тасвир ва ўхшатишлар орқали нутқни қайта эслаб қолиши мумкин. Бунда ҳам деярли бир хил, нутқнинг калит сўзи бутун параграфнинг асосий гоясини англатиб келиб, ўша биргина калит сўз сизга бутун параграфни эслатиши даркор. Калит сўзнинг қиммати беқиёс.

Мактаб даврида мен бугунгидек билимга эга бўлмаганим учун қайсиdir адаб ҳаёти ва ижодини ёдлаш керак бўлса, матнни абзацма-абзац ёдлашга ҳаракат қиласадим. Шундайм кўплаб тақрорлаш, стресс ва озгина фикр чалфиши сезиларди. Лекин ҳозир ана шундай матнларни 15 дақиқада бир маротаба ўқиши мобайннида эслаб қоламан, албатта, юқоридаги методикалардан фойдаланган ҳолда. Ҳозирда глобал таълим тизимларида айнан маъносиз юзаки сўзма-сўз ёдлашга қарши кураш кечмоқда, бундан мақсад талабаларни фикрлашга ундаш, албатта.

Эътибор берган бўлсангиз, калит сўз ҳақида кўп гапирдик, лекин шу пайтгача калит сўзни қандай топиш ҳақида гапирмадик – ҳозир айнан шунга эътиборингизни қаратаман: баъзан олдимга айнан калит сўзни топа олмаган ўқувчиilar келади. Калит сўз – айтмоқчи бўлган муҳим гапингизнинг сўздаги қисқача ифодаси ёки энг керакли гандаги энг керакли сўз. Айнан шу сўз кейинчалик бошқа гап ёки фикрларнинг келишига туртки беради (14-расм).



**14-расм. Калит сўз кучи.**

Параграфларни калит сўзга мужассамлаштириш хотира учун муҳим жараён. Калит сўзларга яна Ақл Харитаси ва тезроқ ўқишига оид бобларда хам тўхтalamиз. Энди мисолга ўтаман: «Қизиқ далил»да XX асрнинг энг муҳим ва ажойиб нутқи ҳисобланган Мартин Лутер Кингнинг «Орзуйим бор» деб номланган нутқини қандай қилиб бир парчасини эслаб қолиш ва калит сўзларни топишни келтираман.

### ҚИЗИҚ ДАЛИЛ! «ОРЗУЙИМ БОР» НУТҚИ

«Орзуйим бор, бир кун келиб бу миллат қайта уйғонади ва ўз дунёқараши билан ҳаёт кечиради. Биз, барча инсонлар тенг яратилган, ҳаммага маълум хақиқатни англаб етамиз.

Орзуйим бор, бир кун келиб, Георгия қизил тепаликларидағи собық құлларнинг фарзандлари уларнинг аввали әгалари фарзандлари билан ақа-укачилик ришиналари туфайли бир стол атрофида ўтирадилар.

Орзуйим бор, бир кун келиб, ҳаттоказы адолатсизлик туфайли ҳолдан тойган, жасабр-зулмдан озор чекаётган Миссисипи ҳам адолат ҳамда озодлик масканига айлантирилади.

*Орзуйим бор, менинг түрт фарзандым бир күн келиб инсонларнинг танаси рангига эмас, балки уларнинг характерлари моҳиятига кўра муносабатда бўладиган жамиятда яшайдилар.*

*Бугун менинг бир орзуйим бор!*

*Орзуйим бор, бир күн келиб айнан Алабамада, кичик қора танли болалар ва қизлар оқтанили болалар билан бир-бирларига худди ака-ука, опа-сингил каби қўлларини берадилар.*

*Бугун менинг бир орзуйим бор!*

*Орзуйим бор, бир күн келиб ҳар бир воҳанинг мартааси кўтарилади, тепалик-қирлар текисланниб, қингир-қийшиқ жойлар, қолаверса, кўчалар ҳам тўғриланниб қайта тикланади. Ва ниҳоят, Яратганинг марҳамати ила ҳар биримиз бунинг гувоҳи бўламиз.*

*Бу бизнинг мақсадимиз ва бу мен билан жсанубга қайтувчи ягона ишонч».*

Бу парча Мартин Лутер Кингнинг «Орзуйим бор» деб номланган нутқидан олинган бўлиб, эслаб қолишида мен қўйидаги ишларни бажарган бўлардим. Демак, аввало, калит сўзларга эътибор берамиз, калит сўзлар кейин калит расмларга айлантирилиб, саёҳат бўйлаб ўзингизга маълум бўлган маконларга қўясиз. Мен нутқни қўйидаги жуфт калит сўзларга бўлиб чиқдим:

Миллат уйғонади+ тенглик

Георгия қизил тепалиги+ ака-укалар столда

Чарчаган Миссисипи

4 фарзандим

Алабама + қора ва оқ танли болалар ўйнамоқда

Қинғир жойлар текисланади

Энди эса ҳар бир калит сўзга мос калит расмлар билан ҳикоя тузиб хоҳлаган маконга бирлаштирангиз бўлади. Мисол учун, биринчи маконимга Қуёшни (миллат уйғонади) тасаввур қилиб қуёшга тенг (тенглик) бўлган иккинчи қуёш чиқаётганини тасаввур қиламан. Ва шу тарзда қолган калит сўзларга ҳам тасаввурлар яратиб чиқиб, bemalol нутқни эслаб қолсангиз бўлади.

Агар мабодо кейинги айтмоқчи бўлган foянгизни унутсангиз ва сизга ҳеч ким ёрдам ҳам бера олмаса, ораторлар ишлатадиган бир ажойиб техникани ишлатинг. Улар ўзларининг асосий фикри келгунича охирги айтган гапи бўйича яна давом эттиради. Кейин яна янги гапини олдинги гапга боғлаб кетади. Шунда фикр келиши билан яна изга тушиб олиб нутқини давом эттираверади.

Ўзим бўш вақтларимда дебатлар билан машғул бўлиб турман. Дебатларнинг турли хилларида қатнашиб ҳам кўрганман: Американча ва Британия Парламентар, Карл Поппер, ўзимизнинг миллий дебат бўлган Дилемма билан ҳам машғул бўлганман. Кўп дебатларим муваффақиятли бўлган, шунинг учун ҳам бу соҳада сиз билан озгина фикрлашсам, нотўғри бўлмайди. Дебат баҳс-мунозара, ораторликнинг бир бўлаги ҳамдир. Шундай бўладики, баъзида дебатёrlар нутқларини ёдлаб қофозга кўп қарайди, мен эса қофоздаги асосий foяларни миямга жойлаб, асосан, ўзимдан қўшишга ҳаракат қиласман, бу орқали мен ҳакамлар билан кўз уриштираман, рақиб жамоамга тажовуз қиласман ва аудитория билан суҳбатлашаман – бу усул мен учун анча қулай. Айнан ҳозирги ишлатган усувларимни айрим ҳолатларда нутқимни тартиблаштириш учун ишлатаман.

Бизнинг миямиз жуда катта нутқларни эслаб қолиш учун ажойиб қобилиятига эга, бу қобилиятни ўз фойдангиз йўлида ишлатинг! Эд Милибанд, Британия лейбористлар партиясининг раҳбари, ҳеч қандай қўшимча воситаларсиз бутун 65 дақиқалик нутқини эслаб қолибди. Кейинчалик ўзининг айтишича, нутқини 11 та асосий қисмга бўлиб ташлабди ва ҳар битта бўлим ўртача 5 дақиқадан иборат бўлиб, бўлимларга сарлавҳалар берибди, масалан, «менинг ҳикоям», «икки миллат», «олимпиада руҳи». Умумий нутқи 5000 сўздан зиёд бўлиши кўзда тутилган экан. Дўстларининг айтишига қарангда, жаноб Милибанд нутқини атиги 6-7 маротаба тақрорлаган ва ҳар сафар бу нутқ янгича жозиба намоён қила-верган. Телевидениеда тезўтар қаторлар бўлиши ҳаммага маълум, қизиги шундаки, Эд Милибанд ҳеч қандай кўмак бўлувчи конспект ёки қаторларсиз нутқни тўлиқ ёдлаб қола

билибди. Бу аудитория билан боғланишинг ажойиб усули ҳамдир. Милибанд жаноблари нутқини 11 қисмга бўлингани ҳам битта тип, зероки, агарда нутқингиз кўпга ўхшаб туюлса, уни қисқа-қисқа бўлимларга бўлиб, ҳар биттасига алоҳида эътибор беришга ҳаракат қилинг.

Бунинг сири – биз кўриб чиқаётган оддийгина Макон методида. У ҳар битта бўлимга эсдан чиқмайдиган расм ўйлаб топиб, бу расмларни ўзига таниш бўлган манзилга жойлашириб ва ажойиб ҳамда унтилмас ҳикоя тузиб чиқиб, ҳар битта ҳикоя устида алоҳида-алоҳида ишлаб чиқди. Ўзининг хотира ҳақида интервьюоларини эса одатда, мана бундай тугатади: Сиз агарда бирор нарсага ишонсангиз, умуман матннинг ҳожати бўлмайди.

Нутқларни ёдлашда ҳамманинг ўз усули бор. Сиз ҳам ўзингиз ва миянгизга мосини топишингиз нутқ қилишингизни енгиллаштиради. Биртанишим нутқининг асосий қисмларини галстукка боғлаб ёдлаб қолишини айтиб мени лол қолдирди. Унга кўра, галстукнинг турли қисмларига асосий foýяларга оид тасаввурларини жойлаб чиқар экан, у шу тариқа кўплаб нутқларни амалга оширади. Ундан ташқари, рақам-шакл усулини олдинги бобларда таъкидлаганимда ҳам Марк Твеннинг усули ҳақида айтиб бергандим, оддий усул бўлса ҳам, ўша усул Марк Твен учун ҳаётидаги кўплаб нутқларини амалга оширишда ёрдам берган.

Афзал Рафиқов ҳам, ўзимни диктор деб тасаввур қиламан ва ўзбек тилидаги материалларни газетада овоз чиқариб ўқиб, уларни эслаб қолардим, дейди. Аслида, Афзал Рафиқов мактабда русча ўқигани учун ўзбек тилидаги ҳужжатли фильмларга овоз беришда дастлаб қийналган, кейинчалик ҳар доим овоз чиқариб газета ўқиб шуғулланганидан кейин ўзбек тилида ҳам равон ўқийдиган бўлади. Овоз чиқариб тайёрланиш барча нотиқларнинг фазилати.

Қандайдир тақдимот ўтказмоқчи бўлғанлар учун ушбу система ўринли бўлади. Умуман, мен тақдимот ўтказилишида Стив Жобсни идеал деб биламан, у бу борада жуда яхши самараларга эришган. Унинг машҳур гапи бор: сиз биронта мавзуда тақдимот қиласизми, уни қофоздан ёки

китобдан ўқиб берманг, бу мавзуингизни яхши билмасли-гингиздан далолат беради. Айнан шунинг учун ҳам тақди-мотни ёдлаб олиш муҳим. Кейинги бобимизда айни шу мав-зуга тўлиқ тўхталамиз.

## ҚИСҚАЧА МАЗМУН

✓ **Маълумки, мнемониканинг энг муҳим татбиқи бу – нутқларни эслашда ишлатилади, бу антик давр файласуфи Суқрот ва Римлик оратор Цицерондан то ҳозирги кундаги айрим давлат раҳбарлари фаолиятига ҳам тааллуқли.**

✓ Энг машҳур усул Рим хонаси усули бўлиб, буни ҳатто Цезар ҳам ишлатган. Бунда сиз ёдланадиган нутқингизни бир қанча бўлакларга ажратиб, ўша бўлакларга мос келувчи калит расмлар ўйлаб топасиз ва нутқ сўзламоқчи бўлган хонангизга бориб ўша ердаги белгиларга калит расмларни боғлайсиз.

✓ Аввало, нутқни эслаб қолишдан аввал қандай қилиб нутқ қилиш, омма олдида гапириш қўрқувини енгиб, бошқаларнинг тажрибаларидан оқилона фойдаланиш айни муддоа бўлади.

✓ Шуғулланинг, шуғулланиб ҳаётга татбиқ қиласан-гиз ҳеч нарса чиқмайди. Шунингдек, калит сўзни топиш ва ўша калит сўз орқали бутун параграфни ёдлаш бўйича Мартин Лутер Кинг хусусида берган мисолни ўрганиб шу бўйича озгина машқ қилинг. Билиб қўйингки, энг яхши нутқ – тайёрланган нутқни илк бор гапираётганидек эҳтирос би-лан ижро этилган нутқ ҳисобланади.

## ҮН ТҮРТИНЧИ БОБ. ТАҚДИМОТ (ПРЕЗЕНТАЦИЯ) ҚИЛИШ САНЬАТИ

*Күпгина тақдимотларда қатнашганимда  
йұзим гувоҳи бўламанки, улар тингловчиларнинг  
тоқатини тоқ қиласди: на қизиқарли ва на маъноли.  
Гай Кавасаки*

Келинг, бу бобда осон ва тушунарли бўлиши учун тақдимот берадиган шахсни Абдураим, тақдимотга келган инсонларни **аудитория** деб аташга келишиб оламиз. Демак, Абдураим ўз тақдимотини қандай қилиб эсда қоларли қила олади? Мана шу саволга жавоб беришга ҳаракат қиласмиш ва шунингдек, Абдураим қандай қилиб ўзининг тақдимотини А дан НГ гача эслаб қолиши ҳақида ҳам тўхталиб ўтамиш.

### Тақдимотни ёдлаб олиш

Ораторликни ўрганинг, омма олдида ўзингизни йўқот-маслика ҳаракат қилинг ва мавзуингизга оид хабарларни худди нутқ қандай ёдланган бўлса, шундай эслаб қолишга ҳаракат қилинг. Олдинги бобда омма олдига чиққанда нутқни эслаб қолиш ҳақида суҳбатлашдик. Худди ўша техникаларни айнан тақдимот қилишга ҳам татбиқ қиласа бўлади. Мисол учун, сизнинг тақдимотингиз 4 қисмдан иборат бўлса, сиз уларга мос келувчи маконни танлаб, у ерда антиқа ҳикоя тузиб эслаб қолишингиз мумкин. Айтайлик, мавзу «Хотирани ривожлантириш» бўлиб, унда Мато, Кема, Макон методи ҳамда Мажор мавзулари тилга олинади ва шунда уларга мос келувчи калит расмлар ўйлайди. Биринчи сиз маконингизда **Матоларни** сотиб юрувчи инсон жой қилиб олади, кейинги маконда эса **кемани** тасаввур қиласмиш ва учинчи маконда қандайдир **Макон** макетини жой билан ассоциация қилиб, охирги маконда эса кўпгина **рақамларни** ёзib ташланганинг кўриш мумкин. Агарда сиз калит сўзларга Рим хонаси усулидан фойдалансангиз, тақдимот ўтказиладиган жойда нутқни такрорлаб шуғулланиш янада яхши бўлади.

Тақдимотлар учун ишлатиладиган хотира техникаларимдан яна бири у – қайси бўлимда қизиқарли ахборотни бермоқчи бўлсан ёки ўша ахборотга ургу кўпроқ бераман, уни расмга айлантириб маконимдаги ўша қисмга боғлаб оламан. Бу муҳим ахборотни унутмасликни таъминлади. Масалан, тақдимотнинг асосий қисмида Кеманинг концентрация қисмида нафас олиш машқини унутмаслигим учун мен ёдлаб қолган маконимда Кемани олдида, кеманинг устида нафас олиб машқ қилаётганимни тасаввур қилиб қўяман. Бирозгина машқлар эвазига ёдлаган маълумотлар автоматик равишда нутқда келадиган бўлади.

### **Тақдимотни ёдда қоларли қила олиш**

XXI асрга келиб ўз фикрингиз ва тадқиқотингизни кўпчиликка оммабоп тарзда тушунтириш учун тақдимот ўтказишингиз керак бўлиб қолди. Ҳозирда Power Point Презентацияларидан фойдаланилади, албатта, дастлаб тақдимот дастури имкониятларини ўрганиш жуда фойдали. Баъзида Абдураимга ўхшаган инсонлар ўз слайдини кўрсатиш пайтида, слайдларнинг эскизини қофозга чиқариб олиб, бу ҳам етмагандай, яна слайдга қарайди. Бу жуда ҳам нотўғри танлов, ахир слайдлар бизга нима демоқчи бўлганимизни эслатиб турсаю сиз яна эслашга ёрдам берувчи қофозларга қараб турсангиз, бу одамларни фақатгина чалғитади холос. Ундан фақатгина тақдимотга тайёрланаётуб фойдаланилса, мақсаддага мувофиқ бўлади.

Тақдимотдан олдин мақсадингизни аниқ билиб олинг: тақдимот қилишга оид маҳоратни берувчи маълумотлардан боҳабар бўлинг. Одатда, тақдимотлар техник ва ишонтирувчи бўлади. Фундаментал билимларсиз сиз узоқча бора олмайсиз. Тақдимот зерикарли бўлишига сабаб тақдимот берувчининг нўноқлиги, яъни уни қизиқарли ва эсда қоларли қилишни билмаганими ёки шунчаки аудиториядагиларнинг вақтини беҳуда сарфлаётгани туфайли зерикарли бўлајитими? Бу боб тақдимот услубингизни буткул ўзгартиришингиз учун кўмак бўлади.

Агар сиз тақдимотингизни проектор (ўтказувчи) ёрдамда қиласиган бўлсангиз 10/20/30 қонунига бўйсунинг, 20 дақиқа ичida 10 та слайд асосий маънони берсин, камида 30 лик шрифтда бўлиши лозим. Режа, режа ва яна режалар. Аниқ мақсадда режалаштилинг, мантиқий кетма-кетликда ёки хронологик тартибда бўлсин. Битта слайд битта асосий мазмун ёки 15 та сўздан иборат бўлсин. Кўпгина сўзларни тақдимотда слайдга қўйиш аудиториянинг Абдураимни эшитмай, ўқиш билан овора бўлишига олиб келади.

Одамларга катта расмни беринг, умумий катта расмни кўриш яхши эслаб қолиш ва тушунишнинг гаровидир. Расм билан тўлдирилган тақдимот расмидан кўра осон эса қолади. Яна билиш керакки, аудитория аёл зотига ўхшайди, тъби нозиклиги ҳам шунга хос, шунинг учун эҳтиёткорлик билан муомала қилиш керак. Рангларни танлананаётганда мавзуга, унинг муҳимлиги ва жиддийлигига қараб, кўзга ташланмайдиган қилишга ҳаракат қилинг, ҳаммаси бир мақсад учун – тақдимотингиз ёдда қоларли бўлиши керак!

Ўзингиз биладиган ҳамма нарсани слайдларга жойлаштиришга ҳаракат қилманг, қанча кўп маълумотни қўйсангиз, шунча кўпини эсдан чиқаришади, ўзимда синалган ҳолат: бир пайтлар 10 дақиқалик тақдимотни 45 дақиқа қилганман, ўзим биладиган нарсаларнинг ҳаммасини бошқалар билан баҳам кўраман деб, ахийри, қарғишга қолгандек бўлганман – бутун бир дарс менинг тақдимотим билан ўтиб кетгани учун бошқалар менга «раҳмат» айтишган. Деярли 90 % хабар йўқотиб юборилади. Олдинги бобларда айтганимиздек, маълумотларнинг 90 %ини 30 кун ичida унутамиз.

Оддийликдан узоқлашинг: оддий тақдимотлар оддийлиги учун ҳам эса қолмайди, қандайдир инновацион (негадир, шу сўзни ишлатсан доим бошқалар мени ақллироқ деб ўйлашларини сезганман) ва интерфаол методларни кўлланг. Ноодатий фикрлашни ўрганинг. Инсон мияси, одатда, зерикарли ва оддий хабарга эътибор бермайди. 7 ёки кўпи билан 10 дақиқагача эътибор тутиб турилиши мумкин. Аудиториянинг мияси ўчиб қолмасин. Нима учун тақдимот-слайд

керак? Бир журналистнинг айтишича, одамнинг эътибори-ни мунтазам тарзда тутиб туриб бўлмайди, одамларнинг хаёли бошқа жойга кетади ва бирозгинадан кейин яна қайтади, шунда тақдимотдаги слайдлар яна унинг эътиборини тортиши керак бўлади. Ва нутқ сўзловчи шахс зарур хабарни эсдан чиқариб қўйиши мумкин, шунда слайдлар унга эслатгич вазифасини ўтайди. Бу Абдураимни доим ҳам слайдларга қараши керак, дегани эмас, асло, негаки аудитория жуда зукко: сизнинг нечоғлик тайёргарлик кўрганингизни ҳам, мавзуингизни қанчалик билишингизни ҳам яхши илғайди.

Ким яхши тақдимот қилишни билса, ундан ўрганишга ҳаракат қилинг, билиб қўйинг – биз доимо тақлид қилиш орқали ўрганамиз, бу ҳақдаги китобларни ўқинг, шу соҳа усталарини ёки уларнинг фикрлашларини ўрганинг. Мисол учун, Стив Жобс айтган эди: тақдимотингиздаги маълумотларни ёддан билмасангиз ютқазасиз. Бир кун аввал яхши тайёргарлик қилинг, савол-жавобга тайёрланинг. Менинг тақдимотларимни кузатиб юрадиган инсонлардан бири Стив Жобс бир кун аввал жуда қаттиқ тайёргарлик кўрарди ва тақдимот майдонини бир сидра кўздан кечириб чиқиш одати бор эди. Ўтказиладиган жойни кўриб олиш ҳам жуда муҳим. Ҳа, сиз соҳа бўйича энг кучли инсонлардан анча нарса ўрганишингиз мумкин ва уларни нималарга қай тариқа эътибор бериб, оммани ўзига қаратса олгани, сизнинг тақдимот қилиш борасидаги қарашларингизни ўзgartириб юборади.

*Ўзимга ёққан тақдимотлар Top 3 лиги:*

✓ Ал Горенинг иқлим ўзгаришига доир тақдимоти. Улардан ўрганинг, аудитория ўрнига ўзингизни қўйинг: қандай қилиши кераклигини биласиз.

✓ Стив Жобснинг деярли барча тақдимотлари.

✓ Шунингдек, доимиј равишда Ted Talks ни кузатиб бораман.

Баъзида қизиқарли ҳикоялар ҳақида ўйланг. Ёшлигимиздан ҳикояларни эшитишни яхши кўрамиз ва аудитория мавзу юзасидан айтилган ҳикоя ёки латифани хуш кўради. Кулдириш ва видео дарслардан фойдаланиш айни муддао.

У миямизга озгина дам бериб, хабарни ҳазм қилишга ёрдам беради.

Статистика ва фактлар албаттa керак, лекин қуруқ статистика тақдимот тугаши билан аудитория хотирасидан чиқиб кетади, ўша статистикага ҳиссиёт бағишиланг. Ҳиссиётни жунбишга келтирадиган турли усуулардан фойдаланинг. Доимо мисоллар келтириинг, ҳаётий бир мисол орқали уларнинг миясида расм ва тасаввур пайдо бўлади. Иқтибослар ҳам кучли таъсир кучига эга, албатта, ўша Иқтибос мавзуга алоқадор бўлса. Таққослашлар қилинг, булар одамларнинг миясида ассоциация қиласди. Одамлар, одатда, муқоясаларни жону дили билан эшитади.

Аудиторияни ҳайратга солувчи маълумотларни келтириинг ёки ажаблантириинг, «аҳҳҳ», «вооҳҳ», «ана холос», деган гаплар пайдо бўлишига сабаб бўлувчи мисоллардан айтинг. Ҳиссиёт қизиқишини оширади. Аудитория мавзунингизни аниқ тушунсин, муҳлислар келиб, тақдимотингиз ажойиб бўлди, дейиши эмас, фикрингизни чиндан-да тушунишлари муҳим.

Аудиторияга саволлар беринг, билингки, жараёнда икки томонлама ҳаракат муҳим, агар сиз фаол бўлсангиз – аудитория пассив ўтиrsa, қарс бир қўлнинг ҳаракатидан чиқмайди. Савол берилганида аудитория жунбишга келади, мавжуд масала юзасидан бош қотиради, бу аудиториянинг фикр ва хаёлларини тақдимотга қайтаради. Айниқса, масала жумбоқли, ўйлантирувчи, зиддиятли бўлса аудитория бунга муносабат билдиради. Ундан ташқари, эслаб қолувчи инсон баъзида Абдураим тез гапираётгани сабабли қофозга ёзганини эҳтиёткорлик деб билади. Аудитория билан ўзаро алоқага киришиш муҳим. Ахир ҳар 10 дақиқада миямиз бизга бўйсунмаган холда ўчиб қолади.

Баъзида аудитория тақдимотдан кўра, тақдимот қилаётган инсоннинг хатти-ҳаракатига, ўзини тутишига эътибор беради, бу ҳам табиий. Тақдимот монотон бўлмаслиги керак, ахир сиз уларга Ҳожибой Тожибоев айтганидек, алла айтишга келмадингиз-ку. Тадқиқотлар кўрсатадики, тингловчилар маълумотнинг 30 %ни гаплар орқали, қолган 70 %,

яъни катта қисмини Абдураимнинг овоз оҳанги ва ташқи кўринишидан олишади. Бир сўз билан айтганда, нутқнинг ўзи муҳим, лекин уни қай тариқа етказишингиз, ҳиссиёт ва тана тили янада муҳимроқ. Шунинг учун, фақат нутқамас, нутқдан ташқари нарсалар, тана тили ва овоз оҳангига ҳам эътиборли бўлинг!

Аудиторияни ёдлашга мажбур қилинг, одатда, одамлар қандайдир йўлбошловчига эҳтиёж сезишади, сиз ёдлашда уларга шундай йўлбошловчи бўлинг ва сиз берган маълумотни қандай қилиб осонгина эслаб қолиш мумкинлигини кўрсатиб беринг. Асосий фоя нима, тақдимотингиз орқали нима демоқчисиз? Одатда, тақдимотда икки нарса муҳим – унинг мазмуни ва унинг қандай олиб борилиши! Энг асосий хабарларни такрорлашга ҳаракат қилинг. Тақдимот сўнгги ўтилганларнинг энг муҳим қисмларини умумий тарзда қисқача айтиб беринг, билиб қўйинг, улар барibir кўп нарсани эсдан чиқариб юборишади. Оралиқли такрорлаш эса муҳим қисмларни аудиториянинг хотирасида сақланишига олиб келади.

**Баъзидаги шундай бўладики, тақдимот мен юқорида айтилган қоидалар асосида тузилмайди, лекин у қизиқарли бўлади!** Бир куни слайдлар жуда ёмон тайёрланган тақдимотга кирдим ва уни зерикарли бўлади, деб тасаввур қилгандим, аксинча, бошловчи сермањо, ифодали гапирди ва мен ўша тақдимотдан анча нарсани ўргандим ҳам. Худди шундай Ноам Чомский ўзининг маърузаларида кўп нарсаларга эътибор бермайдигандек бўлиб, шунчаки гапиради. Унинг фикрича, қизиқарли нарсани зерикарли қилиб айтсанг ҳам одамлар қизиқаверади. Контекст, яъни матн ҳамма нарсанинг асосидир. Танлаш эса жуда муҳим ҳисобланади.

## ҚИСҚАЧА МАЗМУН

- ✓ Нутқни сўзлаш боби ҳам тақдимотга алоқадор бўлиб, шу бобни бирозгина такрорлаш сизга ёрдам беради.
- ✓ Билингки, тақдимотни ёдлаб қола олмаслик аудитория томонидан сизга берилажак баҳо – профессионаллигин-

**гизга салбий таъсир қилади. Аммо қоғоздан эмас, ёддан гапириб беришингиз ижобий таассурот қолдиради.**

✓ Шунингдек, бир қанча усууллар билан нафақат нутқингизни, балки, умуман тақдимотдаги маълумотларни эсда қоларли қилиши мумкин. Улар қаторига эҳтирос билан гапириш, ҳаётий мисоллар көлтириш, тақдимотда расмлардан фойдаланиш ва аудитория зерикмаслиги учун қилинадиган ҳаракатларни амалга ошириш мисол бўлади.

### **ЎН ИККИНЧИ БОБ. ШЕЪРИЯТ ОЛАМИГА САЁҲАТ**

Шеър ёдлаш нутқни ёдлашнинг бир усули ҳисобланади, фақат бунда барча сўзлар ёдда сақланиши лозим. Кино актёрлари ёки фонограмма қўшиқчиларидан бу ҳақда интервью олишнинг кераги йўқ: кино актёрлари тайёргарлик жараёнинда танаффусларда ўз диалогларини тақрорлаб, айнан ўша эпизод учун ёдлаб кейин эсидан чиқариб юбориши мумкин. Шунингдек, фонограммачи қўшиқчилар учун ёдлашнинг кераги йўқ. Аммо шундай инсонлар борки, уларга ёдлаш сув ва ҳаводек зарур. Булар – театр актёрлари.

Шеър ўқилаётганда шоир нимани ҳис қилган бўлса шуни ҳис қилишга ҳаракат қиласман, мен шоирнинг хурсанд ёки тушкун ҳолатини тасаввур қиласман, дейди бундай актёр. Шеър ёдланаётганда шеърнинг ритми ҳам муҳим рол ўйнайди, масалан, «Абдуллажон» марсияси. Бу шеър поездда ёзилган бўлиб, уни ўқиш худдики сизга поезднинг овози каби ритм беради ва шу ритмни англаш ҳам эслаб қолишга олиб келади.

Бу нарса актёрлар қандай сўзларни эслаб қолишидан катта фарқ қилмайди. Кўпчилик актёрлар ўзларининг қаторларини бир қанча бўлакларга бўлади ва ҳар бир бўлак ўз мақсадига кўра характеристнинг қисмига боғланиб, актёрлар айнан шуни ҳиссиётга берилиб эслаб ўтишга ҳаракат қилишади. Бу техника аслида Метод – актинг деб номланиб, илк бор Россияда, театрнинг отаси ҳисобланган Константин Станиславский томонидан ўтган асрнинг бошларида тат-

биқ қилинган. Станиславский бу методикаларда мнемоник күмакларга эътибор бермагандир эҳтимол, лекин айнан шу методика орқали актёрлар образ характерини ҳаққоний тарзда кўрсатиб бера олишган. Лекин бу методика, шунчаки, ҳар бир қаторга ассоциация илгаклар бериб контекстга ўзгача физик ҳамда ҳиссиётларга бой маъно бериб эслаб қолишини осонлаштиради. Метод – актинг – сўзларни қандай эслаб қолишининг бир усули ҳамдир.

Шеър ёдлашдан ташқари сўзма-сўз ёдлаш ҳам жуда муҳим. Бутунжаҳон Хотира Чемпионатидаги яна бир қизиқ ҳолат шундаки, қатнашчиларни шеър ёдлашда бир қанча гурухларга ажратиш мумкин, масалан, кимё фани бўйича доктор Гунтер Карстен ва бошқа эркак қатнашчилар мусобақага қандайдир стратегиялар билан ёндашишса, аёллар асосан ҳиссий қабул қилишга ҳаракат қилишади. Австралийлик чиройликкина қиз, доим кулиб юрувчи, ўзининг европача сариқ соchlарини билан ажralиб турувчи Коринна Драшлага сўзлар берилса-ю у буларга тушунмаса ёдлай олмаслигини айтди, лекин шеъриятни эслаб қолиш борасида у шеърларни бир қанча сегментларга бўлишини айтди – уларга ҳиссий урғу бериб озгина тақрорлаш орқали эслаб қоларди. Бу худди Метод – актинг усули каби.

Бир ўринли савол туғилади, бу, ўйлайманки, сиз учун ҳам қизиқ: нега кўпчилик Ўзбекистон мадҳиясини қўшиқ қилиб айта олади, лекин уни шеър қилиб айтиб беришга келганда деярли 10 та одамдан 9 таси буни дурустроқ эплай олмайди. Мадҳиямизни шеър қилиб айтишга бир ҳаракат қилиб кўринг! Эплай олдингизми? Биз шеърни дастлаб қандай ҳолатда ёдлаган бўлсак, миямиз ўша ҳолатга мослашади ва ундан бошқа ҳолатга тушганда миямизга сўзлар келмай қолади. Шеърни алоҳида ёдлаган бўлсангизу кейин кўпчилик олдида айтсангиз ҳам мушкуллик туғдиради. Шунинг учун, айнан шундай ҳолатда ўзингизни тасаввур қилиб ёдлашга ҳаракат қилинг ёки Афзал Рафиқов тавсия қилганидек, ўзингизни ўша ҳолатга солинг, метод-актинг иш беради.

Ушбу бобдаги қизиқарли воқеа Афзал Рафиқов билан шеър ёдлашга оид усуллар ҳақида бўлади.

## ҚИЗИҚ ДАЛИЛ! АФЗАЛ РАФИҚОВДАН МАСЛАХАТ

Бошида менда ҳеч қандай усул йўқ эди, аммо бир факт бор: ақлий салоҳияти кучли бўлган инсонлар ўз усулини кашф этади, ёдлашда осонликни топади, аммо буни усул деб атамайман, аслида эса бу айнан (Метод-Активинг) усул ҳисобланса керак

Станиславскийнинг усули Акт усули деб номланган, унинг «13-раис» деган спектакли ҳозирги Миллий театрда қўйилган, унда Обид Юнусов иккимиз бир ролни ижро этардик. Бу спектакл суд жараёни ҳақида бўлиб, мен ёш актёр эдим, залдан репетицияларни кузатиб ўтирганман. Обид ака шуғулланган, мен эса фақат тинглаб ўтирганман. Аммо спектакл тугай деб қолганида, режиссёр мени саҳнага чиқ ва ролни ижро эт деганда мен ҳаммасини бирваракайига бажарганман ва шунда режиссёр менга залда ўтириб ҳам ролни ижро этса бўлар экан, деб айтган.

Бунгача мен режиссёрнинг ҳар бир сўзига диққат билан қараб турганман ва ҳиссиётни қаерда кўпроқ қўшиш ва қаерда камроқ қўшиш кераклигига эътибор берганман. Обид аканинг ҳаракатларини бажарганман. Кейин эса уйга яёв қайтаётганимда, **ҳиссиётга берилиб ичимда** такрорлар эдим. Баъзида овозим чиқиб қолса, кўчадаги одамлар ҳайрон бўлиб қоларди. Ўзим ўша ҳолатга кириб ёдлаганман, бир пасда ёдланган. Станиславский ҳам шуни айтган.

Спектакл уйда ёдланади, кимдан кейин ким ва қанақа гапирилади, аммо саҳнага чиқиб ҳиссиёт қўшишни бошлишингиз билан сўзларни эсдан чиқарасиз. Мана шу энг қийин жараён ёки суфлёр талаб этадиган нуқта ҳам шунда. Барибир сўздан адашасиз, бироқ актёрлик чин қобилияти йўқолган сўз ўрнига сўзлар топиб, ҳиссиёт бағишлай олишингизда кўринади.

Шеър ёдлаш оддий матндан кўра осонроқ, чунки унда қофия бор. Лекин актёрлар шеърий спектакл ўйнашдан қўрқади, чунки, янгишса, тўғрилаб бўлмайди. Бир сатр ёдлайман, кейин иккинчи сатрни ёдлайман-да, шу икки сатрни қўшиб кетаман ва кейинчалик учинчи қаторни ёдлаб, яна 1 дан тортиб 3-қаторгача такрорлайман ва шу тарзда такрорлашни давом эттираман.

Шеър ёдлашда аввало иштиёқ керак, ички хоҳиши қандайдир мажбурият деб билиш керак эмас. Хоҳлаб ёдлаш керак, яхши кўриб ёдлаш керак. Ички ундовни ҳис қилиш керак, Навоийнинг «Хамса»сидан парчаларни ёдлашни бошлаганимда ҳар куни эрталаб кимдир менга, Ҳазратнинг шеърларини ёдла деб айтарди, кейин қайта-қайта такрорлардим. Навоийни ёдлаганимга ҳамма ҳайрон, нотаниш сўзлари билан ёдлаганман.

Навоийдан ёдлаётганда лугат билан сўзларни тушуни ёдласа, яхшироқ ёдланади. «Хамса»ни ёдлаш миямизга сифмаса керак, ўзим шахсан 600 дан ортиқ байтни саралаб ёдлаганман. Одам кўп шеър ёдлаб келган бўлса, кейинги шеърни осонроқ ёдлайди. Мен Шекспирнинг «Отелло»сидаги оқ шеърни ўқиганимда худди ўша услубда ҳаётда ҳам гапира бошлаганман, оҳанг сизнинг руҳингизга киради. Демак, ўқийверса, кейингиси тилга келади. Аммо бу осонлашиш доимий равишда бўлмайди, акс ҳолда кўп шеър ёдланаверса, янги шеър бир зумда ёдланадиган бўлиб қолади.

Пушкин, Лермонтовларнинг шеърларини ёдлаш осон, лекин замонавий шоирларнинг шеърларини ёдлаш қийинроқ.

Яна бир жиҳат: киши мажбур бўлса ҳамма нарсани ёдлаши мумкин.

Демак, умумий тушунчани ва техникасиз техникани ўргандик. Станиславскийдан мерос қолган усул, айниңса, шеърга ҳис құшиб ёдланаётганды асқотади.

Шеър ёдлашдаги энг асосий муаммо – кейинги қатор қандай бошланишини эслаб қолишимизда. Шеър ёдлашдаги фойдалы усуллардан яна бири бу қаторларнинг боз ҳарфларини ёзип олиш бўлади ёки қатордаги ҳар битта сўзни боз ҳарфига ёзип такрорлаш айни муддао.

Шеърни севишингиз ёки нафратланишингиз мумкин. Агарда севсангиз уни ёдлаш жуда ҳам осон ишга айланади, аммо ундан нафратлансангиз, қайсиdir қисмларини боғлашда муаммоларга дуч келасиз. Келинг, энди шеър ёдлашга мнемоник техникамизни татбиқ этайлик.

Одатда, сиз шунчаки қаторларни, фразаларни, қайтакайта такрорлаш билан ёдлагансиз ҳойнаҳой. Бу, албатта, ҳар доим ишлайдиган усул, лекин у унумсиз ва сизни зериктиради. Шундай пайтда иккинчи усулга ўтишингиз мумкин: хотира техникалари айнан шунда иш беради. Ишонмайсизми? Британиялик Эд Кук исмли хотира гроссмейстери, жуда йирик асар ҳисобланган Paradise Lost – 10 000 дан ортиқ шеърий қаторлардан иборат асарни осонлик билан хотира техникалари орқали ёдлай олган.

Усул жуда оддий, хотира саройи ёки маконни ишлатиб шеърнинг қисмларини ўша сизга маълум бўлган жойларга қўйиб чиқасиз ҳамда оралиқли такрорлаш орқали ёдланган матнни автоматик тарзда эсга келадиган даражага олиб чиқасиз. Бундай усулнинг афзаллиги шундаки, илк ёдлаш сенин бўлса ҳам кейинги такрорлашдаги ёдлаш осонлашиб кетаверади.

Аввало, сиз аниқ тасаввурга эга бўлинг, шеърни миянгизнинг қаерида сақлаб қолмоқчисиз? Агарда бу мактаб вазифаси бўлса, бир марта ёдланганидан кейин у эсдан чиқиб кетади ёки сиз бутунлай ўзингиз учун ёдламоқчи бўлсангиз, озгина оралиқли такрорлаш ва янги макон орқали эслаб қолсангиз бўлади. Билиб қўйинг, такрорлаш барибир ўрганишнинг асоси. Ўша шеър учун ҳам айнан унга хос макон тузиб чиқсангиз ҳам яхши, сиз олдин тузган маконларин-

гизни ишлатмаслигингиз фойдали. Ҳар бир бекат қизиқарли ва хотираада қолишга осон бўлса, шу бекатга қўйиладиган тасаввурний ҳикоя яхши эсда қолади.

Шеър ёдлашда мен Ҳамид Олимжоннинг «Ўзбекистон» шеърини кўриб чиқмоқчиман, биринчидан уни тасаввур қилиш осон ва ритмик жиҳатдан жуда чиройли тузилган. Агар сиз шеър ёдлаётган бўлсангиз ва уни осон тушуниб, яхши тасаввур қила олсангиз, бунда ҳар бир қаторга камроқ тасаввурингизда расм қилишга тўғри келади. Аксинча, шеър ўта мавҳум ва ёдлашга қийин бўлса, сиз кўпроқ сўзларга тасвиirlар ишлаб чиқасиз ва уларни тасаввурга келтириш ҳам қийинлашади. Албатта, ҳамма ҳам шеърни яхши кўравермайди, улар учун мусиқа устунроқ, шунинг учун бу ерда мен ўзимнинг усулим билан сизни танишираман, холос.

Маконни 10 тадан қилиб тузиб чиқдим. Қуйида мана шу шеърнинг айрим мисралари:

*Водийларни яёв кезганда,  
Бир ажисб ҳис бор эди манда...  
Чаппар уриб гуллаган богин,  
Ўпар эдим Ватан тупрогин.  
Одамлардан тинглаб ҳикоя  
Ўсар эди шоирда гоя.  
Дарёлардан куйлаб ўтардим,  
Эртакларга қулоқ тутардим.  
Ҳаммасини тинглардим, аммо  
Ўхшашини топмасдим асло.*

Биринчи қилинадиган ишлар доим биринчи бўлади, бу парчани қайта ўқиб чиқинг ва мавзунинг ичига киринг, ўзингизни тасаввур қилинг: ўқиётган пайтингизда хаёлингизда шу манзаралар гавдалансин. Айнан шундай қилиб мен дастлаб шеър билан танишиб чиқаман, илк танишув! Бундай танишув шеър структураси ва ритмини тушуниш учун менга қулай бўлади. Эътибор берсангиз, бу шеър ҳар икки қаторда қофияланади. Ана энди, маконда сўзларга тасвиirlарни келтириб эслаб қолишга мослаймиз.

### **«Водийларни яёв кезганды...»**

Бу шеърда сўзлар оддий ва осон тасаввур қилинишини ҳисобга олиб, ҳар бир қаторга битта расм ва у расмдаги ҳаракатни тасаввур қиласман. Биринчи тасаввурим яёв юрган ҳолатим ва биринчи маконимда водий кўкаламзор бўлиб кетади. Агар сизга «кезганды» сўзини эслаб қолиш муаммо бўлса, шу тасаввурий ҳолатда яна қўшимча тасаввур қўшаверинг. Масалан, «кезганды» сўзини эшитсан, эсимга «кесганды» келади ва мен яёв юрган ҳолатимда водийдаги ўсимликларни кесиб тахладим. Буни бир марта тасаввур қилганимдан кейин доимо шу тасаввур ўз-ўзидан кела бошлади.

### **«Бир ажиб ҳис бор эди манда...»**

Иккинчи маконимга энди ҳис қилаётган инсон сифатида ўзимни қўяман. Иложи борича мен шоирнинг ҳолатига тушишга, шеър оҳангини англашга ҳаракат қиласман. Савол бераман, қанақа ҳис ўзи бу? Демак, мен кўзимни юмган ҳолда водийлардан баҳра олаётган хурсанд кишини тасаввур қиласман. «Бир ажиб» деганда тасаввуримда қўлим билан бирни кўрсатаман ва «манда» деган жойига иккинчи қўлим билан «менда» деган маънода қўлим билан кўксимга ураман. Умумий ҳолат барибир ижобий – хурсандчилик. Уч нуқтани эслаб қолиш учун ҳам хоҳласам, ўзимга белгилар чиқариб олиш имкони мумкин.

### **«Чаппар уриб гуллаган боғин...»**

Учинчи маконга энди боғни тасаввур қиласман-да, у ерда гуллар гуллаётганига гувоҳ бўламан. Чаппар сўзига эса ўзимдан бир тасвир қўшаман, яъни чаппак ёки чапалак, бунда гуллаган гуллар барглари орқали чаппак ураётганини, боғдалигини тасаввур қилиб қўяман. Баъзида шундай ёдлаётган пайтимда, дарров нафасни ростлаш учун бошидаги қаторларни тасаввурларини қайта эсга тушириб оламан, тезликни йўқотмаслик ва ритм билан кетиш мақсадида. Ёки олдинги қатордагини кейинги қаторга боғлаб юбораман. Бунда иккинчи қатордаги ажиб ҳис соҳиби, боғга келиб гуллар билан ҳам чапак чалиши мумкин.

### **«Ўпар эдим Ватан тупроғин...»**

Тўртингчи маконимда «Ватан» киносида кўрган персонажим тупроқни ўпаётганини кўраман. Ёки Ватаннинг байроғи ҳамда тупроғини ўпаётган бўламан. Бир қарашда бу кулгили туюлар, лекин аслида бу ерда асосий иш қаторларнинг кетма-кетлигини аниқлаштириб олиш ва шунга монанд эслаб қолиш; кейин оралиқли такрорлашлар оқибатида сиз шеърни ўз-ўзидан келадиган даражагача ёдлаб улгурасиз.

### **«Одамлардан тинглаб ҳикоя...»**

Ҳамид Олимжонни турли одамлар қуршовида кўраман. Қанчалик кўп эҳтирос ва файриодийликни қўлласангиз, у шунчалик хотирангизда сақланиб қолади. У бошини қимирлатган ҳолатда ҳикоя тингламоқда.

### **«Ўсар эди шоирда ғоя...»**

Ҳамид Олимжон ҳикояни тинглаб бўлганидан кейин, кейинги маконимга ғояни қўяди, мен айрим ҳолатларда ғояни лампочгага ўхшатаман, шунинг учун ердан ўсаётган лампочкани кўраман-да, шоир шу лампочкани ёқади. Бу ҳикоя менга қаторни эслаб қолишга фойда беради.

### **«Дарёлардан қуйлаб ўтардим...»**

Кейинги маконимда икки дарё пайдо бўлиб қолади-да мен қуйлаб ўтаётган бўламан. Бу жуда содда туюлган бўлса, дарёдан қуйлаб ўтаман деб ийқилиб тушиб шалаббо бўламан, бундай экстремал ҳолатлар хотирага дарров ёпишади.

### **«Эртакларга қулоқ тутардим...»**

Шеърнинг шу қаторига шоирнинг ҳаётига алоқадор эпизодни қўшаман. Биламизки, Ҳамид Олимжон буви ва боболаридан кўплаб эртаклар эшиштан ва шу эртаклари асосида «Ойгул ва Бахтиёр» каби эртакларни яратган. Шунда мен шалаббо бўлган ёш бола бувисидан қулоғини динг қилиб эртак эшиштаётганини тасаввур қиласман.

## **«Ҳаммасини тинглардим, аммо...»**

Бу энди янада мавхұмлаштирилған қатор. Ҳаммасини, деб әртакни назарда тутгани учун мен маконимда ҳаммага алоқадор бўлган кўпгина әртак китобларни олиб, уларни ўқиб, тинглаётганини тасаввур қиласман. «Аммо» сўзини эслаб қолишида бир таажжубни ёки Аммаси келиб «бўлди ўғлим, кўп эртак ўқима», деган тавсиясини тасаввур қиласман.

## **«Ўхшашини топмасдим асло»**

Ўхшашини топмасликка мослаб турли хиллик ва ранг-барангликни тасаввур қиласман, «асло» сўзига қўлини силкитаётган инсонни тасаввур қилишим мумкин.

Ана энди қаторлардаги фикрларни ва асосий расмларни миянгиз кўзида кўришга ҳаракат қилинг. Аниқ бўлиши шарт эмас, озгина тасаввур берилса бас. Баъзи қаторлардаги сўзлар тўғридан-тўғри келиши мумкин, баъзилари эса қийин. Хавотир олманг, бу оддий ҳолат. Кейин мен уни қайта эслаш учун қофозга ёзишга ҳаракат қиласман, бу менга ёдлаш учун янги шиҷоат бағишлади. Шеърга қараб-қараб эслаб қўяман, ёзib бўлганимдан кейин, тасвирий жиҳатдан шеърга назар солиб қўяман, бир-икки марта оғзаки айтишга уринаман, оралиқли такрорлашга амал қилиб, миямга озгина дам бериб чалғиб, 5 дақиқадан кейин такрорлайман ва шеър хотираимда мустаҳкамланади.

Ҳар бир одам мияси турлича, шунинг учун экспериментлар ўтказиб ёдлашнинг қайси усули яхши эканлигини аниқлаштиринг. Такрорлаш ва бошқа методикалар билан араплаштириб ёдласангиз янада фойдали бўлади. Бу методика, айниқса, ёдлашда муаммога дуч келганлар учун айни муддао, ёдлаш қобилияти аъло даражада бўлганлар ҳам қайси-дир маънода ўзинга керакли жойини олиши мумкин.

Билиб қўйинг, бу техникалар сизга ахборотни миянгизга тезроқ туширишга ёрдам беради, лекин ундан қайта суғуриб олишга халақит беради. Миянгизга ўрнаштириб олганингиздан кейин, маконингизда ақлий саёҳат уюштириб такрорлашингиз мумкин. Доскага чиқиб айтиб бериш вази-

фангиз бўлса, айни шу ерда шуғулланиш жуда муҳим, бунда такрорлаш, қоматни тўғрилаш даркор, овоз ҳамда ургу беришни машқ қилиш, Афзал Рафиқов айтганидек, айтиб бериш ҳолатига кириш керак, шундагина шеърни айтиш яна-да осонлашади. Мактабдаги синфдошларим шеърни уйда зўр ёдлаб, доскага чиқиб айтишда доим муаммога дуч келарди. Шунинг учун ёдлаётганда доскада тургандек тасаввур билан ёдланса, ҳаяжонни енгигб айтиб бериш осонлашади.

Юқоридаги техника бўйича машқ қилмоқчи бўлсангиз, мана сизга Ҳамид Олимжоннинг шеъридан парча, шуғулланиб кўришингиз мумкин. Шеърнинг ўйноқи ва мусиқий оҳангги, гўзал тасвирий ифодалари шоирнинг бадиий маҳорати меваси экани ҳақида фикрлашинг. Юртимиз мадҳини куйловчи яна қайси достонларни биласиз? Бу шеър мактаб давримда ёдлаган энг яхши кўрган шеърим ҳисобланади.

Ўхшалий йўқ бу гўзал бўстон,  
Достонларда битган гулистон –  
Ўзбекистон дея аталур,  
Уни севиб эл тилга олур.  
Чиройлидир гүё ёш келин,  
Икки дарё ювар кокилин;  
Қорли тоғлар турар бошида,  
Гул водийлар яшнар қошида.  
Чор атрофга ёйганда гилам,  
Асло йўқдир бундайин кўклам.  
Тоғлардаги қип-қизил лола,  
Бўлиб гүё ёқут пиёла,  
Булоқлардан узатади сув,  
Эл кўзидан қочади уйқу.  
Далаларда бошланади иш,  
Бошланади ижод ва турмуш.  
Кундан-кунга ўсади пахта,  
Барг чиқади ҳар бир дараҳтда.  
Олмазорлар гулин тўқади,  
Мева боғлаб шохин буқади.

Шаҳарларда ишга чиқиб эл,  
Одам билан тўлар текстил.  
Ҳаммасининг бир истаги бор,  
Ҳаммаси ҳам хурсанд, баҳтиёр.  
Бу ўлкада ҳар нарса бордир,  
Кўрмаганлар доим хумордир.  
Аму билан Сирдан сув ичган,  
Зарафшонни лойлатиб кечган  
Чавандозлар бордир бу элда.  
Баҳор чоғи пишқирган селда,  
Арғумоқлар қўшиғи бордир:  
Бу шундайин ажиб диёрдир.  
Даласида ўсмас тиконлар,  
Чўлларида чопмас илонлар;  
Қуш учгандада куймас қаноти,  
Одам ўтса қуримас зоти.  
Чанқов қолиб йўловчи ўлмас,  
Ҳар бурчакда бошкесар бўлмас.  
Кулбаларни келиб босмас қум,  
Гўдакларни ютмас оч ўлим,  
Одамга баҳт ва толе ёрдир –  
Бу шундайин ажиб диёрдир.

Бунда булбул китоб ўқийди,  
Бунда қуртлар ипак тўқийди,  
Бунда ари келтиради бол,  
Бунда қушлар топади иқбол.  
Бунда қорнинг тагларида қиши,  
Баҳор учун сўйлайди олқиши.  
Бир ўлқаки ҳуснга бойдир,  
Унинг энг зўр кўзгуси ойдир.  
Бир парча ўт бўлиб бунда кун,  
Пахтасига ишлайди ҳар кун.  
Ботирлари канал қазади,  
Шоирлари фазал ёзади.  
Куйчилари ўқийди ялла,  
Жувонлари айтади алла.

Пазандаси ёпади ширмон,  
Қарилари кутади меҳмон.  
Бу шундайин ажидиёрdir.  
Шунинг учун тинчdir ул кўнгил,  
Шунинг учун осойишdir ул.  
Шунинг учун сомонда ётмас,  
Шунинг учун совуқда қотмас,  
Ёвларига осмон тутундир,  
Шунинг учун бағри бутундир.  
Шунинг учун ёпинмагай хас,  
Шунинг учун кийинар атлас.  
Шундай ўлка доим бор бўлсин,  
Шундай ўлка элга ёр бўлсин.  
Омон бўлсин оғайнилари,  
Омон бўлсин дўстларнинг бари.  
Водийларни яёв кезганда,  
Бир ажиди бор эди манда...

Шеърни ички мотивация билан ёдлаш эса янада осонроқ ёдлашга ундаиди ва техникалар ёдлаш жараёнини мазмунли қилади.

### ҚИСҚАЧА МАЗМУН

✓ Шеър ёдлашда ички хоҳиш ва қучли мотивация бўлиши керак.

✓ Станиславскийнинг усулини ишлатиш даркор. Унга кўра, сиз ёдланаётган гапларнинг руҳий тизгинига тушиб ўша ҳолатдагидек ҳиссиёт билан ёдлайсиз. Шоирнинг ички хоҳишларини тушуниш ҳам муҳим.

✓ Оралиқли такрорламоқчи бўлсангиз Афзал Рафиқов кўрсатганидек қилиб ёдлаш ҳам муҳим.

✓ Мнемоник техникани қўйиб ёдлаш ҳам ёдлаш жараёнини осонлаштиради. Негаки, шеър ёдлашдаги энг муҳим жиҳат бу кейинги қатор ёки сатрларнинг кетма-кетлигини яхши эслаб қолиш, шунинг учун макон тизимидан фойда-

**ланиб ҳар бир макондаги бекатга шеърнинг қаторидан бир калит сўз ва ҳикояни қўйиб кетиш ишингизни осонлаштиради.**

## **ЎН УЧИНЧИ БОБ. ЙЎНАЛИШНИ ОЛ**

«Панжара Ортида» фильмни жуда қизиқарли, мафтункор фильм ҳисобланади. Фильмда Майкл Скоффильд ақл бовар қилмас даражада «ақлли» бўлиб, бир эпизодда у қандай қилиб янги маконга қочиб боргани ва машинани қўйгандан сўнг ўша жойни эслаб қолишга бўлган ҳаракатини кузатдим. У машинадан тушиши биланоқ атрофни кузатади ва шунга мос фикрлашга улгуради. Машина олдида почта қутиси бўлиб, миясида шу қутичани машинага боғлаб олади. Кейинчалик машинани қидираётганда шу қутича эслашга ёрдам беради.

Ҳаётда ҳам шундай: бир нарсани эслаб қолиш учун бошқа иккинчи нарса бизга ёрдам бериши керак. Ушбу бобдаги кўплаб манзилларни ва мўлжалларни эслаб қолишда ана шундай кузатув айни муддао бўлади.

Баъзида киноларда овчиларнинг йўл ва жойларни эслаб қолиш қобилиятига гувоҳ бўламан, улар юрган йўлида белги қолдиради. Бу йўл белгилари исталган нарса бўлиши мумкин – уни эслаб қолсангиз бўлди. Айниқса, ўрмонда, бир хил кўринган дараҳтлардаги ўзгачаликларни илғашга ҳаракат қилинади. Белгилар бир-бирига ўхшамайдиган бўлиши керак бўлса-да, ўхшашлар орасидаги фарқни илғаш сизни тўғри йўлга бошлайди. Мен кўпинча, ичкари уйларга кирганимда бурилиш ва кўзга ташланиб турадиган жойларни эслаб қолишга ҳаракат қиласман. Масалан, боғча ва уйлар. Шунингдек, жойларни эслашда яна бир ёрдам берадиган ҳолат шундаки, сиз иккинчи марта хотирангиздан эслаб юрган жойингизни кўрганманми ёки йўқ, дейсиз. Бу эса ўша жойга бормай туриб эслашдан анча қулай. Шунинг учун мен бир марта борган жойимни эсдан чиқармайман.

## **Асосий техника!**

Аввало, ўша жойга борганингиздан кейин миянгиздаги барча фикрларни олиб ташлаб, хаёлингизни йўл белгилари ёки қисмларига қаратинг. Кўпчилик айнан эътибор берманганлиги сабабли ҳам йўлдан адашади. Кейин эса сиз топган йўл белгисини озгина тасаввур қилиб, ўша ерда бир қизиқарли ҳикоя тузиб олинг. Агарда яна илгарила бетсангиз, маҳаллалардан бирини тасаввурингиздаги белгилар билан кейингисини боғланг. Бу худди алоқа-занжир усулини сизга тушунтирганимдек амалга ошади. Масалан, биринчи бурилишда ягона Даҳаҳт бўлса, унинг барглари устингизни қоплаб олади ва кейинги бурилишда довон жойлашган бўлса, олдинги барглар билан довон тўзиб кетади. Бу орқали яна таъкидлайман, сиз оддий хотира ва миямиз ишлаш тамоилларини бошқа соҳаларга татбиқ қиласиз: ассоциация, тасаввур, макон ва антиқа ҳикоя.

Чапга ва ўнга буриласиз, иккинчисидан ёки учинчисидан, унинг ўрнида нима борлигини билиб олсангиз бас. Баъзан чап ва ўнглар кўпайиб кетса, чапга Чаплинни тасаввур қиласман, ўнгга эса ўнг қўлнинг катта расмини 5 ни кўрсатиб турганини тасаввур қиласман ва қандай бурилишига қараб шуларни мўлжаллар ёки йўл белгиларига боғлаб кетаман. Баъзизда эса унчалик кўп бўлмаган бурилишларнинг расмини хаёлимда чизиб, расмни қандайдир геометрик шакл билан ассоциация қилишга ҳаракат қиласман, бунда ҳам барибир тасаввур ва ассоциация ишламоқда.

Жаҳон Чемпионатига борганимда Хитойнинг пойтахти Пекинда бир кафедагилар бизни каттагина маблағга туширганини сезиб қолдик ва икки кундан кейин милиция чақириб (мусоғир юртда қандай қилиб бу қаллобларни тутишини ўйлаб, охирги чорамизни ишлатдик), ўша ерга бошлаб бордик. Бунда шеригимни зийраклиги бизга жуда асқотди. Алижонов Сарварбек билан биргалиқда Бутунжаҳон Хотира Чемпионатига терма жамоа сифатида боргандик ва мен борган жойимизни аниқ эслаб қолганлигим туфайли йўл белгилари орқали кафени топиб келдик ва ортиқча тўланган пулни қайтариб олдик. Ўша куни ўзимдан жуда хурсанд

бўлдим, негаки олдинлари кўнглим тўлмаган хотирам менга ўзининг совғаларини туҳфа этганди.

«Қашқирлар макони» фильмида Пўлатнинг шундай қоби-лиятига гувоҳ бўламиз. Сериалнинг 169-қисмida у бир маҳ-фий мажлисга олиб борилади. Бораётганида Пўлат Алан-дарнинг кўзини боғлашади. Пўлат ҳам анойилардан эмас, қарангки, улар Пўлатнинг қулоғини беркитишни унутиша-ди ва йўлда кетаётганда Пўлат овозлар орқали ҳар бир бу-рилиш ва йўналишларни эслаб қолади, аэропорт шовқини ҳамда тақур-туқурларни эслайди, бунда мускул хотираси унга фойда беради. Бу ерда бир муаммо, узун йўлларда юр-ганда уларнинг кетма-кетлиги бизни чалғитади, негаки биз, одатда, З тадан ортиқ рўйхатдаги кетма-кетликни қийналиб ёдлаймиз. Шундай **йўл белгиларини** эслаб қолишнинг осон йўли Макон методикаси ва бироз кодировкани ишлатиш айни муддао бўлади.

Йўлни, жойларни эслаб қолиши борасида мен, асосан, кўп йиллик тажрибага эга бўлган ҳайдовчиларни яхшигина ку-затганман. Улар манзилга тахминан қайдай бориш керакли-гини ипидан игнасигача тушунтириб беришга қодир бўлади. Яхши ва тўғри тушунтириш ҳам аслида масофа ва вақтни назарда тутиб айтишдан бошланади, негаки сиз фақат чап, ўнг деб қўя қолсангиз тушуниш мушкул бўлади: лекин Ҳувай-до мебеллар салонидан ўнгга бурилиб «Бинкат» супермарке-тидан чапга бурилишни айтсангиз, бу аниқроқ бўлади.

### **ҚИЗИҚ ДАЛИЛ! ИККИ КАСБ ЭГАСИННИГ МАКОНЛАРНИ ЭСЛАБ ҚОЛИШДАГИ МУКАММАЛ ХОТИРАСИ ХУСУСИДА**

Агарда сиз Лондонда таксичилик гувоҳномасини олмоқчи бўлсангиз, албатта «Билимлар» деб мақта-ниб айтилувчи жуда қийин бўлган тестдан ўтишингиз лозим бўлади. Бунинг учун 468 йўлни ва 5500 та кўча номларининг ҳаммасини билишингиз керак ва миян-

гиз худди GPS навигатор сингари энг қисқа йўлларни топишга мослашиши даркор. Лицензия олган такси-чиларнинг мияси ўрганилганда шуни аниқланганки, уларнинг хариталарни яхшилаб ўрганиши ва жойларни номлари ва километрларигача билиши туфайли мия қисмларида янгича ўзгаришлар сезилган. Миянинг хотирага алоқадор қисми (гиппокампус) катталашганилиги сезилган. Бу нарса жойларни кўрганда миямиз ҳам ривожланиши ва янги қобилиятларни ўрганганимизда мия пластик бўлиб ўзгаришларга мойиллигини англатади. Бу топилма кексаларга ҳам оптимистик фикрлар беради.

Бундан ташқари, психологлар таъкидлашича, гольферлар барча спортчилар орасида энг хотираси кучли ҳисобланар экан. Негаки уларнинг ҳаммаси деярли ҳар бир отган тошини деталларигача айтиб бериш қобилиятига эга бўлади. Бунга сабаб – ҳар бир отиш бу ноодатидир – масофа, шамол, ёндашиш турлича бўлиши ҳисобга олишини керак. Улар тўпни уриш учун анча кўпроқ вақт сарфлашади ва бошқа спортда эса буни акси тезда қарор чиқариш лозим. Секин ўйлаб қарор қабул қилина бошланганда хотира узоқ муддатга ўтишга улгуради. Ажойиб хотира доимо гольферларга фойда бўлади. Тажрибаларга таяниб ўйнайдиган инсонлар ҳам натижаларга эришади. Миямиз олд ва орқа мияга бўлинса, олд мия онгли фикрлашга жавобгар, орқа мия эса онгсиз фикрлашга жавоб беради ва спорт психологларининг таъкидлашича, гольферлар ўйнаганда баъзида тарихий тажрибага асосланиб интуиция ишлатгани ҳам фойда бераркан. Улар деярли ҳар бир зарбасини бирма-бир айта олади. Кўрганингиздек, бу икки соҳа вакилларида жойларни ва мақонларни эслаб қолиш юқори даражада ривожланган ва бу ривожланиш ҳеч қачон тутма эмас, аксинча, ҳаётда тажрибалар билан мисқолланиб мукаммаллаштиришга эришилган.

## **Манзил ёки мўлжал**

Манзилларини эслаб қолишида энг катта муаммолардан бири бу жойнинг номини эслаб қолиши. Бунда ҳам олдинги бобларда тушунтирилган техникалардан узоқлашмаймиз, шунчаки, уларни бошқа соҳаларга татбиқ қилишни давом эттирамиз. Айнан исмларни эслаб қолищдаги ва сўзларни эслашдаги Калит сўз техникаларини жой номларини эслаб қолишига татбиқ этамиз.

Бирор жойга саёҳатга борсак, кўпчиликдан манзилни сўраймиз, уларнинг кўрсатмалари жуда тушунарсиз бўлиши мумкин, лекин уни такрорламасдан эслаб қолсак бўлади. Чимён томонларда Сижжак деган жой номини эслашга тўғри келиб қолди, шунда менга дарров фижжак сўзи келади-да, ҳайдовчига жойнинг номини эслатиб, ўша жойни топишга муваффақ бўламиз.

Ёки бир куни танишим, ҳурматли инсон Бобоёр Тўраев билан Бурито кафесида суҳбатлашишга тўғри келди, ўзим у ерни билмаганим учун эслаб қолиш озгина мушкул бўлди, шунда миямга буратино ассоциацияси келди. Эҳтиёт бўлинг, шу ерда олдинги бобда таъкидлаган Чехов муаммосига дуч келиб қолманг тафин, Бурито деб айтишни ўрнига Буратино деб айтиб қолманг. Шундай пайтда чалғиб қолмаслигим учун улар орасида қандай фарқ борлиги ҳақида тафаккур қиласман: билиб қўйинг, чуқур тафаккур қилинган фикр, хотирада сақланиш эҳтимоли юқори бўлади. Бурито Буратинодан фарқланиши учун улардаги ортиқча саналган ҳарфларни олиб ташлайман, фарқларни олиб ташлаганимдан кейин Бурито номини янада яхшилаб ёдда сақлайман.

Кунларнинг бирида дўстим билан юрганимда Тошкентдаги ўзим турган манзилни айтдим, айтишим биланоқ мен унинг эслаб қолиш жараёнини кузатдим. Мени таажжубланириб дўстим хотирани ривожлантириш ҳақида деярли ҳеч нарса билмаса-да, ҳаммасини тўғри бажарди. Мана ўша сухбат:

– *Шоҳруҳ, қаерда турибсизлар ҳозир?*

– *«Ҳамза» метросини биласанми, шундан пастга қараб 2 та бекат тушилганда «Фламинго» ресторани бор.*

- Уерлар нима деб аталади, агар борадиган бўлсам такси-чига тушунитириб бериишм керак-ку.
- «Пионерский» кўчаси, деб айтсанг ҳамма билади.
- Пиянский, пиянский...
- Йўқ, **нио** нерский!
- Ҳа пионерми, машина калонкаларини номи билан бир хил экан-ку.

Қаранг, бу дўстим онгсиз равишда Пионерский кўчаси-ни **пионеер** калонкаси номи билан боғлаб ўзи учун эслатма қилиб қўйди. Шунда ўйланиб қолдим, аслида ҳаммамиизда хотиранинг техникалари бор, фақат биз беихтиёр уларни ишлатамиз. Агарда буни ақлан бажарадиган бўлсак, албатта, маълум маънода хотира муаммоларига ўрин қолмасди. Сиз ҳам онгсиз фикрлашни онгли равишда эслаб қолишга уриниб, бу муаммога батамом чек қўйишингиз мумкин.

### ҚИСҚАЧА МАЗМУН

✓ Мўлжал ва манзиллар эслаб қолинаётганда ўша ерда-ги белгига эътибор бериб қарашиб мухим, 8 сониялик эътибор билан кузатиб, ўша жойнинг маҳсус белгисини тасаввур қилиб оласиз.

✓ Манзил номини эслаб қолишида калит сўз техникаси мухим. Жой номини ўзингиз биладиган сўзга айлантириб озгина тасаввур қилиб олинг, масалан, Сижжак маҳалласи-ни, «фижжак»ка айлантириб ўша маҳалла ҳақида фижжак-ка алоқадор тасаввур қилинг.

✓ Илк борган жойингизни эслаб қолишида бирин-кетин бурилишлардаги белгиларни эслаб Занжир усули орқали тасаввурлар қилишга ҳаракат қилинг.

✓ Билингки, эътибор бериш жуда мухим ва бошқа инсон-лар қандай эътибор бераётганига диққат билан қараб, улардан ўрганишга ҳаракат қилинг.

## ЎН ТҮРТИНЧИ. ФИКРЛАР ПАТНИСИ

*Хотира – доим ўзимиз билан олиб  
юрувчи кундалик дафтаримиздир.*  
Оскар Уайлд

Баъзида шундай вазиятлар бўладики, кундалик ишларимизни эслаб олишимизга тўғри келади. Нима қилиш керак: қилинадиган ишлар рўйхати керакми ёки шунчаки бир фикрни миямизда сақлаб, кейинчалик уни қайта эслаш тўғрироқми? Буни эслаб қолишнинг энг осон йўли: ёзib олиш. Бироқ бунинг ҳам ўзига яраша ёмон томони бор – қофоз йўқолиб қолиши мумкин ёки биз қофоз ва телефонга шунчалар боғланиб оддийгина инсоний қобилиятларимизни йўқотиб қўямиз.

Ҳозирги кунда зарур нарсаларни дарров телефон ёки компьютеримизга ёзib қўямиз. Улар энди хотирамизнинг вазифасини бажарайти. Лекин ҳаёт бу: на ручка, на қофоз, на телефон бўлган ҳолга тушиб қолишингиз мумкин, шунда фақатгина миянгизни сизни мушкул вазиятдан олиб чиқиб кетади, шундай пайтларда маълумотни қандай эслаб қолиш муҳим.

Фикрлар жуда тез, шамолдай келиб, шамолдай кетади. Дарров қофозга ёзib олинмаса, фикрни йўқотиб қўямиз, зоро миямиз шу тахлит ишлайди. Бир нарса қилишга уринамизу кейин унутиб, бошқа муаммолар гирдобига тушиб қоламиз, кейинчалик нимадир эслатса эслашимиз мумкин. Оддий мисол: мен Фейсбуқ ижтимоий тармоғига аниқ мақсад билан кираман. Лентани кўриб бошқа хабарларга эътибор бергач, мақсадимдан чалғийман, кейин чиқиб кетаётганимда нима учун кирганим эсимга тушади. Ҳа, фикрлар шунаقا алфов-далғов бўлиб кетади.

### ЕЧИМ

Фикрлар патниси бир қанча маконлардан ташкил топган жой бўлиб, у яхши эслаб қолишга қулай бўлгани учун

фикрлар пайдо бўлганида ундан фойдаланишингиз мумкин. Мен ёшлигим ўтган Андижондаги Шаҳрихон кўчасидаги гузарни фикрларим патниси сифатида ишлатаман. Фикрлар патниси – мажозий тарзда ишлатилади албатта, шундай бир майдон тузиб чиқасизки, бу майдонга тасаввурий фикрларни жойлаб чиқаверасиз, фикрларингизни вақтинча ушлаб туриш учун керак бу жой – кейинчалик ўша фикрингиздан фойдаланишингиз мумкин ёки сиз қилишингиз керак бўлган ишни хаёлингизда сақлаб қоласиз. Фойдаланиб бўлгандан кейин патнисдаги буюмлардан қутулган каби, фикрларни тозалаб, кейинги фикрга «патнис» тайёрлаб қўйилади.

Мавҳум фикрларни эслаб қолишда, олдинги бобларда таъкидлаганимдек, аниқ расмли боғланадиган фикрларга айлантирамиз. Менда кўп учрайдиган ҳолатлардан бири – телефонда дориларни исмини эслаб қолиш, бундай пайтда ручкам йўқ бўлса қўрқмасдан қофзда эмас, миямда эслаб қолишга одатландим. Бир куни аптекадан дори олишим керак бўлди, номи — «Шест меркаптапулон», бу дорини эслаб қолиш учун менинг Фикрлар патнисим бўлган маконимда 6 рақами ва меркаптулон сўзини қисмларга бўлиб, уларга ассоциация қилганман, МерҚаптапулон мэр бу милиция ходими, кап-кеп бу кепка, тапулон–Таблон ёки табло ва Кепка кийиб олган 6 та мэр табло тузиш бўйича чемпионат ўтказди. Бу ерда бир марта ҳаракат тасаввури етарли даражада эсимда қолишга олиб келади.

Яна бир куни телефон рақамини вақтинча эслаб қолишга тўғри келди: 232 19 29. Шундай вазиятлар бўладики, телефон рақамларини ёзib олишга вақtingиз бўлмайди, шунда бу техникалар сизга фойда беради. Телефоним ўчиб қолсанчи? Такрорлаб ёдлаб қолиш тезда унутилишини ҳисобга олсак, менга яна фикрлар патнисимдан фойдаланиб рақамларни вақтинча эслаб қолишим асқотади. Мажор системасидан фойдаланиб, патнисимда яна ўша рақамларни эслаб қолишга ҳаракат қилдим. Кейин телефон ёқилганда яна ўша рақамни патнисимдан олиб қайта эслаб қолишим мумкин.

Бундан ташқари, мусобақага тайёрланар эканмиз, биз доимо бир маконни олиб, ўша маконда машқ қиласмиз, бу

худди футболчиларнинг соатлаб машғулот олиб боришлирига ўхшайди. Фикрлар патнисидаги маконим худди шундай серқирра вазифаларни бажаради.

## Бошқа фойдалари

Турли хил мажлисларга борганимда, телефонларда гапираётганимда, турли foяларга дуч келганимда ҳам ушбу мавҳум фикрларни қандайдир расмларга айлантириб, фикрлар патнисимга қўйишга ҳаракат қиласман. Бу система менга керакли сўзларни керакли пайтларда ишлатишга кўмак беради.

Кечки пайт ёзишга ҳеч нарса бўлмаса эртанги ишларими ни ҳам шу патнис орқали режалаштираман. Сизда ёлғон тасаввур пайдо бўлмасин, мен ҳар доим ҳам буларни ишлатмайман, бундай қилиб миямга ҳам ортиқча фикрлаш ва ортиқча босим бергим келмайди, телефонимга ёки кундайлекларга ёзиб, шунингдек, Google календарларидан фойдаланишини анча қулай ва фойдали деб биламан, лекин зарурати туғилганда, қўрқмасдан Фикрлар патнисимдан фойдаланман, негаки у мени ҳеч қачон ташлаб кетмайди.

Баъзида велосипедда юрганимда, ўйлаганларим учун фикрлар патниси айни муддао бўлади, хаёлимда антиқа ҳикоялар тузаман ва уйга келгач уларни кундалигимга ёзиб қўйман. Албатта, бу дегани мен ҳар доим шундай қилиб фикрларни эслаб қоламан дегани эмас, баъзида кўпроқ, баъзида эса озроқ. Бундай натижага эришиш учун бошида озгинадан машғулот қилиш даркор. Билиш керакки, ҳеч қандай текин тушлик йўқ, сиз унга ҳаракат қилиб етишасиз ва шу орқали хотирангизни яхшилайсиз.

Кетган фикр қайтиб келмайди, дейишади. Фикр чақмоқдай келади, ушлаб қололмасангиз – қайта эслашингиз мушкул. Қайд этишга ҳеч нарсангиз бўлмаган пайтда миянгизга ишонингиз керак бўлади – мен бу ҳолга кўп дуч келганман. Агар такрорлаб ёдлайман, десангиз уни эсдан чиқариб қўйиш эҳтимоли катта, шундай пайтда сизга фикрлар патниси, айниқса, асқотади. Шунчаки, эслаб қолинадиган фактни ма-

конингизда ажабтовур усулда тасаввур қилиб, бир ҳикояча тузсангиз, кейин яна хаёлингизга келади.

## ҚИСҚАЧА МАЗМУН

✓ Фикрлар чақмоқдай келиб, тез кетади, шунинг учун ёзиб олинимаса қайта чақириш қийин бўлади. Агарда сизда ёзиш имкони ва телефонингиз бўлмаса, бундан-да ёмони бўлмайди.

✓ Фикрлар патниси бу метафорик тизим бўлиб, унда сиз алоҳида бир майдонни патнис сифатида ишлатасиз, яъни фикрларни қўйиб турасиз, кейин эса уни тозалаб яна янги фикрларни қўйиб кетаверасиз.

✓ Фикрлар патнисига фикр келиши билан маҳсус маконингизда ўша сўзга алоқадор ҳолатдан антиқа ҳикоя тузасиз, кейинчалик эса ўша фикрни қофозга ёзиб ёки бошқача тарзда қайта ишлашингиз мумкин.

## ЎН БЕШИНЧИ БОБ. ХОТИРАМИЗНИНГ 7 ХАТОСИ

Нега осмонда 7 қават бор, 7 рангли камалак, 7 жаннат эшиги, Каъбани 7 марта тавоғ қилиш, менимча, бунда қандайдир сеҳр ва сир бўлса ҳам керак. Буни қарангки, миямизнинг хотирамизнинг ҳам 7 хатоси бор экан. Таажжуб!

«Seven sins of memory» («Хотиранинг 7 хатоси»). Бу китобнинг муаллифи Даниэл Шактер бўлиб, у Гарвард университетининг психология бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган ва ҳозирги кунда хотира соҳаси бўйича етакчи олим ҳисобланади. Шактер назариясига кўра, хотирамиз аслида ёмон эмас, фақатгина қўйидаги – 7 хатоси бўлмаса эслаб қолишимизда яхши ўзгаришлар содир бўлади.

Бу нуқсонлар олимларни ҳозиргача ажаблантироқда. Қизифи шундаки, бу муаммоларнинг кўпчилиги ёш ўтиши билан кучайиши мумкин. Хотирамизнинг 7 хатоси: қисқалик, паришонхотирлик, тўсқинлик, нотўғри белгилаш, таклифчанлик, ён босиши, қайсарлик ҳисобланади. Қуйида улар

ҳақида қисқача тұхталаман ва кези келганды ечим беришга ҳам ҳаракат қиласынан.

## 1. Қисқалик

Хотирамиздагилар жуда қисқа фурсатда унугилади, шуннинг учун ҳам олинган билим вақт ўтган сайн эсдан чиқиб кетади. Ёки сиз кечагина ўқиган адабий китобингизнинг қаҳрамонларини исмини эслай олмайсиз. Эрталаб мақола ўқиган бўлишингиз мумкин, аммо сарлавҳаси эсингизда йўқ. Бундай ҳолатлар кўп учрайди ва улар хотирамиз қисқа муддатли бўлишини тасдиқлади. Қисқа муддатли хотирадаги ахборот узоқ муддатли хотираға ўтмай қолади, оқибатда эса биз маълумотларни йўқотаверамиз. Хотирамизнинг қисқалигини илк бор Немис олими Эббинҳаус кашф қилган бўлиб (олдинги бобларда таъкидланганидек), қисқача айтганда, сиз ҳозир ўқиётган мақоланинг 90 %ини 30 кун ичида секин-аста унугласиз.

Вақт ўтгани сайн хотира сусайди. Буни тан оласизми-йўқми, хотирамиз шундай яратилган. Фақатгина хотирангиздаги маълумотни узоқ муддатли хотираға олиб ўтсангиз эсингизда қолиши мумкин. Бу нарса ҳар бир инсонда бўладиди ва хотирамизнинг бундай хатосидан тушқунликка тушмай, аксинча, буни оддий ҳолат деб қабул қилинг, яъни қисқа муддатларда эсдан чиқариб қолишингиз бу сиз учун эволюцион кечирим.

**Ечим:** Эслаб қолмоқчи бўлган маълумотни тез-тез тақрорлаб туринг. Ўқиган китобингиз қаҳрамонларини бошқалар билан муҳокама қилинг ёки биладиган маълумотингизни бошқаларга ўргатинг. Тақрорлашини эслаб қолинг ва эслаб қолиши учун тақрорланг.

## 2. Паришонхотирлик

Калитингизни, телефонингизни ва баъзида керакли ҳужжатларни қаерга қўйганингизни эслай олмайсиз. Айнан улар паришонхотирликнинг энг оммабоп мисоллари ҳисобланана-

ди. Бунда эътибор бериш ва хотира ўртасидаги келишмов-чилик келиб чиқади, бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ ишни қилишингиз оқибатида иккаласига ҳам яхши эътибор бермаслигиз мумкин бўлади.

Паришонхотирликка яна бир сабаб фикрлаган пайтимиз-да миямизнинг кўзи кўрмайди. Кўзи кўрмайди, деганимни сўзма-сўз тушунманг, бу шунчаки миянгиз фикрлаш билан банд бўлади ва сиз телефонингизни қўйган жойни кўрмай-сиз. Кўрмаган нарсани эса мия эслай олмайди.

**Ечим:** *Бир вақтнинг ўзида бир неча нарсага эътибор бер-масликини, ҳозирги дам билан яшашини ва бир нарсага аниқ эъти-бор беришини ўрганинг. Қайси хонага кирган бўлсангиз, орқага қайтинг-да, бирма-бир хаёлнингиздан ўтказинг. Қаерга қўйган бўлишингиз мумкин, буюмларни ҳам кўраётганингизда ҳар бири билан ассоциация қилишга ҳаракат қилинг. Паришонхотир-лик фикрларингиз танангиз билан бир жойда эмаслигинини кўрсатади. Калит ёки бошқа нарсаларингизни бир жойга аниқ жойга қўйишга одатланинг.*

### 3. Тўсқинлик

Кимдир савол берсаю, жавобингиз шундоққина тилингиз учida турса... Жавобни биласиз, билишингизни ҳам би-ласиз, лекин айнан ўша пайтда тилингиз айланмай қолади. Хотирамизнинг бу гуноҳи тўсқинлик бўлиб, айнан шу хато одамлар орасида жуда кўп учраб туради. «Тилимнинг учida турибди» (ТУТ–Тилимнинг Учida Турибди) деган ибора ҳам айнан мана шундан келиб чиқади. Тилингизнинг учida туради, лекин уни айта олмайсиз. Ҳаммага таниш ҳолат, албатта.

Бунда сизга керакли бўлган хабарнинг йўлини бошқа хабар тўсиб қўяди. Бир фильм қаҳрамонининг исмини эслай олмайсиз-да, аслида исми Отабек бўлса, миянгизга Машҳур исми келаверади, ваҳоланки, Олим, Машҳур сўзи Отабек исми келишига тўсқинлик қилаётган бўлиб чиқади.

**Ечим:** Умуман олганда, изланишлар натижаси шуни кўрса-тадики, тилингизнинг учida турган сўз ёки исмини сиз кўп

ҳолатларда бир дақиқа ичида ушлаб олишингиз мумкин. Бу хато хотирангиз суст ишилашидан далолат бермайди, аксина, инсон табиатида бўлиб турадиган бир ҳодисадир. Агар сизда ушибу сўзни топши қийнаётган бўлса уни ўйламасликка ҳаракат қилинг-да, унга ассоциацияларни жойлашига ҳаракат қилинг, у сўзга алоқадор сўзларни боғлаб кўринг.

Блок бўлган нарсани эслашга қанчалик кўп «уринсангиз» сиз хотирангизни шунчалик кўп ёмон кўраверишингиз мумкин бўлади. Айниқса, сиз ҳозир бир нарсани айтмоқчи бўласизу лекин гапингизни унумтиб қўясиз.

#### 4. Нотўғри белгилаш

Дўстингиз айтмаган гапни айтган, деб ҳисоблайсиз ва аслида газетада ўқилган хабарни нотўғри белгилаш қўйишингиз мумкин. Нотўғри белгилаш, деб хабар манбасини бошқа манбадан олганман, деб мия янгишишига айтилади. Баъзида шундай бўладики, сиз аниқ ишонч билан манба тўғри деб туриб оласиз, лекин охирида бундай эмаслигига амин бўласиз. Нотўғри белгилаш ёш ўтган сайин кўп учрайдиган муаммога айланади, негаки кекса инсонларда хотидалари ҳам қариб қолади ва улар тезда ўзгаришларга мояил бўлади.

Бу нарса уятга қўйиши, хижолат қилиши, жаҳлингизни чиқариши мумкин: лекин бу оддий ҳолат бўлиб, хотиранинг касаллиги эмас. Ҳамма ёшдаги инсонларда бу муаммо учшини ўйлаб ўзингизни юпатишингиз ҳам мумкин.

**Ечим:** Бундай ҳолатда тарихга қайтинг, лентани орқага қайтариб бошида нималар бўлганини эслаб кўринг.

#### 5. Таклифчанлик

Тарихдан маълумки, суд жараёнларида, гувоҳнинг берган кўрсатмалари кучли далиллар саналади. Лекин буни қарангки, кўп ҳолатларда гувоҳ томонидан берилган кўрсатма нотўғри бўлиб чиқмоқда. Қанчадан-қанча инсонлар «емаган сомсага пул тўлашга» мажбур бўлишяпти, айнан ёлғон хотидалар сабабли!

Миямиз шундай яратилганки, доимо ўзига мослаб таклифлар беришни бошлайди, ўз-ўзидан янги хотираларни фантазия қилиб юборади ва оқибатда «бизни ёлғон хотира-ларга бизни дучор қиласи», бу қайсиdir маънода нотўғри белгилашга алоқадор ҳисобланади.

Гувоҳнинг кўрсатмасини сўроқ-саволлар орқали ҳам ўзгартириб юбориш мумкин экан! Бу ҳақда ўқиганимда ҳайрон қолгандим, лекин бу факт экан. Др. Элизабет Лофтус тажрибалар орқали гувоҳларга тўғри ва нотўғри саволларни бериш натижасида уларнинг хотираларида ўзгаришлар содир қиласи экан. Ҳозирда судъялар ва ҳуқуқшунослар бу муаммодан тўлиқ хабари бор ва гувоҳнинг кўрсатмаларига ўта эҳтиёткорлик билан қарашмоқда.

*Ечим: Баъзидаги хотиралар бершига мояил бўлади ва бу ҳамма ёйдаги инсонларда учрайди. Хотираларни номукаммал яратилганингизда ҳам қандайдир ҳикмат бордир, балки. Ким билсин, кейинги 10-20 йиллик тадқиқотлар бу муаммоларга нега дучор бўлишишимизни тушунтириб берар эҳтимол. Муҳими, ҳамма хотираларимиз рост ва ёлгондан узоқ деб ўйламанг.*

## 6. Ён босиш

Тажриба қилиб кўринг. Икки дўстингиздан сўранг, улар мактабдаги сўнгги қўнфироқ ҳақида ўз фикрларини айтишин. Бу икки фикр орасида фарқ бўлади. Мисол учун, дўстингиз кимнингдир нутқини қизиқарли деб билиши мумкин ва сиз эса уни аниқ зерикарли, деб билгансиз ёки бир гуруҳ ўқувчилар сўнгги қўнфироққа умуман ҳиссий ёндашмаган ва битираётганидан умуман хафа ҳам бўлмаган, деб сиз ҳисоблайсиз. Лекин у дўстингизда ажойиб таассурот қолдирган бўлиб чиқади. Хўш, бу ерда кимнинг фикри тўғри? Буни аниқлашнинг деярли иложи йўқ, негаки бизнинг хотира доимо бир томонга ён босишга мояил, яъни хотира ёки эсада қоладиган ҳодиса айнан қабул қилувчининг дунёқараши орқали қабул қилинади. Сизнинг шахсиятингиз, кайфиятингиз, қарашларингиз ва тажрибангиз ҳаммаси хотирангизга бошқача ранг-баранглик бериши мумкин.

Акс этиш принципини тасаввур қилинг: күчада ойна турипти, ундаги аксдан күчадаги ҳамма нарсаны күришимиз мумкин. Бироқ ойнанинг озгина бошқачалиги атрофдагиларни бошқача қилиб күрсатади – миямиз ҳам айнан шундай. Одатда, биз фикрлар эканмиз ҳис қиласиз ҳам, ҳис қилганимизда беихтиёр олдинги ҳисларимиз ҳозирги фикрларнимиз ёки эслашимиизга ўз таъсирини ўтказади. Шундай экан, хотирамиз доимо ён босишга мойил ҳисобланади, бу дегани хотирамиз доим ҳам холис бўлмаслиги мумкин.

Ундан ташқари, хотидаларингиз ҳаётингиз давомида ўзгариб туришга мойил бўлади. Кўпчилик хотира камерага ўхшаб бўлиб ўтган нарсани ўша пайтга мослаб сақлаб қолади деб ўйлади. Аслида эса ҳаётингизда ҳар хил ўзгаришлар бўлади ва бунинг натижаси ўлароқ, сиз хотирангизни кўрадиган линза ҳам ўзгаради ва шунинг учун ҳам хотирангиз ўзгаришларга мойил бўлиб қолади.

**Ечим:** Ҳеч қачон хотира видеокамера сингари ҳақиқий ҳаётни холисона тасвирга туширади, деб ўйламанг. Кимdir сизга дунёни ўз кўзингиз билан кўрасиз деса ҳам ҳайрон қолманг. Аслида ҳам шундай-да, демакки, ким биландир бир воқеа юзасидан хотидаларингиз икки хил чиқса ҳам ажабланманг. Шунчаки, ҳодисани таҳлил қилиб кимнинг хотираси ён босаётганига эътибор бериб, хабарга холис қарашингиз мумкин.

## 7. Қайсарлик

Кўпчилик эсдан чиқариб қўйишдан хавотирга тушади, лекин шундай инсонлар борки, унтишни жуда ҳам хоҳлайди, аммо бунинг иложи йўқ. Баъзида миямиз шундай қайсарликлар қиласиди, асти чидай олмаймиз. Эслама деб айтган нарсаларни эслатаверади, қайситир мудҳиш воқеа хотирамизнинг қаърида ўрнашиб қолган бўлса, уни минг уринсак ҳам эсдан чиқара олмаймиз.

Фобия ёки баъзи қўрқинчли ҳолатларнинг хотираси мијизда ўрнашиб олгани учун биз уларни унута олмаймиз ва қўрқишини давом эттираверамиз. Қанийди иложи бўлса, хотидаларингизни кесиб ташласангиз-у, уларни кейин умуман

эсламасангиз. Агарда кимдир шундай дори кашф қилса, аминманки, у дунёning энг машхур ва бадавлат одамларидан бирига айланарди.

**Ечим:** Унумоқчи бўлган хотираларни унумтишига ҳаракат қилманг. Бундай ҳаракат тескари натижса олиб келади ва ўша хотираларни яна ва яна жонлантиради. Яна ўша мисол: *Оқ айиқни ўйламасликка ҳаракат қилинг-чи! Кўрдингизми, унута олмайсиз, негаки сиз хотирани унумтаман деганингиз билан, барибир, сиз хотирага дучор бўлмоқдасиз, шунчаки хотираларни ўз ҳолига қўйинг. Хотирамизнинг 1-хатосини эсланг, албатта, вақт ўтган сайин хотира сизни камроқ беозвота қилишини бошлайди.*

Хулоса қилсан, «инсон» сўзининг асл маъноси «хато қиливчи» деган маънони беришини билсангиз керак. Хато қилиш бу миямиз ва хотирамизга, инсон зотига хос. Энг қизиқарлиси, хотира хатоликлари табиат томонидан бизга атайлаб берилганми ёки биз уни узоқ муддатли эволюция натижасида ўзимизники қилиб олганмизми? Бу саволлар олимларни кўп ўйлантириши аниқ, лекин хотирангиздаги айрим нуқсонларни, номукаммалликни тан олиб, уларни янгилишиб хотира сусайишига рўкач қилмаслик эса изланишларимнинг асосий мазмунини ташкил этади. Зероки, буни англаш сизнинг хотира ҳақидаги хавотирларингизни йўқотади.

## ҚИСҚАЧА МАЗМУН

✓ Даниэл Шактернинг китоби хотирамизнинг 7 хатосини аниқлаб, унга нисбатан очимларни тақдим этади.

✓ Қисқалик, Паришонхотирлик, Тўсқинлик, Нотўғри белгилаш – хотирамизнинг бу тўрт хатоси асосан миямизнинг қабул қилишдаги хатолари саналади.

✓ Таклифчанлик, Ён босиши ва Қайсаарлик – хотирамизнинг кейинги хатолари булар – улар миямизнинг ахборотни қайта ишлашига доир хатолардир.

## ЎН ОЛТИНЧИ БОБ. БОШҚА СОҲАЛАРГА АРАЛАШИНГ ЁКИ ХОҲЛАГАН АҲБОРОТНИ ЭСЛАБ ҚОЛИНГ!

Қуида кўрсатиладиган тизимлар айнан шу соҳаларга мослаштирилган бўлиб хоҳиш ва талабларингиздан келиб чиққан ҳолда мнемоника татбиқ қилинади.

### **Йўқолган хотираларим қаерда?**

Бирор нарсангизни эсдан чиқардингизми, иложи борича ўша – йўқотишдан аввалги ҳолатингизга қайтишга ҳаракат қилинг, бирма-бир, кетма-кетликда юринг ва нафас олинг, бунда сизга мускул хотиралари ҳам ёрдамга келади.

Сиз **болаликдаги дўстингизни** (учрайдиган ҳолат ахир бу) исмини эсингиздан чиқариб қўйдингиз, ахир неччи йиллардан бери қўришмагансиз. Бунда сиз бир чеккадан, барча нейронларингизни ишга солиб эслашга уринасиз, дастлаб синфхонани эсланг, қаерда ўтиргансиз, у ердан ўқитувчингиз қандай кўринган. Эслаётганингизда, қайсиdir бир нарса чиқиб қолади-да ўқитувчингизнинг исмини қайта ёдга солади. Бу ҳаттоки, кўпчилик учун унумдорлигини исботлади. Одатда, турли ҳолатлар эслаб кўрилади, улар ким билан гаплашган ва қайси футбол жамоасида ўйнаган, албатта ҳаммаси, эслаб қолишни осонлаштириш учун.

Муаммо атрофида фикрлаш нафақат умумий қайта эслашда (балким жиноятни фош этишда ва гувоҳ ташхисларини) ойдинлаштиришдаги деталларни эслаб қолишда ҳам ишлатилади. Гувоҳлардан ўзларини ўша ҳолатга қўйиб атрофга назар солиб, сал-пал алоқадор бўлганларини эслаб чиқиш талаб қилинади. Бу усул орқали гувоҳлар 35 % кўпроқ нарсани эслаб қолишибди, бу оддий сўроқдан кўра фойдали.

Бундай қидириш худди уйингизда бир нарса эсингиздан чиқиб қолиб қидирганингизга жуда ўхшаб кетади. Аниқ бир жойдан қидиришни билмайсиз, ўша нарса бўлиши мумкин

бўлган жойларни қидирасиз, балки охирги марта кўрган жойингизни кўздан кечирарсиз. Бу усул ҳам янги эмас, анча эски усул, лекин кўплаб файласуфлар, хусусан, Жон Стюарт Мил ва психолог Жеймс уни тавсия ҳам қилишган.

Шундай пайтлар бўладики, сўрамоқчи бўлган сўз ёки саволингиз эсдан чиқиб қолади. Бундай ҳолатда пашшадан фил ясашнинг кераги йўқ, бир вақтнинг ўзида икки ишни қиламан дегансиз-да – иккинчи фоя биринчисини эгаллаб олиб, уни чангидга қолдириб кетади. Буни оддий ҳолат деб билинг, менда ҳам бўлиб туради бу, асосий муаммо бунда хотирингиз бир нарса билан банд бўлиб турганида бошқа фикр ми янгизни қамраб олади, фикрлар эса қофозга туширмасангиз, олдинги бобда таъкидлаганимдек, чақмоқдай кетишга улгуради. Маслаҳатим: бошқа фикрларга чалғимай фикрингизни баён қилинг, бир вақтнинг ўзида битта фикрни ушлашни ўрганинг, миямиз бир вақтнинг ўзида иккита фикрни ушлай олмайди, шунинг учун иккинчиси келганда биринчисини чиқариб юборади. Мабодо эсдан чиқариб қўйсангиз, ўзингизни озгина чалғитинг ёки нималар ўйлаганингизни бирма-бир эслаб чиқинг, 1-2 дақиқа ичидаги албатта эсингизга тушади!

### **Иккилик саноқ системаси**

Иккилик саноқ системаси, аввало, бу 1 ёки 2 дан ташкил топган 2 та рақамлик саноқ тизими бўлиб, бу одатда компьютер тушунадиган тил ҳисобланади. Ҳамма ахборот компьютер учун 010111010 кабилардан иборат рақамлар орқали тушунилади.

Аслида бундай иккилик саноқ тизимини эслаб қолишнинг ҳаётга ҳеч қандай татбиқи бўлмаса ҳам, бу тизим қандай ишлашини тушуниш ҳар қандай ахборотни эслаш учун ми янгизга мослаштирилса ахборотни эслаб қолиш мумкинлигини биласиз. Ундан ташқари, бу тизимни эслаб қолиш одатда, аудиторияни ҳайратга солиш учун ишлатилади.

Демак, иккилик саноқ тизимини эслаб қолишда яна Мажор системаси қўйл келади. Ундан аввал тушуниш керакки,

0 дан 9 гача бўлган рақамларимиз бу ўнлик тизими бўлиб, иккилиқ тизимидан 10 талик тизимга ўтамиз ва шу ҳисобда Мажор системасини тузиб чиқамиз.

000 бу 0

001 – 1

010 – 2

011 – 3

100 – 4

101 – 5

110 – 6

111 – 7

Саккизта рақам бўлиб, энди агарда иккилиқдаги рақам 110010 бўлса, уни иккига ажратиб 110 – 010 рақами 10 талик тизимда 62 ( $110=6$  ва  $010=2$ ) бўлиб 62. Бу мажор система-мизда БАНАН бўлади. Шуни қайсиdir маконга боғлаб ола-вераман. Ундан кейин қўшимчасини яна ёдламоқчи бўлсангиз 101111, буни яна иккига бўламиз 3 тадан қилиб олиб, 101-111 бу ўнлик тизимга ўтса 101 бу 5 рақамига, 111 эса 7 рақамига айланади, 101111 эса 57 рақамига, шундан 57 лай-лак эканлигига гувоҳ бўламиз.

Эътибор беринг, миямиз учун номаълум бўлган ахборотни миямиз учун маъноли маълумотга ўтказиш жараёни: 110010101111 рақами эса 6257 рақамига ўтиш билан уни биз янада ихчам Банан ва Лайлакка ўтказдик.

Энди Банан ва Лайлак исталган маконимизда ҳикоя тар-зида антиқа ҳаракат қиласди. Лайлак бананни ейман деганида томофига тиқилиб уча олмай қоладими ёки бананга сир-фалиб йиқилиб тушадими, бу сизнинг тасаввурингизга боғлиқ. Кетма-кетликни эслаб қолиш учун олдин айтилган тех-никани ишлатишингиз мумкин, яъни биринчи келган расм доимо биринчи бўлади: голиб бўлади, енгади, устида тура-ди ва банан лайлакни тиқилтириб қўйиши эса бу рақамлар-нинг ўрнини эслатади. Эътибор беринг, битта маконга сиз 12 та иккилиқ тизимидаги рақамни жойлаштирдингиз.

Ахир бу жуда узоқ вақтни олади дейиш мумкин, аммо билиб қўйинг, амалиёт бу тизимда ҳам тезликка эришишин-гизга олиб келади ва сиз иккилиқ тизимдан дарров мажор-

га, мажордан тасвиргага ўтишингиз мумкин бўлади. Хотира оламида Мажор системаси жуда ҳам муҳим тизим ҳисобланади. Қайта эслаш пайтида эса 62 рақами эсингизга тушса 6 ни қайта кодлайсиз ва у 110 келади, кейин эса 2 бўлиб 110 келади ва шу тарзда иккилий тизимни эсда қолдирса бўлади.

## **Карталарни эслаб қолиш**

Ўзим карта ўйинларига қизиқмаганим учун бу соҳа бўйича тўлиқ ахборот бера олмайман, лекин бир нарсани аниқ биламанки, картани ўйнаш билан уни кетма-кет келганини эслаб қолишда катта фарқ бор. Баъзида олдимга «жазава»-га берилган одамлар келиб, покер ёки бошқа ўйинлар учун карталарни қандай эслаб қолиш мумкинлигини сўрайди, тўғриси, мен буни амалий томондан қўллашни билмайман, менинг фикримча, ўйин жуда тез бўлганлиги туфайли картани эслаб қолиш фойдасиз, деб биламан. У ерда тезлик, фикрлаш, ўтқир зеҳн керак, хотира эса қисман керак – шунинг учун ўйинга қўллаш бўйича деярлик ҳеч қандай билим бера олмайман. Лекин шунчаки, эслаб қолишда карта кетма-кетлигини ёдлаб қола оламан.

Карталарни эслаб қолиш Бутунжаҳон Хотира Чемпионатида қўлланилди. Бу билан карта ўйинини ҳеч қачон маъқулламаслигимни ҳам айтаман. Лекин мия фаолияти уфқлари нуқтаи назаридан билингки, тўғри кодлаштириш ва эслаб қолиш техникаси билан ҳар қандай ахборотни эслаб қолишингиз мумкин.

Картада ҳам картанинг белгиси бўлганлиги ва рақаму расмлари ишни озгина мураккаблаштиrsa-да, уни осонлаштириш йўли қўйидагича. Бизда 4 та карта белгиси бор, Юрак, Қарға, Фиштин, Чиллак – бу сўзларнинг ҳар бирининг бош ҳарфи олинади. Сўнг рақамлар худди мажор системасидек ишлатилади А бирга teng, 2 дан тор тиб 9 гача, ва 10 эса нолга teng, J – шаҳзода 10 рақамига, Q – қиролича 11, ва K – шоҳ, 12 рақамига teng келади. Ва карта белгилари ҳарфи билан рақамларнинг ҳарфларини бирлаштириб Калит сўзлар ҳосил қилинади. Натижада қўйидаги жадвал ҳосил бўлади,

буни озгина шуғулланиб ўрганғандан кейин, бир маконга  
битта картани қўйиб 52 та маконда эслаб қолиш мумкин. Бу  
энг бошланғич тизим хисобланади!

### **Чиллак**

СА – Чигиртка  
С2 – Чаён  
С3 – Чашма  
С4 – Чилтор  
С5 – Чол  
С6 – Чўп  
С7 – Челак  
С8 – Черков  
С9 – Чой  
С10 – Чавандоз  
СЖ – Чин Дўст  
СҚ – Чамадон  
СК – Чилим

### **Юрак**

ЙА – Ёд  
Й2 – Елкан  
Й3 – Елим  
Й4 – Ёмғир  
Й5 – Ел  
Й6 – Йўлбарс  
Й7 – Яхмалак  
Й8 – Яёв  
Й9 – Ёй  
Йл – Юлдуз  
ЙЖ – Йогурт  
ЙҚ – Яндекс  
ЙҚ – Юрак

### **Фиштин**

FA – Газета  
F2 – Гулхан  
F3 – Гилам  
F4 – Fop  
F5 – Фалла  
F6 – Глобус  
F7 – Фидирак  
F8 – Филоф (телефон ҳимояси)  
F9 – Гайка  
F10 – Фоз  
FЖ – Гулдаста  
FҚ – Фаладон  
FK – Фишт

### **Қарға**

ҚА – Қанд  
Қ2 – Қозон  
Қ3 – Қум  
Қ4 – Қалампир  
Қ5 – Қўл  
Қ6 – Қоп  
Қ7 – Қаламқаш(Шекспир)  
Қ8 – Қулф  
Қ9 – Қўй  
Қ10 – Қундуз (бобо)  
ҚЖ – Кадет  
ҚҚ – Қандил  
ҚҚ – Қарға

## Расмларни эслаб қолиши

Кучли рассом ва архитекторлар ўзларининг дизайн ва расмларини эслаб қолишлиарида асосий куч – кузатиш ва кузатувни ўзи билган бирор нарсага боғлашда кўринади. Оддий мисол: компанияларнинг логотипларини эслаб қолганда улар қандай содда геометрик фигуralардан ташкил топганига ҳамда белгида қандай маъно борлигини ассоциация қилсангиз, эсда қолиши осонлашади.

«Мерседес-бенз» автокомпаниясиниг белгисига эътибор бериб қаранг. Унда юма-лоқ доира ичида 3 та чизиқ бирлаштирилган бу худди уч юлдузга ўхшайди ёки қор парчасини эслатади. Унинг маъноси эса 3 та жойда устунлик қилишликни ифода қиласди: ерда, осмонда, сувда.

Ёки мана бу тасвирларга эътибор беринг, уларда нимани кўрмоқдасиз.



Mercedes-Benz

15-расм. *Mercedes-Benz логотипи.*



16-расм. *Машҳур компаниялар логотиплари.*

Бундай «лого»ларни билиш яхши, албатта, уларни эслаб қолишида ўзингиз билган нарсани лого билан боғланг ёки логонинг келиб чиқишини тақдимот қилиб кўринг. Расмларни эслаб қолишида, айниқса, эътибор, хотира, фикрлаш ва таҳлил қилиш каби қобилиятларни ўз ичига олувчи бир жараён амалга киради. Бунда **кузатувчаник**, ўта синчков бўлиш ва деталларга эътибор бериш керак. Айниқса, Шерлок Холмснинг шундай қобиляти ҳаммани лол қолдиради. Савол туғилади: бунга қандай эришса бўлади?

## **ҚИЗИҚ ДАЛИЛ! КУЗАТУВЧАНЛИКНИ ОШИРИНГ**

Қандай қилиб Шерлок Холмс каби кузатувчаникка эришса бўлади? Аввало, майда деталларга эътибор беришни ўрганиш даркор. Бунинг барчаси эса одатни шаклллантиришимизда ва шу одатга кўникишишимизда муҳим. Халқимиздаги «қирқ кунлик чилла», деган гаплар бежиз эмас. Деталларга эътиборсизликдан халос бўлинг.

Ҳар куни янги нарсаларни кузатинг, айниқса, расмлар ёки суратлар бунда ажойиб бошланиш бўлади. Қараб туриб, кейин озгина вақт ўтказиб эътибор беришни ҳар кунги одатга айлантиринг. Кундалик тутиб, кўрган деталларингизни ёзиб боришни ўрганинг, бу сизни деталларга янада эътиборли бўлишга ўргатади.

Кейинчалик Шерлокка ўхшаб хулосалар ясашни ўрганинг, кузатганингизни мантиқий жараёнга боғланг ва уни таҳлил қилинг, танқидий фикрлашни ўрганинг. Қанчалик кўп хато ва ўрганишлар орқали кузатверсангиз, шунчалик яхши бўлаверасиз. Шунингдек, доим кўрган ва ўқиганларингизга саволлар беришни бошланг, саволлар бериш танқидий фикрлаш, кузатувчаник ва хотирани ҳам ўзгартиради. Билимингизни оширинг, кўрганларингизни билганларингизга боф-

лайсиз ва бу боғланиш Холмсдаги каби ривожланаверди. Кузатувчанлик – қобилият, барча қобилияtlар сингари у ҳам ривожлантирилиши мумкин. Кузатувларингизни ҳеч қачон тўхтатманг. Огоҳ бўлинг – огоҳлик давр талаби.

Кузатувчанлик қобилияти кучли одамнинг интернетдаги видеоларини кўриб қолдим. Стефен Вильтир исмли рассом у. Агарда уни Тошкентга олиб келиб самолётда шаҳарни тепадан кўрсатсангиз, у 20 дақиқада кўрганларини аниқ қилиб қоғозга тушириши мумкин. Ёшлигидан шундай хотираси кучли бўлган ва Рим, Лондон, Нью-Йорк ва Гонг-Конг шаҳарларини шу тариқа чизиб бериб довруқ қозониб, Инсон-Камера деган ном олган. Ишлаганда доимо мусиқа эшитиб ишловчи, кучли фотографик хотира соҳиби, одатда қора қаламларда ишлаб, шаҳарларининг панорамик 360 ҳароратдаги расмини чизиб бера олади. Кўзи шаҳардаги ҳар бир уйга ўзгача нигоҳ билан қараб, ҳам масини бир кўришда эслаб қолади. З ёшидан аутист деб топилган бола 5 ёшидан бошлаб рассомчилик билан шуғулланган. У шаҳарларга бўлган қизиқиши туфайли ҳам шаҳар ҳаётига алоҳида кузатувни давом этиради. Ҳар бир деталга эътибор бериб чиқиши энди тасаввур қиласверинг. Ўзининг айтишича, бу табиатнинг унга берган инъоми, шунингдек, бунинг устида ўзи ҳам муттасил ишлаган.

### **5-машқ.**

*Олдинлари «ниндзя»ларни шугуллантириши асносида улар рақибдан нечоғлик кўп маълумотлар олишларига ҳам эътибор беришган. Бу машқ номи тошлилар ўйини деб номланган. Бунда бир стол устига калит, тошлилар, ручка ва турли ашёлар қўйилиб, столнинг юзаси беркитилади. Шогирд кейин ўша столдагиларга истаганча қараб, лозим бўлса ушлаб кўриб олади, кейин столнинг усти ётилади. Кейин устоз шогирдан стол устида кўрганларини сўрай-*


ди. Шогурд бирма-бир ҳаммасини айтиб берши керак, бу унинг кўрганларини аниқ қилиб эслаб қолишни синаиди. Бир гал хато қилинганидан кейин яна бир марта кўрсатилади – деталларга шу тариҳа аникроқ эътибор берши кўнукмаси ҳосил қилинади. Кейин нинձялардан кўчада ниманики кўрса, уни аниқ эслаб қолиши талаб этилган ва бунинг натижасида уларда доимо кузатувчалик юқори бўла бошлаган.

Ўзингиз учун шу машқни бажариб кўринг ва кўчалардаги ҳар қандай расм ёки манзарага бир қараб олиб, кўрганингизни эслашни машқ қилинг, қайтакайта бажаринг, эътибор бермаганларингизни илгай бошлайсиз.

Яна расмларга қаранг-да, унда бор нарсаларга эътибор беринг ёки дўстингиз билан суҳбатлашаётганингизда мулоқот асносида унинг ташқи кўришини ва ўзини туттишига эътиборли бўлинг.

Бутунжаҳон Хотира Чемпионатида расмларни эслаб қолиш учун мавҳум расмлар шарти мавжуд. Унда сиз расмларни ўрни-ўрни билан эслаб қолишингиз керак бўлади, бунда қандай техника ишлатилади? Агар мабодо, расмлар кетма-кетлигини эслаб қолмоқчи бўлсангиз, унда сиз макон методидан фойдаланиб расмга мос келувчи таассуротларни ҳар бир маконга қўйиб чиқсангиз, кетма-кетлик ҳам ёдда қолади.

Ундаги шарт қўйидагicha (17-расм):



17-расм. *Мавҳум расмлар.*

Ушбу расмларни сиз ҳар бир қаторидагисидан 5 таси-  
нинг ўрнини эслаб қолишингиз керак. Бунда сиз учун 2 та  
йўл мавжуд: расмларга қараб уларнинг шаклини бир нарса-  
га ўхшатасиз ёки уларнинг ичидаги орқа фонига қараб ни-  
манидир эслаб қоласиз. Кейин эса ҳар бир қаторни битта  
маконга жойлаб ундан ҳикоя тузиб чиқишимиз керак бўла-  
ди. Билиб қўйинг, яна ҳикоя қанчалик абсурд бўлса, уни эс-  
лаб қолиш шунчалик осон бўлади.

Масалан, мен биринчи қатордаги чап томондан ilk расмни шундай тасаввур қилдим. Расмни ички томондан бармоқ изларига ўхшатдим, биринчи маконимга бармоқ изимни қўяёт-  
ганимни тасаввур қиласман. Кейинги расмга яхшилаб қара-  
сангиз, сичқон думини еяётганини кўриш мумкин. Шу пайт-  
да мен бармоқни сичқон билан тасаввур қиласман, бармоқ қўяётганимда ёнимдан сичқон ўтиб кетади-да, беихтиёр қўрқиб кетаман. Учинчи расм кичкина филча тасвирини бе-  
ради. Билиб қўйинг, сизда мендан фарқли ассоциация ва та-  
саввур ҳосил бўлиши мумкин. Ассоциация ва ҳикояни давом  
эттираман. Сичқондан қўрқиб кетганимни қўрган филча ҳам  
баттар чўчиб кетади ва мен филнинг устига чиқиб оламан.  
Тўртинчи расм **пастга** белгиси бўлиб мен билан филча қўрқа-  
нимиздан белгини кўриб пастга тушиб кета бошлаймиз. Та-  
саввурларингизга кенг йўл бераверинг. Охирги расм менга  
ҳеч қандай ассоциация бермаган бўлса ҳам, қоралигидан уни  
кўмир билан ассоциация қиласман ва пастдаги ертўлада фил-  
ча билан мен кўмир орасидан қолиб кетамиз (18-расм).



**18-расм. Мавҳум расмларни эслаб қолиши.**

Эслашда, 18-расмдаги биринчи расм сичқон, унинг ўрни ҳикоямизда иккинчи ва Сичқон деган жойига 2 ёзилади; **Пастга** белгиси эса 4, учинчи филча эса учинчи ўринда, бармоқ эса 1 рақамига монанд, охиргиси эса 5 рақами билан бир хил.

Ана энди иккинчи қаторни ўзингиз қилишингиз мумкин. Тепадаги иккинчи қатордан тасаввурларни ҳосил қилиб, пастдаги расмга мослаб эслаб қолишга ҳаракат қилинг (19-расм).



19-расм. *Мавҳум расм устида қўшимча машқ*.

### Паролларни эсда тутиш

Ҳозир шундай замонки, ҳамма жойда мейл почта, компьютер хавфсизлиги ва барча сайтларда профил очасиз, паролларни эслаб қолиш сизга мушкуллик туғдиради. Қаергадир ёзиб қўймоқчи бўласиз – бошқа инсон билиб қолиши мумкинлиги уни ёзмасликка ундейди, бу эса унутилишга сабаб бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Келинг, эътибор берамиз: нега биз паролларни эслаб қололмаймиз? Нима деб ўйлайсиз, шу ҳақда озгина фикр юритинг. Менимча, жавоб бундай: паролларни эслаб қолиш бизнинг миямиз учун умуман янги бир ҳодиса, инсоният ўрга асрларда ҳам, антик даврда, ибтидоий тузум даврида ҳам бундай ҳаракатларни қилмаганимиз, лекин ҳозирда эса биз бунга ўтган бобларда таъкидлаганимдек, **мослашишимиз** даркор. Шундагина хотиржам ҳаёт тарзига ўтишимиз мумкин бўлади.

Келинг, паролингизни қандай қилиб хавфсиз қилиш борасида бир қанча маслаҳатларни берсам:

✓ Аввало, бир паролни ўйлаб топинг ва бу паролни бир қанча профилларингизга ишлатишингиз мумкин. Одатда, кўпчилик паролни эсидан чиқаргани учун жуда кўп маротаба уни янгилайди, бу хотирамиз ишлаш принципига мутлақо тескари. Ёки ўзим ишлатадиган яна бир техника: саволни бераман – бу менга нима учун керак? Беихтиёр Твиттерга кираётганимда саволга жавоб ўз-ўзидан келади.

✓ Баъзида компьютерингиз ўзи паролни эслаб қолиши мумкин, бу ҳам бир услуб, лекин мен доимо кундалигимга энг керакли паролларимни ёзib қўйишни устун қўяман, интернетга асло ёзib бўлмайди. Хавфсизлик меъёrlарига эътибор берилса бўлди.

✓ Сизда ҳаддан ташқари кўп парол бўладиган бўлса, **Keepas** деган компьютер программалари ишлаб чиқилган ва улар ишлатилиши мумкин. Албатта, ёзib олмасдан эслаб қолиш бу жуда қўрқинчли ҳолат.

✓ Яна бир усул мнемотехникадан фойдаланиш бўлиб, тасаввурда ўша паролни муҳим жойда тасаввур қилишингиз мумкин.

✓ Озгина ижодий фикрланг, паролингизни ҳеч кимнинг калласига келтиримайдиган сўзлардан тузинг, масалан, @ ёки & белгиларини қўлланг, негаки кўпчилик инсонлар паролларини жуда оддий қилгани учун ҳам хакер томонидан зарар кўради. Баъзида шундай инсонлар бўларканки, парол тузишдан эринишиб паролни **парол** деб номлаб қўйишар экан – бу жуда ҳам хавфли.

✓ Ёки ҳар бир сайтга мослаган паролингиз охирида сўз қўшиб қўйишингиз мумкин, мисол учун, «одноклассники»га «узмнемонис-одна» деб номласангиз ҳам бўлади. Лекин яна бир муаммо борки, сиз паролларни эслаб қолганингиз билан профилингиз номини эсдан чиқариб қўйишингиз мумкин.

Дарҳақиқат, бу мнемоника техникаларини кўп соҳаларга татбиқ қилишингиз мумкин. Муҳими – ёдланиши керак бўлган ахборотнинг тизимини ўрганиб чиқиш (ёдлаш билан тушунишнинг фарқини эсдан чиқармаган ҳолда) ва унга мос келувчи техника ёки системани топиб, ҳаммасини ҳаётга татбиқ қилиш. Хулоса қилсан, сиз ахборотларнинг тури ва тузилишига қараб, унга тўғри келувчи тизимни танлаб ёки мослаштириб ҳар қандай маълумотни осон ва унумли эслаб қолишингиз мумкин. Оддий мисол, Конституциядаги моддаларни ҳам тўғри йўналиш орқали ўрни-ўрни билан осонлик билан эслаб қолса бўлади: ушбу китобдаги техникаларнинг чатишмасидан фойдаланиш кифоя – Мажор ти-

зими, тасодифий макон, матонинг доимий амалиёти. Шундай экан, Чехов айтганидек, билим бўлсаю ҳаётга татбиқ қилинмаса, демак, у бефойда ва қадрсиз, озгина ижодкорлик ва ноодатий фикрлаш техникалар татбиқи орқали янги маълумотларга эга бўласиз.

### **Абитуриентга мадад**

Ҳозирги кунда репетиторга бўлган талаб ошиб кетди. Билими кучли ўқитувчилар репетиторлик қилишашапти. Буни иқтисод нуқтаи назаридан тушунса бўлар, лекин талаба бу ерда жуда катта босим остида қолиб кетяпти: 11 йилда ўқиб чиқишга мўлжалланган материални сиз 1 ёки нари борса 2 йилда сув қилиб ичиб ташлаши керак. Умумий маслаҳатлар: доимо ёдлашнинг осон йўлини қидиришга ҳаракат қилиш йўли хотирада қаттиқ муҳрланиб қолади. Ахир, математикада бор-ку: энг осон йўл бу энг тез йўл, бунда хато қилиш эҳтимоли паст, мантиқийлик ҳам шунга мос. Доимо мантиқий тафаккур билан хотира га мурожаат қилинг, билиб қўйинг, шунчаки такрорлаб ёдлаш эффиқти паст ҳисобланади, у сизни фақат стрессга олиб боради.

### **Асосий фанлар бўйича маслаҳатлар:**

Математика – ...иложи борича мотивацияни чиқаришга ҳаракат қилинг, одатда, кўпчилик математикани ёмон кўради, бу унинг ёмон ёки қийинлигидан эмас, балки ўша одамлар математикадан яхши еча олмаганлигидан, бунинг сабаби ўқитувчи, таълим каби ташқи таъсирлар билан боғлиқ. Фан менга нима учун керак, деган саволни беришга ҳаракат қилинг. Тўғри, тан олиш керак, сиз математикадаги тангенс ва котангенсларни умуман ишлатмасдирсиз, арифметикани ҳам кўча ёки бозорда сал-пал ўрганарсиз, шунинг учун ҳам қизиқмасдирсиз. Машҳур математик фокусчи Артур Бенжамин: «Мактабларимиздаги математика дарсликларида ко-синус ва синусларга жуда катта эътибор берилади, аслида эса уларнинг ўрнига эҳтимоллар назарияси ва статистикага кўпроқ ўрин ажратилиши керак», деганди.

Биз күрган маълумотларимиз эшитган ва ўқиганимиздан-да самаралироқ ҳисобланади. Чунки кўздан миягача бўлган нерв толалари қулоқдан миягача бўлган толалардан анча қалин ҳисобланади. Китоб ўқиганимизда аввал ҳарфларни таниймиз, кейин уларни тасаввурларга айлантирамиз, тасаввурдаги маълумот эсда қолади, аммо видео орқали ўрганиш анча катта фойда беради. Ҳозирда бундай усул кенг оммага ҳам тақдим этилмоқда, **Khanacademy.com** ҳамда дунёning таниқли ўқишилари томонидан масофали ўқиш сифатида ажратилаётган видео дарслклар бунга мисол бўлади.

Физика – физика ўқитувчимиз Моҳидил опа бизни жуда яхши ўқитган. Методикаси эски бўлса ҳам у ёрдам берарди. Амалиётда қийналган бўлсак ҳам, биз назарияни жуда яхши билардик. Ҳаммаси оддий эди – ҳар сафар формуласларни бир бошидан такрорлаб чиқар эдик, ҳар сафар икки варақли қофозни тўлдирардик. Мен ўша методикани айтиб ўтиromoқчимасман, балки бу методика туфайли ҳали-ҳануз, мактабни битирганимизга ҳам 5 йилдан ошиқ бўлган бўлса ҳам формуласлар эсимда қолганини айтмоқчиман. Бу албатта, жуда кўп такрорлашнинг оқибати, деб биламан.

Китобимда кўрсатилган усулларни бемалол хоҳлаган фанингизга татбиқ қилишингиз мумкин. Масалан, адабиётдаги адилларнинг асарларини Макон усулида эслаб қолса бўлади ёки тарихдаги кўплаб тарихий саналарни Мажор усули билан ёдласа ёки биологиядаги кўплаб турларга ажратишни мнемоник гаплар тузиш ёки кимё бўйича Менделеев жадвалини ёдлаш кабиларни мнемоник усулларни қўллаб ёдласа бўлади. Шулардан кераклисини ёдланадиган маълумотга мослаб ёдлаш жараёнини унумли ва қизиқарли қилишингиз мумкин.

## ҚИСҚАЧА МАЗМУН

✓ Ёдланадиган маълумотга қараб ёдлаш тизимини танлайсиз ҳамда шу орқали ахборотнинг ҳазм қилинишини осонлаштирасиз. Унутмангки, мнемоника фақат хотирада

сақлашда ёрдам беради, у фикрлаш учун эмас, маълумотни осон ёдлаш учун асқотади.

✓ Иккилик саноқ системасини, карталарни эслаб қолиши ни ҳамда кузатувчанлик қобилиятиңгизни оширишиңгиз мүмкин. Паролларни ҳам унутманг, бунда ҳам ўз усулин гизни қўллашингиз эслашни осонлаштиради.

## **УЧИНЧИ БҮЛІМ**

### **ХОТИРА АТРОФИДА СУҲБАТ**

**БИРИНЧИ БОБ.  
ЎРГАНИШНИ ЎРГАНИШ**

*XXI асрда ўрганиши муаммо бўлмайди, балки  
ўрганишини билмайдиганлар муаммо бўлади.*

*Алвин Тоффлер*

Яхши ўрганиш доимо қандайdir стратегияга асосланиши, систематик, боши аниқ, охири аён бўлиши керак. Аслида ҳамма нарсада стратегик мақсаддага эга бўлиш катта фойда келтиради.

Баъзан маърузада ўтирганда ўқувчиларнинг тоқати тоқ бўлади, 10-20 дақиқадан кейин зерикиш бошланиб, турли хаёлларга берилишади. Очиғи, бунда талабанинг айби йўқ, негаки инсон мияси шундай тузилганки, эътибор ва концентрация, одатда, 7 дақиқагача ушланиб турилади, максимум 10 дақиқа, шундан кейин қандайdir чора кўрилмаса талабанинг эътибори бошқа томонга ўтиб кетади. Бу ерда маърузачи томонидан ҳам хатолик ўтади, у 10 дақиқадан кейин нимадир ўйлаб топиши керак. Зоро, бизнинг миямиз Зигмунд Фрейд таъкидлаганидек, онгиз тарзда ўта сезувчан бўлади, нима қизиқарли-ю нима зерикарли эканини пайқайди. Қандайdir ўйин, видео ролик, қизиқарли латифа яхши ечим бўлиб кўринади (кулги ҳаммасини янгилаб қўяди).

Маъсулият фақатгина маърузачи ва ўқитувчиларда эмас, балки талабаларда ҳам бўлиши керак. Улар, ўз навбатида, зерикиш бошланганида, кўпі билан ўн дақиқада дарсга қайтиши керак. Тўғри-да, агар сиз маърузачини ўзгартира олмасангиз, ўзингизни ўзгартиришингиз керак. Мабодо,

маърузачи яхши бўлмаса, ҳеч кимга халақит бермай, ўзингиз қизиққан машғулот билан шуфулланган маъқул.

Ўқувчининг ўрганиш қобилияти сифати унинг миқдоридан устун бўлади, яхши ўқувчилар ҳар доим ҳам кўп ўқимайди, аксинча, улар ўқиш пайтидан ўта унумли фойдаланади. Одатда, бутун дунёдаги мактабларда қолоқ ўқувчилар бу каби ўрганиш йўллари ҳақида кам маълумотга эга бўлишади ва аъло ўқийдиган ўқувчилар қолоқлардан кўра кўпроқ тактикаларни ишлатишса ҳам, барибир, бу каби техникаларга муҳтож экан. Муаммо яна ўша – ёшлигимизда ҳеч ким бизга қандай ўқиш кераклигини ҳақида гапириб бермаган.


Китоб ўқийдиган одамларни икки гурӯҳга бўлишим мумкин: ўзлаштириши тез ва ўзлаштириши секин бўлган муштарийларга. Албатта, кимнидир камситиш учун эмас бу. Негаки, ўзлаштириши тез бўлган ўқувчилар ўқитувчи ёрдам бермаса ҳам ўзи ўрганиб кетади. Бундай ўқувчилар ҳар бир синфда 10 %ча бўлади, лекин қолган 90 %ча ўқувчиларга эса айнан бу китобдаги техникалар айни муддао бўлади.

### **Ўрганувчи аввал ўзини ўргансин!**

Ўзининг қандай ишлашини ва қандай қилиб тез ўрганишини аниқлаб, шунга кўра иш юритса бўлади. Баъзан синфдагиларнинг ўрганиш ёйлари ҳам турлича бўлади.


Ўрганиш ёйи сизнинг янги билим ёки қобилиятни дастлаб қанчалик тез ўрганишингиздир. Бошида кўп нарсани тезда ўрганасиз, кейин эса суръат секинлашади.

Секин ўрганувчи инсон бор ва тез ўрганувчи инсон бор. Мактабларда кўпгина ўқувчиларга дарс бериш айнан шу тамойилни тушунмасликка бориб тақалади, негаки тез ўрганувчилар учун мослаб дарс ўтсангиз, секин ўрганувчилар орқада қолади, агар секин ўрганувчилар учун мослаштирангиз, тез ўрганувчилар зерикб қолади. Шунинг учун ҳам, иложи борича, дарсда ўқувчиларнинг ҳар бирига уларнинг ўрганиши бўйича қаралса, ўқувчиларнинг нафақат ўрганиши салоҳияти, балки хотираси ҳам ривожланади.



20-расм. *Үрганиш босқичлари.*

#### ҮРГАНИШ ЁЙИННИГ СОДДАЛАШТИРИЛГАНИ



21-расм. *Үрганиш ёйининг соддалаштирилгандыгы.*

Ёндашув ҳам бошқа холос. Келинг, тушунтиришим осон бўлиши учун сизга тасаввур берай, агарда иккита бир хил ҳажмдаги пробиркага сув солинадиган бўлса, шунда А пробиркагадаги грант тезроқ оқади ва Б пробиркадагиси эса

секин оқади. Агарда сув оқимини икковига бир хил йўналтирсақ, А пробирка тезда тўлади. Аммо агар биз Б пробиркага сув тушишини давом эттираверсақ ва уни А сингари тўлишини кутсақ, улар ўртасидаги ҳажмда ҳеч қандай фарқ қолмайди. Бу имтиҳонларда ҳам олдинги бобда айтилган гапнинг исботини кўрамиз. Аълочи талаба имтиҳонга яхши тайёрланса, бу унинг хотираси кучлилигидан эмас, балки у кўп ўқиб сувни тўлдирди, секин ўрганувчи эса камроқ вақтда. Шунинг учун секин ўрганувчи одам тез ўрганувчига нисбатан 2 ёки 3 соат кўпроқ шуфулланса, уларнинг унутиш даражаси тенглашгандан кейин деярли бир хил бўлиб қолади.

Энди қаранг: доимо ҳар хил ўрганиш усулларини амалда қўллаб кўринг, масалан, сиз бир хил усулда ўрганаверсангиз миянгиз бу усулдан ҳам зерикиб қолади ва зерикиш туфайли хотира сусаяди. Бу худди ҳар доим бир хил овқатни ейверишга ўхшайди ва оқибатда ошқозонингиз ўша бир хил овқатни қабул қилмай қўяди ва кези келса уни чиқариб ҳам юборади. Жуди Виллснинг фикрига кўра: «Маълумотни сақлашда миянинг қанчалик кўп жабҳаси ишлатилса, бу шунчалик кўп ўзаро алоқа деганидир. Бу эса шунчаки эслаб қолишдан кўра, маълумотни ўрганишни назарда тутади».

Олдин айтганимиздек, визуал, аудитор ва кинестетик ўрганувчи инсонлар бўлади. Бу ерда визуал – кўриб яхши ўрганувчилар, аудиторда эса эшитганда яхши тушунувчилар ҳамда кинестетик – ҳаракатлар билан ўрганувчиларни назарда тутилган. Маслаҳат шуки, бирдан ошиқ усулларни қўллаб ёдлашга ҳаракат қилиш даркор. Тил ўрганаётганда эшитиб, видео кўриб, ўқиб ва ёзиб ёки дўстингизга тушунириб бериб ўрганишингиз мумкин. Ҳар хил усулларни қидириб кўринг, негаки бир хиллик миямизга ёқмайди, мия дарров зерикиб қолади. Қаерда ўрганишингиз ҳам муҳим ҳисобланади. Жойга боғлиқ ўрганиш ҳам кўп кузатилган, буни ҳаттоқи ёзувчиларда ҳам кузатиш мумкин, қайсибур жой ёзувчига кўп илхом беради ва юқоридан келувчи ахборотларни тезлаштиради.

Ёки мен бир ўқитувчининг ўқитиш методикаси ҳақда эшитиб қойил қолганман: ўқитувчи аскарларни тайёрлаётганда ҳар бир дарсни ҳар хил хонада ўтаркан, натижада талабалар ўша хоналар бўйича маълумотларни яхши эслаб қоларкан. Буни қарангки, бу методиканинг унумлилигини тадқиқотлар ҳам кўрсатибди, бу эса турли хонада дарс қилиш орқали турли эслаб қолишга ёрдам берувчи калит нарсалар билан изоҳланади. Ишора ёки аломат ҳам шунга мос бўлади.

Ўзингиз учун қайси усул қуладигини англасангиз, ўқиш ҳеч қачон сиз учун яна «зерикарли» сўзига синоним бўлиб қолмайди. Ўзингизни қайси усулда зўр ҳис қилишингизни билиш учун турли усулларда ўзингизни синаб кўринг ва қайсиси қуладай бўлса, шунга мослашинг. Баъзида бир нечта усул сизга маъқул келиши мумкин. Кўрқмасдан ахборотлар оқимини шу усул орқали қабул қилишни ўрганинг.

## «ОК» платформаси

Янги қобилиятни ўрганаётганингизда бошида қийналасиз ва кейинчалик, олимлар айтганидек, ОК платформасига келасиз. Биз ҳаммамиз айнан шундай ҳолатга етиб келамиз ва бунда ўша қобилият энди ривожланмайди, бир хилда қолаверади. Ҳаммамиз машина минишни ўрганамиз ва қонун-қоидаларни ўрганганимиздан кейин, деярли ҳеч қандай ўзгариш қилмаймиз, фақат озгина ривожлантириш қилалими, ОК платформасида тўхтаймиз. ОК платформасида машқ автоматик тарзга ўта бошлайди ва онгсиз фикрлаш мобайнида мия марказлари сусая боради. Буни «автопилот» деб атасак тўғри бўлади. Яна ўша машина минишни ўрганиб бўлганимиздан кейин ҳамма ОК платформада қолиб кетади ва машина ҳайдашда онгсиз равишда тезлик билан ҳайдашни бошлайди. Айнан шу нуқта ҳаваскор ва профессионал одамларни ажратадиган «девор» ҳисобланади, профессионал инсон албатта ОК турғунлигидан ўтиб янада ривожланади. Қандай қилиб, ОК платформасини енгиш мумкин? Баъзи инсонлар айтадики, айнан шу ерда ҳақиқий талант ўз

ишини күрсатади, бу күринмас девордан фақат талантлиларгина ўтиб кетади.

Аммо Эриксон ва бир қанча олимлар бундай эмаслигига амин бўлишди. Ҳақиқий экспертнинг шунчаки ўрганувчидан фарқи – «мақсадли машқлар» деб айтиладиган ҳолатда кўринади. Зўрларнинг зўрини ўрганиб чиқсан Эриксоннинг аниқлашича, топ муваффақиятга эришувчилар бир хил ривожланиш йўлини кесиб ўтишар экан. Улар ОК платформасидан чиқиб, автопилотдан қайтиш учун стратегиялар ўйлаб топишади, машғулотлар пайтида З нарсага эътибор беришади: **техникага эътиборли бўлиб, аниқ мақсадлар қўя бошлиди ва ишлаган фаолияти бўйича аниқ тавсия олиб**, улар бўйича **хатолар устида ишлайди**.

Ҳаваскор пианист билан професионалнинг ҳам фарқи шунда, ҳаваскор кўпроқ машқ қиласди, профессионал эса қаттиқ машқ билан бирга маҳсус машқлар қиласди. Шунинг учун, муваффақиятли бўлиш учун бетиним меҳнат қилиш керак, дейилади, аслида бу нотўғри – бетиним эмас, қандай **меҳнат қилиш** муҳимроқ. Сиз ҳамма нарсада – шахмат, баскетбол, футбол ва мусиқа чалишу ёд олишда ҳам мақсад ва ақл билан шуғулланишингиз керак. Қайси соҳа бўлишидан қатъий назар «мақсадли машқлар» қилиш даркор. Айниқса, спорт усталари олдига мақсадлар қўйиб, ўзининг қулай зона, осон шуғулланаётган машқидан юқорироқ машқни бир ҳафтада қиласман, деган мақсад қўяди.

Яна бир шундай йўллардан бири бу – хатолар қилиш, хатолар сонини кескин кўпайтириш саналади. Негаки, даҳо композиторлар ҳам қайси нотада кўп хато қилишса, ўша нота устида кўпроқ ишлашаркан. Ёки компьютер клавиатурасига қарамасдан ёзишни ўрганмоқчи бўлсангиз, кўплаб хато қилиб, ўша хатоларни такрорламасликка ҳаракат қилинг. Дунё таълим тизимида хато қилмасликка ўргатилади ва хато қилинса паст баҳога лойиқ кўрилади. Мана шунинг учун ҳам таълим тизимида хато қилишга нисбатан қарашни ўзгартириш кераклиги айтилмоқда. Хато қилишдан қўрқмаслик керак, зоро, Эйнштейн таъкидлаганидек, сиз хато қилмаган бўлсангиз, демак уринмагансиз. Хатоларни

такрорламай, уларни таҳлил қилиб ўрганилса, хоҳлаган ишда ОК платформасини енгиб ўтса бўлади.

Танқид қилишда ҳам жуда эҳтиёт бўлиш даркор. Ҳамма танқидни ёмон қабул қиласди ва тўғри тушунмаслиги мумкин. Танқид шунчаки, камчиликларни айтиш эмас, балки Озод Шарафиддинов таъкидлаганидек, гулзорга қайчи билан эмас, балки токқайчи билан тўғрилагани кирилиши лозим. **Тўғриловчи тавсия** берилса айни муддао бўлади. Биринчи курсдалигимизда бир ўқитувчи гуруҳимизга танқид қилишнинг бир ажойиб усулини ўргатган эди. Гамбургет танқиди деб номланган эди у буни. Унга қўра, билализки, гамбургерни устки ва пастки қисмлари нондан иборат, ўртаси гўшт, худди шундай танқид ва таҳлилни бошланиши ва тугаши яхши ижобий сўзлар билан ҳамда ўртаси салбий томонларини очиш билан бойиши даркор. Айниқса, охирги қисми муҳим бўлиб, охирида тўғриловчи таклиф берилсин деб айтганди. Бошида эса менга ёқди, деб айтиш муҳим. Шундай қилиб, ўрганишнинг ОК платосидан чиқишининг яна бир самарали усули бу тўғриловчи таҳлилий фикрни эшлиши ва хатони тўғрилаш. Таҳлилни устоз ёки соҳанинг даргаларидан тинглаш айни муддао бўлади. Тавсия олиш бўйича Бенжамин Франклиннинг бир техникаси бор эди: у устозини тасаввурига келтириб, бу вазиятда у қандай йўл тутган бўларди, деб муаммо хусусида фикрлашга ҳаракат қиласди.

Кўмаклашиш жуда муҳим. Бу мавзу юзасидан қанчалик ривожланаётганингизни кўрсатади ва ўрганишга қизиқишингизни оширади. Кўмак олсангиз, ундан ташқари, хатонгиз устида ишлайсиз, хатоларни бирма-бир йўқотиб, уларнинг сонини камайтирасиз. Тадқиқотлар кўрсатадики, тўғри йўналишлар берилса, ўқувчилар ўрганишда катта муваффақиятларга эришаркан. Паст баҳо оладиган ўқувчи эса одатда, кам ишлаган ёки бошқа муаммоси бўлади, шунингдек, мавзуни ҳам тўлиқ тушунмаган. Кўр-кўронга унга паст баҳо қўйишдан кўра унга мадад бериш, менимча, таълим тизимишнинг асоси бўлади. Гуруҳ бўлиб ўқисангиз ҳам айнан бирбирингизга кўмак бериш орқали ривожланиш мумкин.

Ўз ишининг ҳақиқий усталарини ўрганиш ва уларнинг тажрибасидан баҳраманд бўлиш ҳам бизга ҳар қандай соҳада қўл келади. Ўша Андерс Эриксон ўз соҳасининг усталари устида қилган тажрибаларини жамлаб шундай хуносага келдики, экспертлар бошқа инсонлардан кўра ўз соҳасини бошқача кўради, уларда бутун умри давомида йигилган катта тажриба бўлиб, бу тажриба асаб тизимида шу даражада шаклланиб кетганки, янги ахборотни қабул қилганда ассоциация қилиш, уни эслаб қолиш шу тизим ассоциациялари бўйича осон кечади. Уларнинг хотираси ҳам шу соҳа бўйича истисной бўлади. Интуиция шаклланади ёки 6-туйғу шу соҳада очилади. Шунда Эриксон уларнинг бошқалардан ажратиб турадиган аниқ бир сабабни топиш мақсадида турли соҳадагиларни текшириб бир хуносага келади: уларнинг ҳаммасини бир рақам афсонавий рақам бирлаштириб туради – 10 минг соат қоидаси. Ҳар қандай соҳада ўта кучли эксперт бўлиш учун ҳам сиз ўша соҳада 10 минг соатдан ортиқ вақт ўтказган бўлишингиз лозим. Албаттa, бу фақат миқдорнинг ортидан қувлаб сифатни унутиш дегани эмас, аввал ҳам ОК платформасини енгадиган мантиқий фикрлашлар орқали амалга ошади. Хоҳлаган спортчиларни олинг, масалан, Месси ёки Криштиану Роналдо бошқалардан кўпроқ меҳнат қилгани сабабли 10 минг соатлик маррадан тез ўтиб шуҳрат чўйқисига чиқишиган.

Айнан тўхтовсиз ривожланишгина мукаммалликка олиб боради. Масалан, сузиш бўйича чемпионатлар кўплаб ўтказилса ҳам яна ва яна рекордлар янгиланмоқда. Ундан ташқари психологик тўсиқ ҳам бор: Форд айтганидек, биз қилиб бўлмас деб ўйлаймиз ва шунинг учун ҳам қила олмаймиз. Шунинг учун мияни тўғри дастурлаш муҳим. Бундай тўхтовсиз ривожлантиришга мўлжалланган менталитет ғолибларни иккинчи ўриндагилардан ажратиб туради. Ўз устида ишлашдан тўхташ профессионал жиҳатдан ўлди дегани, деб таъкидлайди Афзал Рафиқов. Инсон ўз устида ишлаши ва янги тажрибаларга ва янгиликларга очиқ бўлиши шарт. Афзал Рафиқов ҳам янги роль ўйнаганда доимо ўзини талаба деб

тасаввур қиласар экан ва натижада ҳар бир ролга профессио-  
нал жиҳатдан яхши ва пухта тайёргарлик кўради.

## **6-Машқ**

*Муқаммалликка эришиса бўлади.*

*Ўрганишидаги яна бир муҳум жиҳат хато қилиш  
ва ўша хато устида ишлаб, уни кейинчалик қайта  
такрорламаслик ҳисобланади. Келинг, бир тажсри-  
ба ўтказайлик, ҳозирнинг ўзидаёт бир варақ қогоз ва  
ручка олинг! Илтимос эринмасдан, олинг..*

*Энди мен айтган нарсаларни бирма-бир бажара  
боринг.*

*– Тасаввур қилинг сиз бир ёшдасиз, айланани қан-  
дай чизган бўлар эдингиз, чизинг!*

*– Энди тасаввур қилинг, З ёшдасиз, ҳар ҳолда  
юришини биласиз, тилингиз бурролашиб, энди ўша  
пайтда қандай чизганман деб айтила оласиз, чизинг!*

*– Ана энди биринчи синфни тугатдингиз, алиф-  
бони биласиз, қандай чизгансиз?*

*– Энди сиз геометрияни тугатган, ақлингизни  
танийсиз, шу ҳолатда қандай чизасиз?*

*Агар чизганингизни синчковлик билан кузат-  
сангиз сезилади: доимо ривоҷланиш қилгансиз,  
ҳозиргидек чиройли ва текис айланана чизши учун сиз  
неча мартараб хато ва камчиликлар қилиб, 1000  
мартараб нотўғри чизиб ўргангансиз. Айнан шу нар-  
са ўрганишининг асоси ҳисобланади.*

Ҳар қандай янгилик бошида қийинчилик туғдиради, ке-  
йин осонлашади, ҳеч қачон бошиданоқ ташлаб кетманг.  
Бутунжаҳон Рубик-Кубикларини териш мусобақасида қат-  
нашчи рубик кубикларини 6 секунда ҳамма рангларини те-  
ради, тасаввур қилиб кўринг-а: 1-2-3-4-5-6 дегунча кубикни  
яшин тезлигига териб қўйилади. Улар тиниб-тинчимай, эр-  
таю кеч машқ қилиб бу даражага етишишган. Айнан рубик-  
кубиклар инглизча айтиладиган «Practice makes perfect» ма-  
қолини исботи ҳамдир, «машқ муқаммалликка элтади».

## **Ақл харитаси ёки замонавий конспект олиш**

Инглиз тилида бу сўз «mindmapping» дейилади, буни ўзбек тилига қандай таржима қилишга бошиб қотиб қолди. Баъзи бошқа миллат вакиллари уни хотира картаси, ақл калити, деган, мен эса уни «Ақл харитаси» деб атадим. Ақл харитаси Тони Бузан томонидан кашф қилинган. Ақл харитасини тушунтиришдан аввал, келинг, бизнинг анъанавий конспект олиш усулимиздаги муаммони тушуниб етсак.

Конспект нима учун керак? Муҳим хабарларни ёзиб олиб, кейинчалик уни такрорлаш учун, албатта. Конспект деса «Шурикнинг саргузаштлари»даги бир лавҳа ёдимизга келади. Унда Шурик ва Нина имтиҳонга тайёрланишганида конспектнинг ўрни бекёёслиги кулгили воқеалар орқали яққол кўрсатиб ўтилган. Маърузаларни мужассамлаб бир нарсанни айтишим мумкин: зерикарли. Негаки конспект олинганда бир хил ручкадан фойдаланган, расмлар туширилмаган (бир хил ручкада ёзиш ҳам бу бир мисконцепциядир, ёшлигимизда мактабда ўқиб юрган пайтларимизда, ўқитувчилар фақат кўк ручкада ёз, қизилни ишлатма деб миямизга уқтириб қўйган. Ҳозирги замонавий тадқиқотлар бунинг аксиини кўрсатмоқда, ранг-баранглик миямизга ёқади. Шунинг учун турли хил рангдаги ручкалардан фойдаланиш тавсия қилинади.

Анъанавий конспект олишдаги муаммолар: унда калит сўзлар ва асосий маъноларни топиш қийин, бир хил рангда бўлиб эслаб қолиш қийин, улар доимо бир хил кўринишдаги рўйхатлардан иборат, ҳам вақт бой берилади, ҳам кераксиз сўзлар ёзиб қолинади. Калит сўзлар ва фояларни қидиришда муаммога дуч келасиз, натижада умумий маънони тушуниш қийинлашади. Устига-устак у миямизни ижодий ишлашдан чалғитади. Оқибатда зерикамиз, диққатимизни йўқотаётганимиздан нолиймиз, вақтни беҳуда совурувчи конспект олишга ўрганиб қоламиз, таълимга бўлган қизиқиши камаяди. Тўғри, бундай конспект олиш камроқ фикрлашга ва китобдан ёки маърузачи айтган сўзларни тўғри-


дан-тұғри ёзіб олишда қулай, аммо, айнан шунинг учун ҳам бу усул ўрганишда сүстликка олиб келади, фаол ўргана ол-маймиз.

## Конспектта замонавий қараш!

Тони Бузан ақл хариталарига жуда катта эътибор берган ва уни мукаммал услуг сифатида таърифлаган, мен ундей дейишидан үзимни тияман, чунки бунда мукаммаллик йўқ – мен ақл харитасидаги баъзи фикрларни анъанавий конспект олиш билан бирлаштириш кераклигини маъқуллайман. Ҳар кимнинг мияси маълумотни турлича қабул қилишга мойил. Шундай бўлса-да ақл харитасининг бир қанча фойдаси бор ва сиз ундан фойдаланишингиз мумкин.

Ақл харитаси миямизнинг ишлаш тамойилига мос бўлиб, унда асосий ғоя марказга қўйилиб, шу фоядан бошқа асосий мазмунлар шохлаб чиқади, чиққанда ҳам шу мазмунларга ассоциациялар ҳамда расмлар чизиб умумий тарзда эслаб қолишга ҳаракат қилиш бўлади. Ақл харитаси ҳаётимизнинг кўплаб жабҳаларида ишлатилиши мумкин: нутқни тартибга солиш, қарор қабул қилиш, бизнес таҳлили кабилар бу-лар. 22-расмга қарасангиз, вақтни қандай бошқариш ҳақида-ги ақл харитаси кўрсатилган. Унга эътибор берсангиз, расмни умумий тарзда бир қарашда кўрасиз, анъанавий конспектда эса бунинг иложи йўқ. Ундан ташқари, бу усулда расмлар чизиб, эркинликка йўл берасиз, асосий ғояларни кўрасиз, ранг-баранглик ва қизиқарли ўрганиш миянгизнинг икки яримшарининг ишлашига олиб келади.

Шу сабабли, миямиз рўйхатли хабарни яхши эслаб қолмайди, ақл харитаси учун эса бундай муаммонинг ўзи бўлмайди. Конспект олишда фақатгина ёзіб қўйманг, расмлар чи-зишни ҳам унутманг. Келинг, тан олайлик, биз дарсда зе-рикканимизда нима қиласиз, кўпчилик партага ёки дафтарнинг орқасига чизади – расм чизиш миямизнинг эркинликни хуш кўришини билдиради. Конспект олаётганда расмларда асосий мазмунни кўрсатаётганингизда ҳечам уялманг, бу маълумотни яхши эслаб қолишингиз учун муҳим. Ўқитувчи,



22-расм. Ақл харитаси.

расм чизма деса, тушунтириңг: маълумотни эслаб қолиш муҳимми ёки конспектни улар айтганидай фақат сўзлардан иборат қилиш муҳимми?

Бундай расмлардан инсониятнинг даҳолари ҳам фойдаланган, уларни 1-иловада кўришингиз мумкин. Буюк олимлар ҳам ўз кундалик дафтарларига расмларни чизиш билан банд бўлишган, иловага қарасангиз, уларнинг айримлари келтирилган.

Кучли яратувчан қобилият соҳиби – Ақл харитаси кашфиётчиси Тони Бузан 1942 йилнинг июнь ойида Лондон шаҳрида таваллуд топди. Тони Бузанда инсон хотираси ва миясига қизиқиши уйғониши жуда қизиқ кечган экан. Ўзининг айтишича, бир куни университет имтиҳонларига тайёрланнаётганида кутубхонага кирибди ва инсон хотирасига оид китоб сўрабди. Кутубхоначи уни психология бўлимиға жўнатибди. У ердаги китоблар, асосан, миямизнинг тузилиши ҳақида бўлгани учун кутубхоначига: «Менга миямиз ҳақида

эмас, миямиздан қандай фойдаланиш түғрисидаги китоб кепек» деб яна таъкидлабди. Хуллас, бундай китоб йўқлигидан таажжубланиб, танамизнинг энг зарур бўлган аъзоси бўлмиш миямиз, яъни биз ишлатиб турган «Суперкомпьютер»имиз ҳақида ҳеч нарса йўқлигидан хўрсинибди. Шу воқеадан сўнг ҳаётини айнан мана шу соҳа ривожига бағишлашга киришган экан. Ҳозирда эса у айнан шу соҳанинг дарфаси ҳисобланиб, инсон имкониятларининг ривожи учун курашувчи событиядам тренерга айланди. Инсон миясини қандай ривожлантаришни у кишидан ўргангандигимиз учун дунёдаги кўплаб одамлар каби мен ҳам бу инсондан миннатдор эканимни айтишим ҳар қарзим, ҳам фарзим.

Узоқ муддатли изланишлардан сўнг, Тони Бузан ўз академик Барри Бузаннинг кўмагида, таълим соҳасида сезиларли ривожланишга сабабчи бўлган «Mindmapping», яъни «Ақл Харитаси» техникаларини яратди. Бугунги кунда ушбу «Ақл Харитаси» дан фойдаланиб, унинг афзалликларини тан олаётган минглаб педагог ходим, профессорларни топишингиз мумкин. Бу техника орқали ёдда сақлаб қолишининг яхши томонлари шундаки, у ўз ичига турли ранглар, турфа расмлар ва керакли маълумотнинг калит сўзларини қамраб олади. Унинг ёрдамида бутун бошли китобни ёки бир инсоннинг биографиясини бир варақ қоғозга жойлаш орқали эслаб қолишингиз мумкин. У нафақат яхши эслаб қолишга, балки миямизнинг чап ва ўнг қисмлари ранглар ва расмлар орқали бир меъёрда ишлashinga ёрдам беради. Қуйида сиз Тони Бузаннинг ҳаёти ва эришган ютуқлар ҳақида яратилган «Ақл Харитаси»ни кўришингиз ва унинг қай даражада самарали эканлигини билишингиз мумкин. У 2006 йилининг декабр ойида мана шу «Ақл Харитаси»ни яратишга мўлжалланган «Mindmap» деб номланган компьютер дастурини яратди ва ўзининг вебсайтига жойлади.

## **Бошқа ўрганиш усуллари**

Дўстим Бобур Муродуллаев билан бўлган сухбатда шунга амин бўлдимки, у ёшлигидан бери ўзи билмаган ҳолда мнемоника техникаларини ишлатар экан. Ўзининг бу ёдлаш усулини деярли ҳеч ким билан баҳам кўрмаган бўлса-да, қандай ишлатаётганинг ўзи мен китобда баён қилган мақсадли ёдлаш тамойилига асосланади. Унда дўстим Симпсон мультфильми қаҳрамони Гомерни тасаввур қилиб, ёдлаб қоладиган иш ҳаракатни ва маълумотларни ҳикоя қилиб тузади. Энг қизифи, тасаввур қилганида ҳам кулгили қилишга ҳаракат қиласди ва бу маълумот хотирасида яхши қолишига олиб келади. Ҳатто имтиҳон материалларини эслаб қолишда фойдаланади. Кўриб турганингиздек, мнемоника техникаларини татбиқ қиласади, фақат уни хотирамизга ёрдамчи қилиб, мақсад йўлида ишлатиш керак.

### **1. Тестларни ечиш ўрганишни тезлатади.**

Тестларни ечиш фақатгина ўқишдан кўра анча фойдали. Аслида, бу бироз интуицияга тескари деб айтишингиз мумкин, зеро кўп вақтни ўқишига сарфлаш ўрганишни энг юқори даражага олиб чиқади, аммо бир қанча манбаларда қўйидағи натижалар қайд этилди: мавзуга оид тестни ечиш ўргангандан материални эслаб қолишда ўз фойдаларини кўрсатади. Бир тадқиқотда талabalарга ўқишига вақт берилади, кейин тестда синаб кўрилади, натижада бу гуруҳ вакиллари узоқ муддат давомида материални эслаб қолишган. Бу натижага бошқа талabalар орасида ўтказилганда, гарчи уларга қўшимча вақт берилган бўлса-да, улар биринчи гуруҳдан пастроқ натижага кўрсатибди. Очиғи, бу усул менга бирмунча таниш, ҳалигача эсимда: абитуриентлик пайтимда барча абитетлар каби 1 йил давомида жуда катта ҳажмдаги хабарни эслаб қолишинга тўғри келар эди, репетиторимнинг тавсиясига кўра адабиёт фанидан тайёрланганда барча талabalар савол ва тест тузиб келарди, кейин эса бир-биримизга тарқатилар эди. Оқибатда, биз икки томонлама фойда олар эдик: ҳам ўзимиз бевосита савол тузишда қатнашардик, ҳам бош-

қаларнинг саволларига жавоб берар эдик. Жавобларни текшириш ҳам осон кечарди.

## **2. Айтиб бериш.**

Ўқилган маълумотни ўз-ўзингизга айтиб беришга ҳаракат қилиб кўринг, манбага қарамасдан албатта. Эслаб айтиб берилаётганда эсдан чиқиб қолган айрим сўзларга бир бир қараб, лугат ёдланаётган бўлса бир томондан беркитиб олиш керак ёки шеър ёдлашдаги энг фойдали усул ҳам шундай. Агар овоз чиқариб ёдласангиз, бу ҳам фойда бериши мумкин, бу эътиборингизни маълумотга қаратишга мажбурийди.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, шунчаки ўқийверишдан нима фойда, 2 соатлик ўқиши ўрнига ярим соат ўқиб, уни тақоролаб, эсингизда борини ўзингизга айтиб бериб, ўзингизни текшириб олганингиз яхши эмасми – шу тариқа ўқилганга аниқлик киритиб олинса, ўқиши унумли, эслаб қолиш ҳам узоқроқ бўлар экан.

Айтиб бериш сизни фаол ўрганишга чорлайди. Кўпчилик манбани ўқиётганида пассив ўқиши билан овунади. Ўзингизга айтиб бериш орқали сиз фаол ўқишига, деталларга эътибор бериш кўникмасига эга бўласиз, бундан ташқари бу ҳолат тақорлашни ўз ичига олади ва нимани ўқиётган бўлсангиз, шунга эътибор бера бошлайсиз. Бу орқали кейинчалик сизга керак бўлувчи иш билан ҳам шуғулланасиз, яъни ёдга келтириш билан.

Бошқаларга ўқиётганингни ўзингга айтиб бериш билан маълумотларни ёдла, деб тавсия берманг, аксинча бундай қилишнинг афзалликларини тушунтиринг. Далил ва китобда келтирилган илмий ашёлардан бир қанчасини айтсангиз болада қизиқиш уйғонади, бу усул бир марта қўлланилганидан кейин ёқиб қолади.

## **3. Ўзгаларнинг тажрибасидан фойдаланиш керак.**

Ақлли инсон керак бўлган нарсани ва ёдлаш техникасини топади. Аммо буни эплай олмаганлар нима қилиши керак? Бунга Афзал Рафиқов ажойиб тарзда жавоб қайтарди: бошқаларнинг тажрибасидан фойдаланиш керак. Айнан ушбу гапни исботлаш учун илмий адабиётларни кўздан кеп

чиридим: ўрганишда биз доимо имитация-тақлид қилиб ўрганамиз ва ўзгалар, айниқса, энг зўрларнинг ривожланиш йўлини андоза қилиб ўргансак бўлади. Шунинг учун ҳам Эйнштейн каби буюк даҳоларнинг фикрлари оқимиға тушиш ва уларнинг босиб ўтган йўлларини англаш катта ёрдам беради.

#### **4. Нимани ўргангандан бўлсангиз бошқа бир инсонга ўргатинг.**

Learning as Teaching (Ўргатиш орқали ўрганиш) бу жуда оммабоп методика ҳисобланади. Ҳалигача эсимда, мактабда математика ўқитувчимиз Марғуба опа менга мавзуга тайёрланиб келиб, ўқувчиларга тушунтириб беришимни тайинларди. Бу, албатта, мавзуни яхши тушунишимга сабаб бўларди, лекин тушунтириш озгина қийин. Агарда сиз буни эплай олсангиз, мавзуни яхши ўрганганингиздан далолатдир. Аристотелнинг гапи билан айтганда «Мен тушунганим учун ўқитаман».

Бу методика ишлашининг бошқа бир сабаби шундаки, сиз хабарни ўрганар экансиз, тушунтириш учун ўз тажрибангиз ва сўзларингизга таянасиз. Институтда бир нарсани сезганманки, имтиҳонлар яқинлашган сари қайсиdir фан юзасидан дўстимга мавзуларни тушунтириб берсам, ўз билимим мустаҳкамланган.


#### **5. Амалий тажрибага эришинг.**

Биз китоб ўқиймиз, маъруза тинглаймиз, кутубхонада вақт ўтказамиш ёки интернетда кезамиш. Маълумот ёзib олиш қайсиdir маънода фойда берса-да, билимни ҳақиқий ҳаётга татбиқ этиш эслаб қолиш ва тушунишнинг энг зўр усуларидан биридир. Агар спорт билан шуғуллансангиз ёки янги машқларни ўргансангиз, амалий машқлар билан шуғулланиш машқни яхши ўрганишдаги катта юксалишдир. Ёки машина ҳайдаш назариясини яхши билишингиз мумкин, лекин амалиётсиз бу билим чуқур бўлмайди ва кўп амалиётга чиқиш орқали кейинчалик қийналмасдан машинани бошқара оласиз.

#### **6. Жавобнинг мантиғини англаш уни эслаб қолишдан кўра самаралироқ.**

Үқитувчиларимнинг саъй-ҳаракатлари туфайли математикага бошқача меҳр қўйғанман, улар доим тақрорлашарди: жавобни эслаб қолманглар, уни қандай чиқаришни билib олинглар. Ҳа, бу усул орқали ҳозир ҳам мен учбурчакнинг юзи, Герон формуласи ва бошқа кўплаб формуаларнинг қаердан келиб чиқсанлигини биламан, ҳалигача уларни эслайман. Формулами ёки қандайдир хабар керак бўлса, қаердан илдиз отиб чиқсан бўлса, уни ўша ҳолича эслаб қолиш узоқ муддат давомида хотирангизда ўрнашиб қолишини кафолатлади. Баъзи пайтларда жавобни эслай олмайсиз, лекин ана шундай ҳолатларда ҳам сиз жавобга, унинг мантифи орқали етиб боришингиз мумкин.

Келинг, буларнинг ҳаммасини жамласак. Бу жамлаш барабарида мен интернетдаги ўрганиш пирамидасига дуч келдим. Бу расмда бошқа ўрганиш стратегиялари ҳам мужасам.



23-расм. Ўрганиш пирамидаси.

Эдгар Дейлнинг тадқиқотига кўра, биз ўрганишда шу усуллардан фойдалансак, хотирада сақлаш қиймати расмда кўрсатилганидек бўлади. Тўғри, кимdir юқоридагиларнинг қайсисидандир устундир, дейишингиз мумкин, айнан ўзи китобдан ўқиса 10 % эмас, балким 80 % эслаб қолар. Бу гапда жон бор, китобимда кўп таъкидланганидек, ҳаммаси сизнинг ўрганиш усулингизга боғлиқ. Ундан ташқари, бу худди зинапоядек қурилган. Сиз кимгадир ўргатиш даражасига чиқишингиз учун пухта билимга эга бўлишингиз ва маъруза, китоблардан ўрганиб пирамида тубига етишингиз керак.

## ҚИСҚАЧА МАЗМУН

✓ Ўрганувчи аввал ўзини ўрганиши лозим, ўзининг ўрганиш қобилияти ва ўрганиш ёйини билиши керак, шунга қараб маълумотни тез ёки секин ўзлаштириши мумкин.

✓ ОК платформаси бу сиз ҳар қандай қобилиятда дуч келувчи ўртacha иатижা бўлиб, у сизни профессионал ёки ҳаваскорликдан ажратиб туради. Уни енгиш учун комфорт зонадан чиқиши, кўпроқ хато қилиб шу хато устида ишлаш, тўғриловчи мулоҳазани экспертдан эшлишиш ва қийналган жойларида кўпроқ ишлаш талаб этади.

✓ Конспект олишда ҳозирда кўп ишлатилаётган усуллардан бири бу ақл харитаси бўлиб, унда асосий ғоя марказга қўйилганидан сўнг шу ғоядан бошқа асосий мазмунлар чиқади, чиққанда ҳам шу мазмунларга ассоциациялар ҳамда расмлар чизиб умумий тарзда эслаб қолишга ҳаракат қилиш бўлади.

✓ Бошқа ўрганиш стратегияларига тест ечиш, ўз-ўзинингизга айтиб бериш, ўзгалар тажрибасидан фойдаланиш, ўргатиш орқали ўрганиш, амалий тажриба ва ўрганиш пирамидасига амал қилишлар мисол бўлади.

✓ Имтиҳонга тайёрланаётганда ҳеч қачон бир кун аввал тайёргарлик қилманг, у эсдан чиқаришга олиб келади.

## ИККИНЧИ БОБ. ТЕЗРОҚ ЎҚИШНИ ЎРГАНИНГ

*Яхши китоб ўқимайдиган инсоннинг,  
умуман, китоб ўқимайдиган инсондан  
устунлик жиҳати йўқ.  
Марк Твен*

Speed-Reading ёки тезроқ ўқиш бўйича саноқсиз китоблар мавжуд. Бу сўзни ўзбек тилига ўгираётганда озигина муаммога дуч келдик, лекин менимча, энг яхшиси, тезроқ ўқиш деган тахминга келдим. Негаки, ёшлигимдан биламан, тез ўқиш деб 1 дақиқада қайси ўқувчи нечта сўзни ўқишига айтиларди. Аммо ҳақиқий тезроқ ўқиш аслида Тони Бузан ёзганидек, кўз орқали билишга асосланган, гарчи ўзим ўта кучли тез ўқийдиган инсонни кўрмаган бўлсан-да, ҳаётимда 400 дан тортиб 1000 тагача сўз ёдлаб қолишга муваффақ бўлганман.

Тез ўқиганингизда, асосий фояни яхши илғаб оласиз ва тушунишингиз осон кечади, оқибатда мавзуни яхши эслаб қоласиз. Тушуниш бу хотиранинг бир қисми. Бу иddaони тадқиқотлар қайта-қайта исботламоқда, тез ўқилганда асосий фояни ушлаб қолиш осон. Буни текшириш учун қўйидаги гапларни, секин ва ҳамма деталларига эътибор бериб ўқиб кўришга ҳаракат қилинг:

**тезроқ ўқиш се кинроқ ўқиш дан кўра тушун иш да ра  
жасини ошириш да анча унум ли экан лиги аниқ ланди.**

Қийинми? Албатта, қанчалик секин ўқисангиз, миянгиз фикрлаши ҳам секинлашади, лекин миямиз бундай фикрлашга мослашмаган ва сиз асосий фояни илғаб олишда муаммога дуч келасиз. Шунинг учун тезроқ ўқимоқчи бўлсангиз миянгиздаги шу нотўғри тушунчани олиб ташланг.

Тезроқ ўқишининг ўлчови – бир дақиқасига нечта сўзни ўқиб олишда ва уни 80 %дан ортиқ даражада эслаб қолиб тушуниш билан ўлчанади.

1. Кам даражада ўқувчи 10- 100 та сўз дақиқасига
2. Ўртача 200-240 та сўз дақиқасига
3. Олий маълумотли 400 та сўз дақиқасига
4. 100 тадан 1 та одам 800-1000 та сўз дақиқасига
5. 1000 тадан 1 та одам 1000 дан ортиқ

Даражалар ортишига сабаб бу ўқувчиларга қўйилувчи талаб ва вақт муаммоси, шунинг учун катта курсдаги ўқувчилар озгина маълумотни тезроқ ўқиш учун мотивацияга эга бўлади. Кўрганингиздек, мотивацияга ҳам боғлиқ. Ўқишини битирганидан кейин эса худди мотивация камайгани сингари ўқиш секинлашиб боради.

Ундан ташқари, мен ўзимда сезганманки, кўпинча, 400 дан ортиқ сўзни кўриб чиқишини эпласангиз етарли бўлади. Шунинг учун бу боб айнан 400 тадан ортиқ ўқишга доир мисоллар беради. Агар янада чуқурроқ билим олмоқчи бўлсангиз Тони Бузаннинг «The Speed Reading book» деган китоби ва шунга оид бошқа китобларни тадқиқ қилишингиз мумкин. Балки келажакда ўзим ҳам шу мавзу бўйича тадқиқотлар ўтказиб, бу ҳақда китоб ёзишим мумкин.

### **7-машқ**

*Ана энди сиз ўзингизнинг ўқии тезлигингишни аниқланг. Чунки сиз ҳозирги тезлигингишни билмасангиз ўзингиз хоҳлайдиган тезликка етиша олмайсиз. Ҳозир сиз хоҳлаган газетангизни олинг. Секундомерни топиб 10 дақиқага қўйинг. Сўнгра ўқишини бошлишингиз мумкин, ўқигандা ҳам оддий тарзда. Беш дақиқани тугатишингиз билан тўхтатинг. Энди ўқиб чиққан сўзларингизни санаб чиқасиз ва чиққан сонни 10 га бўласиз. Ана шу натижса сизнинг ўртача ўқии тезлигингиш.*

*Энди тушуншии даражсангизни аниқламоқчи бўлсангиз, газетадан ўқиган жойингизни белгилаб, шу жойгача тушунганингизни бошқа бирорга айтиб бериб, ўртача тушуншии даражсангизни аниқланг. Агар 70-80 % га чиққан бўлса демак, бу яхши натижса.*

Тезроқ ўқишининг асосида имкон қадар кўпроқ асосий ғояни кўриб қолишингиз ётади. Бир қарашда сиз иккита сўзга эътибор бериб, умумий маънони тутиб қоласиз. Бу албаттга, машқ талаб қиласиди ва сиз машқлар орқали янада кўпроқ маълумотни эслаб қоладиган бўласиз. Яъни сиз сўз

бирикмалариға эътибор берасиз, ахир гапларнинг мазмуни айнан шу сўз бирикмаларининг бирлашмасидан иборат, ҳеч қачон сиз алоҳида сўзлардан гапнинг мазмунини ушлаб қола олмайсиз. Шунингдек, гапга мазмун бағишлоғчи ёки биринчи даражали сўзларга эътиборли бўлиш керак – эга ва кесим, қолганлари эса иккинчи даражали, ундан кейин кўпроқ отларга эътибор берилса, маънони тушуниш осон кечади.

Ўқиши бошлагандага сиз ички муаммоларни ва ташқи муаммолардан холи бўлишни ўрганишингиз даркор. Биринчидан – ўқиётгандага хаёл бошқа муаммода бўлмаслиги учун концентрация машқларини қилиш ва озгина-озгинадан, кундан-кунга ошириш билан янада сифатли ўқишига эришасиз. Иккинчидан, ўқийдиган муҳит ҳам муҳим, у сизга халақит бермаслиги ва илҳом бағишлиши лозим, шундай жойни топиб ўқиши амалга оширинг. Учинчидан, бизнинг мактабларнинг ишлаш тамоилии асосида ҳеч ким ўзининг қайси пайтда ўқиш, мияси учун қулайлигини аниқламайди, буни аниқлашга озгина вақт ажратишингиз сизга кўплаб совфаларни тақдим этади. Ўз устингизда тажриба, ўтказишингиз мумкин: сиз бойўғлимисиз ёки булбулмисиз? Яъни миянгиз эрталаб яхши ишлайдими, кундузи ёки кечки пайтдами – қайси пайтда ўзингизни қулай ҳис қилсангиз айнан шу пайтда энг қийин дарсларни бажаринг. Бир дўстим дарсни, одатда, кечки 12 дан кейин дарс қилишини айтди. Тўртингидан, ўқиётганингизда албатта ручка ёки қалам, энг бўлмаган тақдирда, қўлингизни кўрсаткич қилиб олинг – тадқиқотлар кўрсатадики, китоб ўқиётганингизда кўрсаткичга эга бўлсангиз ўқишида тезликка ва чалғиб қолмаслик даражасига эришасиз. Шу каби майда деталлар сизни китоб ўқишига бўлган муҳаббатингизни оширади. Тўғри ва тезроқ ўқиши нафақат сизга хурсандчилик олиб келади, балки хотирангизни ҳам мустаҳкамлади.

Кўпчилик китобни кўзига яқин қилиб ўқииди бу – нотўғри. Келинг, буни исботлаш учун бир тажриба ўтказсак. Қўлингизни узун қилиб олдинга ёзинг ва кўрсаткич бармоғингизга қараб туринг. Энди кўрсаткич бармоғингизни астасекин бурнингизга яқинроқ олиб келинг, токи бармоғингиз

учи бурнингизга жуда яқин турсин. Бироз фурсат кўзингиз билан фақат бармоққа қараб туриңг. Натижа – кўзингизга оғриқ кирганини сезасиз.

## Калит сўзнинг қудрати

*Агар сиз мавзуни осонгина тушунтириб  
бера олмасангиз, уни умуман, яхши  
тушунмаган бўласиз.  
Эйнштейн*

Ҳар бир системада калит сўзлар, уларга қўшимча калит тасвир ишлатилади. Китоб ёки мақоланинг фикрлари асосида фоя бўлади ва ўша фоялар кўпгина гаплардан иборат бўлади. Гапларни эса бир қанча калит сўзларга бирлаштириб олиб келса бўлади ва эслаб қолиш ҳамда фояни илғаб олишга осонлик олиб келади. Айнан 14-расмга эътибор беришингиз учбу гапларимизни исботлайди.

Сиз миянгизда эслаб қолишингиз керак бўлган тасвирни қандайдир калитли тасвир сўзга боғлашингиз керак бўлади. Ва улар орасида боғланиш қўйидагича бўлиши керак: Ақл хариталарини тушунтиришни бошлаганимизда айтганимиздек, калит сўзга жамланган ахборот, бутун параграфни ёки китобни жамлаб кейинчалик калит сўз орқали бутун параграфни қайта эсласа бўлади. Баъзида китобдаги умумий фикрни эслаб қолишга ҳаракат қилганимда мен китобнинг асосий фоясини расмга айлантириб бир маконимга қўйиб кетаман. Масалан, бундан 4 йил олдин бир таниқли муаллифнинг молияга оид китоби қўлимга тушиб қолди ва ундаги асосий фоя кўзгу рефлекси эди. Мен уни ўқиётган чоғимда фикрлар патнисимга Кўзгуни тасаввур қилиб, унда муаллиф ўз аксини кўраётганини тасаввур қилдим, натижа – ўша китобнинг асосий фояси ҳамон ёдимда. Баъзида китобдаги фактларни ҳам шу усулда эслаб қоламан. Бу усул аслида нутқ ёдлаш ёки бошқа бобларда айтилган техниканинг ўзи. Ҳар қандай ҳолатда калит сўзнинг ўрни бекиёслиги сезилиб турибди.

## SQ3R – тезроқ ўқиши усулими?

Умуман олганды, ўқишиңи ҳаммаям билиши мүмкін, лекин унумли ўқишиңи ҳар ким ҳам билавермайды. Ўзим тез ва унумли ўқишиңга оид китобларни ўқиб юрганим учун ҳам, бошқаларнинг қандай ўқишини күп кузатаман, күпчилик тез ва түғри ўқишиңи билмаслиги мени таажжублантиради. Бир китобда ўқигандым, яхши ўқиши усули: бу ўз ичига унумли ўқишиң стратегияси, материални энг керакли қисмларини ажратыб олиб уни эслаб қолишиңга күмаклашувчи ва албатта, вақт тамойили бүйича ўта фойдалы ҳамда ўрганишиңга осон бўлган усул дейилган эди.

Хуллас, юқоридаги талабларни ҳисобга олиб, SQ3R деб номланувчи тизим ишлаб чиқилган. Ўзим бу тизимдан анчадан бери фойдаланаман. Бунинг фойдасини сезганим учун сизларга ҳам SQ3R тизимини ишлатиб кўришиңни тавсия қиламан. Бу методикани хоҳлаган материалга татбиқ қиласа бўлади, хоҳ инглиз тилидаги матнга, хоҳ узун ва катта китобни ўқишиңга ва хоҳ математика ва илмий китоблар мутолааси ёки тест материалларига ҳам ишлатса бўлаверади.

Оддий ахборотни ўқиганимизда ёки уни кўр-кўронга так-рорлаётганимизда биз пассив тарзда ўқиймиз, ваҳоланки, ўқишидан асосий мақсад танқидий фикрлашни ривожлантириш, саволлар бериш ва шу орқали далилларни жамлаш ҳисобланади. Айнан ушбу метод сизга шундай усулини таклиф этади. Демак, SQ3R бу 5 та қисмдан иборат бўлган тизим бўлиб, SQ3R ўша босқичларнинг бош ҳарфларидан ташкил топган инглизча усул, S-survey-тадқиқот, Q-question-савол, 3R бу 3 та R ҳарфи бўлиб, 1-R Read ўқиши, 2-R Recite - Айтиб бериш, 3-R Review Қайта кўриб чиқиши. Энди эса, бирин-кетин уларнинг ҳар бирига тўхталсак.

### 1. Тадқиқот

Тадқиқ қилиш – китоб муқаддимасига кўз югуртириш ва мундарижани кўриш, ҳар бир боб бўйича хulosаларни кўриб чиқиши, расмларга эътибор бериш, ҳар бир параграф сарлавҳасини кўриш ҳамдир. Бундан мақсад ўқиётган маъ-

лумотингиз ҳақида сизда олдиндан умумий эскиз ҳосил қилишдир. Баъзида китобнинг қисқача хulosалари китоб орқасида берилади ва илмий хulosаларга кўра, дастлаб хulosани ўқиш хотирага мавзунинг асосий фикрларини яхши эслаб қолишда фойда берар экан. Бу илмий исботланган. Бундай таҳлил худди харитани олдиндан кўриб олишдек ёки расмли бошқотирманинг умумий кўринишини биринчи кўриб олиб кейин бирма-бир уни мослаб териб чиқиш каби қўлланилади, ахир кўр-кўронга ўқиш асосий мақсадга етказмайди.

Ундан ташқари, бу босқичда, матнни ўқишидан олдин умумий хulosани кўриб чиқиш учун имкон яратади. Тез ўқишида бунинг жуда катта фойдаси бор. Чет элдаги **тезроқ** ўқиш курсларининг аксарияти айнан ушбу усууллардан фойдаланади. Негаки, матнинг қаерида қандай нарса борлигини билишингиз ҳам ўқиш тезлигингиз ошишига сабаб бўлади.

Ўзимдан мисол, мен доимо янги китобни қўлимга олсан уни аввало синчилаб тадқиқ қиласман, у ҳақида маълумот тўплайман ва бу нарса кейинчалик ичидаги маълумотларни ўқиётганимда эслаб қолишда ва муаллифнинг асосий фояси-ни тушунишда жуда асқотади.

## 2. Савол

Савол бериш бу инсониятнинг энг ажиг хислатларидан биридир. Китобни ўқишидан аввал мен доимо ўз-ўзимга савол бераман: бу китобдан менга нима фойда? Муаллиф нега бундай сарлавҳа танлади? Бобларнинг жойлаштирилишида қандай маъни бор? Бу боб нима ҳақида? Бу маълумотларнинг менга қандай нафи бор? Шундан кейин китобга бошқача қараб, ўқишга фаол киришасиз. Пассив (суст) ўқиш эса бундай саволларсиз, нима ёзилган бўлса ўқийвериш каби унумсиз бўлади.

Савол бериш одамни жавоб бергандан кўра ақллироқ қиласди, дейилганди бир сериалда. Буни қарангки, савол бе-риш нафақат сизни ақлли қиласди, балки маълумотни эслаб

қолиш ва мазмунга эътибор билан ёндашишга олиб келади. Саволлар қизиқишиларингизни ўзида мужассам қилади, му-толаангизга қандайдир мақсад бағишлайди. Мен ўқувчила-римга айтаман: мақсадсиз ҳеч қачон параграфларни ўқиманг. Китоб ўқиш ҳам мақсадсиз бўлмайди.

### **3. Ўқиш**

Баъзилар учун бу усулнинг 3-босқичи энг сўнггиси, баъ-зилар учун эса бу ягона йўлдир, лекин саволларингизга жавоб топиш мақсадингиз бор экан, уқиш учун ўқишингиз керак. Буни айниқса тест, имтиҳонларга тайёрланганингизда сезиш мумкин, ўқигандა ҳам ҳамма нарсага эътибор бе-риб ўқиш лозим. Расмлар, жадваллар ва графаларга алоҳи-да эътибор бериш лозим, негаки улар ҳарфлардан кўра кўпроқ эсда қолади.

Ўзимга ёққан китобни ўқиш мобайнида, ручка билан ке-ракли жойини ўзим учун белгилаб, тагига чизиб ва кези келгандা, расмлар чизиб ўқишини хуш кўраман. Билмадим, айнан шундай қилиб ўқисам маълумотнинг керакли жойла-рининг эсда қолиши кучаяди ва ўқиш мобайнида озгина та-наффус билан фикрлашга ҳам вақт топа олишим китобни эслаб қолишга кўмаклашади. Фикрлай бошлаганимда олдин-ги босқичдаги саволларимга жавоб топишим кераклигини англайман.

Бундай ўқиш орқали сиз ўқиган маълумотингиздан энг максимал даражада фойда оласиз, мавзуни миянгизда бир структура тарзида шаклланишига ҳам эришасиз. Шунинг-дек, бу жараён ўқиш давомида сизга аниқ мақсадларни бе-ради ва матндаги ахборотлардан кераклисини кераксизла-ридан ажратиб олишга ёрдам беради. Умуман, SQ3R усули ўқиш вақтингизнинг сифатини оширади.

### **4. Айтиб бериш**

Бу иккинчи R ҳарфи қайта айтиш, қайта ёдга солиш ва қайта ёзиш каби маъноларга бўлиш мумкин, умуман, бу ўқи-ган нарсангизнинг хотирангизда қолганини текшириб кўр-

ишидир. Айтиб бериш ва эслашда калит сўзларни топиш ва энг муҳим фикрларни эслай олиш, шундан сўнг бу фикрлар сизга хусусий деталларни эслата билиши мантиқан жудаям муҳим. Иккинчи босқичдаги саволларга жавоб беришингиз мумкин: бу оғзаки ёки ёзма олиб борилади.

Эсланаётган пайтда бирор факт ёдга келмаса, қараб эсга туширишингиз муҳим саналади. Айтиб бериш ва саволлар билан қайта кўриб чиқиши талабаларнинг танқидий фикрлаш қобилиятини ҳам ривожлантиради, нуқул такрорлаш ва маърузалар ўқиши орқали тайёрланиши салбий ҳисобланниб, у ўқиши жараёнини суст қилиб қўяди. Аслида эса ўқиши жараёни зерикарли ва суст эмас, қизиқарли ва фаол бўлади. Бу босқичда ўз хulosаларингизни чиқариб, муаллифнинг усувларига эътибор берасиз, конспект олинган бўлса, унга назар солиб ўрганиш жараёнини янада самарали қилишингиз мумкин.

## 5. Қайта кўриб чиқиши


Хулоса ва бобларни эсга тушириш учун бир сидра қайта кўриб чиқишингиз керак. Кўпчилик тезроқ ўқиши курсларидагиларда, бир марта ўқисангиз уни батамом эслаб қоласиз, деган тасаввурлар бўлади, аммо зарур пайтда маълумотни такрорлаб турмасангиз, у албаттa эсдан чиқиб кетади – шунинг учун ҳам кўпчилик ўқувчилар 6-синфда ўтилган нарсани кейинчалик унугиб юборади ёки талаба 1-курсдаги фандан нима ўтилганини 2 йилдан сўнг умуман хаёлига ҳам келтира олмайди. Қайта кўриб чиққанда мен ўзимга доим савол бераман: келажакда буни такрорлашни қайси соҳаларда ишлатсам бўлади, дейман. Савол беришдан қўрқманг, жавоб топишга эса шошилманг: секин-аста ҳамма сирлар аён бўлади, сизнинг миянгиз уларга жавоб топишга уринади.

Саволлар бериш ва яна озгина такрорлаш маълумотни қайта тиклади, узоқ муддатли хотирага жойлаштиришни тезлатади Баъзида шундай бўладики, мен ҳар сафар янгидан такрорлаганимда китобдан янгича маъно оламан, ол-

дин тушунмай эътиборсиз қолган жойларга кўпроқ эътибор бера бошлайман.

Яна бир гап, маърузага борасизми ёки китобни ўқийсизми, ҳеч қачон асосий қисмларини қайта кўриб чиқишни унумтанг, бу жуда фойдали. Иложи бўлса, бир ўтиришда соатлаб такрорлағандан кўра, қисқа-қисқа оралиқлар билан такрорла фойдадан холи бўлмайди. Имтиҳонга бир кун қолганда ўқиш ҳам жуда кўп ҳолларда фойда бермайди, лекин бир кун аввал такрорлаш жуда фойдали, фарқи – такрорлаганингизда сизга бир кун аввал ҳеч қандай янги ахборот учрамаслиги даркор. Одатда, кўпчилик талабаларнинг конспект дафтарида имтиҳон саволларига жавоб бўлади, лекин ундан тўлиқ фойдаланимай имтиҳонга албатта 1 ҳафта ёки 1 кун қолишини кутиш керакми – ҳеч қачон бундай хатога ўзингизни гирифтор қилманг.

Бу усулнинг яна бир афзаллиги унинг табиийлиги ва осон татбиқ қилиниши бўлиб, у айнан ахборотларни имтиҳонга қандай тушадиган бўлса шунга қараб ишлатишни олфа сурди. Бу усулнинг охирида бир-бирингизга айтиб тайёргарлик қилиш унинг самарасини янада оширади, бу кимдир



24-расм. *SQ3R ўқиши стратегияси.*

тушунмаган саволни бошқаси яхшироқ тушунгани ва шуни бир-бирига айтиб бериши билан изоҳланади. Бунда сиз ҳам ўқийисиз, ҳам эшитасиз, иккита сезги органи маълумотни эслаб қолишда кўмак беради.

Лекин таъкидлаш керакки, бу усул ҳамма учун ҳам фойдалари деб топилмаган: айниқса болалар ва ўсмирлар, ёшлар орасида. Ундан ташқари, кўпчилик бу системаси ишлатмайди ҳам, чунки бу жуда кўп босқичдан иборат ва жуда мураккаб. Аммо айтиш мумкинки, ҳамма ҳам бу системани ўзига мослаштириб олса фойдадан холи бўлмайди, умуман олганда, бу тизим тўғри ўқиш йўлини ўргатади. Бу тизим автоматик даражага олиб келинса янада кўп фойда беради.

## ҚИСҚАЧА МАЗМУН

✓ Тезроқ ўқиш матнинг маъносини тушунишда секин ўқишдан кўра фойдали бўлади. Ўртача тезроқ ўқиш деб, одатда, 1 дақиқада 400 дан ортиқ ва 1000 дан кам сўзни 70 % кўпроқ миқдорда тушунишга айтилади.

✓ Сиз ёдлаб қолмоқчи бўлган китобни ёки параграфни калит сўзга мужассамлаб, маконга қўйиб эслаб қолиш муддатини узайтиришингиз мумкин.

✓ SQ3R бу айнан тезроқ ўқишни тизимли равишда ўргатадиган усул ҳисобланади, уни чуқур англаб, пухта шуғуланиш бу тизимни кейинчалик автоматик равишда ишлатишга олиб келади.

✓ Дастрлаб Survey-тадқиқот қиласиз, кейин Question-саволлар бериб аниқ мақсадни аниқлаб оласиз, ўқимоқчи бўлган матндан ўқийисиз, ана энди биринчи R – Read, иккинчи R бу Recite, ўқиган нарсангизни қайта айтиб бериш орқали қанчалик тушунганингизни текширинг ва кейинчалик бир Review-қайта қўриб чиқиши матнни тезроқ ва унумли ўқишга олиб келади.

**УЧИНЧИ БОБ.  
ХОТИРАМИЗНИ СУСАЙТИРУВЧИ ОМИЛЛАР**

*Касаллышкнинг олдини олиш  
уни даволашидан кўра фойдали.  
Халқ дошишмандлиги*

Хотира бўйича муаммоларга ҳам шундай нуқтаи назардан қараса бўлади: хотира ёмонлашишининг олдини олса бўлади. Ушбу бобда мен бунинг олдини олиш ёки профилактика бўйича 14 та маслаҳатни айнан Гарвард Тиббиёт Мактаби профессорининг ва турли илмий журналлардаги хуносаларни мужассамлаштиридим. Хуносалар билан танишиб, мукаммал хотира сари яна бир қадам ташласангиз ажаб эмас. Умуман олганда, айтилажак деярли барча тавсиялар заарсиз, арzon ва амалга оширса бўладиган ҳисобланади. Бу ердаги кўп қонуниятларни биламан ва унга амал ҳам қиласман, дейишингиз мумкин. Лекин мен уларга бошқа тарафдан қарашга ўргатаман, яъни нега ундей, деган саволга жавоб тарзида назар ташлаймиз. Барча қонунларни **мукаммал хотира** деган сўзга бирлаштирганман.

Машқларни давомий қилиш керак.

Ушбу ҳаётда тартибга эга бўлинг.

Керак бўлса доимо янги нарсаларни ўрганишга вақт ажратинг.

Атрофдагилар билан кўпроқ суҳбат қуришга интилинг.

Моддий ва маънавий зарар келтирувчи сигареталарни чекмасликка ҳаракат қилинг.

Маъноли ҳаёт тарзига ўтинг.

Алкогол ва психотроп моддалардан сақланинг.

Лозим бўлса, уйқу учун етарлича вақт ажратинг.

**Хотирамиз душманлари:**

Ортиқча стрессга тушмаслик ва асабийлашмаслик;

Тановул қилинаётган овқатлар муҳим;

Иложи борича, витаминалар қабул қилинг;

Рози бўлманг – миянгиз ёмонлашишига рози бўлманг;

Аниқ ва тўғри ақлий муносабатга эга бўлинг.

## **Машқларни давомий қилиш керак.**

Соф танда соғлом ақл, дейишади. Доимий машқлар билан шуғулланиб турған инсонлар 70 ва 89 ёшларида ҳам ақлий жиҳатдан ўткир бўлишади. Бу дегани сиз марафонда километрлаб югуришингиз керак дегани эмас, аксинча, шунчаки юрагингизни тезроқ уришга мажбур қилинг. Бу ҳолат миянгиз ишлашига қандай ёрдам беради? Бу миямизнинг пластиклик қобилиятининг ривожланиши билан боғлиқ, мия ҳужайралари атрофидаги капиллярларнинг ортиши, кўпроқ кислородга – озуқага эга бўлишига олиб келади. Кўп кислородни қабул қилиш миямизнинг юқори даражада ишлашини таъминлади.

Жисмоний машқлар деменция синдроми (бош миянинг органик касаллиги туфайли келиб чиққан ақлий салоҳиятнинг пасайиши) эҳтимолини пасайтиради. Очиги, одатда, кўпчилик эрталабдан туриб бадантарбия қилишга вақти йўқ, шунчалик бандман, дейди. Бундай инсонларга, йўлйўлакай бажариладиган жисмоний машқлар топишни айтган бўлардим. Масалан, велосипед миниш, ҳафтада бир марта футбол ўйнаш, сузишга қатнаш ёки жисмоний ҳаракат талаб қилувчи бошқа бир спорт тури. Жисмоний машқлар нафақат ақлий қобилияtingизга қувват бўлади, балки ақлий меҳнат билан тинкаси қуриган мияга дам олиш орқали мияга фойда беради.

## **Ушбу ҳаётда тартибга эга бўлинг**

Интизом деб ўзингизга ёқмаган ишни ўзингизга ёқадиган ишга айлантиришга айтилади. Айнан интизом ҳаётингизни тартибга солишга ёрдам беради. Ўз-ўзингизни тартибга чақириш орқали сиз нафақат мақсадларингизга эришасиз, балки хотирангизни ривожлантирасиз ҳам. Кўпгина хотира мусобақаларида қатнашиб, шу нарсага амин бўлдимики, кўпроқ машқ қилиш учун ўзимни ўзим тартибга келтириб, янгича интизомга тушиб мусобақага тайёрлангим келарди.

Хәётингизни тартибга келтириң, қылмоқчи бўлган ишларингизни тартибга келтириңг, мақсадларни тартиблаштириңг. Ундан ташқари тартибга эга бўлиш ўқишларингизда ёрдам беради. «Personalities» журналида айтилишича, ўз-ўзини назорат қиласиган инсонлар назоратсиз инсонлардан кўра баҳтли ҳаёт кечираркан. Тартибли инсонлар, одатда, ўзларининг ичидаги турли қарама-қарши мақсадлардан кераклисини танлаб, аниқ мақсад сари боради. Оқибатда улар ҳаётдан ҳам завқ олишади.

Тартибли инсонлар қарор қилишда ҳам устун бўладилар. Негаки, тартибли инсон ўзи учун керакли қарорни қабул қиласиди ва камроқ бундан азият чеккан тақдирда ҳам баҳтлироқ ҳаёт кечиради, тартибсиз инсон эса кўп ҳолатларда ўз истагига қарама-қарши қарорлар қабул қилиб, бундан азият чекади. Энди айтинг-чи, баҳтли инсоннинг хотираси яхши ишлайдими ёки салбий қарорлар қабул қилувчинингми?

Одатда, бирор ишни қилмаслик учун мен доимо 5 та катта сабабларни санааб чиқиб ўзимни шуларни қилмасликка чақираман. Тартиб нафақат ҳаётингизни осонлаштиради, балки ўзингизга бўлган ҳурматни ҳам оширади, негаки тартибсиз инсон ўзини тартибга келтира олмагани учун ҳам ўзини ҳурмат қила олмайди

Мен тартибни кенгроқ тушунаман, хотирада ҳам тартибга келтирилган нарса яхши эсда қолади, масалан, компьютерингиздаги папкалар тартибли бўлса маълумотларни топиш анча осон кечади. Китоб ва конспектларингизда тартиб бўлса ишлаш осонлашади. Сиз ҳаётингизни ва ишларингизни, ўзингизни тартибга келтириб умумий ишларингизга муваффақият келтирасиз. Оддинлари бундай такомиллаштирилган ва тартиблаштирилган хотира одамларга ёд бўлмаган, улар ҳам мнемоника техникаларини эслаб қолиб, хотирасидан фойдаланишар эди.

## **Керак бўлса доимо янги нарсаларни ўрганишга вақт ажратинг**

Хотирани ривожлантириши мумкин бўлган усуллардан бири – доимо янги нарсани ўрганишдир. Қисқаси, «Бешикдан то қабргача илм изла». 2004 йилда «Nature» мақоласи шуни маълум қилдики, кимки кўпроқ янги маълумотга дуч келса, миянинг кулранг моддаси миқдори ошибди. Бу миямиз бўлинмаси эса ўз навбатида кўп ҳолатларда тасвирий хотира билан боғланади.

Агар сиз инглиз тилини ўрганаётган бўлсангиз, буни тўхтатмасдан доимий тарзда давом эттириш зарур. Бу инглизчасига яна таъкидласам «Use it or lose it», «Фойдаланинг, акс ҳолда йўқотасиз» деган тамойил билан хulosалаш мумкин буни. Бу ҳодиса ҳатточи илмий номга ҳам эга. Бунинг яқол исботини «Заковат» интеллектуал ўйинлари билан шуғулланиб юрувчи кўплаб ўқувчиларда кузатганман. Улар доимо янги информация ва фактлар ёдлаб юрганлиги туфайли хотираси доимо ўткирлашиб бораверади, ишлатилмаса ўтмаслашишни бошлайди.

Яна бир нарса. Инсон хотирасининг ўткир бўлиши унинг ҳеч қандай диплом олиши ёки таълимий ўқиш йиллари билан ўлчанмайди, аксинча, миямизни доимий ҳаракатга солиб турувчи машқлар билан банд қилиб туришга боғлиқ. Тўғри, университет талабасининг мияси хотира касалликларига қарши бўлса, кам ўқиган инсонлар хотираси касалликларнинг эрта вужудга келишига мойил бўлади. Аммо доимий ўрганувчи режимда юриш, ҳатто дипломни олганингиздан аввал ва кейин ҳам янгиликларни ўрганувчи бўлишни талаб этади. Ўрганувчи деб мен ҳар бир жабҳада изланувчини назарда тутаман.

Айниқса, кекса инсонларнинг янги тил ўрганишни бошлаши ёки бўлмаса бир танишим Ҳажга бориб келиб айнан ўша ерда Қуръони Каримни ёдлашни ўргангани миямизни қайта ишга туширишга мисол бўлади. Ёки чет элда кўп гувоҳи бўламиз, уларнинг миясида доимий ўрганиш узлуксиз

мактабдан кейин таълим олиш деган фоялар жойлашгани учун 80 ёшдаги инсонлар қайтадан институтта кириб бакалавр дипломини олишади. Сиз ўрганишингиз мумкин бўлган соҳалар рўйхати: йога, рубик-кубик, медитация, янги компьютер ўйинлари, бошқотирмалар, пианино ёки гитара чалиш, турли ўйинларга тушиш – бреак-дансе, умуман, сиз билмайдиган нарсаларга қўл уринг. Улар ҳаётингизга қўшимча маъно бағишлади.

### **Атрофдагилар билан кўпроқ сұхбат қуришга интилинг**

Инсон жамоада яшашга ўргангандан миямиз айнан ижтимоий орган ҳисобланади. Сиз оила аъзоларингиз ва дўсту биродаларингиз билан яхши алоқада бўлсангиз ҳам руҳан, ҳам ижтимоий нуқтаи назардан фойдали. Бу сизнинг соғлифингиз ва миянгизга учун фойдали. Касал бўлганда ҳам ижтимоий фамхўрлик касалликни енгиб ўтишда бир босқич бўлиб, танани руҳан тетиклаштиради.

Канадада ўтказилган тадқиқотлар шуни қўрсатдики, ким-да-ким ижтимоий алоқаларни мустаҳкам тутиб турса, унинг ақлий салоҳияти ҳам ўткир бўлади. Жамоадан ажралиб қолиш, одамларга қўшилмаслик ақлий вазифаларнинг сусайишига олиб келаркан.

Баъзида ўзим қандайдир оғир ақлий меҳнат қилганимдан кейин дўстларим ёки оилас билан вақт ўтказиш миямнинг зўриқишини камайтиришини сезганман. Турли мавзуларда сұхбат қуриб ҳазил-мутойибага берилиш миямни ўзгача руҳда даволайди. Баъзида жуда кўп ўқиб-уқиб, лекин жамоага кам қўшиладиган инсонларда ақлий томондан салбий таъсирларни кўрганман. Улар сал бошқачароқ бўлиб қолган. Ҳаётда доимо меъёрни билиш керак, кўп ўқилганидан кейин, дам олиш мақсадида жамоа билан бирга бўлиш керак. Бу миянгизнинг янада яхши ишлашига олиб келади.

Дўстлар даврасида бўлиш серташвиш ҳаётдан озгина узоқлашиб, миямиздаги стрессларнинг тарқалишига олиб келади, табиийки, салбий таъсирларни ҳам бартараф қиласиди. Бундан ташқари мулоқот сизнинг ўрганишингиз учун ҳам қулайлик туғдиради.

## **Моддий ва маънавий зарар келтирувчи сигареталарни чекмасликка ҳаракат қилинг.**

*Чекиши инсонни ўлдиради.*

*Чекиши инсон саломатлиги учун хавфли.*

*Ўзбекистон соглиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради.*

Сигарет чекадиган инсонлар, умуман олганда, чекмайдиганларга нисбатан ёмонроқ эслаб қолади. Чекиши юракка оид касалликларни келтириб чиқариб, у хотира йўқолишига таъсир қиласди. Биламизки, чекиши ўпкага таъсир ўтказиб, у ердаги қон томирларини қисиб қўяди ва кислород мияга камроқ етиб борадиган бўлади.

Чекувчи инсонларда, умумий ҳолда, ақлий вазифалар ҳам камайиб бориши кузатилган. Чекиши асабни тинчлантиради, дейишади, аслида улар сигарет ишлаб чиқарувчи компанияларни бой қилишдан бошқа фойда келтирмайди.

### **Маъноли ҳаёт тарзига ўтиш.**

Кимdir театр, музей, кинога қизиқади, кимлардир куйлашни яхши кўради. Бу спорт ёки кўнгилли хизмат қилиш бўлиши мумкин. Ҳаётдан маъно топиб, қизиқишиларингизни аниқлаб, улар устида ишланг. Бундай машғулот мақсадларингиз ва орзуларингиз билан бир маромда бўлиши мухим. Булар қандай қилиб хотирангизни ривожлантириши мумкин? Оддий, сиз қизиқсан ва маъно топган машғулотлар янги билимлар кўникмасини ҳосил қиласди. Бу борада Эйнштейннинг ўз ўғлига берган маслаҳатидан биз ўзимизга керакли билимни олишимиз мумкин:

*«Қадрли ўглим Альберт,*

*Кечак, мен учун қадрли бўлган мактубингни олдим, бундан мен жуда баҳтиёр бўлдим. Менга бошқа хат ёзмасанг керак, деган қўрқувда яшардим. Менинг Цюрихда туришим сен учун ноқулайлик тугдирishiшини айтган эдинг. Шунинг учун энди бошқа ҳеч ким бизларнинг эркинлигимизга умуман аралаша олмайдиган жойда қалбан яшашимиз энг маъқул ва ягона йўл деб ўйлайман. Мабодо согинсанг, бир йилда ҳеч бўлмаса тўлиқ*

бир ойни сен билан ўтказган бўлардим. Нима бўлгандা ҳам, шуни ёдингда тутгинки, сени ҳар доим севувчи ва сенга далда бўлувчи меҳрибон отанг бор. Мен сенга, бир қанча яхши ва ноёб нарсаларни бериш имум мумкин. Меҳнатларим эвазига эришган кўплаб ютуқларим фақатгина нотаниш, бегона инсонлар учун эмас, айнан ўз фарзандларим учун ҳамdir. Шу кунларда ҳаётимнинг нодир қашфиётларидан бирини якунладим, бир кун келиб улгайганингда бу ҳақда ўзим сенга айтаман.

Пианинодан роҳатланаштаганинг ва қизиқишининг мени жуда хурсанд этди. Мен, пианино ва дурадгорлик сенинг ёшинг учун мактабга қарагандা ҳам яхшироқ овунчоқ бўлади, деб ўйлайман. Чунки бу ҳунарлар, сенга ўхшаган ёш ўсмирлар учун ҳам энг лойигидир. Энг асосийси, сенга ҳузур, роҳат баҳши этувчи куйларни ижро эт, ҳаттотки ўқитувчининг буни сенга топшириқ қилиб бермаган бўлса ҳам. Қачонки бирор ишни қизиқиши билан, роҳатланиб қилганингда вақтни қандай ўтиб кетганини сезмай ҳам қоласан, мана шу йўл энг тўғри ва кўп нарсанни ўрганиши ўйлидир. Мен баъзида ўз ишинга шундай берилуб кетаманки, ҳаттотки тушлик қилишини унугиб қўяман.

Сени севиб қолувчи, даданг!»

Қисқаси, хотирангизни ривожлантиришнинг яна бир аниқ йўли бу қизиқиши ошириш бўлиб, мабодо сизда бу қизиқиши йўқ бўлса, уни пайдо қилиш йўлларини ахтаринг. Худди шундай йўллардан бири бу савол бериш бўлиб, «Менга буни ўрганишдан нима наф бор?» каби саволларни бера туриб, уларга 10 та жавоб топсангиз, жавобларингизни мақсадларингизга бирлаштиринг. Қарабисизки, қизиқувчан кучли хотирага эга бўласиз. Қизиқишининг ортиши мазмунли ҳаётнинг бир қисми бўлса, не ажаб. Мазмунли ҳаёт умрингизни ранг-баранглик билан тўлдиради. Бундай қизиқишига эга бўлиш депрессига қарши курашишга ёрдам беради ва стрессни енгишшига олиб келади. Бир ўқитувчини танирдим, у олма тановул қилишни жуда яхши кўтарди, бу нарса унга жуда катта завқ-шавқ бағишлиарди.

## **Алкогол ва психотроп моддалардан сақланинг**

Сиз жуда фойдали деб билган нарса миянгиз учун заарали бўлиши мумкин. Одатда дам олиш ва роҳатланиш учун ичилади, лекин бу мияга зиён. Алкоголга **йўқ**, деб айтинг. Марихуана ёки халқ тилида наша деб аталувчи нарсага умуман яқинлашмаслик даркор. У миянгизга худди булатдек ёпирилиб, хотирангизни ёпди ва диққат-эътиборни жамлай олмасликка олиб келади. Дори кўп ичувчи инсонларга ҳам маслаҳатим: бунга боғланиб қолмаслик даркор, негаки ҳар бир дорининг ён таъсирлари бор, шундай таъсирлар хотирани суайтиради. Тиббиёт вақтингча ёрдам холос, унинг ўрнига табиий даволаниш йўлларини ахтарган маъқулроқ ёки олдини олиш керак.

## **Лозим бўлса, уйқу учун етарлича вақт ажратинг**

Ухлаган пайтимизда маълумот қайтадан қўйила бошлайди. Олимлар буни – қайта кўриб чиқишни текшириб кўришиди, ахборотни ўрганишингизга асқотувчи нейронлар ухлаётган пайтингизда яна қайта фаоллашади ва натижада ўша нейрон йўлакчалари мустаҳкамланади.

Абитуриентлик пайтимда жуда катта маълумотни ёдлашга тўғри келарди, ўқишига киришга бўлган талаб юқорилиги учун қаттиқ ўқиши ва мавзуни пухта билиш, керак бўлса китобларни ва масалаларни ечиш усувларини ёдлаб юбориш керак бўларди. Баъзида 1 кунда 2-3 та репетиторга боришга тўғри келарди, шундай пайтлари мия тўлиқ қувватда ишлиларди. Шунда ўзимга келиб олиш учун 10-15 дақиқага **қуш уйқусига** кетардим. Бу хотирамдаги айrim маълумотларни ўз жойларига қўйиб қўйишни таъминларди, ўзимни енгил ҳис қиласдирдим. Яқинда интернетдан бир мақола ўқидим, уйғоқ тарзда ухлаш ёки озгина дам олиш ҳозиргина ўрганилган маълумотни узоқ муддатли хотирага ўтказишида қўл келаркан. Очифи, ўзим билиб-бilmай бу қоидани ўзим учун кашф қилган эканман. Ҳозир ҳам бу усулдан фойдаланиб тураман.

Үйқусиз куним – ишимда йўқ ҳеч унум. Үйқу фақатгина миямиз ва танамизни қайта «қувватлаб» қўймайди, балки инсон ўрганиши ҳамда хотирасига тўғридан-тўғри таъсир этади. Келинг, ухламасак нима бўлиши ҳақида сизларга тасаввур берай! 1965 йили, 17 ёшли Ренди Гарднер илмий лойиҳа учун энг кўп соат мобайнида ухламасликни танлади. Қаранг, у бунинг орқасидан анчагина шов-шувга ҳам эришиди ва Гиннеснинг Рекордлар китобига энг кўп табиий рашишда 11 кун ухламаган инсон бўлиб кирди. Олимлар бундай лойиҳага ҳам ўз қизиқишини билдирилар ва уни текшириб кўришди. (Ахир уларга бу текингина «лаборатория каламуши» эди-да). Унинг миясида содир бўлгандарнинг ҳаммаси инсон үйқуси соҳасида ажойиб янгиликлар эди. Аввало, унинг мияси нотўғри ишлашни бошлади. Қисқа фурсатда, жаҳлдор, кўнгли айнийдиган ва ҳеч кимни ҳайрон қолдирмай, ўта толиқди. Тажрибанинг 5-куни унда оғир психик касалликларнинг белгилари кўринди: алаҳсираш (кўчадаги белги унга одамдек кўринди), параноя, ўзини йўқотиб қўйиш ва ҳоказо. Охирги тўрт кунда эса у ҳаракатлана олмай қолди, нутқида ўзгаришлар бошланди. Унга 100 дан бошлаб ҳар бир рақамдан 7 ни айриб бериш сўралганда, 65 рақамига келиб тўхтаб қолиб «Мен нима қилаётган эдим?» деб сўрашдан ҳам тап тортмади. Хуллас, ҳеч кимга бунаقا тажриба қилиб кўришни тавсия қилмаган бўлардим.

Нега бундай ўзгаришлар бўлди? Наҳотки биз ухламасдан юра олмасак? Хотира ва ўрганиш қобилиятимизга қандай таъсир этади бу? Шунга ўхшаш саволларга ҳануз жавоб йўқ, лекин баъзи далиллар кўрсатадики, «уйқусидан қарз» бўлиб қолган одамларда концентрация бузилар экан, оқибатда инсоннинг тоза ва тиниқ фикрлашига таъсир этади, зеҳнни пасайтиради. «Қуш үйқу» деб номланган 15 дақиқалик үйқу ҳам жуда фойдали. Буни, ҳали айтганимдек, ўз мисолимда,abituriyentlik пайтимда синовдан ўтказганман. 20 дақиқалик «қуш үйқу» менга битмас-туганмас энергия туҳфа қиласиди ва энг муҳими, ўрганган билимларимни ўз ўрнига жойлаштириб, худди хотирамнинг бир бўлагида янги хотиралар учун жой ажратиб қўяр эди.

Ухлаётганимизда миямиз бутун кун давомида олинган гигабайтлаб ахборотларни «ҳазм қилиш» билан банд бўлади. Бундай ҳазм давомида ишловчи хотира тозаланиб, янги хотиралар учун жойлар ажратилади. Тушлар кўраётган пайтимизда эса маълумотлар қайта жойланади ва хотиралар мустаҳкамланади. Шунингдек, ухлаётганимизда ахборотлар бизга билинмай такрорланиб чиқади ва хотиралар ўртасида мувозанат пайдо бўлади. Гапнинг индалоси, уйқу биологик эҳтиёж, яшашимиз учун, тирик қолиш учун ухлашимиз даркор.

7-8 соатлик уйқу нормал ҳолат. Баъзида дўстларимни кўраман, 10 соатлаб ухлашади, бу ҳам ўзининг салбий то-монларига эга. Бу ҳақида кейин тўхталармиз. Биласизми, баъзан ўзим яхши ухлай олмасам, эртаси куни ўқишида, маърузаларда фаол қатнаша олмайман ва айрим ҳолларда дарс давомида бирпас ухлаб оламан. Менинг уйқусиз куним ўз мазмунини йўқотади, унумсиз кунга айланади. Танамизнинг ўзига хос уйқу соатлари бўлиб, бу вақтларда у уйқуни талаб қилади, бу пайтларда танангиз истагига қулоқ солинг. Ухлаш муаммо бўлса, шифокорга мурожаат қилинг.

Шундай экан, хотирамизни яхшилашнинг ишончли усуларидан бири бу доимо уйқудан қарз бўлмаслик, соғлом турмуш тарзига риоя қўймоқлик. Доимо эсда туting: уйқу сизнинг дўстингиз.

### **Хотирамиз душманлари**

*Бу дунёда фақатгина ўз қўрқувини ютган,  
ўзини ва дангасалигини енгган инсон  
муваффакиятга эришади.  
Хавиер Эрнандес*

Баъзида шундай бўладики, муаммо аслида хотирангиз билан эмас, балки хотирангиз душманлари, яъни бошқа муаммолар билан боғлиқ бўлади. Масалан, дангасалик. Бундай муаммоларни жуда кўпчиликда учратиш мумкин. Нима қилиш керак? Ўқувчилик пайтларимда бундай муаммони ҳис қилганман. Лекин ҳозир буни йўқотишга аҳд қилган-

ман. Ҳар доим кейинги кунимни режалаштиришга, аниқ мақсадлар билан иш тутишга ва истакларимга кўра режаларга эга бўлганимдан кейин секин-аста дангасалик йўқола бошлади.

Неврологик касалликлар ҳам хотира душманлари қато riga қўшиш мумкин. Бу касалликлар рўйхатига биринчи навбатда Альцгеймер касаллигини киритиш мумкин. Бу миямиздаги жуда кўплаб нерв толаларининг йўқолиши оқибатида ва қариш натижасида келиб чиқилади. Ундан ташқари инсульт ҳам миямизнинг тўғри ишлашига таъсир қиласди. Психологик муаммолар ҳам масалан, депрессия ҳолати нафақат инсонлар хотирасига, балки яшаш тарзига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Дементия, яъни ақлий салоҳиятнинг су сайиши қолишни айтмаса ҳам бўлади, қариганда деярли кўпчиликда учрайди. Доимо миянгизни асрашга ҳаракат қилинг ва хотирангиз душманларини енгишга урининг.

### **Ортиқча стрессга тушмаслик ва асабийлашмаслик**

Стресс бу – кучли таъсирлар натижасида содир бўладиган кучли ҳаяжон ва асабий ҳолат. Стресс сўзининг маъноси ҳам босим ва кучланиш деган маънони беради. Стресс ижобий ва салбий бўлади, стресснинг йўқлиги ўлим билан баробар, деган эди бир аллома. Лекин доимо стресс билан юриш, ташқи таъсирларга ўта кўп реакцияда бўлиш салбий таъсирларни келтириб чиқаради.

Билингки, ҳар нарсада меъёрни белгилай олмасангиз, стресс, депрессия ва кам уйқулилик кабилар миянгиз янги хотиralарни яратишига қаршилик қиласди. Агар мабодо кўп жаҳлингиз чиқиб, асабийлашсангиз, дейлик, имтиҳон пайтида ҳаммасини эсдан чиқариб қўяман, деб хавотирланаверсангиз, ўйлаган фикрингиз башорат бўлиб амалга ошади – имтиҳонни жуда ёмон топширасиз. Ишиңгиздаги босим ва стресслар хотирангизни сусайтиради ва толиқтиради, бундай тезкор замонда ҳар бир инсон эътибор дефицити касаллигига учраганга ўхшайди. Бундай ҳолатларда миянгизга дам беринг.

Үта кучли стресс оқибатида эса миянгиз паришенхотир бўлиб қолиб, эътибор сусаяди ва қисқа муддатли хотира ёмонлашади. Нима учун стресс хотиранинг йўқолишига сабаб бўлади? Стресс ҳолатига тушиб қолганингизда, танангиз «кортисол» деб номланган гармонни ишлаб чиқаради. Бу гармоннинг асосий вазифаси ҳаёт учун муҳим саналган органларга (юрак ва нафас олиш системаси) кўпроқ энергияни етказиб беришдир. Бунга сабаб, стресс пайтида сизнинг муҳим органларингизга ортиқча юк тушганлиги учун, уларга катта энергия керак бўлади. Мисол учун, юрак тез ура бошлайди. Бу стресс гормони гипокампусни (миядаги бу орган янги хотираларнинг сақлаб қолинишига жавобгар) қобилиятларини чегаралаб қўяди. Оқибатда, сиз янги маълумотни ўрганганингизда у қисқа муддатли хотирага ўтади, узоқ муддатли хотирага ўтиш эҳтимоли камаяди. Узоқ муддатли хотирага ўтмаган маълумотни тўғри эслаб қолища муаммолар юзага келади.

Баъзида стресс жуда фойдали бўлиб ҳам чиқади. Негаки инсон стресс ҳолатида бўлса, ақл бовар қилмас кучга эга бўлиши мумкин. Бундай ҳолатни, айниқса, имтиҳон олдидан сезганман, бутун семестр давомида ўқимаган китобни 2-3 кун мобайнида тутгатиб имтиҳонга тайёр бўлиб кирадим, албатта стресс туфайли. Стресс бизни вазиятдан олиб чиқиб кета оловчи «қувват» беради. Аммо доимий ёки ҳаддан зиёд стресс ҳолатига тушиб қолиш, миямизни ўчириб қўяди, фикрлашга таъсир қиласди, хотирани сусайтиради ва миямиздаги нерв ҳужайраларни ўлдиради. Бир танишим бўлар эди, унга қойил қолардим, ёши 40 дан ошган бўлса ҳам телефон номерларни ёки машина рақамларини жуда яхши эслаб қоларди. Лекин ҳаёт бешафқат экан, у бирин-кетин энг яқин икки инсонидан ажралиб қолди – отаси, турмуш ўртоғи. Бу унга қаттиқ таъсир қилди, бу эмоционал ташвиш фикрлашида ва хотирасида акс этмай қолмади. У энди кам маълумотни эслаб қоладиган бўлди. Хўш, бу борада ечим қандай бўлади?

### **Стресс менежментга оид тавсиялар:**

\* Дам олишга ва ҳордик чиқаришга вақт сарфланг. 15 дақиқа бўлса ҳам ўзингизга ёқадиган бирон-бир ишни ба-

жаринг. Табиат қўйнида сайр ҳам стрессни камайтиради, деб таъкидлашади олимлар.

\* Кечки яхши уйқу ҳам стрессни олади ва релаксация усуларини ўрганинг.

\* Визуализация – тасаввур орқали стрессга қарши кураш. Ҳеч ким сизга халақит бермайдиган жойга боринг-да, ўзингиз орзу қилган жойингизни тасаввур қилинг, кўпчилик денгиз қирғофида бўлиб қолишни маъқул кўради бундай пайтларда. Ўзингизга энг ёқсан ҳид, манзара, тасаввурларга берилинг. Океан овози. Қуёш, ҳақиқий дам олишни кўз олдингизга келтиринг.

\* Вазиятингизга сабаб бўлган ҳолатларни кузатинг ва иложи борича улардан қутулишнинг пайига тушинг.

\* Классик мусиқани тинглаш ўзининг позитив эфектларини беради.

\* Медитация, йога машғулотлари ёки оддий нафас олиб чиқариш ҳам фойдали. Медитация ҳақида олдинги бобларда таъкидладим, илмий тадқиқотлар унинг стрессга қарши яхши восита эканлигини кўрсатмоқда. Қуйидаги энг содда медитация машқини ўзингиз хоҳлаган пайтда хоҳлаган ҳолатда ишлатишингиз мумкин.

Бу, албатта, қисқагина рўйхат, аслида уни чексиз давом эттирса ҳам бўлади. Балки сизда ўзингизнинг стресс менежмент бўйича усуllibарингиз бордир, нима бўлса ҳам миянгизга қулоқ солишини ўрганинг, агар усулингиз фойда берса, уни барқарор ишлатиб янада мукаммаллаштиринг.

## 8-масиқ

1. Тўғри ўтириб олинг, роҳатланган ҳолда, оёқларни бирлаштириб, қўлларингизни тиззанинг устига қўйинг. Ўтирган жойингизда сизга халақит берадиган нарса бўлмасин. Тоза ҳаводан баҳра оладиган жой бўлса янада яхши.

2. Кўзингизни секин-аста ёпинг, ўзингизни фикран роҳатлантирувчи ҳолатга қўйинг, психологик тайёрланинг, кўзларни юмган ҳолатда нафасни бурундан олиб, оғиздан чиқарамиз. Нафас олингандা иложи борича ўпкани кислородга тўлдиринг. Нафас

*чиқараётганда барча салбий ҳисларни ўзингиздан си-  
қиб чиқариб ташлашга урининг.*

3. Энг муҳими – хаёлингизга турли фикрлар кела бошлайди, сиз уларга эмас, нафас олиши жасараёнинг эътиборли бўлинг. Бу сизни ҳаётдаги муаммолардан ўзингизга келишига ундаиди. Буни бир-икки ҳафта доимий қилсангиз, натижасини сезасиз, бошида худди ҳаёлингизни бузадиганга ўхшайди. Бу оддий ҳолат машқлар орқали яхшиланади ва доимо фикрни нафас олишига қаратинг.

Миямизнинг ритмик фаолияти кузатилганда унда бир қанча тўлқинлар борлиги аниқланган, булар алфа, дельта, бета, гамма тўлқинлари. Бета бу доимий фикрлашдаги 30 герцгача бўлган тўлқинларга, дельта ухлаётгандаги қаттиқ уйқуда, гамма иккита ҳиснинг кесишганига айтилади. Улар ичидаги энг муҳими бу альфа тўлқинлари ҳисобланади. Альфа тўлқинлари роҳатланаётган ҳолатда, ҳам жисмонан, ҳам руҳан, одатда, бир секундда 7 дан 13 тага тўлқин беради. Кундалик ҳаётда кимда-ким бета тўлқиндан алфага ўта оладиган бўлса ўша инсон янги ахборотни яхши қабул қиласди, хотираси кучли, стрессга қарши кураша олади, инсон намоз ўқиётганида ҳам айнан альфа тўлқинларини чиқариши хотиржамлик ва осойишталикни белгисидир. Бу мия тўлқинларининг стресс ва медитацияга қандай алоқаси бор? Гап шундаки, кўп медитация қилувчи инсонлар айнан алфа тўлқинларини кўп мароталаб ҳис қиласди. Хуллас, медитация қилмасдан унинг нечоғлик фойда беришини билолмайсиз, буни қилиб кўриш керак.

Ҳаётингиздаги асабий ҳолатларнинг ҳаммасини бошқара олмайсиз, лекин уларга бўлган муносабатингизни ўзгартиришингиз мумкин. Кимларгадир йога ёки саёҳат қилиш, кимгадир аэробик машқлар ёки фитнес билан шуғулланиш қўл келиши мумкин.

*Стрессга алоқадор бир қизиқ воқеа билан бу бўлимга якун ясайман. Бир қуни психолог ўқув хонасига кириб, стресс менежмент бўйича дарс беришини айтди. Шунда у қўлига бир стакан сувни олди. Ҳамма бу психолог ҳозир «Стакан тўла-*

ми, яримми?», деб сұрашини ўйлаб турғанида, ўқитувлы бошқача савол беріб ҳаммани ҳайрон қолдирди. Бу стаканни оғирлигі қанча, деб сұради. Талабалар 50 граммдан тортыб, 100 граммгача тахминларини айтшиди.

Шундай деди: «Хақиқий вазн бундай үлчанмайды. Бу стаканни ким қанча мұддат үшлаб турғани билан bogliq. Агар уни бир дақықа тутиб тұрсанғыз, бу муаммо әмас. Бир соат үшлаб тұрсанғыз құллингизде оғриқ пайдо бўлади. Бир кун үшлаб тұрсам, менинг құллим шиламай қолади. Хар қандай ҳолатда стакандаги сувнинг вазни ўзгармайды, қанчалик узоқ вақт үшлаб тұрсам, шунчалик оғир бўлаверади. Худди шундай стресс ва ҳаёт мұммолови ҳам бир стакандаги сувга ўхшайди. У мұммолов ҳақида озгина ўйланғ, ҳеч нарса бўлмайды. Озгина кўпроқ ўйласанғыз улар сизга жароҳат берииши бошлиайди. Ва агар сиз стрессга тушиб кун бўйи ўйлансанғыз, құллингиз ростданам шиламай қолади».


Қиссадан ҳисса, стрессни ўтказиб юборишини, қўйиб юборишини ўрганинг. Қанчалик эрта бўлса шунчалик соглигинги га фойда. Уларни куну тун кўтариб юришини мўлжасалламанг, аксинча, стаканни қўйиб қўйишни ўрганинг.

### **Тановул қилинаётган овқат жуда муҳим**

Тановул қилган овқатингиз миянгизга тўғридан-тўғри таъсир қиласди. Айтадилар-ку, биз нимани тановул қилсак айнан үшанинг аксимиз. Доимо етарлича мева ва сабзавотларни тановул қилинг ва дон маҳсулотлари билан бирга, шунингдек, ёфи кам бўлган маҳсулотларни тановул қилинг.

Бу овқатлар сизда холестереолни камайтиради ва юрак қон томирларини тоза сақлади. Оқибатда сизда юрак қасалликлари кам учрайди. Мева ва сабзавотлар витаминлар манбаи бўлиб, сизни ёшартирадиган восита ҳам ҳисобланади.

Тўғри овқатланиш ўртача вазнни сақлаб қолишга ҳам ёрдам беради, ортиқча вазнга эга бўлиш сариқ касаллиги, қанд касаллиги ва юрак ҳамда қон томирлари, шунингдек қон босими бўйича касалликларни келтириб чиқариши мум-



**25-расм. Соғлом овқатланиши тарелкасы.**

кин. Сунъий овқатларни кам тановул қылнинг, уларга одатта, химикатлар құшылған бўлиб, организмимиз бунда қиынчиликка дучор бўлади (25-расм).

Ёндоқ тановул қылниси хотира муаммоларидан қочиш борасида бир қадам ҳисобланади. Фақат меъёр ёддан чиқмаса бўлди. Олмани ұам кўп тановул қилиб туриш миямиз хотирасига ижобий таъсир кўрсатиши кўп исботланган.

### Иложи борича, витаминалар қабул қылнинг

Витаминалар доимо инсон ҳаётида муҳим роль ййнайды. Қайсиидир витаминнинг етишмаслиги касалликни келтириб чиқариши мумкин. Витаминалар, шунингдек, косметологияда ұам муҳим рол ййнайды.

Витамин С кўпгина ҳолатларда антиоксидантларни танамизга бериб, ёш ўтгани сари хотирамиз сусайишига қаршилик кучайиб бораракан, ҳатто Альцгеймерга ұам қарши.

Витамин С, шунингдек, танамизнинг касалликка қарши курашиш қобилиятини кўтаради. Қон томири тизими ва терида доғлар пайдо бўлмаслиги учун зарур. Бу витамин барча цитрус меваларда, қулупнай, малина, карам, петрушка, укроп, қизил қалампир ва бақлажонда кўп бўлади. Бу витамин тери, соchlар ва тирноқлар учун жуда керакли. А витамини етишмаса терингиз дағаллашади, тери тез қуруқшаб, кўчади. Сочларингиз қуруқшаб, тез синадиган бўлиб қолади. Бу витамин балиқ ёғи, буйрак, жигар, сабзи, ўрик ва қаролида кўп бўлади.

**Витамин Б1.** Бу витамин углеводлар алмашинувини мўътадиллаштиради, асаб тизими, ҳужайралар ва ошқозоничак тракти фаолияти учун зарур. Ақлий ва жисмоний фаолият билан кўп шуғулланувчилар бу витаминни кўпроқ искеъмол қилишлари керак. Соч кўп тўкилиши ва оқариши шу витамин етишмаслигидан далолат беради. Бу витамин сут, мол гўшти, чўчқа гўшти, нўхат, картошка, юрак, жигар ва буйракда кўп бўлади.

**Витамин Б2.** Бу витамин етишмаса, юзингизда ҳуснбузар пайдо бўлади. Лаб ва оғиз атрофи тез ёриладиган бўлади. Бу витамин хамиртуруш, тухум, сариёф, сут, жигар, буйрак, балиқ, гўшт ва товуқ гўштида кўп бўлади.

**Витамин Б3.** Пигментация учун жавобгар. У етишмаса соч оқаради. У барча турдаги ўсимлик ва гўштларда бўлади.

**Витамин Б6.** Асаб тизими ва оқсиllар алмашинуви учун зарур. Бу витамин жигар, сут, картошка, сабзи, тухум, сариёф, гуруч, бугдой ва карамда кўп бўлади.

### **Рози бўлманг, миянгиз ёмонлашишига рози бўлманг** **Аниқ ва тўғри ақлий муносабат зарур**

Ишонч – ...ким билади, ўзингизга ишончингиз юқори бўлса, хотирангиз мустаҳкамланиши мумкиндири. (Ўз-ўзини тўлдирувчи башорат). Биз кўпинча хотирам ёмон деб ўзимизни ишонтирамиз, оқибатда, миямиз ҳам бунга ишонади. Айнан шунинг ўзи тўлдирувчи башорат дейилади. Плат-

себо эфекти тиббиётда исботланган-ку! Платсебо эфекти бу беморларда касаллик даволанмаётганда, уларга дори сифатида қандни бериб, доктор бу дори сизни даволайди деб таъкидлашда кўринади, ишонган бемор эса қандни дори деб ичганидан кейин ишонгани учун тузалиб кетади. Шунинг учун, хотирангиз яхшилигини таъкидланг ва натижада, ўз-ўзини тўлдириб, хотирангиз янада ривожланади. Аммо билib қўйинг, хотирам яхши деб, олма пиш оғзимга туш деб ўтируманг, ҳаракатда баракатлиги бежиз эмас, хотирангизни ривожлантириш учун ҳаракат қилинг.

Миянгиз исталган пайтда исталган информацияни эслаб қолиши мумкин, фақат бунда тўғри ақлий қарор, стрессдан холи ҳаёт, эътиборни бир жойга жамлаш, бошқа ишларга чалғимаслик ва албатта, фундаментал хотира принципларини татбиқ қўлсангиз бас. Мнемониканинг сизга берадиган энг катта дарси шуки, сиз мақсадли ёдлаш орқали хотирангиз номукаммаллигини мукаммалликка айлантиришингиз мумкин. Бирон бир хабар хотирамизда қолиши учун бир қанча шароитлар мужассамланиши керак албатта.

Хотирангизни ривожлантириш ўз қўлингизда. Ҳаммасини ўзингиз танлайсиз, танловингиз туфайли хотирангиз ҳам ривожланади, кундан кун, бирма-бир бир қадамдан ўзгартиришни мақсад қилиб олинг.

## ҚИСҚАЧА МАЗМУН

**МУКАММАЛ ХОТИРА – китобнинг номига монанд, ушбу мнемоник сўзда қўйидагилар мужассамлашади:**

- ✓ Машқларни давомий қилиш керак
- ✓ Ушбу ҳаётда тартибга эга бўлинг
- ✓ Керак бўлса доимо янги нарсаларни ўрганишга вақт ажратинг
- ✓ Атрофдагилар билан кўпроқ суҳбат қуришга интилинг
- ✓ Моддий ва маънавий зарап етказувчи сигареталарни чекмасликка ҳаракат қилинг
- ✓ Маъноли ҳаёт тарзига ўтинг
- ✓ Алкогол ва психотроп моддалардан сақланинг

- ✓ Лозим бўлса, уйқу учун етарлича вақт ажратинг
- ✓ Хотирамиз душманлари
- ✓ Ортиқча стрессга тушмаслик ва асабийлашмаслик
- ✓ Тановул қилинаётган овқат жуда муҳим
- ✓ Иложи борича, витаминлар қабул қилинг
- ✓ Рози бўлманг, ҳечам миянгиз ёмонлашишига рози бўлманг
- ✓ Аниқ ва тўғри ақлий муносабатга эга бўлинг.

**ТЎРТИНЧИ БОБ.  
ИНТЕЛЛЕКТ, ХОТИРА, МУСИҚА**

*Интеллектуал коэффициентингиз (IQ – ай кю)*

*125 дан ошганидан сўнг, муваффақиятга  
эришсангиз-да, у ҳеч қандай роль ўйнамайди.*

*В. Баффет*

Чет элда интеллект деганда ҳамма IQ (ай-кю) тестини кўз олдига келтиради. Бу ақлий қобилият ва имкониятларимизнинг мажмуй ҳисобланади. Шунга кўра, ҳар бир инсон муқаррар бир қобилият билан таваллуд топган ва уни ўлчаса бўлади деб таъкидлашади.

Айнан ушбу тест орқали биз инсон мияси ва унинг интеллектига боғланиш ҳосил қиласми. Хотирага бунинг қандай боғлиқлиги бор, дейишингиз мумкин. Гап шундаки, ақлий салоҳияти юқори бўлган инсонлар доимо ўзлари учун ўрганишнинг осон йўлларини қидириб топади ва шу усулда ривожланади, хотираси ҳам юқорироқ бўлади.

Ақлий қобилиятларни наслдан-наслга ўтиши 40-60% бўлади. Лекин нега баъзи оилаларда ақлий инсонлар кўпроқ? Шу хусусда баъзан ўртоқларим билан баҳслашиб кетаман. Бир гал баҳсимиз қизғин дебатга айланиб кетган, лекин, мен бундай дебатлардан ўзимни йироқ тутишга ҳаракат қилиб, одатда, саволимга илмий адабиётлардан жавоб излайман. Илмий адабиётда эса табиатанми ёки тарбия натижасими, деган мунозара деярли охирига етгани йўқ, яъни бунга кўра инсоннинг муваффақиятига, таланти табиат томонидан инъом этилинганми ёки тарбия боисидан шундайми, деган маса-

лага ойдинлик ахтарилади. Шундай экан IQ кучлилiği, шуннингдек, хотира кучлилiği-чи, у нимага боғлиқ? Баъзан ақлу зеҳни кучли одамларнинг фарзандлари бундай бўлишмайди, баъзан эса аксинча. Мен, умуман, одамларни бу тариқа тоифалашга қўшилмайман. Ҳа, иқтидор табиатан берилади, лекин кейин одамнинг ҳаракатларига ҳам кўп нарса боғлиқ бўлади ахир, бунда муҳитнинг аҳамияти ҳам бор. То-мас Эдисон айтганди: муваффақият бу 1 % омад, 99 % пешана теридан иборат ва бу гапга хатто Эйнштейн ҳам қўшилиб шундай деган: «Агар A бу хаётдаги муваффақият бўлса, муваффақият = $x+y+z$ . x – ишлаш, у – қандай ўйнаш ва z – сукут сақлаш йифиндисидан иборат»

IQ си энг баланд одам Мерилин Вос Савант ҳисобланар экан, унинг IQ си 228 бўлиб, у 10 ёшида ақл нима деган саволга берган жавобига эътибор қаратинг: «Ақлнинг ўзи бу ҳақиқатни қидириб диний, оиласвий, ижтимоий ва бошқа муаммоларга алданмайди. Бунинг учун жасурлик ва ҳиссий барқарорлик даркор. Мени даҳо деб аташади, чунки мен воқеаларни совуққонлик ва холис тарзда кўриб чиқаман. Интеллектни ривожлантирувчи нарсаларга математика ва ядро физикаси киради, расм ва шунга ўхшаган санъатлар эмоция холос».

Баъзилар, кимда-ким юқори IQ тестга эга бўлса, у яхшироқ эслаб қолса керак деб ўйлайди. Бу гапда, қайсиdir мънода, жон бор, ахир ақллироқ инсон билан IQ си паст бўлган инсоннинг хотирасини текширсангиз, ақллироқ инсон яхшироқ эслаб қолади. Бунга асосий сабаблардан бири, ақлли инсонларни ўзлари ҳеч қандай мнемоник техникаларни билмасдан ҳам эслаб қолишнинг осон йўлларини ёки ўрганишнинг самарали усувларини ўз-ўзидан топиб қўллашар экан. Лекин агарда сиз бир хонага ўта кучли IQ га эга бўлган шахсни қўйсангизу ва у ҳеч қандай хотира техникаларидан хабардор бўлмаса ва у билан беллашгани IQ даражаси ўртacha бўлган ҳамда хотира техникаларидан ҳабардор инсонни қўйсангиз, мнемотехникани биладиган ақлсизроқ инсонғолиб бўлади. Чунки эслаб қолиш ўрганса бўладиган қобилият ҳисобланади. Бу худди бошқа қобилияtlар сингари ривожлантирса бўладиган қобилият – буни ҳар ким қилиши

мумкин, худди велосипед минишни ўрганиш учун аввал қийналиб, кейин вақт ажратиб уни ўрганиб олганингиз сингари. Балки шунинг учун ҳам Бутунжаҳон Хотира Чемпионатида дипломи бўлмаган инсонлар ҳам ажабтовур қобилиятларга эга бўлмоқда.

IQ тестларини кўпчилик маъқулласа-да, шахсан мен уларни ёмон кўраман, улар сизнинг IQ тестларидан қанчалик яхшилигингизни кўрсатади, холос. Берклей Институтида инсон ижодкорлигига доир тадқиқот ўtkазилганда, кимнидир IQ даражаси юқори бўлса у албатта фикрлашда эркин деган фикрни олиб ташлаган: улар яна ҳаракатларда эркин, гўзалликни қабул қилувчи, доимо ҳамма нарсани тарозига солувчи, оригинал эмаслигини келтириб берди. Кўрсаткичлар сизнинг иқтидорингизни чеклаб қўяди. Бу худди Эйнштейн билан бўлган воқеадек: ўқитувчилари Эйнштейн ҳақида гапириб, умуман математикани ўргана олмайди, дейишади, лекин, пировардидা, у физикадан даҳо бўлиб етишди.

IQ баланд бўлган инсонларга хос парадокс – интеллект юқори бўлган инсонлар катта муваффақиятга эришмаган! Бунга сабаб нима? Ўртacha интеллект соҳиблари жуда ақлли инсонлардан кўра кўп муваффақиятга эришади. IQ тест бу XX асрда шундай бир нарсага айланди, унда юқори балл олиш худдики қайсиdir гуруҳга аъзо бўлишдек бўлиб қолди. Бунинг оқибатида Менса ташкилоти тузилиб дунёдаги ақлий салоҳияти кучли инсонларни бирлаштириди. Улар орасида оддий усталардан тортиб то миллионерларгача бор эди. Йилда бир учрашувлар ўтказиладиган бўлди ва улар ҳақида турли латифалар ҳам ўйлаб топилди, масалан: Менсанинг 120 нафар вакили бир хонада тўпланса ва улардан бир мавзу бўйича 121 та фикр чиқаркан.

### **IQ ва Менса Парадокси**

Менса ташкилоти 1946 йилда ташкил топган бўлиб ўша 2 % аҳолининг IQ тестларига эга бўлганлардан ташкил топган. Бу худди маҳфий гуруҳдек ёки алоҳида одамлар бўлиб, ўзларининг юқори интеллекти билан ажralиб туришади-да.

Лекин ҳозирда интернетда Менса Парадокси деган сўзга дуч келамиз. Парадокс бу икки-уч фактларнинг бир-бирига тўғри келмаслигига айтилади. Менсадаги парадокс шундан иборатки, улар IQ тестларида шунча юқори балл тўплаган бўлса ҳам деярлик кўпчилиги ўртacha инсонлар. Яъни улар оддий ишларда ишлайди – профессор, ўт ўчирувчи, актёрлар, аскар ва оддий ишчилар. Агар улар шунчалар ақлли бўлса, нимага уларнинг ҳаммаси ўта бой эмас ёки машҳур бўлиб, халқаро мукофотларни олишмаган, шунингдек, улар ўз соҳасида бошқалардан устун эмас?

Биргина сабаб – Менса ташкилоти одамларга эътибор беришдан кўра тестнинг ўзига кўпроқ қарашади ёки тестнинг ҳақиқий интеллект ўлчови деган тушунчага ёпишиб олиши, менимча. IQ тестининг дарфаси Люс Терман 1528 та IQ дан юқори балл олган ўқувчиларни йилма-йил кузатиб боради. Бу кузатув ўша вундеркинд болаларнинг ҳаётдан кўз юмишларигача давом этди. Уларнинг касблари тозаловчи, оқсочдан тортиб доктор, ҳуқуқшунос ва дори яратувчиларгача бўлган. Қизиқ, уларнинг ҳеч бири Нобел мукофотини олмаган. Баъзида Менса аъзолари ўғрилик қилганлари учун ҳам ушланганлиги бу натижаларнинг сохталигини асослайди гёё. Хулоса шуки, 140 дан ортиқ балл бўлиш шарт эмас, эпиграфда айтилганидек IQ ўта юқори бўлиши ҳам шарт эмас.

Нима интеллектуал қобилиятдан устун ва нимага эътибор бериш бизни ҳаётда муваффақиятли қиласи? Ҳозирда ҳиссий интеллект ва амалиёт интеллектлар ҳамда турли соҳаларга алоқадор жуда кўплаб интеллектлар таърифланмоқда, бу эса ақлий қобилиятимиз турли интеллектлардан иборатлигини билдиради. Илмий муҳитда ҳурмат қозонганларда ҳиссий интеллект ёки эмоционал интеллект бўлади. Айнан у қайсиdir маънода бизнинг нима учун IQ дан юқори бал олиб туриб ҳам ҳаётда муваффақиятга эриша олмаслигимизни исботлайди. Ҳиссий интеллект деб инсоннинг ҳиссиётларни қабул қилиш, бошқариш, таҳлил қилиш ва уни ифода этишига айтилади. Ўз-ўзини мотивация қилиш ҳамда қийин ҳиссий ҳолатдан чиқиб кетишларга ҳам айтилади. Ахир ўйланг, сизда IQ жуда юқори бўлса-ю лекин оддий ҳиссиётларин-

гизни бошқара олмасанғиз, бундай интеллектдан нима фойда? Үндан ташқари, ҳозирда ҳиссий интеллект баъзи мактабларда ёш болаларга ўргатилмоқда ҳам, натижалар яхши. Бу айниқса, бизнес оламида катта эътироф билан қабул қилинди. Кўплаб бизнес компаниялари ишчиларининг ҳиссий интеллектини ривожлантириш бўйича ҳам тренинглар ўтказмоқда. Тадқиқотлар ҳам кўрсантики, кучли лидерлик қобилияти соҳиблари юқори даражада ҳиссий интеллект соҳиби бўлади ва бунинг натижаси ўлароқ, менежерлар ҳамда бизнес лидерлари учун айнан муҳимлигини айтилмоқда. Ҳаётдаги муваффақиятда IQ нинг ўзи камлик қиласи. Ҳиссий интеллектни ривожлантирган инсон IQ да ҳам устун бўлади. Нима бўлса ҳам, буни англаб етиш сизни ўз қобилияттaringизга холисона баҳо беришга олиб келади. Бундан ташқари, Ховард Гарднер, инсон интеллекти кенг миқёсдалигини таъкидлаб, бунга янгича қараш кераклиги бўйича китоб ёзди. Қизиқ далилда айнан шу ҳақида тўхталамиз.

## ҚИЗИҚ ДАЛИЛ! ОЛИЙ ҲАКАМ КИМ?

Ким кимнинг ақлли эканлигини аниқлайди? Кимнинг ақлий салоҳияти кучли? Уни қандай ўлчасак бўлади? Бу саволларга жавоб бериш мушкул. АҚШда ilk ташкил қилинган IQ (ай-кю) тестлари кўп жиҳатдан ақлий салоҳиятларни ўлчашда фойдаланилган, аммо ҳозир унинг натижаларига кўпчилик эътибор бермайди. Бунга сабаб кўп сонли интеллект назарияси.

1983 йил Ҳовард Гарднер ўзининг машҳур теориясини олдинга сурди. Унга кўра одамлар бир дона яхлит интеллектга эмас, балки **кўп сонли интеллект**, ақлий қобилиятларнинг мажмуига эга бўлади. Бу назария IQ тестларининг яққол камчиликларини тўлдирди ва бутун таълим соҳаси вакилларига ёқиб тушди, негаки IQ тестда, асосан, сўз бойлигингиз, визуал-тасаввур ва мантиқий фикрлашга асосий эътиборда

бўлиб, спорт ёки мусиқа соҳасидаги инсонлар мусиқага таланти бўла туриб, даҳо бўла туриб, IQ тестларидан паст балл кўрсатарди. Ўртадаги оралиқни тушунириб бўлмас эди. **Кўп сонли интеллект** назарияси айни шу бўшлиқни тўлдирди. Унга кўра, ҳар бир инсоннинг ўзига хос интеллектуал қобиляти кучли бўлган соҳаси бор, ҳар бир инсон ўзича ақлий қобилиятни намоён қиласди. Дейл Карнеги айтганидек, ҳар бир инсонда яширин қобилияtlар бор, муаммо ўша қобилияtnи қайта кашф қилишда. Гарднер биз 8 та интеллект эгаси эканлигимизни таъкидлайди. Улар **музиқий-ритмик, визуал-кўриш, лингвистик-оғзаки, математик-мантиқий, кинестетик-танага оид, одамларро, шахсий ва табиатан**. 1. Музиқий-ритмикда сиз яхши қўшиқ айтасиз, асбоб чала оласиз, мукаммал эшитив юқори, ритмни ҳис қиласиз, лекцияларда ҳам эшитиб яхши ўрганасиз, балки буюк композитор бўларсиз, сизда бошқа интеллектдан кўра айнан шу қобилият кучли ривожланган. 2. Визуал-кўриш бу умумий инсоннинг интеллектуал қобилияти бўлиб, инсон миясида тасаввур қила олиши, катта расмни яққол кўра олиш билан характерланади, муҳандис ёки рассомлар ажойиб тасаввур ва фантазия соҳиблари ҳисобланади. 3. Лингвистик – оғзаки, бу сўзларни ишлатиш, ўқиши яхши кўриш, тилни билиш ва гапга усталик билан ажралиб туради, айниқса, баҳсларда яққол билинади, ҳуқуқшунос ёки ёзувчиларда юксак даражада бўлади. 4. Математик-мантиқий бу – таҳлил қилиш, муаммо ечиш, илмий жумбоқларга жавоб топишга оид ва кўпинча олимлар ва муҳандис ҳамда бухгалтерларнинг кучли ҳислати ҳисобланади. 5. Кинестетик-тана интеллекти бу танасини яхши тушуна олиш, ўзининг танасини бошқариш, қўл ва оёқларнинг ҳаракатларини кўп бажаришга уринади, раққослар ва спорт ўйинчилари яққол мисол. Леонел Месси ажойиб кинестетик-тана интеллектига эришган бўлиши, аммо математик

тестлардан йиқилиши мүмкін, барибир унинг иқтидори сақланиб қолаверади. 6. Одамлараро интеллект бу – одамлар билан чиқишиш, келиша олиш, муроса танлашға оид, бошқа инсонларнинг ҳиссиятларини ва фикрларини яхши қабул қиласы, улар күпинча психологияндағы савдогар, консультант бўла олади. 7. Шахсий интеллект эса бу – ўз-ўзини англаш билан боғлиқ, ўзларининг ҳислари, фикрлари ва мотивациялари таҳлилида яхши, күпинча орзуманд инсонлар ўз-ўзини ўрганадиган инсонларга айтилади, философ ёки ёзувчи ҳамда назариячилар айнан шу соҳа вакиллари бўлади. 8. Табиатга оид интеллект бу – сиз табиатни яқинроқ ҳис қиласиз, унга бошқа нигоҳ билан қарайсиз ва табиатдаги ўзгаришларга бефарқ эмаслигингизни кўрсатади, улар асосан фермер, боғбон, биологлар вакили.

Умуман, бу назариянинг яна бир ажойиб томони шундаки, сиз бир эмас, бир нечта интеллектуал қобилиятлар соҳиби бўлишингиз мүмкін. Гарчи олимлар бунга илмий исбот кам деб қараса-да, менимча келажакда бу илмий томондан қуролланиб танқидчиларни лол қолдиради. Илмий тадқиқотлар бу назария тўғрилигини исботлаб, янгича тест системаси орқали интеллектингизни бутунлай қамраб оладиган тест чиқади деган умиддамиз. Шундай пайт келади, буни интуиция орқали сезмоқдаман. Шунга қарамасдан, бу назария психологлар томонидан илмий йўналишда эмаслиги учун танқидга учраган бўлса ҳам, ўқитувчилар ва таълим соҳаси вакиллари бутун дунёда бу назарияни кенг қўллашмоқда ва у қайсиydur маънода инсонларнинг ўрганиш усуллари қай ўринда тўғри келишини ҳам кўрсатади (Ўрганиш усуллари ҳақидаги мақоламизни mnemonic.uz да ўқишингиз мүмкін).

Албатта, бу интеллектлар ўзаро бир-бирига таъсир қиласиди, қайси биридан яхши бўлсангиз, бошқа яна бири ўз навлатида кучаяди. Дунё таълим тизимида математика мантиқий интеллектга жуда катта эътибор берилганки, агарда ўқувчи ундан паст билса, ақлий салоҳияти паст ҳисобланади. Тўғри, математикадан яхши бўлган инсон бошқа фан-

ларни нисбатан осон ўрганар, лекин боладаги иқтидорга ҳам эътибор бериш керак. Ўқитувчилар ва ота-оналар ҳеч қачон болани ранжитманг, унинг математикадан яхши шуғулланмаётгани балки унда бошқа интеллектнинг ривожланганлигидан далолатдир. Интеллектуал қобилиятингизни яхши тушуниш ўз навбатида хотирангизни ривожланишига олиб келади.

### Мусиқавий хотира

Бир куни Шоҳаббос деган дўстим менинг хотирам кучлилигини айтиб синамоқчи бўлди, у менга пианинода бир қанча мусиқаларни чалиб, уларни эслаб қолишими айтди. Очиги эслаб қолишга ҳаракат қилдим, ярмидан кўпини эслаб ҳам қолдим, лекин барибир ўхшамади. У менинг устимдан кулди, хотира чемпионатига бормай қўя қол, деб киноя ҳам қилди.

Бу воқеадан сўнг мен нега бундай бўлишини билиш мақсадида яна Google га мурожаат қилдим ва у менга ҳар доимгидек 1 миллионта жавобни берди. Жавоблар билан танишиб, қўйидаги хуносага келдим. Мусиқага алоқадор хотира ёки **мелодик хотира** деб мусиқанинг тони, питчи ва маъносини эслаб қолишга айтилади ва у сўз бойликка тааллуқли хотирадан умуман бошқа усулда ишлайди. Сиз катта сўз бойликка эга бўлиб, лекин мусиқа ёки пианинодаги қўшиқ тизмини эслаб қолмаслигингиз мумкин. Айнан шунинг учун менда сўзларга алоқадор кучли хотира бўлса ҳам, мусиқавий хотири эслаб қола олмадим.

Ҳамма аслида мусиқани биламан, дейиши мумкин, лекин биз у ҳақда илмий жиҳатдан жуда кам нарсани биламиз, мусиқа ноталари номларини ёдан билсак-да, уларнинг айнан нимани англатишини билмаймиз. Мусиқада мукаммал эшитув, мукаммал парда ёки Бетховенга нисбатан айтиладиган ички уқув бирикмасини ҳам ишлатса бўлади, деб ўйлайман. Мукаммал парда бу ҳар қандай мусиқани ноталарсиз ёки ёрдамчиларсиз бир зумда аниқлаб олиш қобилиятига айтилади. Миллионтадан биттагина одамда учрайди-

ган ноёб қобилият ёки инъом бу. Ундан ташқари, мукаммал парда соҳиби мусиқани бир марта эшитгач, қайта ўзи ижро қилиш қобилиятга ҳам эга бўлади. Бу худди кундалик ҳаётингизда столни кўриб стол дейдиган бўлсангиз, мусиқани эшитиб ҳам шундай ҳолатга бориб қоласиз.

Машҳур мукаммал эшитув эгалари:

**Моцарт – композитор**

**Бетховен – композитор**

**Фредерик Шопен – композитор**

**Стевие Вондер – қўшиқчи ва ҳоказо.**

**Рахманинов бир марта эшитган мусиқасини жуда узоқ муддатгача эслаб қолган экан.**

Албатта, бундай қобилиятлар машқ ва шуғулланиш билан юзага чиқмайди, бу табиатан берилиши керак, бунда мнемоника техникалари умуман ип эша олмайди, негаки мусиқани ёдлаш оддий ёдлашлардан умуман фарқ қиласди. Бир куни чойхонада ўтирганимизда шерикларим бир-бирининг мусиқий хотирасини ўлчаш учун тажриба ўтказишиди. Келинг, сиз ҳам бошқаларнинг хотирасини текшириб кўришга ҳаракат қилиб қўринг: бунда сиз бошқа инсонни чақириб, унга қарсаклар чалиб, у қарсакларингизнинг тизимини худди сиздек такрорлаб бериши кераклигини айтасиз. Иложи борича қарсак ритми ва овози ҳамда кетма-кетлигини чалғитадиган даражада қилинг, кейин шеригингиз натижасини солиштирасиз.

## **ҚИЗИҚ ДАЛИЛ! МОЦАРТ ЭФФЕКТИ**

Ҳаммамиз кўп эшитганмиз: рок ва баланд товушли мусиқаларни тинглаш нафақат хотирамиз, балки ақлий салоҳиятимизга таъсир этади, аммо классик мусиқа фойдасини сезишимиз мумкин. Финляндияда бола туғилишидан аввал онага классик мусиқаларни тинглатишади ва натижани қўринг: ҳозирда уларнинг таълим тизими жаҳонда энг юқори ўринда туради.

Демак, ҳомиладор онанинг классик мусиқа тинглаши гўдак ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади ва ўз навбатида хотирасига ҳам. Охирги йилларда мусиқа терапияси деган соҳа пайдо бўлгани ҳам мусиқанинг ҳаётимиздаги ўрнини ошириб юборди. Моцарт эффициенти эса ўша изланишлар орасида пайдо бўлган кулгили ва шу билан бирга ўта муҳим статистик далил ҳисобланади. Унга кўра, агарда сиз бир ҳафта давомида Моцартни тинглаб юрсангиз, сизнинг IQ даражангиз нақд 10 %га ортар экан, яъни сизда фикрлаш ва миясалоҳиятини оширади. Бошқаси эмас, айнан Моцартники экан, қаранг-а! Буни машҳур Стенфорд институти тадқиқотчилари таъкидлашди. Бу эффеクト шу дараҷада оммалашдиди, ҳозирда айнан шу мавзу юзасидан 100 дан ортиқ китобларни ўқишингиз мумкин ва уларда айнан классик мусиқаларнинг 100 дан ортиқ фойдалари борлиги айтилади. Баъзи корпорация (ИБМ, Шелл) ва университетларда ўрганиш вақтини камайтириб, Моцарт мусиқаларини тинглаб, маълумотни яхшироқ эслаб қолишида, стрессни камайтиришда ишлатилади. Мусиқа бутун миянгизни ишлашга ундайди, иккала яримшар дам олади ва сизни янада кучли қиласиди. Ҳаттоди доктор Лозанов мусиқа орқали тилни ўрганишни 80 % унумдорлик билан ёдлашга ҳам олиб келди. Умуман, ҳозирда мусиқанинг миямизга берадиган таъсирлари бўйича кўплаб илмий исботларни топишимииз мумкин.

Моцарт эффициенти асли илк бора 1991 йилда тилга олинган бўлиб, илмий мақола қилиб чиқарилганидан кейин бутун омма унга ўз муносабатини билдириди. Ҳаттоди, бир фермер шу мусиқа орқали сигирларидан кўпроқ ва сифатлироқ сут олишни бошлабди. Тўғрида, Моцарт табиатан берилган иқтидор соҳиби, унинг мусиқаларини тинглаб хотира ва тафаккуримизни оширади. Дастреб Моцарт эффициенти ёш болаларда ўз таъсирини кўрсатди. Гарчи мета-анализлар (кўпгина ил-

мий тадқиқотлар устида тадқиқот натижалари) турли хил фикрлар билдирган ва ақлий ривожланиш қисқа муддатда бўлиши айтилган бўлса ҳам, классик мусиқаларга бутун эътибор бериб ва роҳат билан эшлиши умумий тарзда хотирага ижобий таъсир кўрсатди. Умуман, миянгизга озгина бўлса ҳам фаолликни тақдим этувчи машғулот билан шуғуллансангиз, у албатта фикрлашингизда ижобий натижка кўрсатади. Нима бўлса ҳам, Моцарт эффиқти ишлайди – мусиқа бизнинг ўрганиш ва хотирамизга таъсир қиласди.

Экспертлар, биз олдинги бобда таъкидлаганимиздек, турли хил стратегиялар ва усуллар орқали турли тажрибага эришади: тартибга келтириш, амалиёт ва бўлиб ташлаш. Масалан, улар ноталарни пирамидали шкалаларга бўлиб, мусиқани оддий инсонлардан кўра бошқа кўз билан кўради, ҳаракат ва эшлиши хотираси, фоялар фикри ҳам уларга таъсир қиласди. Баъзида шундай истисноий хотира савантлар пайдо бўлади. Савант бу IQ даражаси паст бўлса-да, маълум соҳада жуда кучли хотира соҳиби бўлган одамдир (Ёмғир одами ҳақидаги қизиқ далилни эсланг). НП исмли беморни кўриб чиққан шифокорлар унинг мусиқаларни 2-3 марта эшлиши билан хотирасида сақлаб қолишига гувоҳ бўлишган. Демак, хотираси кучли инсон учун IQ нинг юқори бўлишнинг ўзи мусиқани эслаб қолишга камлик қиласди, бунда асосан бошқа сабаблар ҳисобга олиниши керак. Кўпчилик олимлар айтишича, савантларнинг узоқ муддатли хотирасида мусиқа ахборотлари маъноли тарзда жойлашган бўлади ва келаётган ҳар бир мусиқани айнан шу орқали улар осон эслаб қолишади.

Мусиқанинг хотирага бўлган таъсири ҳақида жуда кўп айтилган. Мусиқа хотирамизни бир қанча ҳолатларда ижобий тарзда бевосита ривожлантиради. Бир тадқиқотда расмларга мусиқа қўйиб кўрсатилди ва кейинчалик қатнашчилар мусиқани ёрдамида расм ҳақидаги маълумотларни кўпроқ эслаб қолишди. Бу нарсани яхши тушунган маркетологлар супермаркетда мусиқа қўйишни урф қилишди, мусиқа орқа-

ли миянгизга ҳам таъсир қиласы болады. Масалан, KFC ва Мак Доналдс Компанияларыда тушлик пайтларыда тезкор мусиқаларни қўйишар экан, бундан мақсад хўранда тез овқатланади, жойни янги хўрандага бўшатиб бериши керак. Ёки рекламаларда ишлатиладиган жингл товушлар сўзлар билан ишлатилганда, уларни алоҳида ишлатилганидан кўра яхши эсда қиласы.

Мусиқа эшишиб дарс қилиш бир томондан зерикишнинг олдини олиб, ўқишига қизиқишимизни сақлаб, мусиқа бальзимда ишчанлик қобилиятингизни оширса-да, асбоблардаги ва мусиқа сўзлари бизнинг сўзга боғлиқ хотирамизга таъсир қиласы. Бунга сабаб мусиқа деярли кўп миқдорда қисқа муддатли хотириани эгаллаб олиши мумкин.

Хулоса шуки, мусиқавий хотира бу – оддий хотирадан тубдан фарқ қиласы, уни адаштирумайлик, мусиқа тинглаш бизнинг эстетик ҳаётимизни ва кундалик турмушимизни янада безайди. Интеллект эса билиб қўйинг, бизнинг кўплаб юзага чиқмаган иқтидорларимизнинг бир бўлаги – лекин умумий интеллектни ривожлантириш тушуниш, англаш ҳамда фикрлашимизга, пировардида, хотирамизга ижобий таъсир қиласы.

## ҚИСҚАЧА МАЗМУН

✓ IQ тестлари бир томонлама бўлиб, иқтидорингизни тўла маънода ўлчай олмайди. Ҳаётий муваффақият унданда бошқа қобилиятлар билан боғлиқ. Ҳовард Гарднер иқтидорни турларга бўлиб IQ тестларига муқобил таърифни топди. Ҳиссий интеллект эса ҳозирги кунда энг муҳим хислатлардан бири.

✓ Сизнинг мусиқавий хотирангиз билан сўзларни ёдлашдаги хотирангиз тубдан фарқ қиласы. Моцарт эффиқти эса сизнинг классик мусиқаларни тинлашингиз оқибатида интеллектингиз ошишига исбот бўлади.

✓ Умуман, интеллектнинг ривожланиши ҳамда мусиқавий хотириани ривожлантириш хотирамизни тушунишда ўзгача назар бахш этади.

## **БЕШИНЧИ БОБ. АНТИ-ҚАРИЛИК**

Аслида бу бобни қайсидир маънода «Эртами-кечми» деб номламоқчи эдим, албатта, эртами-кечми ҳаммамиз қариймиз, кимлардир аллақачон кексайиб улгуришган.

### **ФАКТЛАР ТИЛГА КИРГАНДА**

\* Гёте 81 ёшда – Фауст асарини ёзган.

\* Жамол Камол 50 ёшидан бошлаб инглиз тилини 5 йил давомида репетиторларга бориб ўрганган.

\* Зигмунд Фрейд – 80 ёшида «Психоанализ» асарини ёзib тутатган.

\* Клод Моне – «Кувшинки» деган асарини тутатади.

\* Хотира соҳасига киришимга сабабчи бўлган устозим – Тони Бузан, ҳали-ҳануз бутун дунё бўйлаб маъруза ўқишни тўхтатмади.

\* Менинг кумирим Варрен Баффет, дунёнинг энг бой учинчи инсони, ўзига хос инсон, барча инвесторларнинг ҳаётий маслакдоши бўлиб, гарчи 82 ёшга кирган бўлса ҳам ақлий қобилияти ҳалиям юксаклиги билан бошқалардан ажралиб туради. Унда на уяли телефон ва на шахсий компьютер, на калькулятор бўлиб, деярли барча ҳисоб-китобларни миясида бажара олади.

\* Афзал Рафиқов қарилликка қуйидагича баҳо берди: «Ақлий салоҳият сусаяди – қон томирларни торайишидан склероз пайдо бўлиб, кўпинчча эсдан чиқиб қоладиган бўлади, лекин менда шеър ёдлаш қобилияти сусайгани йўқ, ҳозирам ёдлайман, аммо кеча қилган иш им эсимдан чиқади. Профессионал жиҳатдан шуғулланганим учун ҳозир ҳам матнларни ёдлайман. Аммо кўрқув пайдо бўлди менда – бу 60, 70, 80 ёшдаги инсонларнинг ўз устида ишлаши ҳақида ўйлар билан боғлиқ». Кўрганингиздек, Афзал Рафиқов ҳам ўз соҳасида тиним билмагани учун ҳануз хотираси юксак формада.

Баъзида кўпчилик кексалар янги нарсаларга ва уларни эслаб қолишга қизиқиши билдирилмайди, улар кўпинчча, ўтмишда-

ги ҳаётлари билан банд бўлишни хуш кўришади. Эсингизда бўлса, илк бобларимизда қизиқишининг катта аҳамияти ҳақида гаплашгандик. Айнан ўтмиш кексалар учун қизиқарли ва шу сабабдан янгиликларни эслаб қолиш анча мушкулот туғдидиради. Улар орасида «одам қарийди, хотира сусаяди, интеллект пасаяди» деган сўзларни фурур билан айтадиганларни кўрамиз. Айнан мана шу инсонларни миясида ўрнашиб қолган нотўғри тушунчалардан биридир. Унга кўра, инсон қариш мобайнида мия ҳужайралари нобуд бўларкан эмиш. Лекин, замонавий илм-фандаги хурсанд қилувчи хабарлардан бири шундаки, Калифорния Университети Профессори Марион Диамон тадқиқотларига кўра, нормал шароитдаги фаол соғлом мияда ҳужайраларнинг ўлиши бўйича ҳеч қандай далил йўқ. Аксинча, фаол мияда айнан қариллик даврида миянинг биологик тузилмасида ўзгаришлар содир бўларкан. Бу ўз навбатида инсон интеллектини кейинги босқичга олиб чиқади.

Тўғри, қариганда миянинг кўплаб вазифалари ўзгаради. Лекин тан олишимиз керакки, баъзи одамлар деярли қаримайди, баъзилар эса 40 ёшдаёқ қариб қолади. Баъзи 80 ёшдаги инсонлар эса соғлом ва теран фикрлашда давом этади. Албатта, бу кўп жиҳатдан генларга боғлиқ, лекин инсон ўзи ҳаракат қилиб ўзгартириши мумкин бўлган вазифалар ҳам бор: тўғри овқатланиш, доимий машқлар, ҳар доим янги нарсаларни ўрганиш кабилар булар.

Янги қобилиятларни ўрганиш, айниқса муҳим, масалан, кроссворд ечишни ўрганиш ва тилни ўрганиш миямизни янгилаб, уни қайта ишлайди. Янгилик нафақат миянгизга, балки психика, кайфият ва танангизга ўзгача руҳ, ёшариш ва янгиланишни ато этади.

### **9-Машқ**

*Оддийгина ҳолат – ўзингизга саволлар бериб кўринг. Ҳар бир инсон бунга жавоб бериб, ўзининг янгиликка қанчалик ташна эканлигини таҳтил қилиб чиқса бўлади.*

*Сиз охирги марта қачон янги бир нарсани ўргангансиз? Янги нарсани ўрганишга қизиқасизми ёки юзингиз буришадими?*

*Уни охиргача ўрганишига ҳаракат қиласизми?  
Миянгизни ишлатиш орқали нейронларга турт-  
ки бериб янгиликни қучоқ очиб кутиб оласизми?  
Саволларга ижобий жавоб берсангиз яхши, айнан  
шу фазилатни умрингиз охиргача йўқотманг.*

Қариялар ҳақида гап кетаркан, шуни ҳам таъкидлашим керакки, Альцгеймер билан касалланиб, хотираси сусайиб қоладиган инсонлар жуда кўплаб топилади. Америкалик хотира спорти гроссмейстери Нельсон Деллис бувисининг олдига кўргани боради, не кўз билан кўрсинки, бувиси уни танимайди. Бу воқеа унга жуда қаттиқ таъсир қилганидан сўнг у қариганимда шундай аҳволга тушиб қолмай деган мақсадда хотирасини ривожлантириш билан шуфулланади. Бу воқеани журналда ўқиганимдан сўнг раҳматли бувижонимнинг ҳам шундай бўлганини эсладим. Ўша пайтда буни мен бошқа нарсаларга йўйганман, лекин илм ўз сўзини кейин айтди. Бувим Альцгеймер касаллигига чалинган экан, мен кейин билдим, баъзида бизнинг исмларимизни чалкаштириб юборарди, шундай кейин мен ўзимга қарор қабул қилдим: бундай қаримоқчи эмасман, невараларимнинг исмини эсдан чиқариб қўйгим, чалкаштиргим йўқлигига қаттиқ хоҳиш пайдо бўлди.

Нормал қариш қандай юзага келади? Олимлар бунга ҳам аниқ жавоб бериша олмайди. Баъзи олимлар таъкидлайдики, инсон қариши давомида, ақлий қобилияtlар сусаяди ва оқибатда Альцгеймер касаллигига дучор бўлади. Бу фикр ўз навбатида бир қанча тадқиқотларда ҳам исботланди. Умри давомида хотира муаммоларига учрамаган одам вафот этганидан сўнг мияси текширилганда унда Альцгеймернинг бир қанча белгилари сезилибди. Бу охир-оқибат ҳаммамиз ҳам бу касалликка дучор бўлишимиздан даракка ўхшайди. Айрим олимлар фикрича, касалманд қарияларга касал, соғлом инсонларга эса соғлом деб қараб, уларни ҳеч қачон аралаштирмаслик даркор. Шундай инсонлар борки, 90 ёшида ҳам 40 ёшдаги каби файрат билан ишлайди. Нима бўлганда ҳам биз бир нарсани биламиз: соғлом қаришингиз ўз қўлингизда.

Ишламаган тешани занг босади! Күпинча, одамлар фаол ўрганиш даври тугаганидан кейин ўрганишга иштиёқни йўқотишида ва хотирани зўр бериб ишлатмасликлари на-тижасида шу кўйга тушиб қолишади. Ваҳоланки, хотирани чархлаш кундалик ишига айланаб қолган, ёши етмишга ет-ган актёрлар бутун бошли матнларни қийналмасдан ёдлай олишлари барчага маълум. Германия ва АҚШ каби бир қатор хориж мамлакатларида эса, нафақага чиққандан ке-йин талабага айланадиган қариялар кўплаб топилади. Улар одатда, ижтимоий-гуманитар факультетларга ўқишга кири-шида ва ёш курсдошлари билан баравар машғулотларни ўзлаштириб, имтиҳон топширишади. Демак, хотира заиф-лашувига ёшни сабаб қилиб кўрсатиш асоссиз.

### **Нейронларнинг ўлими ва нейрогенезис**

Сиз албатта ушбу «фактни» эшитгансиз: биз ҳар куни миямиздаги минглаб асаб толаларини сарфлаймиз. Йиллар давомида олимлар бунга ишониб келишди. Ҳамма билади-ки, инсоннинг деярли барча нейронлари ёшлик пайтларида, аниқроқ қилиб айтганда, чақалоқлик пайтда етишиб, ўсмир-лика чиққанимиз сари эса бор нейронларимизни кўпини сарфлаймиз. Аммо бу каби фактлар ўта бўрттириш ва ярим ҳақиқатдир. Гарчи бизнинг кўплаб нейронларимиз чақалоқ-лигимизда шаклланиб улгурса-да, бутун ҳаёт давомида янги нейронлар ишлаб чиқарилади (бу жараён нейрогенезис деб аталади). Айнан шу қобилият янги нейронларни ишлаб чи-қариш, миямизнинг пластиклигига боғлиқ ва бу иккиси ми-ямизни доимо ўзгаришга ундан туради.

Яна ўша доктор Марион Даймонд мия фаолияти устида изланишлар олиб бориб «Инсоннинг қариши хотирадаги ҳужайра боғларини йўқотмайди», деган хulosага келди. Бош-қа тадқиқотлар натижаси ҳам бу фикрни тасдиқламоқда. Ҳатто, агар мия давомли равишда ишлаб, таълимтга йўналиб турса, ҳужайраларро боғлар зичлиги янада мустаҳкамланади. Етмиш, саксон ёшли қариялар билан олиб борилган тад-қиқотларда ақлий фаолиятнинг турли даврларида эътиборга лойиқ натижаларга эришиш мумкин экани исботланган.

Шубҳасиз, кексаликда нейронларнинг ривожланиши се-кинлашади. Лекин нормал қаришда хотира учун керакли бўлган мия қисмларида нейронларнинг ҳеч қандай сези-ларли йўқолиши сезилмайди, шунчаки, йўқотилган нейрон-лар ўрнини янги нейронлар эгаллай бошлайди. Агарда биз нейронларни ҳар куни 10 мингтадан ўлишини кутсак-да, аслида 1 % нейронларимизни йўқотишими учун 274 йил кетар экан. Миямизнинг нейронларни қайта ишлашига кел-сак, умид учқунларини пайдо бўлади: келажакда хотира бўйича касалликларга қарши нимадир ўйлаб топса бўла-ди! Асосий муаммо шунда эканки, миямиздаги бир-бири билан алоқа қилувчи кичкинагина кўприкчалар ёш ўтган сари яхши алоқага чиқа олмас экан, шу билан бир қатор-да, қариган пайтда оқ маттерларни кўпайиши кузатилар экан.

Кексалар билан гаплашганимда бир нарсага амин бўла-ман, улар консерватив, эскичани қўллайдиган бўлишади, мен уларга ўз техникаларимни тушунтиришни бошласам, улар ўзларининг ёдлаш йўлларини маъқуллашади. Энг аввало, шу тушунчани ўнглаб, янгиликка янгича нигоҳ билан қаралса, ғойдаси кўп бўларди. Хўш, қариган чофимида миямизнинг қайси вазифалари сусаяди ва қайсиларида ривожланишни кузатиш мумкин?

#### **Қаришда кучсизланувчи муаммолар:**

\* Ишловчи хотира ёки қисқа муддатли хотира; телефон рақамини мияда эслаб қолиш; кейин уни териш жуда ёмонлашиб қолади.

\* Ҳазм қилиш тезлиги. Баъзида элашимиз керак бўлган инсонларнинг исмларини эслаш секинлашади.

\* Деталларга эътибор бериш. Майда нарсалар, далиллар яхши эсда қолмаслиги мумкин.

\* Фактга оид хотиралар. Исмлар, жой номларини ахта-риш мушкул бўлиб қолиши мумкин.

\* Бир вақтнинг ўзида кўп нарсалар билан шуфулланиш анча мушкул бўлади.

\* Визуал фикрлаш сусаяди. Масалан, пазлларни ечиш янада қийин, сомон ичидан игна қидиришдек бўлиб қолади.

## **Қаришда кучли бўлиб тураверадиган муаммолар:**

\* Эътибор. Концентрация қилиш ва диққатни бир жойга жамлаш деярли ёш ўтса ҳам ўзгармайди.

\* Тил. Ёшимиз ўтгани сайн биз янада кўп сўзларни биламиш, қанча кўп сўзни билсак, улар ўртасида алоқаларни шунча кўп кўрамиз.

\* Жараёний хотира: сиз учун ишларнинг қандай бажарилиши, ҳатто янгиларини ўрганиш ҳам қийинчилик тудирмайди.

\* Фикрлаш ва сабаблар. Фикрлашда ҳеч қандай ўзгариш сезилмайди. Доно халқимиз бежизга «қари билганни пари билмас» демаган.

\* Ирода. Агар сизда жуда катта хоҳиш, ирода пайдо бўлса, ёшлардек ҳамма нарсаларни эслаб қолиш мумкин бўлади.

\* Ижодкорлик. Янгиликларни қилиш, новаторлик ва нарсаларни янгича тарзда кўриш янада ошади.

\* Донолик. Ким доноликни кексалик билан ассоциация қилмайди? Тажрибалар ортидан донолик пайдо бўлиши ҳаммага маълум. Қариси бой уйнинг париси бор.

Демак, қарилиқда ҳам ўткир хотира ва зеҳнга эга бўлиш мумкин. Бутунжаҳон Хотира Чемпионатида 80 ёшли япон аёлининг мнемоника билан шуғулланаётганини кўриб, инсон қариганда ҳам хотирани юксак ақлий салоҳиятни ушлаб қолиши мумкинлигига амин бўлдим. Фақатгина истак, амалиёт муҳим.

## **ҚИСҚАЧА МАЗМУН**

✓ Инсон қариганда ҳам кучли ақлий салоҳият ҳамда хотира соҳиби бўлиб қолиши бор гап. Фақат қизиқувчанлик, янгиликларни ўрганиш ҳамда мияни фаол ушлаб қолиши керак.

✓ Нейрогенезис – ўлган нервлар ўрнига янги нервлар пайдо бўлиши илмий доираларда тасдиқланмоқда.

✓ Қариганда баъзи ҳислар сусаяди, масалан, ишловчи хотира, деталларга эътибор бериш ҳамда фактга доир хотиралар, уларга миямиз муҳим эмас деб эътибор бермайди. Аксинча, баъзи хусусиятлар кучли бўлиб қолаверади.

## ХОТИМА ЎРНИДА

Биз «ахборот қайнаб турган» замонда яшаяпмиз. Ҳар йили янгидан-янги техник билимлар ишланмоқда ва сиз уларнинг қайсиdir қисмини ёдлаб қолишингиз керак бўлади. Мен ўзимдан келиб чиқиб, фактларни умумий тарзда китобда баён қилдим, муҳими, сиз уларни шунчаки ёдлаб олишингиз эмас, балки унинг замиридаги фикр қабул қилиб, ҳаётга татбиқ этинг.

Бу китоб роман ёки ҳикоя, яъни бадиий китоб эмас, уни бадиий китоб ўқигандек ўқиш керак ҳам эмас, сиз ундан ўргангандарингизни татбиқ қилиш орқали катта фойдага эришасиз. Шуни алоҳида айтиб ўтишим керакки, билимдонлик инсоннинг қанчалик кўп билишида эмас, балки билгандарини ҳаётга татбиқ эта билишида. Шунинг учун ушбу техникаларни ҳаётингизга татбиқ қилсангиз, мендан-да баҳтли инсон бўлмайди. Китобимдаги энг муҳим ғоя мақсадли ёдлаш ҳисобланади. Ҳа, сиз мақсад билан ва тўғри техникини қўллаб деярли барча маълумотларни қийинчиликсиз ёдлаб оласиз ва бу **мукаммал хотиранинг** бир қисми бўлиб қолади.

Кўпчилик нега бу техникаларни олдинроқ билмадим, дейиши мумкин, бунга жавобан билдирилувчи мулоҳазалар оддий:

– Сиз мактабда миянгиз ҳақида муҳим нарса ўргангандарини мисиз ва уни ўз фойдангиз йўлида ишлатгандарини мисиз?

– Махсус ва ривожланган техникалар билан танишгандарини мисиз?

– Доим ўқишимиз кераклигини такрорлаймиз, аммо қандай қилиб ўқиш кераклиги хусусида билимга эгамизми?

– Мотивация ва унинг ўқишига нечоғлик фойдаси ҳақида биламизми?

– Фикрлаш, ижодкорлик ҳақида ҳеч биримиз мактаб даражасидаги билимга эга эмасмиз. Сизга ҳеч ким бу ҳақда айтмаган, мана шунинг учун ҳам ҳозир сиз, азиз китобхон, бу китобни ўқимоқдасиз.

Ҳар бир инсон ушбу техникалардан фойдаланиши шарт, деб даъво қилмайман, аксинча, аралашма ёки ўз услубин-гизни англаб, миянгиз учун нима нима қулай бўлса, шуну татбиқ қилиб ўрганиш доимо яхши бўлади. Мнемоника техникаларидан катта сеҳргарликни ҳам кутманг, у шунчаки хотирангизга ёрдамчи, бошқа ақлий вазифалар билан адаштирунган, фикрлаш ва муаммони ечишда мнемоника катта ёрдам бермайди, қисман ёрдам берар, лекин улар бошқа бошқа вазифалар ҳисобланади.

Ўрганиш – бу бизнинг дунё миқёсидаги янги билимларни эгаллашимиз, хотира эса ўша ўрганилган билимларни вақт давомида сақлаб қолишдир. Ўрганиш ва Хотира «мен»-имизнинг асосий қисми ва мазмунли ҳаёт кечиришимизнинг асоси. Жошуа Фоернинг ушбу хulosалари билан фалсафий тарзда хотима қилмоқчиман: «Тажриба – хотираларимиз мажмуаси, донолик эса ўша тажрибаларнинг мажмуидир». Хотирамиз ўзлигимизни барпо қиласди, хотирасиз одам бўлмайди. Ҳар биримизнинг ўзимизга хос ҳаёт йўлимиз бор – унуманг, ҳар қандай йўлда ҳам биз хотираларимизнинг мажмуимиз.

## ИЛОВА

Күйидаги расмлар тарихдаги ўз соҳасининг даҳолари томонидан кундалик дафтариға туширган расмлар. «Ўрганишни ўрганиш» бўлимида «Ақл харитаси ёки конспектга замонавий қараш» қисми киритилган бўлиб, айнан ўша парчада конспект олингандан расмлар билан ёзиш унумли эсда қолиши ҳақида ёзилган. Илова эса бошқа машҳур инсонларнинг шундай ҳаракатини мисол тариқасида кўрсатади.



1. Бетховен, мусиқа нотацияси.




2. Жеймс Жойс, Леопольд Влум расми, Улисес асаридан,  
1920-йиллар.



3. Винсент ван Гог, Эмил Вернардга хати, 1988, июнь.


4. Микеланжело,  
Инсон анатомиясининг  
пропорционаллигини  
ўрганиш чоғида.



5. Томас Эдисон, 1980  
йилги дафтаридан.  
Лампочка эскизи.



6. Леонардо да Винчи, Парашют ва учувчи расмининг қанотлари расми



7. Исаак Ньютон. Телескопнинг хомаки расми.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ**

1. Aaron Nelson. Achieving Optimal Memory. New-York, 2005.
2. Aaron P. Achieving optimal memory. Harvard medical guide, 2005
3. Andrey Dianov . Наш мозг от А до Я. Moskva, 2012.
4. Andy Gray. Advanced Memory. New-York, 2003.
5. Anton Chexov. Tanlangan Asarlar(Birinchi tom). Toshkent, 1967.
6. Barry Farber «How to talk any language»
7. Ben Pridmore. How to be clever. London, 2011.
8. Boris Konrad . Gedachtnistechniken. Berlin. 2008.
9. Boris Konrad. Superhirn - Gedächtnistraining mit einem Weltmeister: Über faszinierende Leistungen des menschlichen Gehirns. Berlin, 2013.
10. Brian Tracy. Speak to win. New-York, 2008.
11. Dale Carnegie. *How to stop worrying and start living.* New-York, 1935.
12. Daniel Goleman. Emotional Intelligence. New-York, 2005
13. Daniel Levitin. This is your brain on music: the science of human obsession. New-York, 2007
14. Daniel Shakter. The seven sins of memory . New-York, 2001.
15. Daniel Willingman. Why don't students like school. New-York, 2003.
16. David Eagleman. Incognito: the secret lives of the brain. Edinburgh, 2011.
17. David Perlmutter. The better brain book. New-York, 2008.
18. Dmitriy Petrov. Magiya Slova. Moskva, 2010
19. Dominic O'Brien. How to develop a perfect memory. London, 1997
20. Dominic O'Brien. *Learn to remember: practical techniques and exercises to improve your memory.* San-Fransisco, 2000.
21. Dr. Gunther Karsten. Lernen wie ein Weltmeister: Zahlen, Fakten, Vokabeln schneller und effektiver lernen. Berlin, 2007
22. Ed Cooke. Remember, Remember. London, 2008.
23. Ericsson, K & Kintsch, W. Long-Term Working Memory. Psychological Review, 1995.
24. Francis Yates . The art of memory. London , 1966.
25. Fred Orr. Study skills for succesful students. Kanberra, 1992.

26. Harry Lorayne . How to develop super-power memory. New-York, 2000.
27. Harry Lorayne. Ageless Memory. New-York, 2007.
28. Harry Lorayne. The memory Book : the classic book guide to improving your memory at work,school and at play. New-York, 1974
29. Howard Gardner. Frames of mind. New-York, 1983
30. Jere Brophy. Motivating Students to learn. New-Jersey, 2004.
31. Jim Rowe. Studying Strategies. Bookbon.com, 2008
32. John Arden. Improving memory for dummies. Indiana, 2002.
33. John Byrne. Learning and Memory. New-York, 2003.
34. John Medina . Brain Rules. Seattle, 2008.
35. Joshua Foer. Moonwalking with Einstein. The art and science of remembering everything. London ,2011.
36. Кармимов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2009.
37. Kato Lomb.Polyglot : How I learn languages. Kyoto, 2003.
38. Kenneth Highbee . Your memory: how it workd and how to improve it. New-york,1996.
39. Lewis Smile. The Memory Palace - Learn Anything and Everything (Starting With Shakespeare and Dickens). New-York, 2012.
40. Malcolm Gladwell . Outliers. Ottava, 2008.
41. Mattias Ribbing . Vagen till Masterminne. Stockholm, 2011.
42. Melik Duyar . Memory training mannual. Istanbul, 2000.
43. Melvin Saunders. 100 % Brain Course. Florida, 2001.
44. Michael Gelb. How to think like Leonardo Da Vinci. London, 2002
45. Miller, G.A. The magical number seven plus or minus two: Some limits on our capacity for processing information. *Psychology Review*, 1956.
46. Nancy Duarte. Resonate: present visual stories that transform audiences. New Jersey, 2010
47. Ўзбекистон Республикаси конститутцияси. –Тошкент: «Ўзбекистон», 1992.
48. Richard Palmer. Brain Train : Studying for success. Bedford, 1984.
49. Ron White. Memory Improvement: How To Improve Your Memory In Just 30 Days. Florida, 2011.
50. Sieve. How to master your memory. London, 1990.

51. Tansel Ali. The Yellow Elephant. Sydney, 2013.
52. Tina Konstant. Teach yourself speed reading. London, 2003.
53. Tony Buzan. The speed reading book. London , 2004
54. Tony Buzan. Use your memory. London 1986
55. Tony Buzan. Speed your memory. London 1989
56. Tony Buzan, Barry Buzan. The Mind map book. London , 1993
57. Tony Buzan. Use your perfect memory: dramatic new techniques for improving your memory, based on the latest discoveries about the human brain. New-York, 1991.
58. Tony Buzan. The most important graph in the world. London, 2012.
59. Tony Buzan. The power of verbal intelligence. London, 2005.
60. Tony Buzan. Use your head. London, 1974.
61. Treffert,D.A. *Extraordinary people: understanding savant syndrome*. New-York
62. V.Stanek, X Tsexetmayer «Treniruyem svoyu pamyat».

### **Moskva**

63. World Memory Sports Councill. The Memory Yearbook. London, 2012.
64. Антон Хрипко. Как учить чужой язык . Москва,2004.
65. Гарибян. Школа памяти. Москва, 1992.
66. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Тошкент: 2000.
67. www.uzbek-dictionary.com, 2013.
68. Scientific American Mind. Memory Upgrade. 2006, 6-fevral.
69. Google. <http://scholar.google.com>, 2013.
70. Sussex Directories INC.<http://www.psychologytoday.com>. 2013.
71. Edgar Dale. Audio-Visual methods in Teaching, Third edition. Winston, 1969.

Ўқув-услубий нацир

## МУКАММАЛ ХОТИРА

Муҳаррир  
Фахриддин СОДИҚ

Бадиий муҳаррир  
Уйғун СОЛИҲОВ

Мусаҳҳих  
Муҳаббат МЕНГНРОВА

Компьютерда саҳифаловчи  
Феруза БОТИРОВА

Босишга 24.01.2014 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.  
Босма тобоги 8,875. Шартли босма тобоги 14.91.  
Гарнитура «LexTimesСур+Uzb». Офсет қоғоз.  
Адади 5000 нусха. Буюртма № 18.  
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.  
Лицензия рақами: АИ № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.  
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.  
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

*Мурожсаат учун телефонлар:*  
Нашр бўлими – 278-36-89;  
Маркетинг бўлими – 128-78-43  
факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravlod@mail.ru

**«Янги аср авлоди» НММ  
«Мустақил сабоқлар» рукнида  
қуйидаги китобларни тавсия этади:**

**Алишер Абсаломов**  
**“РУС ТИЛИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЭНГ**  
**САМАРАДОР УСЛУБЛАРИ”**

**Бичими 70Х84 1/16**

**Қаттиқ муқова**

Китобда чет тилини ўрганишнинг энг самарадор услублари баён қилинган. Сиз улар асосида рус тилини қисқа муддатларда ўрганасиз, муроқот жараённида равон гапира олиш кўнкимасини шакллантирализ. Шунингдек, олдингизга қўйган мақсад йўлени қисқа вақтда босиб ўтишингизда китобнинг СД дискидаги овозли матнни тинглаш, китобдан жой олган қоидалар ва дунёга машҳур мутахассисларнинг кўрсатмалари яқиндан ёрдам беради.

**К.Турдиева, Т.Коршанова**  
**«30 ШАГОВ К РУССКОМУ ЯЗЫКУ»**

**Формат 84Х108 1/64**

**Мягкая обложка**

«30 шагов к русскому языку» представляет собой иллюстрированное пособие для начинающих изучать русский язык самостоятельно и под руководством преподавателя. «30 шагов» – это 30 уроков, включающих в себя диалоги, тексты, грамматический материал, задания для развития навыков устной и письменной речи, картины на каждый день.

**“ИНГЛИЗЧА-ЎЗБЕКЧА ЛУФАТ”**

**Бичими 84Х108 1/64**

**Юмшоқ муқова**

Мазкур луфат ўрта мактаблар, гимназиялар, лицейларнинг янги ўзбек алифбосида таълим олаётган ўқувчиларга ҳамда олий ўқув юртларига кирувчилар учун мўлжалланган.

**“ЎЗБЕКЧА- КОРЕЙСЧА ЗАМОНАВИЙ**  
**СЎЗЛАШГИЧ”**

**Бичими 84Х108 1/64**

**Юмшоқ муқова**

Ушбу сўзлашгич асосан хориж тилини ўрганишни хоҳлаган, мазкур давлатта саёҳат ёки сафарга отланган инсонлар учун яхши қўлланма бўлиши аниқ. Сўзлашгичдаги бўлимларнинг мавзулари кундалик сўзлашувларни қамраб олади. Истисослашган мактаблар, гимназия-

лар, лицейлар, ўқув курсларининг ўқувчилари га ҳамда олий ўқув юртларига кирувчилар учун мўлжалланган.

### **“ЎЗБЕКЧА – ХИТОЙЧА ЛУФАТ”**

**Бичими 84X108 1/64**

**Юмшоқ муқова**

Мазкур луғат ўрта мактаблар, гимназиялар, лицейларнинг янги ўзбек алифбосида таълим олаётган ўқувчиларга ҳамда олий ўқув юртларига кирувчилар учун мўлжалланган.

### **“ЎЗБЕКЧА-ХИТОЙЧА ЗАМОНАВИЙ**

**СҮЗЛАШГИЧ”**

**Бичими 84X108 1/64**

**Юмшоқ муқова**

Мазкур луғат ўрта мактаблар, гимназиялар, лицейларнинг янги ўзбек алифбосида таълим олаётган ўқувчиларга ҳамда олий ўқув юртларига кирувчилар учун мўлжалланган.

### **“ЎЗБЕКЧА - ТУРКЧА ЗАМОНАВИЙ**

**СҮЗЛАШГИЧ”**

**Бичими 84X108 1/64**

**Юмшоқ муқова**

Мазкур луғат ўрта мактаблар, гимназиялар, лицейларнинг янги ўзбек алифбосида таълим олаётган ўқувчиларга ҳамда олий ўқув юртларига кирувчилар учун мўлжалланган.

### **“ИНГЛИЗ ТИЛИДА 15 МАШФУЛОТ”**

**Бичими 84x108 1/64, 112 бет.**

**Юмшоқ муқова.**

Мазкур луғат ўрта мактаблар, гимназиялар, лицейларнинг ўзбек алифбосида таълим олаётган ўқувчиларга ҳамда олий ўқув юртларига кирувчилар учун мўлжалланган.

### **ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ**

**ТИЛИДАН ТЕСТЛАР**

**Бичими 84x108 1/32, 364 бет.**

**Юмшоқ муқова.**

Мазкур тестлар тўплами ва қоидалар асосан ўқувчиларга мўлжалланган бўлиб, мустақил сабоқлар руқнида тайёрланди. Олимпиада қатнашувчилари ва олий ўқув юритига кириш имтиҳонларига тайёрла-нувчиларига мўлжалланган. Она тили фани ўқитувчилари ҳам қўллан-ма сифатида фойдаланишлари мумкин.

## **ТАРИХ ФАНИДАН УНИВЕРСАЛ**

### **ТЕСТЛАР ТҮПЛАМИ**

**Бичими 84x108 1/32, 424 бет.**

**Юмшоқ муқова.**

Тарих фанидан универсал тестлар тарзыда түзилган мазкур китоб мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, олий ўқув юртларининг кириш имтиҳонларига тайёрланувчи абитуриентлар, университетларнинг тарих йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун билимларни ошириш ва мустаҳкамлаш мақсадида тавсия этилади.

## **МАТЕМАТИКА ФАНИДАН УНИВЕРСАЛ**

### **ТЕСТЛАР ТҮПЛАМИ**

**Бичими 84x108 1/32, 424 бет.**

**Юмшоқ муқова.**

Математика фанидан универсал тестларни ўзида жамлаган мазкур китоб мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, олий ўқув юртларининг кириш имтиҳонларига тайёрланувчи абитуриентлар, математика йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган.

## **ДЕЙЛ КАРНЕГИ ТҮПЛАМ**

**(УЧТА КИТОБ ЙИФМАСИ)**

**Бичими 84X108 1/32, 720 бет.**

**Қаттиқ муқова.**

Мазкур китоб Дейл Карнегининг “Дўст орттириш ва ўзгаларда хуш таассурот қолдириш ҳақида”, “Безовталиқдан халос бўлиш ва янги ҳаёт бошлиш сирлари” ва “Ўз-ўзига ишонч ҳосил қилиш ва омма олдида сўзлашсанъати” мавзусини қамраб олган яхлит қўлланмадир. Унда ўзгаларни қадрлаш орқали ҳурмат-эътибор қозониш, юксак мартабага эришиш, безовталиқнинг омиллари, ечими, ўз-ўзига ишонч ҳосил қилиш ва омма олдида сўзлашнинг турли йўллари очиб берилади. Мазкур китоб сизни янги мэрралар сари ундейди.

## **Наполеон Хилл**

**“ЎЙЛА ВА БОЙ БЎЛ” – 1, 2**

**Бичими 84X108 1/32, 232 бет, 320 бет**

**Юмшоқ муқова.**

Агар сиз йўлингиздаги тўсиқларни бартараф этиб, муваффақиятга эришмоқчи бўлсангиз, ушбу китобни ўқиб чиқинг. У, аввало, ўз олдингизга мақсад қўйишни, ишонч туйғусини мустаҳкамлашни, турли синовларни енгиб ўтишни, изланишни ўргатади. Шунингдек, маҳсус билимлар, ақл-заковат, чекинмаслик ҳақида бой тушунча беради.

## **“ҚҮЛЛАРДАГИ СИРЛАР ЁХУД ХИРОМАНТИЯ:**

**ҳаёт, севги, баҳт, бойлик, келажак, феъл-атворни  
аниқлаш илми мұғызсалары”**

**Бичими 60x84 1/16, 88 бет.**

**Юмшоқ муқода.**

Инсон учун ўз келажагини билиш мароқли туолади, құлға қараб фол очиши – хиромантия илми қадим замондан бу борада инсониятта ёрдам беріб келган. Хиромантия астрологияга, мантиққа ва фактларни таққослашы таянади. Пировардида кафтадаги барча белгилар, бу – огохлантириш, холос.

## **“ФЕЪЛ-АТВОР ВА ЁЗУВ”**

**Бичими 84X108 1/32, 144 бет.**

**Юмшоқ муқода.**

Китоб ёрдамида ўзингизнинг, дўстларингизнинг, ҳамкорларингизнинг ёзувини таҳлил қилишингиз мумкин. Бу таҳлил жуда фойдали эканлигини унугманг. Чунки улар инсоннинг яширин ва ошкор, сиз учун жуда муҳим бўлган феъл-атворидан «сўзлайди».

## **“БУРЖЛАР ВА ПУЛЛАР”**

**Бичими 60X84 1/16, 196 бет.**

**Юмшоқ муқода.**

Нима сабабдан айнан бир хил шароитдаги тадбиркорларнинг бири гуллаб-яшнаса, бошқаси бор-будидан жудо бўлади? Нима учун хатарли ҳолатларда қандайдир ўрта даражадаги кишига омад кулиб бोқади? Бой бериладиган ҳолатларда бирор зафар қучади-ю, ютуқли вазијатларда иккинчи одам муваффақиятсизликка учрайди? Бизнинг бурж белгимиз ва орзумиздаги шахсий иш доирасида танлаган фаолият йўналишимиз бир-бирига бевосита боғлиқмикан? Китобда ана шу саволларга жавоб топасиз. Шунингдек, турили ирим-сиримлар, феъл-атвор ва ҳамён, миллионерлар хислати, оиласиий бюджет, буржлар бўйича караб танлаш ҳақида билиб оласиз.

## **“БУРЖ, ТАҚДИР ВА ФЕЪЛ-АТВОР ”**

**Бичими 60X84 1/16, 128 бет.**

**Юмшоқ муқода.**

Ушбу китобда феъл-атвор, юриш-туриш, бошқа бурж вакиллари билан муносабат, туш кўриш, мижоз – темперамент, шакл-шамойил борасидаги талайгина маълумотларга эга бўласиз.